

Саййид Раҳматуллоҳ Термизий



МҶҶМИН КИШИ
МУКАРРАМ ЗОТ

МЕҲРОБ-3



—★—
Саййид Раҳматуллоҳ Термизий



МЎМИН КИШИ МУКАРРАМ ЗОТ

3 - КИТОБ


HILOL
NASHR
ТОШКЕНТ
2018

УЎК 297.1
КБК 86.38
С-23

«Hilol-nashr» нашриёт-матбаасига 2011 йилда
фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
ҳазратлари томонидан асос солинган.

Ушбу китобда мўмин киши ўзида жамлаши керак бўлган гузал ахлоқлар ҳақида сўз юритилади. Дарҳақиқат, бу ахлоқларга эга бўлган киши мукаррам зот ҳисобланади. Муаллиф ушбу мақсад ҳосил бўлиши учун китобнинг тилини осон қилиб, зарурий такрорлар билан келтириб ўтган. Китоб кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмитанинг 2017 йилдаги 6292-рақамли ҳулосаси асосида тайёрланди.

С-23 Сайфуддинов, Раҳматуллоҳ.
Мўмин киши – мукаррам зот [Матн] / Р. Сайфуддинов.
– Т.: «Hilol-Nashr», 2018. – 328 б.

УЎК 297.1
КБК 86.38

ISBN 978-9943-5111-4-9

© Раҳматуллоҳ Сайфуддинов
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2018.





МУҚАДДИМА

«Батаҳқиқ, Биз Бану Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик» деб марҳамат қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. «Қиёмат куни мўминнинг мезонида хусни хулқдан оғирроқ нарса бўлмайди» деб марҳамат қилган Муҳаммад Мустафога мукаммал салавоту саломлар бўлсин.

Мўмин киши «Аллоҳ таоло яккаю ягона ва Ундан бошқа илоҳ йўқ», дея иймон келтирган кишидир. Бирок иймон мукаммал бўлиши учун шунинг ўзигина кифоя қилмайди. Мўмин кишида иймон сифатидан ташқари гўзал хулқ, яхши одоб, чиройли тарбия ва мукаммал илм ҳам бўлиши керак. Кўпчилик мўмин-мусулмон биродарларимиз ана шу жиҳатларни эътибордан четда қолдирадилар. Шуни унутмаслигимиз керакки, агар чинакам мўмин бўла олсак, фаришталарнинг мақомидан ҳам юксак мақомга кўтариламиз. Аммо бу мақомга эришиш осон эмас. Сизу биз ожиз бандаларни яратган Аллоҳ таолонинг Ўзи шундай мақомга, улуғ даражага лойиқ ва муносиб кўрган экан, унга эришиш учун ҳар биримиз имкон қадар амал ва ҳаракат қилмоғимиз лозим. Тўғри, бундай мақом соҳиби бўлиш учун кишидан риёзат, ибодат, машаққат, сабр-қаноат ва такво талаб этилади. Кимда бун-

дай хислатлар мавжуд бўлса ва чин дилдан, ихлос билан ҳаракат қилса, у шундай мақом соҳибига айланади.

Афсуски, атрофимизда ўзини мўмин-мусулмон ҳисоблаб, шаҳодат калимасини бурро-бурро такрорлаб юрадиган, аммо бу калиманинг моҳиятини тушунмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Иймонни даъво қилувчи мана шу каби кишилар кўпчиликда мўмин-мусулмонларга нисбатан нохуш таассурот уйғонишига сабаб бўлишади. Баъзи кишилар борки, мўмин кишини кўрганда бурнини жиёриб, иложи борича уни ёмонотлиқ қилиш пайида бўлишади. «Мўмин» киши билан олди-берди, савдо-сотик борасида муомалада бўлган, унга алданиб қолган баъзи кишилар эса рўй-рост танқидга ўтишади: «Ҳа, биламиз, мени яқинда чув тушириб кетди. Ўзи туппа-тузук одамга ўхшайди, намоз ўқийди, масжидга қатнайди. Бир-икки марта кўришиб юриб, яқин бўлиб қолдик. Мендан фалон нарсани сўраган эди, ишониб бериб ўтирибман. Ҳозиргача қорасини кўрсатмай юрибди», дея маломат қила бошлашади. Тўғри, ҳаётда шундайлар ҳам учраб туради. Беш бармоқ баробар бўлмаганидек, мўмин-мусулмонман, деб юрганларни ҳам бир хил деб бўлмайди. Бизнинг динимизда инсоннинг зоҳирига қараб ҳукм чиқарилади. Аммо қалбида нима борлигини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди. Мазкур китобимизда айнан мўмин киши, унинг мартаба-мақоми нақадар улуғлиги тўғрисида сўз боради. Аллоҳ таоло мўмин кишиларнинг ўзига хос сифатларини бирма-бир келтириб, шундай дейди:

قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَاشِعُونَ
 وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ اللَّغْوِ مُعْرِضُونَ ﴿٢﴾ وَالَّذِينَ هُمْ

لِلزَّكَاةِ فَاعْلَمُونَ ﴿٤﴾ وَالَّذِينَ هُمْ لِأُزْوَجِهِمْ يَحْفَظُونَ ﴿٥﴾
 إِلَّا عَلَىٰ أَزْوَاجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ
 ﴿٦﴾ فَمَنْ ابْتَغَىٰ وَرَاءَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْعَادُونَ ﴿٧﴾ وَالَّذِينَ
 هُمْ لِأَمْتِنَتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ ﴿٨﴾ وَالَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَوَاتِهِمْ
 يُحَافِظُونَ ﴿٩﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْوَارِثُونَ ﴿١٠﴾ الَّذِينَ يَرِثُونَ
 الْفِرْدَوْسَ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿١١﴾

«Мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида ўзларини камтар тутувчидирлар. Улар беҳуда (сўз ва ишлар)дан юз ўгирувчидирлар. Улар закотни адо этувчидирлар. Улар авратларини (ҳаромдан) сақловчидирлар. Илло, ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилар (чўрилар) бундан мустаснодир. Бас, албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар. Бас, кимки шундан ўзгани (ҳаром қилинган нарсаларни) истаса, ана ўшалар ҳаддан ошувчидирлар. Улар (мўминлар) (одамларнинг берган) омонатларига ва (ўзаро боғлаган) аҳд-паймонларига риоя этувчидирлар. Улар намозларини асрагувчи (вақтида адо этувчи)дирлар. Айнан ўшалар меросхўрдирлар – Фирдавс (жаннати) га ворис бўлишиб, улар у ерда (жаннатда) мангу қолувчидирлар» (*Муъминун сураси, 1–11-оятлар*).

Аллоҳ таоло мўмин кишиларнинг таърифини келтириб, уларнинг қандай гўзал хислат ва сифатлар соҳиби бўлиши тўғрисида хабар бермоқда. Мазкур ояти каримада қайд этилган мўминлик сифатларини тўлик ва батафсил ўзида намоён этган кишилар орамизда қанча топилиши ҳақида фикрлаб кўрайлик. Айни пайтда ҳар биримиз

ўзимиз ҳақимизда фикрлаб, бизда бу сифатларнинг қай бири қай даражада топилиши мумкинлигини ўйлаб кўрайлик. Бандалик амаллари ва вазифаларини мукаммал тарзда бажарган кишига улуғ мақом – фаришталар мақомига етиши ва унга эришиши ваъда қилинган.

Афсуски, бу дунёда нафсига, шайтоннинг нағмаларига алданган инсон тўғри йўлдан адашиб, қинғир йўлни танлайди. Шайтон ўзининг етовига тушган инсонни «Ҳали ёш бўлсанг, сен кабилар давру даврон суриб, ҳаётда роҳатланиб яшаяпти, ҳали ёшсан, қаригунингча ҳаммасига улгурасан», деб йўлдан уради. Аллоҳ таолонинг розилигини қозониш учун тўғри йўлда юриб бораётган мусулмонни чалғитиб, адаштириб юборади. Шунинг учун ҳам мўмин-мусулмон киши нафс ва шайтонни ўзининг энг катта душмани деб билиши, мабодо душман даражасида кўра олмаса ҳам, у иккисининг ҳамма талаб ва истагини бажаравермаслиги лозим. Шундай қила олсагина, инсон мўмин-мусулмонликнинг улуғ ва олий мартабасига кўтарила олади. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تَلَيَّتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ، زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾
 الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿٣﴾
 أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٤﴾

«Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганида – дилларида кўрқув бўладиган, оятлари уларга тиловат

қилинганида – имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина (барча ишларида) таваккул қиладиган, намозни баркамол ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа ва) эҳсон қиладиган кишилардир. Айнан ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Улар учун Парвардигорлари ҳузурида даражалар, мағфират ва фаровон ризқ бордир» (Анфол сураси, 2-4-оятлар).

Мазкур ояти каримадан кўриниб турибдики, ҳақиқий мўмин-мусулмонга Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло улуғ даража, мағфират ва фаровон ризқ беришини ваъда қилмоқда. Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақ ва муқаррардир. У Зот ҳеч қачон ўз ваъдасига хилоф йўл тутмайди. Ҳаёт бир зумлик шамолга ўхшайди. Қимматли ва бебаҳо умрни асл мақсад йўлида сарфламаслик афсус-надоматни келтириб чиқаради. Айниқса, бугунги кунда асл мақсаддан чалғитадиган сабаб ва ташвишлар талайгина. Шунинг учун бу дунёни роҳат билан ўтказиб, охиратда ҳам бахт-саодат қозонишни истаган киши аввало мўмин-мусулмонлик улуғ ва юксак мартаба эканини ўйлаб кўриши керак.

Азиз мўмин-мусулмон биродарлар, Аллоҳ таоло барчамизни ҳар бир кунимиз, соатимиз, дақиқамиз ғанимат эканини ёдда тутган ҳолда мўмин-мусулмонлик мартабасига лойиқ амалларни адо этишга ва унга лойиқ бўлмаган амаллардан четланишга мушарраф айласин.

Муаллиф

УЛУҒ ХУЛҚЛАР СОҲИБИ

Қуръони Карим инсоният тарихида ўтган улуғ пайғамбарлар, уларнинг ҳаётлари давомида амалга оширган ишлари, хулқлари ва фазилатлари ҳақида хабар беради. Айниқса, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёт йўллари, феъл-атворлари ва хислатлари мўмин-мусулмонлар учун катта ибрат мактабидир. Қолаверса, бу зот тарихда ўтган пайғамбарлар ичида энг улуғи ва афзали бўлиб, бошқа пайғамбарлардан ўзига хос фазилат ва хислатлари билан ажралиб турадилар.

Шуни яхши билишимиз керакки, у зотнинг дунёга келишларининг ўзи оламларга раҳматдир. Бу жуда улуғ мақом. Пайғамбаримиз танланган ва улуғ инсон бўлганларини Аллоҳ таоло Қуръони Каримда баён этади. Аллоҳ таолонинг мақтовида шак-шубҳа ва муболага бўлмайди.

سُئِلَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنْ خُلُقِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَتْ:
كَانَ خُلُقَهُ الْقُرْآنَ، أَمَا تَقْرَأُ الْقُرْآنَ قَوْلَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ: ﴿وَإِنَّكَ
لَعَلَى خُلُقٍ عَظِيمٍ﴾. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

Имом Аҳмад, Имом Муслим, Абу Довуд ва Насоийлар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари ҳақида сўралганда Оиша онамиз: «У зотнинг хулқлари Қуръон эди, «Сиз олий хулқ устидадирсиз» (Қалам сураси, 4-оят) оятини ўқимайсанми?» деган эканлар. Қиёматгача абадий қолувчи илоҳий китоб – Қуръони Каримда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқларини улуғлаб, олий ва юксак дея баҳоланишининг ўзи Оиша онамиз-

нинг сўзлари ҳақ эканини тасдиқлайди. Ҳа, у зотнинг хулқлари Қуръон бўлганига шубҳа қилмаймиз. Ибн Касир ўзининг «Тафсир»ида мазкур оятни шарҳлаб: «Қуръон нимани буюрса, у зот шуни адо этар, нимадан қайтарса, ундан ўзини тортар эдилар», дейди. Юксак ва комил хулқ эгаси бўлишда бирор зот Пайғамбаримиз алайҳиссаломга тенглаша олмайди.

Динимизда гўзал хулқ иймон билан тенглаштирилади. Чунки иймонли кишининг хулқи ҳам гўзал бўлиб, ёмон хулқларни тарк этади. Бир киши Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг олд тарафларидан келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, дин нима?» деб сўради. У зот: «Ҳусни хулқ», деб жавоб бердилар. Шунда ҳалиги киши Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ўнг тарафларидан келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, дин нима?» деб сўради. У зот: «Ҳусни хулқ», дедилар. Кейин чап тарафларидан келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, дин нима?» деб сўради. У зот: «Ҳусни хулқ», дедилар. Шунда бояги киши орқа тарафларидан келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, дин нима?» деб сўради. У зот унга қараб, «Тушунмадингми?! У ғазаб қилмаслигинг», дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз сиймоларида ана шу гўзал хулқларни энг олий даражада намоён этдилар.

У зотнинг шахсият ва ҳаётларини ўрناق ва ибрат олиш маъносида мўъжазгина хушбўй атирга ўхшатиш мумкин. Балки ундан афзал ва ортиқ бўлса борки, ундан асло кам эмас. Ўзида гўзал ва олий хулқларни мужассам этган шахсни оддий киши дейиш мумкинми? Аллоҳ таолонинг мақтови шунчаки айтилган мақтов ёки баҳо эмас, Қуръони Каримда бу мақтов шунчаки қайд этиб қўйилган эмас, балки бутун уммат ва инсоният у зотнинг сўзларига амал қилиб, охиратда бахт-иқбол то-

пиши учун таъкидлаб келтирилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга улуғ ва олий хулқлар ато этилар экан, бундан у зотнинг бутун инсониятга таълим-тарбия беришлари кўзда тутилган. Бир ояти каримада:

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا
 اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا

«(Эй имон келтирганлар!) Сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбаридида гўзал намуна бордир», дейилган (*Аҳзоб сураси, 21-оят*).

Инсон зотига ато этилган гўзал хислат ва фазилатлардан қай бири у зотда мавжуд эмас деб ўйлайсиз? У зотда гўзал хислат ва фазилатлар мукамал ва бекаму кўст мавжудлигининг ўзи ақлни лол кодиради. Бир мулоҳаза қилиб кўринг: ҳалимлик ва кечиримлик, ҳаё, меҳр-шафқат, аҳду вафо, камтарлик, шижоат, хайр-саховат, Аллоҳдан кўркиш ва такво, дунёдан зухд қилиш, Роббининг ваъдасига шак-шубҳасиз ишониш, сабр-тоқат, истиғфор ва тавба, Аллоҳнинг зикри ва бошқалар у зотда қай даражада намоён бўлган ва бошқа бандаларнинг бу нарсаларга тоқати етадими? Бу каби хислат ва фазилатлар у зотнинг ҳаётларини тўлиқ қамраб олгани ҳар бир мўмин-мусулмонга бир умрга татиғулик намуна ва гўзал ибратдир. Ҳозирга қадар йирик аллома ва уламолар томонидан бу хусусда жилд-жилд китоблар ёзилган, лекин ҳеч бирлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари, сийратлари, фаолиятларини охиригача тадқиқ этишни урдалай олганлари йўқ.

Шуни унутмаслик керакки, Пайғамбар алайҳиссалом тана тузилиши ва хилқат жиҳатидан сизу бизларга ўхшасалар-да, хулқ, улуғлик ва фазл жиҳатидан бутун инсоният ичида энг юксак мақомни эгаллаган, ҳар бир ишда ва амалда сизу бизларга юксак намуна ва ибрат бўладиган шахс эдилар. У зот таомланиш, юриш-туриш, муомала, ибодат ва бошқа барча инсоний хулқ ва одобларда бизларга катта таълим мактабини қолдирдилар. Пайғамбар бўлишларидан олдин ҳам одамлар ишончини қозонган, гўзал хулқли инсон бўлганлари учун у зотни Амин – Ишончли деб аташган. Ислом дини келишидан олдин, жоҳилият даврида мушриклар бирон масала устида тортишиб қолишса, ўзларига Пайғамбар алайҳиссаломни ҳакам қилиб сайлашган.

رَوَى التِّرْمِذِيُّ عَنْ عَلِيٍّ: أَنَّ أَبَا جَهْلٍ قَالَ لِلنَّبِيِّ ﷺ: إِنَّا لَا نَكْذِبُكَ، وَلَكِنْ نَكْذِبُ بِمَا جِئْتَ بِهِ.

Имом Термизий Али розияллоху анҳудан келтирган ривоятда Абу Жаҳл Набий соллаллоху алайҳи васалламга: «Биз сени ёлғончига чиқармаймиз, биз сен келтирган нарсани (яъни динни) ёлғонга чиқарамиз», деган.

У зот Исломдан олдин, жоҳилият даврида ҳам гўзал ва беназир хулқлари билан мушриклар ишончини қозонганларига Абу Жаҳлнинг сўзи кифоя қилса керак.

Абу Суфён Румга элчи бўлиб борганида у ернинг подшоси Хирақл: «Пайғамбар бўлишидан олдин уни ёлғончиликда айблар эдингизми?» деб сўради. Абу Суфён: «Йўқ, асло. Пайғамбар бўлишидан олдин ҳам уни ёлғончига чиқармаганмиз», деди ҳақиқатни яширмай.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай юксак шараф ва мақомга муносиб кўрилганларини янада аниқроқ тасаввур этиш учун у зотнинг ҳаёт йўлларини бир кўз олдимизга келтирайлик. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни турли мусибат ва азиятлар билан имтиҳон қилди. Бу каби синовлар бошқа бир банданинг бошига тушса, уларни кўтара олмас эди. Буларни у зотга бегоналар эмас, ўзлари яшаб турган жойдаги яқин қариндошлари ва қавмлари раво кўрганига нима дейсиз?! Набий алайҳиссалом етим ҳолда туғилдилар, отасиз ўсиб, вояга етдилар, бошқа бахтли болалар каби ота меҳрини кўрмадилар. Аслида шунинг ўзи ҳар қандай фарзанд учун катта азият ва хўрлик эмасми? Олти ёшларида оналаридан айрилдилар. Бу ҳам фарзанд учун катта мусибат ва озор эмасми? Бошқа болаларни онаси эркалаб, бағрига босса-ю, у зотни бағрига босадиган, юз-кўзларидан ўпиб-эркалайдиган онаси бўлмаса! У зот етимлар учун шараф ва таскин-тасалли бўлишлари учун ҳаётларини ана шундай қийинчилик-машаққатлар билан бошладилар. Ёшлик чоғларида у зот тирикчилик учун Макка аҳлининг кўйларини боқиб, шу хизматлари эвазига кун кечирдилар. Дастлаб у зот катта боболари Абдулмутталибнинг қарамоғида тарбияландилар. Боболарининг вафотидан сўнг серфарзанд ва камбағал амакилари Абу Толибнинг хонадонига кўчиб ўтдилар.

Чуқур тафаккур қилиб кўрилса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг болалик ва ёшлик даврлари инсоният учун катта ўрнатма ва намунадир. Бу муборак ҳаётдан ибрат олиб яшаган киши асло янглишмайди. Ҳаётда кўп гувоҳ бўламизки, ёш пайтида ота-онасидан етим қолиб, қийналиб ўсган бола вояга

етганидан кейин ота-онаси бағрида ўсган тенгдошларидан фарқ қилади. Бундай болалар тезда ўзини ўнглаб, ҳаётини изга тушириб олишади. Чунки ота-оналардан етим қолган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни қўллаб-қувватлаган Аллоҳ таоло уни ҳам албатта қўллайди. Фақат у тўғри йўлдан юриши, тўғри ҳаёт кечириши керак. Кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, Аллоҳни кўп зикр қилса, У Зот кўрсатган тўғри йўлда собитқадам бўлса, ана ўша одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намуна, ибрат олиш бахтига муяссар бўлади. Буни юқорида айтиб ўтилган ояти каримадан билиб олиш мумкин.

Ҳар бир мўмин-мусулмон Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириб, у зотга итоат қилиб, у зотни яхши кўриб ва у зотдан ўрнак олиб яшаши шарт. Буни тўлиқ ва мукамал адо этиш учун у зотнинг ҳаётлари, сийратлари, сифатлари ва суннатларини теран ва мукамал ўрганиш лозимдир.

Демак, у зотни яхши кўриш ҳам вожиб экан. Пайғамбарни яхши кўриш ва соғиниш бошқа кишиларни севиш ва соғинишдан фарқ қилади. Бу хусусда келтирилган ҳадиси шарифлар ва кўрсатмалар талайгина. Яхши кўриш луғатда ёмон кўришнинг зиддини англатади. Қалбнинг бир нарсага мойил бўлиб, унга боғланиб қолиши муҳаббат дейилади. Машхур муфассирлардан бири Қози Иёз раҳматуллоҳи алайҳнинг таърифига кўра, муҳаббат уч турли бўлиб, биринчиси лаззатларни, ташқи хилқатни, ширин овозни ва таомларни яхши кўриш билан боғлиқ ҳиссий ҳолатдир. Иккинчиси ақлий муҳаббат бўлиб, у солиҳ кишиларнинг яхши амаллари ва ишларини яхши кўришга ундайди. Ана шу йўл билан солиҳ кишиларнинг илми ва амалларини ўзлашти-

риб, ўзимиз ҳам яхши инсон бўлишга ҳаракат қиламиз. Муҳаббатнинг учинчи турига келсак, бировдан бир манфаат ва яхшилиқ етса, шуни деб у кишини яхши кўриб қоламиз ва бир умр яхшилигини унутмаймиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўриш эса мана шу уч турни ҳам ўзида камраб олади.

Биринчиси: у зотни ҳаётда кўриш насиб этмаган бўлса ҳам, уламолар ёзиб қолдирган сийрат китобларидан қандай улуг ва беназир инсон бўлганларини тасаввур қиламиз. Аллоҳ ва фаришталар ҳузурда у зотнинг даражалари нақадар улуглигини билгандан кейин у зотдан ўрнак ва намуна олиб яшашга аҳд қиламиз. Энг муҳими, у зотдан бизга етган суннати набавийя ва ҳадиси шарифлар эвазига у зотни яхши кўрамиз ва у зотга ҳар доим салавот айтамыз. Суннати набавийя ва ҳадиси шарифлар мағзини чақиб, моҳияти ва амрини яхши тушуниб, ўз ҳаётимизни шу асосга қуришга ўтамыз. Чунки у зотнинг ҳар бир сўзлари бизларга қимматбаҳо дурни эслатади. Оддий дур билан моддий ҳаётимиз гўзал ва фаровон бўлар. Аммо набавий суннат ва ҳадиси шарифлар дури туфайли ҳаётимизни бахтли ва баракали қилишдан ташқари, охираат ҳаётимиз учун заҳиралар ҳозирлаймиз.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бутун борликни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шарафлари учун яратганини бир ўйлаб кўрайлик. Буни Аллоҳ таолонинг Ўзи айтиб қўйган. Шунинг учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни Аллоҳ таолонинг Ўзи тарбия қилди, Ўзи одоб берди ва бошқалар у зотдан ўрнак ва ибрат олиб яшаши лозимлигини таъкидлади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони яхши кўриш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўриш билан узвий боғлиқлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ибн

Ражаб Ҳанбалий раҳимахуллоҳнинг сўзларига кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссаломни яхши кўришнинг фарз бўлиши у зот келтирган дин, шариат ва суннатни яхши кўриш билан белгиланади.

Иккинчиси: бу яхши кўриш фазл бўлиб, бу фазл у зотнинг ҳаётлари, ахлоқ-одоблари, муомалалари, ўзларини тутишлари, ҳалимликлари, сабрлари, саховатлари ва ҳоказоларни яхши кўришдан иборатдир. Демак, у зотни яхши кўриш фарз ва фазл деган икки турга ажратилади.

Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиб, у зотни бутун оламларга раҳмат қилиб юборганини хабар беради. Дарҳақиқат, у зотнинг бутун оламларга раҳмат эканликларига шак-шубҳа йўқ. Яъни у зотнинг ҳаётларидан ибрат олиб, суннатларига эргашиш орқалигина шу илоҳий раҳматга ноил бўлинади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бутун оламларга раҳмат қилиб юборилдилар, деган жумла жуда кенг маъноларни англатади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккада мушриклар орасида яшаганларининг ўзи у зотнинг раҳмат эканликларининг аломатларидан биридир. Чунки у зот қайси қавм орасида бўлсалар, Аллоҳ таоло шу қавмга бало-офатларини юбормас эди. Мушриклар озор ва азият беришларига қарамай, у зот туфайли омонда бўлиб, бошларига бало-офатлар ёғилмади. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

قُلْ إِنْ كَانَ ءَابَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ وَإِخْوَانُكُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ وَعَشِيرَتُكُمْ وَأَمْوَالٌ اقْتَرَفْتُمُوهَا وَتِجَارَةٌ تَخْشَوْنَ كَسَادَهَا وَمَسَاكِنُ تَرْضَوْنَهَا أَحَبَّ إِلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ

وَجِهَادٍ فِي سَبِيلِهِ، فَتَرَبَّصُوا حَتَّى يَأْتِيَكُمُ اللَّهُ بِأَمْرٍ، وَاللَّهُ لَا
يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ



«Айт (Эй Муҳаммад): «Агар оталарингиз, фарзандларингиз, ака-укаларингиз, хотинларингиз, қариндошларингиз, эришган мол-мулкларингиз, касодга учрашидан кўрккан тижоратларингиз ва ёқтирган масканларингиз, сизлар учун Аллоҳ ва Расулдан, Унинг (тоати) йўлида жидду жаҳд қилишдан суюклироқ бўлса, (унда) то Аллоҳ Ўз амри (азоби)ни келтиргунига қадар кутиб турингиз! Аллоҳ фосик қавмини ҳидоят қилмагай» (Тавба сураси, 24-оят).

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ушбу ояти кариманинг маъносига маънодош бўлган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ҳеч бирингиз унга отасию боласидан сеvimли бўлмагунимча мўмин бўла олмас**», дедилар. Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳадиси шариф матнида «лаа юъмину» – «мўмин бўла олмас», дея иймон нафий қилиниши билан «муҳаббатур росул» – Пайғамбарга муҳаббат бир-бирига боғлаб келтирилмоқда. Шунинг ўзи у зотни яхши кўриш вожиблигини ифодалайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўришимиз у зотни энг азиз ва яқин кишимиздан ҳам азизроқ ва яқинроқ тутиб, ҳатто ўз нафсимиздан ҳам ортиқроқ кўришимиз билан белгиланади. Чунки инсон нафси кўп ҳолларда уни ёмонликка етаклайди. Аллоҳ кўрсатмасин, нафс ҳакалак отса, фисқ-фужурни кўпайтирса, ўз соҳибини дўзах сари етаклайди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса инсонни доимо нажот йўлига йўллаб, унга

тўғри йўлни кўрсатадилар. У зотни яхши кўриш вожиблигига далил сифатида имом Бухорий келтирган ҳадиси шарифни мисол қилиб келтирамиз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ هِشَامٍ قَالَ: كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ ﷺ وَهُوَ آخِذٌ بِيَدِ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ، فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، لَأَنْتَ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ إِلَّا مِنْ نَفْسِي، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «لَا وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ حَتَّى أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْكَ مِنْ نَفْسِكَ». فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: فَإِنَّهُ الْآنَ وَاللَّهِ لَأَنْتَ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ نَفْسِي، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «الآنَ يَا عُمَرُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Ҳишом розияллоҳу анҳу айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик. У зот Умар ибн Хаттобнинг қўлини тутиб турган эдилар. Умар у зотга: «Эй Аллоҳнинг Расули, сиз мен учун ўзимдан бошқа ҳамма нарсадан суюқлисиз», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, сен учун ўзингдан ҳам суюқли бўлмагунимча (иймонинг комил бўлмайди)», дедилар. Шунда Умар: «Энди шундай! Аллоҳга қасамки, сиз мен учун ўзимдан ҳам суюқлисиз», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Энди бўлди, эй Умар», дедилар» *(Бухорий ривоят қилган).*

Аслида ҳазрати Умар у зотни ўзидан ҳам ортиқ яхши кўрар эди, лекин у киши биринчи гапни инсоний табиат тақозосига кўра айтди. Ҳазрати Умар дунё ва охирада нажот топиш фақатгина Муҳаммад алайҳиссаломга боғлиқлигини билганидан кейин у зот ўзидан ҳам се-

Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM
INV № 169324-2020u

виклироқ эканини тан олди. Бу ҳадиси шариф кишиларни тафаккур ва мушоҳада юритишга ундайди. Тафаккур ва мушоҳада Аллоҳ ва Унинг Расули муҳаббатига ноил бўлишга олиб борадиган йўлларнинг энг улуғидир. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг жавоби ҳам тафаккур қилгандан кейингина тўғри бўлди.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا مِنْ شَيْءٍ أَثْقَلَ فِي مِيزَانِ الْمُؤْمِنِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ خُلُقٍ حَسَنٍ، وَإِنَّ اللَّهَ لَيُبْغِضُ الْفَاحِشَ الْبَدِيءَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни мўминнинг мезонида ҳусни хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва чиркин сўз айтувчини ёмон кўради»**, дедилар» *(Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган).*

Фаҳш ишни қилувчи икки хил бўлади. Бир тоифа очикчасига қилса, иккинчи тоифа махфий ҳолда бажаради. Фаҳш ишларни очикдан-очик қилувчи одам бандасидан ҳам, Эгасидан ҳам кўркмайди, устига-устак, бу ярамас иши билан ғурурланиб, мақтаниб юради. Иккинчи тоифа мусулмонман, деб даъво қилади, шунинг учун гўёки уялиб, қилган фаҳш ишларини кишилардан беркитади. Биринчи тоифа ҳар қандай ёмонликни қилишдан қайтмайди. Иккинчи тоифа одамлардан уялиб, гуноҳ ишларни яшириб қияпти, демак, унда бир яхшилик нишонаси мавжуд. Аллоҳ инсоф ва тавфиқ берса, у тезда тавба қилиб, ўз айбини тузатади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло биринчи тоифани, яъни фаҳш ишларни очик-ошкора қиладиганларни ёмон кўради.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «حُسْنُ الْخُلُقِ يُذِيبُ الْخَطَايَا كَمَا تُذِيبُ الشَّمْسُ الْجَلِيدَ». رَوَاهُ الْخَرَاءِطِيُّ فِي مَكَارِمِ الْأَخْلَاقِ.

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Қуёш музни эритганидек, албатта, ҳусни хулқ хато-ғуноҳларни кетказди**», дедилар» (*Хароитий «Мақоримул ахлоқ»-да ривоят қилган*).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سُئِلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ أَكْثَرِ مَا يُدْخِلُ النَّاسَ الْجَنَّةَ، فَقَالَ: «تَقْوَى اللَّهِ وَحُسْنُ الْخُلُقِ»، وَسُئِلَ عَنْ أَكْثَرِ مَا يُدْخِلُ النَّاسَ النَّارَ، فَقَالَ: «النَّمُّ وَالْفَرْجُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламдан одамларни кўпроқ жаннатга киритадиган нарса ҳақида сўрашди. У зот: «**Аллоҳга тақво қилиш ва ҳусни хулқ**», дедилар».

У зотдан яна одамларни кўпроқ дўзахга киритадиган нарса ҳақида сўрашди. У зот: «**Оғиз ва фарж**», дедилар» (*Термизий ривоят қилган*).

Халқимиз орасида «Тил – бесуяк» деган гап бежиз айтилмаган. Оғзига келган гапни қайтармай гапирариш мусулмон кишига ярашмайдиган, динимизда қораланган ишлардандир. Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади, деганларидек, тил билан ҳам иймон келтириш мумкин, ҳам куфр ва ширк келтириш мумкин. Ҳар иккиси ҳам битта тил орқали талаффуз этилади. Ана шу бесуяк тил ва фарж ўз эгасини дўзахга киритиши мумкин экан.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг гўзал хулқлари ва фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, оз. Биргина кибр ва камтарликни олиб кўрайлик. Кибр билан ҳеч ким нажотга эришмаган. Агар у нажотга етказиши мумкин бўлса, иблис нажотга эришган бўларди. Кибр ҳеч қачон ҳеч кимга обрў келтирмаган, саодатга эриштирмаган. Агар обрў ва саодат келтирганида, Қорун энг саодатли, энг обрўли инсонлар қаторида тилга олинган бўларди. Пайғамбар алайҳиссалом одамлар орасида кибрдан энг узоғи эдилар. У зот ўзларини худди подшоҳни ўриндан туриб, хушомад қилиб кутиб олгандек кутиб олишларини ёқтирмас ва умматларини ҳам бундан қайтарар эдилар. У зот мискинлар ҳолидан хабар олар, кўпроқ фақир ва камбағаллар билан ўтиришни ёқтирар, агар бирор қул чақириб келса ҳам, унинг сўзини ерда қолдирмас эдилар. Буларнинг барчаси у зотнинг қанчалик камтар бўлганларини кўрсатади.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кийимларини ўзлари тикар, кавушларини ўзлари ямар ва сизлар ўз уйингизда нима қилсангиз, у зот ҳам шуни қилардилар».

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Оиша розияллоҳу анҳога: «Расулulloҳ уйларида бўлган вақтда нима қилардилар?» дейишди. Оиша розияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ ҳам одамлардан бири эдилар. Кийимларини ўзлари тозалаб, қўйларни соғардилар», дедилар».

Қариндош-уруғлар билан борди-келди қилишни қанда қилмас, одамлар ичида энг раҳм-шафқатлиси ва мулойими эдилар. Рисоладагидек яшаш, ахлоқ-одоб ва хулқ борасида барчага намуна эдилар, ёмон хулқлардан йироқ эдилар. Фаҳш ишларни қилмас ва бунга рози ҳам бўлмас эдилар. Лаънат айтувчи эмас эдилар. Бозорларда

бақириб юрмас, ёмонликка асло ёмонлик билан жавоб қайтармас, балки одамларни кечириб, рози қилишга ҳарис эдилар. Кийиниш ва таомланиш борасида ходимлар, куллар ва чўрилардан ўзларини ажратмас эдилар. У зотга хизмат қилган одамга ўзлари хизмат қилар эдилар, бирон марта хизматкорларига «Уфф», демаганлар. Бирон ишни қилган одамга «Нима учун қилдинг?», қилмаган одамга «Нима учун қилмадинг?» демаганлар. Мискин, камбағалларни яхши кўрар, мабодо ажали етиб вафот этса, жанозаларида қатнашар эдилар. Камбағални камбағаллиги учун жеркиб, ҳақоратламас эдилар.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир сафарда саҳобаларга кўй сўйишни буюрдилар. Шунда бир киши: «Мен терисини шиламан», деди. Бошқа бири: «Мен (гўшти) пишираман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса: «**Мен ўтин йигиб келаман**», дедилар. Шунда саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳамма ишларни ўзимиз қиламиз», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ҳамма ишни ўзингиз қила олишингизни биламан. Лекин сизлардан ажралиб туришни ёмон кўраман. Аллоҳ таоло бандасининг «Бошқа дўстларимдан ажралиб тураман», деб ўйлашини ёқтирмайди**», дедилар».¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шундай зот бўлганлар. Энди ҳар биримиз у зотнинг тутган йўлларини, қилган ишларини ўз ҳаётимиз ва ишларимизга солиштириб, мулоҳаза қилиб кўрайлик-чи. У зотнинг суннатларига қанчалик амал қиляпмиз ёки амал қилишга қай даражада ҳаракат қиляпмиз?

¹ Ушбу маълумот Табарийнинг «Мухтасарус сийра» китобида зикр қилинган.

عَنْ عَائِشَةَ؛ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ لَهَا: «... وَحُسْنُ الْخُلُقِ وَحُسْنُ الْجَوَارِ يَعْمُرَانِ الدِّيَارَ وَيَزِيدَانِ فِي الْأَعْمَارِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам у кишига: «... Гўзал хулқ ва яхши қўшничилик юртларни обод, умрларни зиёда қилади», дедилар» (Аҳмад, Байҳақий «Шуъабул иймон»да ривоят қилишган).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ أَحَبَّكُمْ إِلَيَّ أَحْسَنُكُمْ أَخْلَاقًا الْمُوَطَّئُونَ أَكْنَافًا الَّذِينَ يَأْلِفُونَ وَيُؤْلَفُونَ...». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Сизларнинг менга энг маҳбубларингиз хулқи яхшиларингиз, кўнгли очикларингиз ва улфат тутиб, улфат тутиладиганларингиздир», дедилар» (Табароний ривоят қилган).

Ҳа, яхши хислат ва фазилатлар ичида гўзал хулққа тенг келадигани йўқ. Гўзал хулқ жамиятни ислоҳ этиб, кишиларни ўзаро дўст-биродар қилади. Буни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлари мисолида яққол кўриш мумкин. Биз мусулмонлар ёшларимизнинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ва халқимизнинг келажаги, равнақи борасида амалга оширадиган ҳар бир ишимизда Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларини ўзимиз учун андоза қилиб олишимиз лозим. Фарзанд таълим-тарбияси ва хулқ-одоби борасида бундан ўзга нажот ва йўл йўқ.

МУМИНЛИК МАҚОМИ

Аллоҳ таоло барча махлуқот ва жонзотлар ичидан инсонни танлаб олди ва мукаррам қилди, эъзозлаб, юксак мақомга кўтарди. Шу боис инсон коинот гултожи, дея улуғланади. Буни инсон зотига ато этилган улуғ неъмат дейиш мумкин. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз каломи шарифида шундай марҳамат қилади:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا



«Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик» (Исро сураси, 70-оят).

Мазкур ояти каримада инсон зотига берилган улуғ неъматлар ва афзалликлар таъкидланиб, унинг бошқа махлуқларга нисбатан азизу мукаррамлиги, афзал ва устунлиги маълум қилинмоқда.

Инсон зоти муносиб кўрилган бу мақом на фаришталарда, на жинларда ва на бошқа жонзотларда мавжуд. Аммо азиз ва мукаррам дея эъзозланган инсонлар ичида мўмин кишилар янада юксак мақомга кўтарилгандир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Мўмин киши Аллоҳ таоло наздида фаришталардан кўра мукаррам ва афзалдир», деган муборак ҳадислари бу сўзимизнинг тасдиғидир. Аллоҳ таоло яратган махлуқ-

лар ичида энг улуғи фаришталар эканига шак-шубҳа йўқ. Мўмин киши эса ана шу фаришталардан ҳам азиз ва мукаррам экан. Инсон зотини бундай мартабага бутун оламларни, борлиқни яратган Зотнинг Ўзи лозим ва лойиқ кўрганини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Фақат иймонли бўлган ва иймон тақозосига кўра амал қилган тақдирдагина инсон зоти ана шундай юксак мақомга кўтарила олади. Пайғамбаримиз сўзларига кўра, фақат мўминлик инсонни мана шу мақомга кўтаради. Лекин ҳаётда бундай мақомни эгаллаш кўлидан кела туриб, ўз шаъни ва қадр-қимматига номуносиб ишларни қилиб, инсонлик шаънига доғ тушираётганлар, ўзини хор қилиб, Аллоҳ таолонинг лаънатиغا дучор бўлаётганлар сон-саноксиз.

Яхшилаб ўйлаб, мулоҳаза юритиб кўрсак, бундай азиз ва мукаррамлик мақомига инсон зотининг лойиқ кўрилиши бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Маккада истиқомат қилаётган пайтларида у зотга Қуръон нозил бўла бошлади. Мана шу даврда нозил бўлган сураларда «Эй инсонлар!» деган илоҳий хитобни жуда кўп учратамиз. Чунки бу даврда кўпчилик инсонлар ҳали Аллоҳни танимас, бут-санамларга сиғиниш билан машғул эди. Қуръони Карим оятлари инсонларга аста-секинлик билан мўминлик мартабасини танита бошлади. Мўминлик мақоми нақадар улуғ ва юксак даража экани ҳақида хабар бериб, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْمَسِيحُ
ابْنُ مَرْيَمَ ۗ وَقَالَ الْمَسِيحُ يَبْنِي إِسْرَائِيلَ ۖ اعْبُدُوا اللَّهَ رَبِّي

وَرَبِّكُمْ إِنَّهُ، مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ
وَمَا أُوْنَهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ ﴿٧٢﴾

«Аллоҳ бу – Масих ибн Марям», – деганлар кофир бўлдилар. Масих уларга деди: «Эй Исроил авлоди! Раббим ва Раббингиз (бўлмиш) Аллоҳга ибодат қилингиз!» Кимки Аллоҳга ширк келтирса, албатта, унга Аллоҳ жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзахдир. Золимларга (эса) ёрдамчилар бўлмас» (Моида сураси, 72-оят).

Ислом дини келгунига қадар инсонлар орасида Масих ибн Марямни илоҳ дея эътиқод қилганлар кўп бўлган. Аллоҳ таоло мана шу нотўғри ақийдадаги инсониятни тўғри йўлга буриш мақсадида мазкур оятни нозил қилди. Бу билан инсониятни Аллоҳга ширк келтириш катта гуноҳ эканини ва ширк келтирганлар жаннатга кирмаслигини баён этди. Шу тариқа инсонлар Аллоҳга ширк келтиришдан узоқлашиб, иймон неъматига сазовор бўлдилар, ундан баҳраманд бўлиш йўлидан юра бошладилар. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ، وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ
وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا ﴿٤٨﴾

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи) ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳларни) Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди» (Нисо сураси, 48-оят).

Мазкур ояти каримада ширкнинг улкан гуноҳлиги ва Аллоҳ таоло уни асло кечирмаслиги маълум қилинмоқда. Иймон билан ширк бир-бирига зид нарсалардир. Ширкни тарк этган кишигина иймон неъматини тотади, Аллоҳ таоло наздида мўминлик мақомига кўтарилиб, азизу мукаррамликни қозонади.

Ҳасан розияллоҳу анхудан бир киши: «Сиз мўминми сиз?» деб сўраганида у зот: «Иймон икки хилдир. Агар Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, жаннат ва дўзахга, охират кунига, қайта тирилишга ва ҳисобга иймон келтириш ҳақида сўраётган бўлсанг, мен мўминман. Лекин Аллоҳ таолонинг **«Ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир»** деган ояти каримаси ҳақида сўраётган бўлсанг, Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, мен уларданманми, улардан эмасманми, билмайман», деди. Ҳасан розияллоҳу анху бу сўзлари орқали иймон келтириш билан ҳақиқий мўмин бўлиш орасида ҳам қанчалик фарқ борлигини тушунтириб бермоқда. Аллоҳ таоло хоҳлаганидек ҳақиқий мўмин бўлиш осон иш эмас. У Зотга иймон келтирган киши ҳақиқий мўмин бўлиши учун нафс, шайтон ва ҳаёт синовларидан ўтиши керак. Инсон охирги нафасига қадар иймон синовидан ўтади. Аллоҳ таоло ҳар бир бандасига иймон келтириши ва гуноҳларидан тавба қилиши учун имкон беради. Аклини ишлатган ҳолда бу имкониятдан фойдаланган киши охиратга ёруғ юз билан боради. Бу имкониятни бой берган киши эса охиратда Аллоҳ таолонинг ҳузурида юзи шувут бўлади.

Охирги нафасгача имкон берилиши инсон зотининг Аллоҳ таоло ҳузурида юксак мақомга эга эканини англатади. Яъни бу инсон зотига кўрсатилган эҳтиром нишонасидир.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ يَقْبَلُ تَوْبَةَ الْعَبْدِ مَا لَمْ يُغْرِغْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Модомики банда ғарғара холига бориб қолмаган бўлса, албатта, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади»**, дедилар» *(Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган).*

Инсон зотига бундан ортиқ эҳтиром борми? Аллоҳ таоло унга охирги нафаси, охирги ғарғарасига қадар иймон келтириши ва тавба қилишига имкон бериб турса! Бирон дўстимизнинг бизни маҳтал бўлиб кутиб тургани ҳақида эшитсак, юрагимиз ҳаприкиб, олдига борганда хижолат бўлиб, узр сўраймиз. Бутун оламни яратган Зот гуноҳкор инсонларнинг охирги нафасига қадар мўминлик мақомига кўтарилишини кутиб, илҳақ бўлиб туришини тасаввур қила оласизми? Инсон зоти фақат иймон туфайли азизлик ва мукаррамликни қўлга киритади. Агар иймони бўлмаса, инсон ҳақиқий инсонлик шарафига муносиб бўла олмайди. Аллоҳ таоло инсонни ана шу иймон сабабли хурмат-эҳтиром қилиб, шарафлайди.

Диний таълимотимизга кўра, Аллоҳ таоло Одам Атони яратганидан кейин фаришталарни унга сажда қилишга буюрди. Бу ибодат маъносида эмас, балки иззат-хурмат ва эҳтиром маъносида буюрилган сажда эди. Агар инсон азизу мукаррам деб билинмаганда, фаришталар бу ишга асло буюрилмас эди. Аллоҳ таоло инсонни яратган пайтидан бошлаб азиз ва мукаррам қилиб қўйганини куйидаги ояти карималардан ҳам билиб олсак бўлади:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً
 قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَنْ يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَاءَ وَنَحْنُ
 نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾

«Эсланг, (эй Муҳаммад!) Раббингиз фаришталарга: «Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман», – деганида, (улар) айтдилар: «Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишда) қонлар тўкадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамиз ва Сени муқаддас деб биламиз. (Аллоҳ) айтди: «Албатта, Мен сизлар билмаган нарсаларни билурман» (Бақара сураси, 30-оят).

Инсониятнинг яратилиш тарихи ана шундай бошланган. Бир томчи ҳақир сувдан яратилган инсон шу қадар юксак шараф ва эҳтиромга лойиқ кўрилди. Аллоҳ таоло фаришталарнинг билдирган эътирози тўғри эмаслигини амалда исботлаш учун улардан бир қанча нарсаларнинг номини айтиб беришини талаб қилди. Булар инсон зоти, ҳатто ақли расо ёш бола ҳам сўралса қийналмасдан, дона-дона қилиб жавоб берадиган оддий саволлар эди. Бироқ Аллоҳ таоло билдирмаса, тақдир қилмаган бўлса, ҳар қанақа оддий саволга ҳам жавоб бериш амримаҳол. Фаришталар ана шундай оддий саволларга жавоб бера олишмади. Шунда Аллоҳ таоло бу саволни Одам алайҳиссаломга йўллади. Қуйидаги оята қарима шунга далолат қилади:

قَالَ يَا آدَمُ أَنْبِئْهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ ۖ فَلَمَّا أَنْبَأَهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ قَالَ أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ إِنِّي أَعْلَمُ غَيْبَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَعْلَمُ مَا تُبْدُونَ

وَمَا كُنْتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٣٣﴾ وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ
فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَىٰ وَاسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ ﴿٣٤﴾

«(Аллоҳ) айтди: «Эй Одам, уларга (мазкур нарсаларни) номлари билан айтиб бер». Уларга номларини айтиб берганида, (У) деди: «Мен осмонлар ва Ер сирларини, сизлар ошкор қилаётган ва яшириб юрган нарсаларингизни билурман, демаганмидим?! Эсланг, (эй Муҳаммад!) Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилингиз!» деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, такаббурлик қилди ва кофирлардан бўлди» (Бақара сураси, 33-34-оятлар).

Аллоҳ таоло инсон зотига баъзи ишларни қилишга Ўз илмидан қодирлик ва иқтидорни ато этган. Инсон шундай салоҳият туфайли баъзи ишларда ғолиб бўлади ва албатта, шу хусусияти туфайли азизлик ва муқаррамликка эришади. Аллоҳ таолонинг тавфиқи ва инояти туфайли инсон бошқа махлуқларга қараганда қудратли бўлиб, азизу муқаррамлик мақомига лойиқ кўрилган. Инсондаги ақлий ва жисмоний куч-қувват бошқа махлуқларда мавжуд эмас. Биргина Аллоҳ таолонинг берган оддий саволига фаришталарнинг жавоб бера олмай қолишининг ўзи ҳам бу сўзимизни тасдиқлайди. Масалан, жисмоний жиҳатдан баъзи махлуқларга қиёсланса, инсон жуда заиф ва нимжон, лекин ақл-заковати билан улардан афзал ва устун туради. Аллоҳ таолонинг азизу муқаррам қилиб қўйгани сабабли инсон ўзидан бир неча баробар катта ҳайвонларни ўз измига юрғизади, бошқаради, куч-қувватидан фойдаланади, агар хоҳласа, ўзининг кучи, қуввати етмайдиган ишларни унга бажартиради. Шунинг учун инсонга ўрганган ҳайвонлар

нимага буюрса, дарҳол адо этади. Ҳатто туядек баҳайбат жонивор ёш боланинг етовига юриб, сўзига қулоқ тутади. Демак, Аллоҳ таоло берган саволларга жавоб бера олмаган фаришталарнинг бу саволларга жавоб бера олган ҳазрати Одамга қилган саждаларини эҳтиром ва улуғлик маъносида деб тушуниш керак. Нима учун Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳамма нарсанинг номи-ни одамзодга ўргатди? Шунинг ўзи ҳам илоҳий эҳтиромдан дарак бермайдими? Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تَلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾
 الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿٣﴾
 أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ
 وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٤﴾

«Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганида – дилларида кўркув бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганида – имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина (барча ишларида) таваккул қиладиган, намозни баркамол ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа ва) эҳсон қиладиган кишилардир. Айнан ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Улар учун Парвардигорлари ҳузурда даражалар, мағфират ва фаровон ризқ (бордир)» (Анфол сураси, 2–4-оятлар).

Мана шу оятларда зикр этилган сифатлар туфайли инсон зоти бошқа махлуқотдан афзал ва устун кўрилади. Қолаверса, инсоннинг бу ишларни ўз инон-ихтиёри билан бажариши ҳам афзаллик касб этади. Аллоҳ суб-

ҳанаҳу ва таоло Ўз руҳидан унга жон пуфлаб киргизди. Бошқа махлуқотларда бундай афзаллик йўқ. Ояти кариманинг сўнгида айтилганидек, Аллоҳ ҳузурида даражалар, мағфират ва карамли ризқ мавжудлигини инсон зоти учун мисли кўрилмаган илоҳий эҳтиром эканини асло унутмайлик ва шунга сазовор бўладиган бандалар каторида бўлишни Аллоҳдан сўрайлик!

Инсон дунёга келмасидан олдинги босқич – ҳомила даврига бир назар соладиган бўлсак, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло туғилажак болага онасининг қорнидалигидаёқ бир фариштани вакил қилиб юборади. Бу ишга масъул фаришта дунёга келажак гўдакнинг ризқини, умрини, бахтлилиги ёки бахтсизлигини битади. Буларнинг барчаси ҳали дунё юзини кўрмаган инсонга юксак эҳтиром эмасми? Фарзанднинг дунёга келиши бироз кечикиб қолса, ота-она ўзини кўярга жой тополмай, елиб-югуради, шифо чорасини истаб, табиб ҳузурига боради ёки табаррук зотлардан дуо сўрайди. Ҳали ота-она туғилажак фарзандининг на шаклу шамойилидан, на хилқатидан хабардор эмас. Шунинг ўзи ҳам инсон зотига юксак ҳурмат-эҳтиром эмасми? Ота-онанинг энди туғилган фарзанди учун куйиб-пишиши, бошида парвона бўлишининг ўзи бир парча этдан иборат гўдакка илоҳий марҳамат эмасми? Фарзанд дунёга келганида ота-она беҳад қувонади. Исломиё урф-одат, кўрсатмаларга биноан биринчи галда унинг қулоғига азон айттиради, чиройли исм танлайди ва сочини олиб, садақа улашади. Агар бирон жойи оғриб қолса, бошида парвона бўлиб, айланиб-ўргилади, ақли кира бошлаши билан таълим-тарбия, одоб беради, қўлидан келганича барча шароитларни муҳайё қилади. Буларнинг ҳаммаси фарзанднинг ота-она зиммасидаги ҳақлари деб қаралса ҳам, аслида ота-она қалбига солиб қўйилган илоҳий эҳтиромдир.

Шунингдек, азизу мукаррам бўлгани боис бу дунёдаги бутун борлиқ ва мавжудот инсонга хизмат қилади. Аллоҳ субҳанаху ва таоло инсоннинг моли, жони ва обрўшаънини бошқа инсонлар учун ҳаром қилиб қўйди, яъни қай бир инсон бошқасининг молига, жонига ва обрўшаънига тажовуз қилса, охиратда жазоланиши таъкидлади. Шариатимизда бир мўминнинг обрўсини тўкиш, изза қилиш ҳаром, дея ҳукм этилганининг ўзи ҳам инсон кадри ва ҳурмати қанчалар юксак эканини англатади. Биргина Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туя гўштини еганларни таҳорат қилишга буюрганлари ҳақидаги ҳадисни ёдга олайлик. Мазкур ҳадис бехосдан ноҳўя ишни қилиб қўйган кишини хижолатдан чиқариш учун айтилган эди. Аслида, туя гўштини тановул қилиш билан таҳорат кетмайди. Лекин бир мўмин кишининг қилган иши бошқаларга ошкор бўлса, хижолат чекиб, уялиб қолмаслиги учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммани таҳорат қилишга буюрдилар. Мазкур ҳадис инсон қадр-қимматини юксакка кўтариб, ҳурматини ўрнига қўйиш лозимлигига далолат қилади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом томонларидан бундай ҳадиси шарифлар кўплаб айтилган.

Инсон ҳаётининг ҳар бир палласида ўзига хос ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади. Ёш болани катталар эркалатиб, ҳурматини жойига қўйишади, унча-мунча эркалигини, хархашасини кўтаришади. Инсон улғайиб борган сари кўпроқ ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб бораверади. Ҳатто кексайиб, ишга яроқсиз бўлиб қолган тақдирда ҳам ҳурмат-эҳтиромдан маҳрум бўлиб қолмайди.

عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ

قَالَ: «لَا تَتَّبِعُوا الشَّيْبَ؛ فَإِنَّهُ نُورُ الْمُسْلِمِ، مَنْ شَابَ شَيْبَةً فِي
الْإِسْلَامِ كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِهَا حَسَنَةً، وَكَفَّرَ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةً، وَرَفَعَهُ بِهَا
دَرَجَةً». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Амр ибн Шуъайб отасидан, у бобосодан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай де-
дилар: «Оқ сочни юлманглар, чунки у мусулмоннинг
нуридир. Кимнинг Исломда битта сочи оқарган бўл-
са, унинг сабабидан Аллоҳ унга битта савоб битади,
ундан битта гуноҳни ўчиради ва унинг даражасини
бир поғона кўтаради» (Имом Аҳмад ривоят қилган).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло томонидан бир мўминнинг
умри узайтирилиши унга кўпроқ имконият ва имтиёз-
лар берилганини билдиради. Кексайиб, ўзига тегишли
ишларини уддалай олмай қолган кишига шариат буюр-
ган баъзи амалларда имтиёз ва енгилликлар берилган:
намозини тик туриб ўқий олмаса, ўтириб ўқишга, агар
рўзани тута олмаса, унинг ўрнига фидя беришга рухсат
берилган. Бу ҳам инсон зотига бўлган ҳурмат-эҳтиром-
нинг бир намунаси десак, хато бўлмайди.

عَنْ أَبِي بَكْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ قَتَلَ مُعَاهِدًا
فِي عَهْدِهِ لَمْ يَرِحْ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ، وَإِنَّ رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ خَمْسِ
مِائَةِ عَامٍ». رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ.

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир
муъоҳадни (мусулмонлар билан тинчлик битими туз-

ган одамни) ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳидламайди. Ҳолбуки, унинг ҳиди беш юз йиллик масофадан келиб туради», дедилар» (Ибн Ҳиббон ривоят қилган).

Ушбу ҳадис ҳам инсон зотининг ҳурмат-эҳтироми нақадар юксаклигини билдирмайдими?

Инсон умри тугаб, охирги нафасини олаётган вақтда ҳам ҳурмат-эҳтиромдан маҳрум бўлиб қолмайди. Қазо-си етиб, вафот этган кишини дастлаб жағини танғиб қўйилади, кўзи очилиб қолган бўлса, уни юмиб қўйилади. Мусулмон бўлмаган кишилар, ҳатто Аллоҳга ишонмайдиган даҳрий киши ҳам вафот этиб, кўзи очилиб қолган шеригининг кўзини юмиб қўяди. Нима учун шундай қилинишини бир ўйлаб кўрайлик. Жон жасадни тарк этганда инсоннинг юзи хунуклашиб, ундан нур кетар экан. Шунинг учун унинг кўзини юмиб қўйиш ҳам унга нисбатан ҳурмат ҳисобланар экан. Аллоҳ субҳана-ху ва таоло бандасини тириклигида Ўз неъматларидан маҳрум қилмасдан, ҳурматини ўрнига қўяр экан, ҳатто вафот этганидан кейин ҳам унинг ҳурматини ўрнига қўйишни бандаларидан талаб қилади. Шариатимизда майитни ювиш, баданини нопокликлардан тозалаш, ғусл қилдириб, оппоқ кафанга ўраб, жанозасини ўқиш ва тобутни елкада кўтариб бориш буюрилган. Ҳақиқатан ўйлаб кўрадиган бўлсак, бу дунёда азизу мукаррам бўлиб яшаган инсон қабрга қўйилаётганда ҳам бундай эъзоздан маҳрум қилинмайди.

Исломда бир киши вафот этса-ю, одамлар уни мақтаса, у жаннатий бўлади, бир одам вафот этса-ю, уни ёмонлашса, у дўзахий бўлади, деган хулосага келиш тўғри эмаслиги таъкидланади. Фаришталар Мункар ва Накирнинг вафот этган киши жаннатий ёки дўзахий эканини аниқлаб бериш учун лаҳадга тушишлари, қабр-

нинг жаннат боғчасига айланиши мўмин киши учун эҳтиромдир. Яна тарозида амалларнинг тортилиши, сирот кўпригидан осонгина ўтиш, номаи аъмолнинг ўнг томондан берилиши, шафоат, ҳафзи Кавсар – буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг мўмин кишига ато этилажак раҳмат ва мағфиратидир. Кейин эса жаннат ва Аллоҳнинг каломини эшитиш, Унинг жамолини кўриш охирада кўрсатиладиган энг улуғ эҳтиромдир. Буларнинг барчаси турли манбаларда батафсил баён этиб қўйилган.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсонни эҳтиром қилиб, ҳатто энг ғариб ҳолатида ҳам уни ёлғиз ташлаб қўймайди. Энг ғариб ҳолат ўлимга юзма-юз келиш вақтидир. Жон бериш вақтида кишининг ҳузурига ўлим фариштаси келиб, уларнинг ўртасига ҳеч ким туша олмайди. Бизнинг тасаввуримизда ўлимга йўликқан киши тинчгина ётгандек, озгина инграб қўяётгандек туюлар. Аммо жон бериш осон эмас, ширин жондан воз кечиш ниҳоятда оғирдир. Шунинг учун ўлим фариштаси билан баҳс-тортишув ниҳоятда оғир кечишини асло унутмаслик керак. Мана шу вақтда инсон ўзини ғариб ва ёлғиз ҳис этади, на бола-чақа, на ота-она, на ака-ука ўртага туша олмайди. Улар жон бераётган киши ҳузурида ёрдам беришни истасалар ҳам, қўлларида ҳеч бир иш келмайди. Шу вақтда ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло маййитни эҳтиром қилиб, ўлим фариштасидан унинг ҳаққини олиб бериб туради.

عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْمُؤْمِنُ يَمُوتُ بَعْرَقِ الْجَبِينِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Мўмин пешона тери билан ўлади**», дедилар» *(Термизий, Насоий ва Аҳмад ривоят қилишган).*

Бу ҳадис машҳур ва қисқа бўлса ҳам, ниҳоятда кенг маънога эга. Бу ҳадисни шарҳлаган муҳаддислар: «Ўлим вақтида инсоннинг пешонаси терлаши учун иймон бўлиши шарт эмас», дейди. Иймондан йироқ кишининг пешонаси ҳам ўлим маҳалида билинар-билимас терлаш ҳолати рўй беради.

Умуман олганда, зўриқиш ҳолатида ҳар қанақа инсоннинг пешонаси терлайди, лекин бошқалардан фарқ қилган ҳолда мўмин киши пешонаси терлашининг яна бир сабаби унинг хижолатчилигидир. «Лаа илааҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-росулуллоҳ», деб айтган киши жаннатга киришига, қилган гуноҳлари сабабли дўзахда азоб тортса-да, лекин унда абадий қолмаслигига, охир-оқибат жаннатга киришига иймон келтирганмиз. Шунча қийинчилик ва азоб-уқубат тортса-да, лекин охирида жаннатда эришадиган роҳат-фароғати аччиқ азоблари ўрнини босиб, хижолат бўлишга мажбур этади. «Ахир жаннатга лойиқ эмасман-ку, шунча гуноҳим бор», деган хижолат туфайли пешонасидан тер чиқиб кетар экан. Эҳтимол, тириклигида пешонаси сажда кўрмагани учун хижолатдан терламас, эҳтимол, гуноҳларни тап тортмай қилаверганидан уялиб терламас. Лекин Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу банданинг оқибатини яхшилик билан тугатмоқда, унга охирги борар манзилини кўрсатиб, пешонасини терлатди. Бу эса мўмин киши учун катта эҳтиромдир. Бу дунё билан хайрлашаётган кишига бундан кўра каттарок эҳтиром ваъдаси бўлмаса керак.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ نَفْسَ الْمُؤْمِنِ تَخْرُجُ

رَشْحًا، وَلَا أَحَبُّ مَوْتًا كَمَوْتِ الْحِمَارِ». قِيلَ: وَمَا مَوْتُ الْحِمَارِ؟
 قَالَ: «مَوْتُ الْفَجَاءَةِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мўминнинг жони (тер) томчиси билан чиқади. Эшакнинг ўлимига ўхшаш ўлимни ёқтирмайман»**, дедилар.

«Эшакнинг ўлими нима?» дейилди.

«**Тўсатдан ўлиш**», дедилар» *(Термизий ривоят қилган)*.

Бу ҳадиси шарифдаги ҳайвон ўлимига ўхшатилаётган ўлим кофир, фосик ва фожир кимсаларнинг ўлими, деб таъвил қилинади. Мўмин кишининг тўсатдан ўлими эса бунга ўхшамайди.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنْ مَوْتِ
 الْفَجَاءَةِ، فَقَالَ: «رَاحَةٌ لِلْمُؤْمِنِ وَأَخْذَةٌ أَسْفٍ لِفَاجِرٍ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ алайҳиссаломдан тўсатдан ўлиш ҳақида сўрадим, у зот: **«Мўминнинг тўсатдан ўлими роҳат, фожирнинг тўсатдан ўлими қаҳр-ғазабдир»**, дедилар» *(Аҳмад ривоят қилган)*.

Мўмин кишига тўсатдан ўлим етгандан кўра бироз дард чекиб вафот этиши афзал бўлар экан. Чунки тўсатдан вафот этган мўминга қараганда дардга йўлиқиб, узоқ вақт касал бўлиб ётган ҳолда вафот этган мўмин кишининг фарқи бор. Лекин бу билан касаллик ва дардни орзу қилиш керак, деган фикрга бориб қолмаслигимиз, Аллоҳдан офият ва саломатликни сўрашда бардавом бўлишимиз керак. Аммо бирон дардга йўлиққан киши

ундан фориг бўлмас экан, мартабаси янада кўтарилади. Биринчиси, яъни тўсатдан вафот этган киши гуноҳига тавба қилолмай, ўлимга ҳозирлик кўрмай, васиятларини айтиб улгурмай, қарзи бўлса, уни адо эта олмай қолиши мумкин. Аммо ўлимга йўлиқиб, дард чекиб турган киши ўз зиммасидаги бу каби ишларни қилишга улгуради, зеро унга келган дард оддий дард эмас. Қарзни адо этишга улгуриш, ўлимга тайёргарлик, гуноҳларга тавба қилиб қолиш мумин киши учун охиратга боришдаги енгилликдир. Буни зоди роҳила (йўл озиғи) ҳам дейилади. Шунинг учун «Фалончи ҳаётида қилган ёмон ишлари учун охирида роса азоб чекди, ўлимидан олдин олти ой қийналиб, жон беролмай ётиб қолди», дейиш тўғри эмас. Баъзилар: «Эй Роббим, елдек келиб, селдек олиб кет», «Тўшакка ётқизиб, термилтириб қўймагин», деб дуо қилишади. Тўғри, инсон ўз манфаати учун Аллоҳдан кўп нарсаларни сўрашга ҳаққи бор, лекин аслида бирор дардга йўлиқиб, узоқ йиллар жон беролмай қийналиб ётган одам буни ўзига кўрсатилган ёмонлик деб, балки эҳтиром деб билиши лозим. Агар бу нарса ёмонлик бўлганида, бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган зот - Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳеч бир дард чекмасдан, осонгина Рафиқул аълога кўтарилган бўлар эдилар.

أَنَّ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا كَانَتْ تَقُولُ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ بَيْنَ يَدَيْهِ رَكْوَةٌ - أَوْ عُلبَةٌ فِيهَا مَاءٌ، يَشْكُ عُمَرُ - فَجَعَلَ يَدْخُلُ يَدَيْهِ فِي الْمَاءِ، فَيَمْسَحُ بِهَا وَجْهَهُ وَيَقُولُ: «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، إِنَّ لِلْمَوْتِ سَكْرَاتٍ». ثُمَّ نَصَبَ يَدَهُ فَجَعَلَ يَقُولُ: «فِي الرَّفِيقِ الْأَعْلَى». حَتَّى قُبِضَ وَمَالَتْ يَدُهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олди-ларида ичига сув солинган тери чўмич [Умар «ёки ёғоч чўмич» деб иккиланди] бор эди. У зот қўлларини сувга тикиб, юзларига суртар ва: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Албатта, ўлимнинг талвасаси бордир», дер эдилар. Сўнг қўлларини тик кўтариб, «Рафиқи аълога!» дея бошладилар. Ниҳоят, руҳлари қабз қилинди ва қўллари (ёнларига) тушди» *(Бухорий ривоят қилган).*

Ўлим аччиғи етмасдан, осон жон бериш афзал бўлганида, Пайғамбар алайҳиссаломнинг умрлари бу тариқа яқун топмасди. Балки Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у зотнинг муборак жонларини ухлатиб қўйиб, ўзларига билдирмасдан олган бўларди. Лекин ундай бўлмади, балки шу ишларда ҳам у зот умматларига ўрнак, ибрат қилиб кўрсатилдилар.

وَدَخَلَ شَبَابٌ مِنْ قُرَيْشٍ عَلَى عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا وَهِيَ بِنْتِي وَهُمْ يَضْحَكُونَ، فَقَالَتْ: مَا يَضْحَكُكُمْ؟ فَقَالُوا: فَلَانَ خَرَّ عَلَى طُنْبٍ فَسَطَّاطَ، فَكَادَتْ عُنُقُهُ أَوْ عَيْنُهُ أَنْ تَذْهَبَ، فَقَالَتْ: لَا تَضْحَكُوا، فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُشَاكُ شَوْكَةً فَمَا فَوْقَهَا إِلَّا كُتِبَتْ لَهُ بِهَا دَرَجَةٌ، وَحِيَّتَ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

«Оиша розияллоҳу анҳо Минода турганида унинг ҳузурига қурайшлик ёшлар кулиб кириб келишди. У: «Сизларни нима кулдирмоқда?» деди. «Фалончи чодирнинг ипига қоқилиб кетиб, бўйни (синишига) ёки кўзидан ажрашига сал қолди», дейишди.

У: «Кулманглар! Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг **«Қай бир мусулмонга тикан кирса ёки ундан ортиқ нарса (етса), албатта, унга унинг сабабидан бир даража ёзилур ва бир хатоси ўчирилур»**, деганларини эшитганман», деди» (*Муслим ривоят қилган*).

Оддий ва арзимас нарсадек кўринадиган баданга битта тиканнинг кириши мусибатдир, мўмин киши унга сабр-тоқат қилса, ажр-савоб олиб, даражаси кўтарилади. Ҳатто бир куни Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳужраларида чироқ ўчиб қолганида истиржоъ айтганлар.

عَنْ عُمَرََانَ الْقَصِيرِ قَالَ: طَفِيَ مِصْبَاحُ النَّبِيِّ ﷺ فَاسْتَرْجَعْتُ، قَالَتْ عَائِشَةُ: إِنَّ هَذَا مِصْبَاحٌ، قَالَ: «كُلُّ مَا سَاءَ الْمُؤْمِنَ فَهُوَ مُصِيبَةٌ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ فِي الْمَرَاسِيلِ.

Имрон Қосирдан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг чироқлари ўчиб қолди. Шунда у зот истиржоъ айтдилар. Оиша розияллоҳу анҳо: «Бу чироқ бўлса, (шунга ҳам истиржоъ айтасизми)?» деди. У зот: **«Мўминга етган ҳар бир кўнгилсизлик мусибатдир»**, дедилар» (*Абу Довуд «Маросил»да ривоят қилган*).

Демак, мўмин кишининг дард ёки мусибатга учраши, вафот этиши ҳам унга эҳтиромдир. Бу мавзуда яна кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Хулоса шуки, инсон зотини Аллоҳ ва Унинг фаришталари шу қадар эҳтиром қилганидан кейин, уни бошқа бандалар янада кўпроқ эҳтиром қилишлари лозимдир. Шариатда инсон ҳаққи-ҳурматига шу қадар риоя қилиниши буюрилган экан, нима учун биз бандалар ундан юз ўгиришимиз ке-

рак?! Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ва фаришталар бизни эҳтиром қилиб турса-ю, нима учун биз бандалар бир-биримизни эҳтиром қилишга лоқайд қараймиз?!

Жаноби Пайғамбар алайҳиссалом инсон ҳақ-ҳуқуқларига оид ҳадисларни зикр қилиб қўйган бўлсалар-у, нима учун биз ўзимизни-ўзимиз эҳтиром қила олмаяпмиз? Моддий таъминотимиз тўлиқ бўлиши, тўкин-сочинликда яшашимизнинг ўзи эҳтиром дегани эмас ёки ўзимизни хафа қилмасдан, шод-хуррам яшашимизнинг ўзи эҳтиром дегани эмас.

Энди воқеликка бир назар солайлик. Ошна-оғайнилари билан ичиб, уйига гандираклаб келаётган маст одамни шу эҳтиромга лойиқ иш қиляпти, деб бўладими? Агар кайфи тарқаганда унга: «Нега бундай юрибсан?» дейилса, ўзи ҳам бу қилиғидан хижолат чекиб, виждони қийналади. Ўғрилиқ қилаётган киши ўзининг инсоний эҳтиромга нолайиқлигини тан олади, қўлга тушиб қолса, хижолат чекиб, афсусланади. Бировнинг ҳақини еяётган кишининг ўзидан сўралса ҳам, бу ишини оқламайди. Порахўр олаётган порасини «Шу менинг ризким, бу мен учун ҳалол», деб айта олмайди ва инсоний шаънига бу иши тўғри келмаслигини жуда яхши билади. Лекин пора олишдан нафсини тиймайди. Бундай кишилар ўзларининг инсоний шаъни ва эҳтиромига лойиқ иш қиляпти, деб айта олмаймиз, балки улар ўзларини хорламоқдалар!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло фаришталарни ибодатга буюрди, уларда нафс йўқ. Ҳайвонларни яратди, уларда нафс бор, лекин ақл йўқ. Инсонда ақл ҳам, нафс ҳам, шаҳват ҳам, иймон ҳам бор. Инсон ақлини ишлатиб, нафсини жиловлай олса, у фаришталардан афзал мақомга кўтарилади, лекин нафсини жиловлай олмаса, шаҳватининг қулига айланса, ҳайвонлардан ҳам баттар тубан аҳволга тушади.

Шундай экан, ҳар бир инсон ўз мақом-мартабасини таниб, шунга лойиқ ва муносиб амал қилиш йўлини тутса, қимматли умрини беҳуда совурмаган бўлади. Ҳаёт жуда тез ўтиб кетяпти. Бугун кўриб, гаплашиб юрган танишимиз эртага бу дунёни тарк этипти. Жанозасида қатнашиб, ҳаққига хайрли дуолар қилиб, охиратга кузагиб қайтамиз. Яна ўз ишимиз ва ташвишларимизга кўмилиб яшайверамиз. Бу ҳаётимиз бизга берилган улуғ имконият эканини жуда кам эсга оламиз. Бу ҳаёт инсонга мўминлик мақомига кўтарилишида зинапоя вазифасини бажаришини ҳеч қачон эсдан чиқармасак, шунга лойиқ амал қилиб яшасак, улкан ютуқни қўлга киритган бўламиз.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барчамизни фаришталардан ҳам афзал мақомларга эришувчи бандалар қаторида қилган бўлсин. Зеро, бизга берилган умр, ҳаёт, сиҳат-саломатлик, иймон ва ақл мана шу мартабани эгаллашга қаратилгандир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан охира-тимизни гўзал қилишини сўраймиз.

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА МУНОФИҚЛИК

Жамиятимизнинг обод ва фаровон бўлишида жонбозлик кўрсатадиган кишилар ўртасида меҳр-оқибат бўлиши ўзаро самимият ва яқинликни вужудга келтиради. Диндан узоқ яшаган тузум даврида халқимиз қалбан ва руҳан бир-бирларидан узоқлашиб, меҳр-мухаббатдан жудо ҳолда ҳаёт кечирди. Бирок бу ҳис-туйғу мустақилликка эришиб, динимиз таълимотларини ўргана бошлаганимиздан кейин яна ўз изига туша бошлади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин арабларнинг мусулмон бўлмаган Ҳизол деган қабиласи билан сулҳ туздилар. У

зот алайҳиссалом билан Мадина атрофидаги ўтлоқларда молларини ўтлатишга келишиб олинганига карамай, қабила аҳли моллари семириб қолганидан кейин мусулмонларнинг туяларини ўғирлаб қочиб кетишди. Бу ишга қабила оқсоқоли Уяйна ибн Ҳисн деган киши бош-қош бўлди. Пайғамбар алайҳиссалом уни «обрули аҳмоқ» деб атаган бўлсалар-да, лекин бу гап унга ўхшаган бошқа одамларга ҳам тегишли эди. Оқсоқол ниҳоятда жохил ва тили ёмон киши бўлгани учун уни иззат-хурмат қилишар, кўриб қолганда унинг муомаласини жойига қўйишар эди. Пайғамбар алайҳиссалом Уяйна ибн Ҳисн ҳақида: «Одамлар ичида энг ёмони шундай одамки, бошқалар кўрққанидан уни ҳурмат қиладилар», деган эдилар. Муомала борасида айтилган ҳадисда шундай дейилган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «ثَلَاثٌ فِي الْمُنَافِقِ وَإِنْ صَلَّى وَإِنْ صَامَ وَزَعَمَ أَنَّهُ مُسْلِمٌ، إِذَا حَدَّثَ كَذَبًا، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا اتَّيَمَنَ خَانَ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар кимда учта хислат бўлса, у намоз ўқиса ҳам, рўза тутса ҳам, мусулмонман деса ҳам, мунофиқ бўлади: у гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, ваъдасида турмайди. Агар унга омонат қўйишса, унга хиёнат қилади», дедилар» (Аҳмад ривоят қилган).

Ёлғон гапириш, ваъдани бузиш ва омонатга хиёнат қилиш мунофиқликнинг аломатлари экани хусусида кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Мазкур ҳадисдан мунофиқларнинг сифатлари кимда бўлса, у ҳам мунофиқ хи-

собланиши, мободро улардан бири бўлса, мунофиқликнинг бир белгисига эга бўлиши, бу билан у ёмон хулқ эгасига айланишини билиб оламиз.

Барчамизга маълумки, мунофиқлик ярамас иллатлардан бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унинг белгиларини ёмон сифатлар қаторида зикр этишлари бежиз эмас. Араб тилида «нифок» сўзи ичи бўш, ташқариси ичидан бошқача, деган маънони англатади. Ер ости йўлини араблар «нафақ» дейишади. Шаръий истилоҳда сиртдан мусулмонликни даъво қилса-ю, аммо ичида тескари ҳолат бўлса, бундай одам мунофиқ дейилади. Мунофиқни бир қарашда ажратиб олиш қийин. Бундай нусхалар ичкарида юриб, Исломга ва мусулмонларга зарар етказмоқчи бўлишади. Бу ниятлари ва саъй-ҳаракатлари уларни кофирлардан ҳам шиддатлиқроқ азобга гирифтор этади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мунофиқларнинг асл қиёфасини мўминларга танитиш ва уларнинг сифатларидан огоҳ этиш учун Қуръони Каримда алоҳида бир сура нозил қилди. Бу жуда кўп ўринда мунофиқлар зикр қилинган сурадир. Суранинг нозил бўлишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган:

Пайғамбар алайҳиссалом ансор ва муҳожирлар билан бирга ҳижратдан кейинги ғазотлардан бири – Бану Мусталақ ғазотидан қайтаётган эдилар. Йўлда Жаҳжаҳ ва Синан деган бири мадиналик, бири маккалик икки саҳоба тортишиб қолиб, Жаҳжаҳ Синанни уриб, юзини қонатди. Шунда Синан ҳазражликларни, Жаҳжаҳ қурайшликларни ёрдамга чақирди. Натижада иккига бўлиниб қолган мусулмонлар ўртасида фитна чиқишига оз қолди. Муҳожирлар томонидан фитнанинг олди олинган бўлса ҳам, аммо мадиналик мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Салул билан ҳамтовоқлари қулай

вазиятдан фойдаланиб, бу кичик келишмовчиликни катта фитнага айлантиришга уринди. Лекин бир гуруҳ мухожирлар фитнанинг олдини олдилар. Бу хабар мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убайга етиб борди. Режаси амалга ошмай қолганига алам қилган бу пасткаш: «Сизлар анави курайшликларни ортиқча эркалатиб юбордингиз. Уларга уйларингизни бўшатиб бердингиз. Молу мулкингизни сарфладингиз. Улар куч тўплашди, сизлар эса заифлашдингиз. Ўзингизга ўзингиз қилдингиз. Бу эса эскиларнинг «Итингни семиртсанг, ўзингни қопади», деган гапига ўхшайди. Қасамки, сизлар ёрдам бермасангиз, анавининг (Пайғамбарнинг) атрофидагилар тарқаб кетишади. Мен Мадинага етиб борай. Ҳали азиз у ердан хорни чиқаради», деди.

Абдуллоҳ ибн Убай «азиз» деганда ўзини, «хор» деганда эса Набий алайҳиссаломни кўзда тутган.

Ўша ерда Зайд ибн Арқам исмли балоғатга етмаган йигитча ҳам турган эди. Набий алайҳиссаломга бориб, бўлиб ўтган гап-сўзларни айтди. Ул зот Абдуллоҳ ибн Убайни олиб келишни буюрдилар ва: «Шу гапларни сен айтдингми?» дедилар. У бўлса: «Сенга Қуръонни нозил қилган Зот билан қасамки, бу гаплардан биттасини ҳам айтганим йўқ, Зайд ёлғончи экан», деди. Ўша ерда ҳозир бўлган мусулмонлар: «Кичкина боланинг гапига ишонавериш керак эмас, балки адашгандир», дейишди. Расулуллоҳ уни кечирдилар. Ансорийлар Зайдни маломат қилишди, ёлғончига чиқаришди. Сўнгра Аллоҳ таоло Мунофиқун сурасини нозил қилиб, Зайднинг сўзини тасдиқлади ва Абдуллоҳ ибн Убайнинг ёлғонини фош қилди:

إِذَا جَاءَكَ الْمُنْفِقُونَ قَالُوا نَشْهَدُ إِنَّكَ لَرَسُولُ اللَّهِ وَاللَّهُ
 يَعْلَمُ إِنَّكَ لَرَسُولُهُ، وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّ الْمُنْفِقِينَ لَكَاذِبُونَ

أَتَّخِذُوا أَيْمَانَهُمْ جُنَّةً فَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّهُمْ سَاءَ مَا كَانُوا
 يَعْمَلُونَ ﴿٢﴾ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ ءَامَنُوا ثُمَّ كَفَرُوا فَطُبِعَ عَلَى قُلُوبِهِمْ فَهُمْ
 لَا يَفْقَهُونَ ﴿٣﴾

«(Эй Муҳаммад!) Мунофиқлар ҳузурингизга келиб, «Гувоҳлик берамизки, Сиз, албатта, Аллоҳнинг пайғамбаридирсиз», дерлар. Сиз Унинг пайғамбари эканингизни Аллоҳ албатта билур ва Аллоҳ мунофиқларнинг ҳақиқатан ёлғончи эканига ҳам гувоҳлик берур. Улар ўзларининг (ёлғон) қасамларини қалқон қилиб олиб, (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсдилар. Уларнинг қилиб юрган амаллари нақадар ёмондир! Бунга сабаб уларнинг (тилларида) имон келтириб, сўнгра (дилларида) кофир бўлганларидир. Бас, уларнинг диллари муҳрлаб қўйилди. Энди улар (ҳақиқатни) англай олмаслар» (Мунофиқун сураси, 1–3-оятлар).

Аллоҳ таолонинг Ўзи гувоҳлик бергани сабабли Пайғамбар алайҳиссалом ҳақиқатда мунофиқларнинг ўзлари ёлғончи эканини билиб олдилар. Улар ўзларини оқлаб, «Мусулмонмиз», деб қасам ичишса-да, аслида мусулмон эмас, Ислому душманларидир. Ёлғон қасамларини қалқон қилиб, мусулмонлар орасига кириб, улар ўртасида адоват уруғини сочишга, Пайғамбарга нисбатан ишончсизлик уйғотишга, у зотга, Исломуга нисбатан жиноий режаларини амалга оширишга ҳаракат қилувчи кимсалардир. Уларнинг бу қилмиши кофирларнинг ишидан ҳам ёмон. Кофирлар дастлаб иймонни ва ҳақни таниб, сўнг куфрни ихтиёр қилганликлари учун қалбларига муҳр босилди. Мунофиқлар эса мусулмонлар билан бўлганда «мусулмонмиз», дейишади, ўзларининг шериклари – мушрик-

лар олдида «биз сизларданмиз», дейишади. Аллоҳ таоло уларнинг юриш-туриши ва қадди-қоматига алданмасликдан огоҳлантириб шундай марҳамат қилади:

وَإِذَا رَأَيْتَهُمْ تُعْجِبُكَ أَجْسَامُهُمْ وَإِنْ يَقُولُوا تَسْمَعُ لِقَوْلِهِمْ كَأَنْهُمْ خُشْبٌ مِّنْ سِنْدَةٍ يُحْسِبُونَ كُلَّ صَيِّحَةٍ عَلَيْهِمْ هُمُ الْعَدُوُّ فَاحْذَرْهُمْ فَنَالَهُمُ اللَّهُ أَنْ يَأْتِيَهُمْ مِّنْ أَيْنَ لَمْ يَحْسِبُونَ

«Уларга қарасангиз, уларнинг гавдалари Сизни ажаблантирур, сўзлаганларида сўзларига беихтиёр кулоқ солурсиз. Улар гўё (деворга) суяб қўйилган (чирик) ёғочларга ўхшайдилар. Улар ҳар бир қичқирик (овоз)ни устиларига (тушаётган бало ва офат деб) гумон қиладилар. Улар душмандирлар. Бас, улардан эҳтиёт бўлинг! Уларни Аллоҳ урсин! (Ҳақиқат турганда улар) қаёққа оғиб кетмоқдалар?!» (Мунофиқун сураси, 4-оят).

Ўша даврда мунофиқлар чиройли кийим ва гўзал қоматлари билан атрофдагиларни ўзиларига қаратишган. Мунофиқларнинг боши Абдуллоҳ ибн Салул қомати ниҳоятда чиройли, тиллари бурро, нотик киши бўлган. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобалар билан суҳбатлашиб турсалар, мунофиқлар деворларга суянган ҳолда алоҳида ажралиб туришар, бошқа саҳобалар уларнинг қомати ва ўтиришларига ҳавас билан қараб қўйишар, чиройли гапирганлари учун гапларини тинглашарди. Лекин Аллоҳ таоло уларни қуруқ ёғочга ўхшатмоқда, қуруқ ёғоч деворга суяб қўйилганидек, ичи, қалби бўш мунофиқлар унга ўхшатилмоқда. Улар Пайғамбаримиз суҳбатларига келиб, кулоқ солишса-да, чиройли қоматлари ва

бурро тиллари билан ҳамманинг ҳавасини келтирсаларда, ичларида – калбларида иймон йўқлиги жуда ачинарли ҳол эди. Мунофиқлар ҳар бир қаттиқ кичқирикни ўзларига қаратилгандек тасаввур этишар, икки мусулмон гаплашиб қолса, бизни гап қилаяпти, деб гумонсираб, шумланишарди. Чунки улар мусулмонларга қилаётган душманликларини ўзлари жуда яхши билишарди. Ҳа, улар ҳақиқий душманлар бўлиб, мусулмон одам улардан ҳазар қилиши лозим. Аллоҳ уларни лаънатлади, улар ҳақиқатни кўра туриб, ундан юз ўтириб кетишди. Бу ояти каримада келтирилган «қоталахумуллоҳ», яъни «Аллоҳ уларга уруш очди», деган иборани муфасссилар «Аллоҳ уларни лаънатлади», деб шархлаганлар.

Мазкур оятлар нозил бўлганидан сўнг мунофиқларнинг асл башараси ва кирдикори фош бўлиб қолди. Абдуллоҳ ибн Салулнинг ёлғондан қасам ичгани ҳаммага маълум бўлгач, «Муҳаммаднинг олдида кечирим сўрагин, у зот Аллоҳдан сенга истиғфор сўрайди», дейилган эди, кибр-ҳавоси устунлик қилиб, «Агар иймонга буюрсанглар, иймонни қабул қиламан, «Закот бер», десанглар, закот бераман, лекин Муҳаммаднинг олдида бормайман. Энди бир камим унга сиғинишим қолувди», деб, улардан юз ўгирди. Бу хусусда Аллоҳ таоло қуйидаги ояти каримани нозил қилди:

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا يَسْتَغْفِرْ لَكُمْ رَسُولُ اللَّهِ لَوَّأْ رُءُوسَهُمْ
 وَرَأَيْتَهُمْ يَصُدُّونَ وَهُمْ مُسْتَكْبِرُونَ ﴿٥﴾ سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ
 أَسْتَغْفَرْتَ لَهُمْ أَمْ لَمْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ لَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ إِنَّ
 اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿٦﴾ هُمْ الَّذِينَ يَقُولُونَ لَا

نُفِقُوا عَلَىٰ مَنْ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ حَتَّىٰ يَنْفَضُوا وَلِلَّهِ خَزَائِنُ
السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَكِنَّ الْمُنْفِقِينَ لَا يَفْقَهُونَ ﴿٧﴾

«Қачонки, уларга: «Келингиз, Аллоҳнинг пайгамбари сизлар учун мағфират сўрасин!» дейилса, албатта, улар бошларини буриб кетурлар ва уларни кибрланган ҳолларида юз ўгиришларини кўрасиз. (Эй Муҳаммад!) Сиз улар учун мағфират сўрадингизми ёки мағфират сўрамадингизми – уларга баробардир – Аллоҳ уларни сира мағфират қилмас. Албатта, Аллоҳ фосиқлар қавмини ҳидоят сари йўлламамас. Улар (ўзларининг тобеъларига): «Аллоҳнинг пайгамбари ҳузуридаги кишиларга эҳсон қилмангиз, токи улар тарқалиб кетсинлар!» дейдиган кимсалардир. Ҳолбуки, осмонлар ва Ер хазиналари фақат Аллоҳникидир. Лекин мунофиқлар (буни) англамаслар» (Мунофиқун сураси, 5–7-оятлар).

Шу тариқа мунофиқлар ўз ниятларига етмай, адашдилар, чунки барча хазиналар калити Аллоҳнинг қўлида, ризқни берувчи Аллоҳнинг Ўзидир. Бор ҳақиқатни Аллоҳнинг Ўзи айтиб, барча хазиналар калити Ўз ҳузурида эканини бандаларига билдирди. Айрим бандалар бу нарсалар яхши билишса ҳам, керакли хулосани чиқаришмайди. Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зот ризқ беришга қодир эмас. Агар ризқни Аллоҳ таоло беришига қатъий ва аниқ ишонганимизда, порахўрлик, судхўрлик ва ўғрилик каби жиноий ишлар ўз-ўзидан барҳам топарди. Мунофиқларнинг асл хатоси ҳам ана шунда. Улар «Бошқарувни ва нафақани Муҳаммаднинг атрофидаги саҳобаларга бермайлик, уларни иқтисодий бурҳонга мажбурлайлик, шунда Муҳаммадни ташлаб кетиша-

ди», деб калта ўйлашди. Лекин бу кўзлаган мақсадлари амалга ошмади, чунки ризқни Аллоҳ бераётган эди:

يَقُولُونَ لَئِن رَّجَعْنَا إِلَى الْمَدِينَةِ لَيُخْرِجَنَا الْأَعْرَابُ
مِنَهَا الْأَذَلَّ وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَكِنَّ
الْمُنَافِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٨﴾

«Улар: «Қасамки, агар (Бани Мусталиқ жангидан) Мадинага қайтсак, албатта, кучлилар кучсизларни ундан (хайдаб) чиқарур», дерлар. Ҳолбуки, куч-қудрат фақат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар (буни) билмаслар» (Мунофиқун сураси, 8-оят).

Бу гапни ҳам ўша вақтда мунофиқлар айтишган эди. «Агар Мадинага қайтиб борсак, албатта, азиз хорни ундан чиқаради», яъни «Абдуллоҳ ибн Салул бошчилигидаги мунофиқлар муҳожирларни Мадинадан қувиб чиқаришади», деган гапни тарқатишди. Мунофиқлар қўллаган ҳийла-найрангнинг остида мусулмонларга ичкаридан зарба бериб, уларни заифлаштириш ва парчалаш мақсади ётарди. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Салул бошчилигидаги мунофиқлар мусулмонлар орасига маҳаллийчилик уруғини ёймоқчи бўлишди. Чунки Муҳаммад алайҳиссалом ва у зотнинг саҳобалари Маккадан келишган, мадиналик эмасди. Абдуллоҳ ибн Салул «Уларга моддий томондан ёрдам берманглар, натижада биз уларни қувиб чиқарамиз», деб ансорийлар қалбида маҳаллийчилик адоватини аланга олдириб, нифок чиқаришга уринди. Ҳижратдан олдин мунофиқлар бўлмаган. Ҳозирги вақтда эса ўша вақтдаги муно-

фикларнинг асл ўзи бўлмаса ҳам, уларнинг издошлари, улар қўллаган барча усуллар мавжуддир. Исломга даъват бошланганда Абдуллоҳ ибн Салул маҳаллийчилик қилиб, одамлар орасида адоват уруғини тарқатди. Мусайлама каззоб ўзини пайғамбарман, деб даъво қилгач, Муҳаммад алайҳиссалом ва саҳобалар унга қарши уруш очганида, Мусайлама қўшинидаги бир аскарнинг айтган мана бу сўзлари тарих саҳифаларида муҳрланиб қолган: «Мен Муҳаммаднинг рост ва ҳақиқий Пайғамбар эканини яхши биламан, Мусайламининг ёлғончи пайғамбарлигини ҳам яхши биламан. Лекин менга ҳақиқий Пайғамбардан кўра ўз маҳалламдан чиққан ёлғончи пайғамбар афзалроқ». Мана шу сўз маҳаллийчилик нақадар аянчли иллат эканини тасдиқлайди. Тор фикрлаш мунофиқликнинг асл қуролидир. Шу билан улар кўпчиликка зиён етказиш пайида бўлишади.

Ўтган асрда узок йиллар давомида маҳаллийчилик илллати халқимиз онгига сингдирилди. Юртимизда ҳозирга қадар бу иллатнинг асоратлари барҳам топган эмас. Мазкур иллатнинг барҳам топиши, унинг қалбларимизга таъсири аста-секин йўқолиб бориши учун бирдан-бир йўл – динимиз кўрсатмаларига сидқидилдан амал қилишдир. Мазкур оятларни келтиришдан мақсадимиз шундай кайфиятда юрган кишиларга ўзи учун керакли хулосани чиқариб олишига ёрдам бериш ҳамда мўмин-мусулмонликни даъво қила туриб, маҳаллийчилик кайфиятида яшаш ўзини ўзи алдашдан бошқа нарса эмаслигини англатишдир. Бу нарса ўтмишда улуғ халқ ва миллат саналган ўзбек халқининг ўзлигини англаши, ота-боболари каби буюкликка эришиши йўлига раҳна солиб келаётган ярамас иллатдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا نُلْهِكُمْ ءَمْوَالِكُمْ وَلَا ءَوْلَادِكُمْ عَنْ
ذِكْرِ ءَللّٰهِ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَٰلِكَ فَاُوْلٰئِكَ هُمُ الْخٰسِرُونَ ﴿١﴾

«Эй имон келтирганлар! На мол-дунёларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (Унга ибодат қилишдан) чалғитиб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчи кимсалардир» (Мунофиқун сураси, 9-оят)

Мол-дунё ва бола-чақа Аллоҳнинг зикридан қанчалик чалғитишини ҳаётимизда гувоҳи бўлиб турибмиз. Нафақат чалғитмоқда, балки бошқа, тескари томонга буриб ҳам юбормоқда. Ўзимизни мўмин-мусулмон деб ҳисоблаймиз, лекин ибодатимизни ўз вақтида адо этмаймиз, Ислом буюрган хайрли ишларни қилишга вақтимиз етмайди. Фақат мунофиқларда учрайдиган мана шу каби иллатларни зудлик билан ислоҳ қилиб, тузатишимиз лозим. Агар ўзида қалбимизни намоён этадиган бир кўзгу кашф этилганида, уни қорайтириб турган иллатларни кўриб, тезда улардан қутулиш чораларини излашга тушган бўлардик. Афсуски, бундай кўзгу кашф этилмаган. Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар бизга ана шундай кўзгу вазифасини ўташи лозим. Агар Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларни ихлос билан ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ эта олсак, одамлар ўртасида меҳроқибат янада зиёда бўлиб, худбинлик, мунофиқлик ва маҳаллийчилик иллатлари ўз-ўзидан йўқолиб борар эди. Қуръони Карим бежизга мунофиқларнинг таърифини зикр қилмаган. Бу мудҳиш иллатдан узоқ бўлиш ҳақида обдан ўйлаб, ундан қутулиш чораларини кўришимиз лозим. Пайғамбар алайҳиссалом мунофиқларда бўладиган уч сифат ҳақида хабар бердилар.

Биринчи сифат – ёлғончилик. Бир одам намоз ўқиса, рўза тутса, ҳаж ва умрага борса ва мусулмонман, деб даъво қилиб юрса ҳам, мунофиқ дейилади. Ёлғон гапириш, ваъдага хилоф қилиш, омонатга хиёнат қилиш мунофиқнинг аломатларидир.

Абдуллоҳ ибн Жароддан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссаломдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, мўмин ҳам зино қиладими?» деб сўрадим. У зот: «Баъзан қилиб қўйиши мумкин», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, мўмин ёлғон гапирадими?» деб сўрадим. «Йўқ!» дедилар Расули акрам».

Демак, ёлғондан воз кечмаса, намоз ўқиши, рўза тутиши ва бошқа ибодатлари унга фойда бермайди. Абдуллоҳ ибн Амр айтади: «Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Кимда тўрт иллат бўлса, у мунофиқдир, гарчи улардан биттаси қолса ҳам, то уни тарк этмагунча киши мунофиқ саналади: агар гапирса, ёлғон сўзлайди; ваъда берса, хилоф қиладди; аҳдлашса, аҳдини бузади; бахшашса, фиск-фужурга кетади» (*Муттафақун алайҳ*).

Қуръони Каримда Аллоҳ субҳанаху ва таоло шундай деди:

أَلَا لِلَّهِ الدِّينُ الْخَالِصُ وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ
أَوْلِيَاءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَىٰ إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ
بَيْنَهُمْ فِي مَا هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ
كَاذِبٌ كَفَّارٌ ﴿٣﴾

«(Эй инсонлар!) Огоҳ бўлингизки, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир. Ундан ўзга «дўстлар»ни («килоҳ») қилиб олган кимсалар: «Биз фақат уларга бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз»,

(дерлар). **Шубҳа йўқки, Аллоҳ (қиёмат кунида) улар ихтилоф қилаётган нарсалар хусусида уларнинг ўртасида ҳукм қилур. Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва ношукур кимсаларни ҳидоят қилмас»** (*Зумар сураси, 3-оят*).

Мана шу оятнинг ўзи ёлғон сўзлаш нақадар ёмонлигини кўрсатиб турибди. Оятда ёлғон гапирувчилар кофирлар билан кетма-кет зикр қилинмоқда. Ҳаттоки орада ажратиб турувчи бирон сўз ҳам, ҳарф ҳам келмади. Ёлғончи кофир кимсаларни Аллоҳ таоло ҳидоятга бошламайди ва бунинг оқибати ҳаммага маълум. Бировни кулдириш, бир нарсага ишонтириш, кўнглини хушлаш ёки кўрмаган нарсасини «Тушимда кўрдим», деб ёлғон сўзлаш ҳам катта гуноҳлардандир.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «عَلَيْكُمْ بِالصَّدَقِ، فَإِنَّ الصَّدَقَ يَهْدِي إِلَى الْبِرِّ، وَإِنَّ الْبِرَّ يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ، وَمَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَصَّدُقُ وَيَتَحَرَّى الصَّدَقَ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ صَدِيقًا، وَإِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ، فَإِنَّ الْكَذِبَ يَهْدِي إِلَى الْفُجُورِ، وَإِنَّ الْفُجُورَ يَهْدِي إِلَى النَّارِ، وَمَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَكْذِبُ وَيَتَحَرَّى الْكَذِبَ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ كَذَابًا». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Сизлар ростгўйликни лозим тутинглар. Чунки ростгўйлик яхшиликка бошлайди, яхшилик эса жаннатга бошлайди. Киши рост гапираверса ва ростгўйликни ишташда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурда «сиддик» деб ёзилади.

Сизлар ёлғондан эҳтиёт бўлинглар. Чунки ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса дўзахга бошлайди. Киши ёлғон гапираверса ва ёлғончиликни иштада бардавом бўлса, Аллоҳнинг хузурда «каззоб» деб ёзилади» (*Туртовлари ривоят қилишган*).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَتْ مُنَافِقًا خَالِصًا، وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَلَّةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَلَّةٌ مِنْ نِفَاقٍ حَتَّى يَدْعَهَا: إِذَا حَدَّثَ كَذَبًا، وَإِذَا عَاهَدَ غَدْرًا، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимда тўртта (хислат) бўлса, тўлиқ мунофиқ бўлади. Кимда ана шу хислатлардан биттаси бўлса, ўшани тарк қилмагунча, унда нифокнинг битта хислати бўлади. Гапирса, ёлғон гапиради. Ахдлашса, ахдни бузади. Ваъда берса, устидан чикмайди. Хусуматлашса, фожирлик қилади», дедилар» (*Туртовлари ривоят қилишган*).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ تَحَلَّمَ بِحُلْمٍ لَمْ يَرَهُ، كُفِّفَ أَنْ يَعْقِدَ بَيْنَ شَعِيرَتَيْنِ، وَلَنْ يَفْعَلَ، وَمَنْ اسْتَمَعَ إِلَى حَدِيثِ قَوْمٍ وَهُمْ لَهُ كَارَهُونَ أَوْ يَفْرُونَ مِنْهُ، صُبَّ فِي أُذُنِهِ الْآنُكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَمَنْ صَوَّرَ صُورَةً، عُدِّبَ وَكُفِّفَ أَنْ يَنْفُخَ فِيهَا، وَلَيْسَ بِنَافِخٍ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ким кўрмаган тушини «кўрдим», деса, унга иккита қилни бир-бирига боғлаш юклатилади, у эса буни зинҳор қила олмайди. Ким одамларнинг гапига улар истамаган [ёки «ундан қочаётганлари»] ҳолда қулоқ тутса, қиёмат куни қулоғига қалай қуйилади. Ким сурат чизса, азобланади ва ўшанга жон киритиш юклатилади. У эса жон кирита олмайди»** (Бухорий ривоят қилган).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ أَفْرَى الْفِرَى أَنْ يُرَى عَيْنَيْهِ مَا لَمْ تَرَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уйдирмаларнинг энг ёмони – кўрмаганини «кўрдим», дейишдир», дедилар»** (Бухорий ривоят қилган).

Келинг, энди инсоф билан ўйлаб кўрайлик: ҳаёти-мизда ёлғон қанчалик ўрин эгаллаяпти, ёлғонга жиддий қараяпмизми? Чунки ёлғон – иккинчи бир кишининг ҳаққига зарар етказиш, ҳаққини поймол этишдир. Қайси жамиятда бу иллат авж олса, ўша жамият инкирозга учрайди. Мунофиқларнинг энг катта қуроллари-дан бири – ёлғончилик динимизда қаттиқ қораланади ва бирорта инсонга ёлғон сўзлашга рухсат берилмайди. Шундай экан, мусулмон одам ёлғонга ўрганиб қолган тилини ислоҳ этиши, Аллоҳ таолога истиғфор айтиши ва бу иллатни ўзидан узоқлаштиришини сўраши лозим. Ёлғондан қанча тез қутулсак, ўзимизга шунча яхши бўлади. Ҳар бир киши ўз оиласи, иш жойи ва яқин дўст-

лари даврасида ёлғондан ўзини тия олса, унинг ҳаёти янада ёрқин ва фаровон бўлади. Бундай кишини ҳамма ҳурмат қилади. Унинг ҳар бир сўзи торози босадиган, айтганига қулоқ тугиладиган бўлади. Бунинг акси бўлса, бундай кишини кўпчилик ҳурмат қилмайди, агар рост бўлса ҳам, айтганига ишонмай қўйишади.

Иккинчи сифат— ваъдасида турмаслик. Роббимиз Аллоҳ таоло бандаларини бирор нарсага ваъда бериб, аҳдлашса, унга вафо қилишга буюради. Қиёматда ҳар бир адо этилмаган ваъда ҳақида сўралади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ كَانَ مَسْئُولًا ﴿٣٤﴾

«Аҳдга вафо қилинглар. Зеро аҳд-паймон (Қиёмат куни) масъул бўлинадиган ишдир» (*Исро сураси, 34-оят*).

وَأَوْفُوا بِعَهْدِ اللَّهِ إِذَا عَاهَدْتُمْ وَلَا تَنْقُضُوا الْأَيْمَانَ
بَعْدَ تَوْكِيدِهَا وَقَدْ جَعَلْتُمُ اللَّهَ عَلَيْكُمْ كَفِيلًا إِنَّ اللَّهَ
يَعْلَمُ مَا تَفْعَلُونَ ﴿١١﴾

«Аҳдлашганингизда, Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Аллоҳни кафил қилиб ичган қасамларингизни (Аллоҳ номи билан) мустаҳкам қилганингиздан кейин бузмангиз! Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни билур» (*Наҳл сураси, 91-оят*).

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَوْفُوا بِالْعُقُودِ

«Эй мўминлар, аҳдларга (ўзаро келишган битимларга) вафо қилингиз» (Моида сураси, 1-оят).

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لِمَ تَقُوْلُوْنَ مَا لَا تَفْعَلُوْنَ ﴿٢﴾
 كَبُرَ مَقْتًا عِنْدَ اللّٰهِ اَنْ تَقُوْلُوْا مَا لَا تَفْعَلُوْنَ ﴿٣﴾

«Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиламиз деб) айтурсизлар? Сизларнинг сўзларингиз қилмайдиган (қиламиз деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)» (Саф сураси, 2-3-оятлар).

Мазкур ояти карималарда Аллоҳ таоло аҳдга вафо қилиш ва уни адо этишга жиддий амал сифатида қараб, бандаларини ваъдабозликдан, аҳдга вафо қилмасликдан қайтармоқда. Бу хусусда бир қанча оятларнинг ноzil бўлишининг ўзи ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبًا، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Мунофиқнинг белгиси учтадир: гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, бажармайди, омонат топширилса, хиёнат қилади», дедилар» (Бухорий ривоят қилган).

Инсонга офат ва балолар асосан тилидан етади. Ваъдага вафо қилмаслик ҳам айнан тилдан содир бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي الْحَمْسَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَايَعْتُ النَّبِيَّ ﷺ بِيَعِ قَبْلَ

أَنْ يُبْعَثَ وَبَقِيَتْ لَهُ بَقِيَّةٌ، فَوَعَدْتُهُ أَنْ آتِيَهُ بِهَا فِي مَكَانِهِ فَنَسِيْتُ، ثُمَّ ذَكَرْتُ بَعْدَ ثَلَاثٍ فَجِئْتُ فَإِذَا هُوَ فِي مَكَانِهِ، فَقَالَ: «يَا فَتَى، لَقَدْ شَقَقْتَ عَلَيَّ، أَنَا هَاهُنَا مُنْذُ ثَلَاثٍ أَنْتَظِرُكَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абдуллоҳ ибн Абу Ҳамсодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Набий этиб юборилишларидан олдин у зот билан олди-сотди қилдим. Менда у зотнинг бир оз ҳақлари қолди. Мен у зот турган жойларига келтириб беришни ваъда қилдим. Аммо унутиб қўйдим. Уч кундан кейин ёдимга келди. Келсам, у зот ўша келишилган жойда турган эдилар, мени кўриб, «Эй йигит, мени қийнадинг, уч кундан бери сени шу ерда кутаман», дедилар» (*Абу Довуд ривоят қилган*).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом пайғамбар бўлишларидан олдин ваъдага вафони шунчалик қаттиқ тутган бўлсалар, динимизда бу нарса қай даражада муҳим эканини билиб олиш мумкин. Динимизда аҳдга вафо қилишга шаън ва иззат-обрў даражасида қаралади. Аҳдга вафо қилмаган кишининг кишилар наздида иззат-обрўси қолмайди. Бир марта аҳдида турмаган кишига нисбатан ишонч йўқолади.

Учинчи сифат – омонатга хиёнат. Қуръони Каримда Аллоҳ таоло шундай деди:

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا

«Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларини ўз эгаларига топширишга буюради» (*Нисо сураси, 58-оят*).

إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ
فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا
جَهُولًا



«Албатта Биз бу омонатни (яъни, Ислом шариатидаги тоат-ибодатларни) осмонларга, ерга ва тоғу тошларга рўбарў қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўркдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига) зулм қилгучи ва нодон эди» (*Аҳзоб сураси, 72-оят*).

Омонатга хиёнат деганда фақатгина моддий нарсага хиёнатни тушунмаслик керак. Бу Аллоҳ ва Расулининг омонатига ҳам хиёнатни ўз ичига олади. Биз Муҳаммад алайҳиссаломга уммат бўлганимизда Аллоҳга аҳд бериб, ибодат, шариат кўрсатмаларига амал қилиш каби омонатларни зиммамизга олганмиз. Оятда ана шу нарсага хиёнат қилманг, дейилмоқда. Аллоҳга ва Расулига хиёнат қилманг, деганда Куръон ва ҳадисга хиёнат қилмаслик, ибодат ва амр, фарз ва вожибларга хиёнат қилмаслик кабилар тушунилади. Ёлғон гапириш, ваъдага хилоф иш қилиш ва омонатга вафо қилмаслик каби иллатлар орамизда ниҳоятда кўп учрайди. Аллоҳга бандаликни омонат сифатида ваъда қилиб, ибодатни тарк этган киши Аллоҳга нисбатан хиёнатчидир. Намозни ўқимаётган ва рўзани тутмаётган одам ҳам омонатга хиёнат қилувчи ҳисобланади. Мийсоқ, яъни бош аҳдни – иймон аҳдини берганимизда «Сен бизнинг Роббимизсан», деб эътироф этиб, мукаллафга айланганмиз ва улуғ омонатни зиммамизга олганмиз. Бу омонат – ибодатларни ўз вақтида адо этиш ва ҳалолдан ризқ топиб,

ҳаромдан қайтишдир. Агар ушбу аҳдимизни бузсак, омонатга ва ваъдага хилоф қилган бўламиз.

Гўзал хулқ кучли иймон белгисидир. Қачонки иймон кучли бўлса, ваъдага ва омонатга хиёнат қилмасак, ҳар доим тўғрисиўз бўлсак, инсоний ҳақни бажарган бўламиз, жамиятимиз ислоҳи ва меъерий ҳаётига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ كَانَ حَالِفًا فَلْيَحْلِفْ بِاللَّهِ أَوْ لِيَصُتْ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким қасам ичадиган бўлса, Аллоҳнинг номи билан қасам ичсин ёки жим турсин**», дедилар» (*Бухорий ривоят қилган*).

Динимиз бошдан-оёқ насиҳатдан иборат. Инсон тўғри насиҳатни дарҳол қулоғига илиб олиб, унга амал қилиб борса, тўғри йўлдан адашмайди.

Бугунги кунда хулқий бузилишдан, мунофиқлик ва бошқа иллатлардан одамлар қалбини муҳофаза этиш тобора қийинлашиб бормоқда. Динга амал қилиш фақат масжид ҳовлисида, маърака-маросимда ёки амри маъруфларда бўлади, деб тушунмаслигимиз керак. Динга ҳаётимизнинг асоси деб қарашимиз, муносабат ва муомалаларимизда уни асос қилиб олишимиз лозим. Шундай қила олсак, бир вақтлар аждодларимиз дунёга устоз бўлганидек, биз ҳам кейинга авлодларга устозга айланамиз. Зеро, тиббиёт илмида шуҳрат қозонган Абу Али ибн Сино Қуръонни ёд олган киши бўлган. Фалакиёт илмини ҳали ўрганмаган вақтда Абу Райҳон Беруний, ҳарбий услублардан беҳабар тўққиз ёшли Амир Темур қори бўлишган. У зотларни

шундай юксак мақомга Ислом дини кўтарди. Шу маънода динимиз куч-қудратини ва у инсон зотини қандай юксак мартабага кўтаришини тўғри тасаввур этишимиз лозим. Жоҳил ва нодон кишигина бу нарсаларни тушунмаслиги мумкин. Лекин бизнинг тарихимиз диндан маънавий-маърифий қувватланиб, ўз ички салоҳиятини юзага чиқара олган халқ эканимизга гувоҳлик беради. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу борадаги ишларимизга муваффақият ато этсин.

ХАТОКОР ВА ТАВБА ҚИЛУВЧИ ИНСОН

Ҳаёти давомида бирорта хато ва гуноҳ иш қилмайдиган киши топилмаса керак. Бироқ нафс ва шайтон ундови билан шу ҳолатга тушган киши ноумид бўлиб, тушкунликка тушмаслиги, Аллоҳ таолога истиғфор айтиб, гуноҳ ишни тарк этиб, тавба қилиши лозим бўлади. Аллоҳ таоло гуноҳ ва маъсият ишлардан тўлиқ қайтиб, бошқа уларга йўламаган кишининг гуноҳларини кечиришни ваъда бериб, шундай марҳамат қилади:

وَهُوَ الَّذِي يَقْبَلُ التَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِ وَيَعْفُو عَنِ السَّيِّئَاتِ وَيَعْلَمُ
مَا تَفْعَلُونَ ﴿٢٥﴾ وَيَسْتَجِيبُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ
وَيَزِيدُهُمْ مِّن فَضْلِهِ ۗ وَالْكَافِرُونَ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ ﴿٢٦﴾

«У бандаларидан тавбани қабул қиладиган, ёмонликларни афв этадиган ва қиладиган ишларингизни биладиган Зотдир. У имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни (дуоларини) ижобат қилур ва уларга Ўз фазлидан зиёдалик ато қилур. Кофирлар учун эса қаттиқ азоб бордир» (Шуро сураси, 25-26-оятлар).

Бу дунёда банданинг нафс ва шайтон макрига алданиб, гуноҳ ва маъсият ишларни қилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «كُلُّ بَنِي آدَمَ خَطَاءٌ، وَخَيْرُ الْخَطَائِينَ التَّوَّابُونَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Барча одам боласи хатокордир. Хатокорларнинг яхшиси сертавбалардир»**, дедилар» *(Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган).*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзлари ҳам айни маънони тасдиқлайди. Аммо инсоннинг билиб-билмай қилган хато ва гуноҳларини кечириш учун Аллоҳ таоло тавба эшикларини очиб қўйибди. Ким қанчалик эртароқ тавба қилиб, гуноҳ ишларни тарк этса, шунчалик ўзига яхши бўлади. Кўп хато қилувчилар ичида энг яхшиси кўп тавба қилувчилардир. Ҳар бир хато инсон залолатининг дебочасидир. Айтиб ўтиш лозимки, «хато» сўзи баъзан гуноҳ маъносида келади. Ҳатто кичик бир хато кишини катта-катта гуноҳ ишларга етаклайди. Шунинг учун арзимас деб саналувчи ҳар қандай хатодан ўз вақтида сақланиш даркор. Афсуски, Аллоҳ таоло яратиб берган имкониятни бой бергандан кейин йўл қўйилган биргина хатони тузатишнинг иложи бўлмай қолиши мумкин. Мулоҳаза ўрнида айтиб ўтиш лозимки, мўътазила мазҳабида гуноҳи сағийра – кичик гуноҳларга тавба қилиш шарт эмас, улар кечирилган, деб эътиқод қилинади. Бизнинг аҳли сунна вал жамоа мазҳабида эса ҳар бир кичик гуноҳга ҳам тав-

ба қилиш лозим. Хато ишни қилиш асл фитратимизда мавжудлигига Одам алайҳиссаломнинг яратилиши ва шайтон билан бўлиб ўтган мубоҳаса тарихи ҳам гувоҳлик беради. Қуръони Карим оятларида мазкур ҳодиса ҳақида батафсил маълумотлар берилган:

وَلَقَدْ خَلَقْنَاكُمْ ثُمَّ صَوَّرْنَاكُمْ ثُمَّ قُنَّا لِلْمَلَائِكَةِ أَسْجُدُوا
 لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ لَمْ يَكُنْ مِنَ السَّاجِدِينَ ﴿١١﴾
 الْمَص ﴿١﴾ كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ مِنْهُ
 لَتُنذِرَ بِهِ وَذِكْرَى لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٢﴾ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ مِنَ
 رَبِّكُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ ﴿٣﴾ وَكَمْ مِنْ
 قَرْيَةٍ أَهْلَكْنَاهَا فَجَاءَهَا بَأْسُنَا بَيِّنًا أَوْ هُمْ قَائِلُونَ ﴿٤﴾ فَمَا

«Албатта, (Биз) сизларни (Одамни) яратдик, сўнгра сизларга (унга) суврат бердик, сўнгра фаришталарга: «Одамга сажда қилингиз!» дедик. (Улар) сажда қилдилар, илло Иблис сажда қилувчилардан бўлмади. (Аллоҳ) айтди: «Сенга буюрганамда сажда қилишингга нима монелик қилди?» У деди: «Мен ундан яхшиман, мени оловдан яратгансан. Уни (Одамни эса) лойдан яратдинг», деди. Айтди: «Ундан (жаннатдан) чиқ! У ер (жаннат)да сенга такаббурлик қилишинг жоиз эмас. Бас, чиқ! Албатта, сен (энди) ҳақирлардандирсан». (У) деди: «Менга (инсонлар) тирилтириладиган кунгача (қиёматгача) муҳлат бер!». Айтди: «Албатта, сен (жазо кунигача) муҳлат берилганлардандирсан» (*Аъроф сураси, 11–15-оятлар*).

Иблиснинг бадбахт бўлишига мана шу биргина та-каббурлик билан айтган сўзи сабаб бўлди. У ўз ақлига ортикча баҳо бериб, хатога йўл қўйди. Бу хато унга дўзах томон йўл очиб берди. «Мен унга сажда қилмайман, чунки у мендан паст туради. Уни лойдан, мени оловдан яратдинг, олов доимо юкорига интилади», деган манманлик унинг ақлига парда тортиб, ҳакни кўрмайдиган қилиб қўйди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло унга жаннатдан тушишни тақдир қилди. Жаннат кибр қилувчи, мутакаббирлар жойи бўлмагани боис, ундан хорланган ва фақир ҳолда чиқишни буюрди. Шундай қилиб, шайтон бадбахтга айланди. Иблис фаришталарга дарс бергани ҳақидаги хабарлар мавжуд. У ана шу илмига суяниб, Аллоҳнинг Раҳим ва Раҳмон сифатлари борлигини билгани учун ўзига муҳлат сўради. Бадбахтга айланганини билиб турса ҳам, дарров имкониятдан фойдаланди. Тавба-тазарру қилмаган иблисга шундай имкон ва муҳлат берган Зот биронта бандасини ноумид қолдирмайди. Шу дунёнинг ўзида катта имкониятга эга бўлган иблис шундай деди:

قَالَ فِيمَا أُغْوِيَنِي لِأَقْعُدَنَّ لَهُمْ صِرَاطَكَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿١٦﴾ ثُمَّ
لَأَتَيْنَهُمْ مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ وَمِنْ خَلْفِهِمْ وَعَنْ أَيْمَانِهِمْ وَعَنْ شَمَائِلِهِمْ وَلَا
تَجِدُ أَكْثَرَهُمْ شَاكِرِينَ ﴿١٧﴾

«У (аламидан) деди: «Қасамёд этаманки, мени янглиштирганинг туфайли Сенинг Тўғри йўлининг (Ислом дини) узра улар (одамларни чалғитиш) учун ўтираман. Сўнгра, уларга олдиларидан, ортларидан, ўнг томонларидан ва сўл томонларидан (чалғитиш учун) келаман. (Натижада) уларнинг аксариятини шуқр қилувчи ҳолда топмайсан» (Аъроф сураси, 16-17-оятлар).

Ушбу оятни ҳазрати Шакиқ Балҳий роҳимаҳуллоҳ ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чикиб шундай шарҳлайди: «Ҳар тонгда шайтон тўрт томонимда ўтириб олмаган ҳолатда тонг отганини билмайман. У ҳар томонимдан менга рўпара келиб, «Сен кўрқмагин, Аллоҳ кечирувчи, раҳмдил», дейди».

У зотнинг ҳаётларида юз берган бундай ҳолат кўпчиликда юз беради. Иссиқ тўшақда ётган одам учун бомдод намози вақти кирганда тўшақдан туриб олиш жуда оғир. Иймон туришга буюради, лекин шайтон: «Бироз ётгин, Худо Ўзи кечиради, Худо меҳрибон-ку», деб вас-васа қилаверади. Дейлик, бир гуноҳ ишни нафс хоҳлаб, сизни уни қилишга ундаяпти. Бу ерда нафс билан шайтоннинг даъвати ўртасида фарқ бор. Шайтон инсонни бирор ишга бошламоқчи бўлса, бир марта даъват этиб, агар йўриғига юрмаса, бошқа безовта қилмас экан. Нафс эса эгасини бирорта гуноҳ ишга ундаса, то у ишни қилдирмагунча, эгасидан рози бўлмас экан. Нафс билан шайтон ўртасидаги фарқ мана шу. Энди бир ўйлаб кўрайлик, орамизда «Яшайверайлик-чи, бизга ҳам инсоф бериб, шайтон елкамиздан тушар», деб ўзини ўзи алдаб юрган, барча айбни шайтонга тўнкаб, ўзини оқламоқчи бўлган кишилар камми?! Мана шу нафс ва шайтоннинг ишидир. Мана шундай ўй-хаёллар кишини гуноҳга бошлайди, нафсга лаззат, роҳат керак бўлгани боис эгасини кўпроқ лаззатланишга, роҳатланишга ундайди.

Ҳозирги вақтда инсон нафсини ўзига ром этувчи, уни гуноҳ ишларга бошловчи роҳат ва лаззатлар ниҳоятда кўп. Аллоҳ кечирар, деб гуноҳни қилавериш алалоқибат ўз соҳибини жарга кулатади. Бора-бора абадий кечирилмайдиган ҳолатга етиб қолса, банданинг қўлидан ҳеч бир иш келмаслиги аниқ. Кўпчилик кишиларни кўпроқ ризқ-

насиба, бойлик топиш, уни кўпайтиришга бўлган ҳарислик гуноҳга ундайди. Аксарият кишилар озига қаноат қилмайди, кўпроқ топсам, кўпроқ еб-ичсам, яхши-яхши кийимлар кийсам, фалон уловда юрсам, дея орзу-ҳавасга берилади. Бола-чақамни яхшилаб боқсам, яхши еб-ичсалар, катта тўйлар қилсам, фалон-фалон ва казо-казолар тўйимизга келса, деган хаёллар билан яшаб, ейиш-ичишдан кисиб, мол-дунё жамғаришга ўтади. Кўрпага қараб оёқ узатмаслик оқибатида қарзга ботиб, кийналиб қолаётганлар кам дейсизми?! Аллоҳ таолонинг Китоби ёки Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг биронта ҳадиси шарифларида бу нарсаларни қилишга буюрилмаган-ку! Инсон ўзини-ўзи қийнашга ёки фарзандларининг ризқидан қийиш эвазига мол-дунё орттиришга, кимларгадир таассуб қилиб, чираниб, бир амаллаб ҳашаматли тўйлар қилишга буюрилмаган-ку! Кичик хатога йўл қўйиш ёки калта фикрлашдан бошланган бу ишларнинг ҳаммаси катта-катта гуноҳларга сабаб бўлиши мумкин. Шу ўринда Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти ҳақида мушоҳада юритсак, ҳамма нарса кўз олдимизда очик-ойдин гавдаланади.

وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقَرَّهَا
وَمُسْتَوْدَعَهَا كُلٌّ فِي كِتَابٍ مُبِينٍ ﴿٦﴾

«Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўкки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб (Лавҳул-маҳфуз)да (ёзилган)дир» (Худ сураси, 6-оят).

Уммон тубида сузиб юрган митти жонзотга ҳам ризқини етказиб турган Аллоҳ таоло Ўзи азиз ва мукаррам

қилиб яратган бандаларини унутиб қолдириши мумкинми? Албатта, ҳар бир инсоннинг ризқи Аллоҳнинг ҳузурда ўлчаб-белгилаб қўйилган, унга ҳеч ким дахл қила олмайди. Ҳатто ўзимиз ҳам! Ана шу ризқни қидиришда эса кишидан ҳаддан ошмаслик, турли маъсият йўлларга ўзини урмаслик талаб этилади. Чунки ҳар бир ишда ҳаддан ошиш хато-камчиликни келтириб чиқаради. Хато эса бора-бора инсонни гуноҳ ва маъсиятлар сари етаклайди. Бундай кишини шайтон мактаб, йўлдан оздиради. «Бу топганларинг сенга камлик қилади, эртага нима бўлишини қасрдан биласан?! Ҳаётда нималар содир бўлмайди. Агар қийналиб, муҳтож бўлиб қолсанг, сенга ким ёрдам беради? Ким сени қўллайди», деб аврайди. Оқибатда у бир-икки гуноҳ иш қилиб, нафсини қондирганидан кейин гуноҳидан қайтишни, тавбани ўйламайдиган ҳолга етиб борганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Шайх имом Абу Наср Самарқандий шундай дейди: «Ҳасан Басрий аввалги ҳолларида гўзал ва келишган йигит бўлиб, чиройли кийимларни кийиб, Басра кўчаларида айланиб юрар эди. Кунларнинг бирида гўзал бир аёлни кўриб қолиб, унинг ортидан эргаша бошлади. Аёл ортидан тушганини сезиб қолиб, унга: «Уялмайсанми?» деди. Ҳасан Басрий «Кимдан?» деган эди, у аёл: «Кўзларнинг хиёнатю қалбдаги махфий нарсаларни билгувчи Зотдан», деди. Шунда Ҳасан Басрийнинг қалбида бир кўркув пайдо бўлди. Лекин сабр қилишга ожиз бўлиб, ўзини тута олмади ва яна унга эргаша бошлади. Шунда аёл: «Нега изимдан эргашяпсан?» деди. Ҳасан Басрий: «Мени кўзларинг мафтун қилиб қўйди», деди. Шунда аёл унга: «Шу ерда ўтириб тур, сенга хоҳлаган нарсангни юбораман», деди. Ҳасан Басрий муддаони тушунмай, бу аёл ҳам менга ошиқ бўлиб қолди, деб

ўйлаб, кута бошлади. Бир пайт бир жория қўлида усти ёпиқ идиш кўтариб келди ва идиш устидан рўмолини олди. Идиш ичида бир жуфт кўз турар эди. Жория Ҳасан Басрийга деди: «Соҳибам: «Мен сабабли бирон кинининг фитналанишини хоҳламайман», дедилар». Ҳасан Басрий бу сўзни эшитган заҳоти вужудини титрок тутди ва ўз соқолидан тутиб: «Соқол сенга ҳайф, бир аёлчалик бўлолмадинг», деди. Ўз қилмишидан афсусланиб, дарҳол тавба қилди. Уйига қайтиб, туни билан йиғлаб чиқди. Тонг отгач, розилик сўраш учун аёлнинг ҳовлисига борди. Бориб сўраса, аёл вафот этган экан. Ҳасан Басрий уч кун тинимсиз йиғлади. Учинчи кечада туш кўрди. Тушида ҳалиги аёл жаннатда ўтирган экан. Ундан розилик сўраган эди: «Мен сендан розиман, чунки мен сен туфайли Аллоҳ тарафидан кўп яхшиликларга эришдим», деди. Ҳасан Басрий: «Менга ваъз-насиҳат қил», деди. Аёл: «Агар холи қолсанг, Аллоҳни зикр қил. Саҳарда ва кечалари Аллоҳга истиғфор айт ҳамда Аллоҳга тавба қил», деди. Бу сўзларга амал қилиб, Ҳасан Басрий улуғ кишига айланди.

Билинги, иймон қувват топиши учун мақтовга учмаслик керак. Ичимизда гурур ва фахрланиш бош кўтарса, демак, шайтон бизни алдабди. Шайтон ичимиздан туриб, «Мана бундай ишларни қилиб қўйдинг, сенга ўхшаган киши борми?! Аллоҳнинг ҳузурида ҳурмат-этиборинг бўлмаса, буларни қила олмасдинг», «Қара, бошқалар бемалол ўйнаб-кулиб, маза қилиб юрибди. Сенинг улардан қаеринг кам? Мана, ибодат қиляпсан, сабр қиляпсан», деб аврайди. Буларнинг барчаси алдамчи мақтовлардир. Юқоридаги ояти каримада айтиб ўтилганидек, шайтон тўрт томондан келиб, бандани йўлдан уришга ҳаракат қилар экан. Аллоҳнинг раҳмати

ва банда қилган саждаларнинг ҳурматидан юқоридан ва пастдан кела олмас экан.

Аллоҳ таоло айтади:

قَالَ أَخْرِجْ مِنْهَا مَذْمُومًا مَدْحُورًا لَمَنْ تَبِعَكَ مِنْهُمْ لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ
 مِنْكُمْ أَجْمَعِينَ ﴿١٨﴾ وَيَتَادَمُّ أَسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ فَكُلَا مِنْ
 حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ الظَّالِمِينَ ﴿١٩﴾

«Айтди: «Ундан (жаннатдан) айбланган ва ҳайдалган ҳолингда чик! Қасамёд этаманки, кимки сенга эргашса, сизларнинг барчангиз билан жаҳаннамни тўлдиражакман». (Биз дедик): «Эй Одам! Жуфтинг (Хавво) билан жаннатда турингиз ва хоҳлаган жойингиздан тановул қилинг! Фақат ушбу дарахтга (мевасидан ейиш учун) яқинлашмангиз. Акс ҳолда зolimлардан бўлурсиз!» (Аъроф сураси, 18-19-оятлар).

Аллоҳ таоло оятда у дарахт қандай дарахтлигини билдирмади. Аслида бизга ҳам унинг қандай дарахт эканини билиш муҳим эмас. Агар билишимиз муҳим бўлганида, албатта Аллоҳ таоло оятда номини зикр қилган бўларди. Шайтон Одам Ато ва Момо Ҳавонинг олдига бориб, васваса қила бошлади. Бир махфий гапни шошмасдан, такрор-такрор айтишга васваса дейилади. Шайтон уларни дарахт мевасидан ейишга ундайвергач, охири ундан ейишни хоҳлаб қолишди. Шайтон васваса ана шундай кучли нарсаки, бир ишга жазм этса, унча-бунча тақводор зотнинг ҳам ундан сақланиши қийин бўлади. Иблис «Ундай қил, бундай қил», деб инсонни ҳоли-жонига қўймайди. Аллоҳ таоло кейинги оятларда шундай марҳамат қилади:

فَوَسَّسَ لَهُمَا الشَّيْطَانُ لِيُبْدِيَ لَهُمَا مَا وُورِيَ عَنْهُمَا مِنْ
 سَوْءَاتِهِمَا وَقَالَ مَا نَهَاكُمَا رَبُّكُمَا عَنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ إِلَّا أَنْ تَكُونَا مَلَكَتَيْنِ
 أَوْ تَكُونَا مِنَ الْخَالِدِينَ ﴿٢٠﴾ وَقَاسَمَهُمَا إِنِّي لَكُمَا لَمِنَ النَّاصِحِينَ
 ﴿٢١﴾ فَذَلَّلَهُمَا بِفُرُورٍ فَلَمَّا ذَاقَا الشَّجَرَةَ بَدَتْ لَهُمَا سَوْءَاتُهُمَا وَطَفِقَا
 يَخْتَصِمَانِ عَلَيْهِمَا مِنْ وَرَقِ الْجَنَّةِ ۗ وَنَادَاهُمَا رَبُّهُمَا أَلَمْ أَنْهَكُمَا عَنْ
 تِلْكَ الشَّجَرَةِ وَأَقُلْ لَكُمَا إِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمَا عَدُوٌّ مُبِينٌ ﴿٢٢﴾

«Сўнгра шайтон уларнинг ёпилган авратларини очиб юбориш (шарманда қилиш) учун иккисига вас-васа қилди ва айтди: «Раббингиз сизларни фаришталарга айланиб қолмасин ёки (жаннатда) мангу қолувчилардан бўлиб қолмасин дебгина сизларни ушбу дарахтдан (ёйишни) ман этди». Яна иккисига қасам билан: «Мен сизларга (холис) насихатгўйлардандирман», деди. Шундай қилиб (шайтон) уларни (ноқулай ҳолатга) туширди. Дарахт (меваси)дан тотиб кўришлари биланок, иккисининг авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. Шунда уларга Парвардигорлари: «Сизларни ўша дарахтдан ман этмаганмидим ва шайтон сизларнинг яққол душманингиз, демаганмидим?!» деб нидо қилди» (*Аъроф сураси, 20–22-оятлар*).

Шайтон Одам Ато ва Момо Ҳавони васваса қилиб, авратларини ёпиб турган кийимларидан жудо қилди. Агар инсоннинг эғнидаги либос ечилса, шармандаи шармисор бўлиб, инсонийликдан айрилади. Шайтон ана шуни қасд қилган эди. Имом Насафий аълайҳирроҳма: «Бу оят авратни очиб юриш катта гуноҳ эканини

билдиради», деб шарҳлаган. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, авратини очиб юргани шайтонга алданганидир. Ислом шариатидан олдин ҳам Одам алайҳиссалом яратилганидан буён авратни беркитиш урф бўлган. Авратни очиб юришга буюриш шайтоннинг ишидир. Шу жойда айтиш ўринлики, бугунги кунда авратни очиб юриш ҳатто урфга айланди, бундан ҳаё қилинмайдиган, хижолат чекилмайдиган ҳолат юзага келди. Йилдан-йилга авратни кўрсатиб турадиган кийим турлари ўйлаб топилмоқда. Афсуски, бизнинг ўзбек аёлларимиз ҳам ана шу урфга эргашишга ҳаракат қилишмоқда, улардан ўзлари учун ибрат ва намуна қидиришмоқда. Авратни очиб юриш на инсоний табиатга, на ақлга тўғри келадиган хунук ва кабиҳ ишдир. Аллоҳ таоло айтади:

قَالَ رَبَّنَا ظَلَمْنَا أَنفُسَنَا وَإِن لَّمْ تَغْفِرْ لَنَا وَتَرْحَمْنَا لَنَكُونَنَّ
 مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٢٣﴾ قَالَ أَهْبِطُوا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ وَلَكُمْ
 فِي الْأَرْضِ مُسْتَقَرٌّ وَمَتَاعٌ إِلَىٰ حِينٍ ﴿٢٤﴾ قَالَ فِيهَا تَحْيَوْنَ وَفِيهَا
 تَمُوتُونَ وَمِنْهَا تُخْرَجُونَ ﴿٢٥﴾

«Иккиси айтдилар: «Эй Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз». (Аллоҳ) деди: «Бирингиз бирингизга (зурриётларингиз ўзаро) нисбатан душман бўлган ҳолингизда (жаннатдан) тушингиз! Сизлар учун (маълум) вақт (ажалингиз етгун)гача Ерда қарор топиш ва фойдаланиш (бордир)». (Яна) деди: «Унда яшайсиз, унда ўлурсиз ва ундан (охиратда) чиқарилурсиз» (Аъроф сураси, 23–25-оятлар).

Шайтон Одам алайҳиссалом ва у зотнинг жуфти ҳалолларини «Мана бу дарахт мевасидан енглар. Ўйлаб кўринглар, Роббингиз фаришта бўлиб қолмаслигингиз ва абадий ҳаётга эришмаслигингиз учун сизларни ундан ейишдан қайтарди. Агар бу дарахт мевасидан есанглар, фариштага айланасизлар ва унда абадий қоласизлар», деб васваса қилди. Шайтоннинг қасами ва васвасасидан кейин Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаво ман қилинган мевадан тотиб кўришди. Бир лаҳзада авратларини беркитиб турган кийимлар тушиб, қўрққанларидан жаннат дарахтлари барглари билан уни ёпа бошладилар. Яна иблис: «Мени оловдан яратдинг, мен ундан яхшиман», деди. Уламолар: «Шайтоннинг лаънатга учраб, кечирилмаслигига сабаб унинг кибр-ҳавосидир. Лой оловни ўчириши мумкин, лекин олов лойни йўқ қила олмайди. Шунинг учун аслида лой афзал эди, шайтоннинг қиёси хато бўлган», дейдилар. Шунда Аллоҳ таоло иккисига хитоб қилиб, деди:

يَبْنِيَّ آدَمَ قَدْ أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ لِبَاسًا يُؤْوِي سَوَاءَ تَكُمُ وَرِيثًا
وَلِبَاسُ التَّقْوَى ذَٰلِكَ خَيْرٌ ذَٰلِكَ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ لَعَلَّهُمْ
يَذَكَّرُونَ ﴿٢٦﴾ يَبْنِيَّ آدَمَ لَا يَفْنِنَنَّكُمُ الشَّيْطَانُ كَمَا أَخْرَجَ
أَبَوَيْكُم مِّنَ الْجَنَّةِ يَنْزِعُ عَنْهُمَا لِبَاسَهُمَا لِيُرِيَهُمَا سَوَاءَ تَهُمَا
إِنَّهُ يَرِيكُمْ هُوَ وَقَبِيلُهُ مِنْ حَيْثُ لَا تَرَوْنَهُمْ إِنَّا جَعَلْنَا الشَّيْطَانَ
أَوْلِيَاءَ لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٢٧﴾

«Эй Одам авлоди! Сизларга авратларингизни беркитадиган либос ва патлар (зийнат кийимлари) ни туширдик. (Аммо) тақво либоси – бу, яхшироқ-

дир. Бу(лар) Аллоҳнинг мўъжизаларидандир. Шояд (буни) эслаб кўрсалар!» Эй Одам авлоди! Шайтон ота-оналарингиз (Одам ва Ҳавво)нинг авратларини ўзларига кўрсатиб (уялтириб) жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин! Зеро, у ва унинг тўдаси сизлар уларни кўра олмайдиган тарафдан сизларни кўрадилар. Биз шайтонларни имон келтирмайдиганларга дўст қилиб қўйдик» (*Аъроф сура-си, 26-27-оятлар*).

Юқоридаги авратни ёпиш учун кийиладиган либос икки маънода қўлланади: бири оддий либос, яна бири тақво либосидир. Тақво либоси маънавий маънода бўлиб, оддий либосдан муҳимроқ маъно касб этади. Тақво либоси бизни қиёмат куни яланғоч ҳолда қолдирмайди, қиёмат куни ҳамма яланғоч ҳолда турганида устимизда тақво либоси бўлади.

Инсоният яратилганидан буён хато ва гуноҳлар қилиб яшаб келмоқда. Агар хато ва гуноҳларга қарши курашмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйса, бундан ўзига зарар етади. Шунинг учун гуноҳдан дарҳол қайтиб, бошқа у номаъқулчиликни қилмаса, Аллоҳ таоло гуноҳларини кечиради. Халқимизда «Бугунги ишни эртага қўйма», деган пурмаъно мақол бор. Бу мақолни айнан хато қилиш ва тавбага ҳам қўлласа бўлади. Гуноҳкор инсон гуноҳ ва маъсиятларни ўзи билан бирга кўтариб юрмаслиги керак. Кир ва ифлослик теккан либосни пок ва тоза сувда ювиб, тозаланганидек, гуноҳ-маъсиятлар ҳам тавба ва тақво суви билан покланиб бориши лозим. Чунки ҳаётда бугун гаплашиб, кулишиб бирга ўтирган одамимизни эртасига топа олмай қоляпмиз. Суриштирсак, у охират сафарига отланиб, бедов отини ҳозирлаган бўлади. Шу боис инсон англаб, билган заҳоти хато ва гуноҳларининг кечиришини сўраб,

Аллоҳ таолога ёлвориб илтижо қилиши, шундан кейин бу хато ва гуноҳини асло такрорламасликка аҳду паймон қилиши лозим. Ана шундай қила олган киши ҳақиқий мард кишидир. Бироқ хато ва гуноҳига тавба қилиб, маълум вақт афсус-надомат чекиб юрган кишининг яна ўша ишига қайтиши асло кечирилмайди. Мусулмон одам ана шундай бебурд инсон бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлиши керак. Бундай инсон халқ орасида ҳеч қандай ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлмайди. Бу эса унинг инсон деган шарафли номга ҳам нолайиқ эканини билдиради. Аллоҳ субҳонаху ва таоло ҳар биримизни хатою гуноҳларларга қўл уришдан Ўзи сақласин, шайтоннинг васвасасига учраб, унинг етовига тушиб қолишдан Ўзи паноҳ ато этсин.

САЛОМ – АЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ ВА МУБОРАК ИСМИ

Динимизда саломлашишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу маънода айтиш мумкинки, салом динимиз шиори, обрўси ва шаънидир. Аллоҳнинг исмларидан бири ҳам Ас-Салом бўлиб, мазкур исм ўзида тинчлик ва яхшилик маъносини қамраб олади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَإِذَا حُيِّئْتُمْ بِهِ فَاَحْسِنُوا أَجْزَأَ حَسَنًا أَوْ رُدُّوهَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ
عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا

«Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша(ибора)ни қайтарингиз. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ҳисобга олувчи Зотдир» (Нисо сураси, 86-оят).

هَلْ أَنْتَ حَدِيثُ ضَيْفِ إِبْرَاهِيمَ الْمَكْرَمِ (٢٤) إِذْ دَخَلُوا عَلَيْهِ فَقَالُوا سَلَامًا قَالَ سَلَّمَ قَوْمٌ مُنْكَرُونَ (٢٥)

«(Эй Мухаммад), сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими? Ўшанда улар (Иброҳимнинг) ҳузурига кириб, «Салом», дейишган эди. У ҳам «Салом», деди» (*Зарият сураси, 24-25-оятлар*).

Демак, салом бериб, алик олиш одати Иброҳим алайҳиссалом замонида ҳам бор бўлиб, ўша вақтлардан буён сақланиб келаётган солиҳ амаллардан ҳисобланар экан.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَا تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ حَتَّى تُؤْمِنُوا، وَلَا تُؤْمِنُوا حَتَّى تَحَابُّوا، أَفَلَا أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ أَمْرٍ إِذَا فَعَلْتُمُوهُ تَحَابَبْتُمْ؟ أَفَشُوا السَّلَامَ بَيْنَكُمْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, мўмин бўлмагунингизча, жаннатга кирмассиз. Бир-бирингизни яхши кўрмагунча, мўмин бўлмассиз. Сизни агар (амал) қилсангиз, бир-бирингизни яхши кўрғизадиган ишга далолат қилайми? Орангизда саломни кенг тарқатинг», дедилар» (*Абу Довуд, Термизий ва Муслим ривоят қилишган*).

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўғитлари мағзини чакқан, жаннатга киришни орзу қилган одам аввало иймонини мустаҳкамлаши лозим. Мўмин бўлиш учун ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлиш талаб этилар экан. Ўзаро

меҳр-муҳаббатли бўлиш биргина оддий амал – саломлашиш туфайли амалга ошар экан. Бу иш ҳеч кимга малол келмайди. Салом бериш ва унга алик олиш на қарияларга ва на ёшларга кийинчилик туғдиради. Пайғамбаримизнинг ўзаро саломни ёйиш борасидаги буйруқларида жуда кўп ҳикматлар бор бўлиб, агар саломни ёйишни бошласак, бунга ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қиламиз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ عَاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَيُّ الْإِسْلَامِ خَيْرٌ؟ قَالَ: «تَطْعُمُ الطَّعَامَ، وَتَقْرَأُ السَّلَامَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيَّ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Исломнинг нимаси яхши?» деб сўради.

«Таом беришинг ҳамда таниган-танимаганга салом беришинг», дедилар» *(Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган)*.

Таом бериш ва салом бериш динимизда энг яхши амаллар сирасига кирар экан. Бир қорни оч кишининг қорнини тўйғизсак, у қанчалар хурсанд бўлишини бир кўз олдингизга келтиринг. Таниган-танимаганга салом бериш ҳам ана шу амал билан баробар экан. Бу ҳақда сарвари олам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар бериб, бизни огоҳлантирмоқдалар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «خَلَقَ اللَّهُ آدَمَ عَلَى صُورَتِهِ، طُولُهُ سِتُونَ ذِرَاعًا، فَلَمَّا خَلَقَهُ قَالَ: اذْهَبْ فَسَلِّمْ عَلَى أَوْلِكَ

النَّفَرِ مِنَ الْمَلَائِكَةِ جُلُوسٍ، فَاسْتَمَعَ مَا يُحْيُونَكَ، فَإِنَّهَا تَحْيِيكَ
وَتَحْيِيَّةُ ذُرِّيَّتِكَ. فَقَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ. فَقَالُوا: السَّلَامُ عَلَيْكَ وَرَحْمَةُ
اللَّهِ. فَزَادُوهُ وَرَحْمَةُ اللَّهِ، فَكُلُّ مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ عَلَى صُورَةِ آدَمَ، فَلَمْ
يَزَلِ الْخَلْقُ يَنْقُصُ بَعْدُ حَتَّى الْآنَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ Одамни ўз суратида яратди. Бўйи олти-миш газ эди. Уни яратиб бўлгач, «Боргин-да, анави ўтирган бир неча фариштага салом бер. Уларнинг сен билан нима деб саломлашишларига қулоқ сол, сенинг саломлашувинг ҳам, зурриётингнинг саломлашуви ҳам ўшадир», деди. У: «Ассалааму алайкум», деди. Улар: «Ассалааму алайка ва роҳматуллоҳ», дея бунга «ва роҳматуллоҳ»ни қўшимча қилишди. Жаннатга кирадиган ҳар ким Одам суратида бўлади. Одамлар ҳамон қичрайиб келмоқда» (Муттафақун алайҳ).

Анваршоҳ Кашвирийнинг «Саҳиҳул Бухорий»га ёзиб қолдирган «Фатҳул Борий» номли шарҳида: «Саломлашиш умумий маънода саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик сўрашни билдиради. Худди салом берувчи алик олувчига ўздан фақат тинчлик ва яхшилик бўлишини, ёмонлик ва хавфу хатар йўқлигини билдириш маъносида айтилади», деб келтиради. Умуман олганда, «Ассалому алайкум» лафзининг асосий маъноси ана шундан иборат. Оддийроқ тушунтирадиган бўлсак, кимга салом бераётган бўлсангиз, сиздан унга хавф ва ёмонлик етмаслиги, фақат тинчлик ва яхшилик етиши-

ни хабар бераётган бўласиз. Шунингдек, саломга алиқ олувчи ҳам худди шу лафзлар билан жавоб қайтариши, яъни «Мендан ҳам сизга ҳеч қандай хавф-хатар ва зарар йўқ, фақат яхшилик тилайман», дейиши керак.

Эътибор берадиган бўлсак, динимиз ҳам айнан шу калималарни одамлар орасида ёйишни тарғиб қилади. Бундан мақсад саломлашувчилар ўртасида меҳр-муҳаббатни жорий қилишдир. Чунки ҳар қайси замонда одамларга ўзининг ёмонлиги, жабр-ситами ёки зулми билан ёмонлик етказувчи кишилар бўлиши мумкин. Ҳар қандай кишида бегона ёки четдан келган бир кишини кўрганда бу яхши одамми ёки ёмон одамми, деган шубҳа уйғониши табиий. Мана шу шубҳа ва ёмонликни кетказиш мақсадида саломлашиш алоҳида шаръий ҳукмлар қаторида зикр этилиб, у суннат, саломга алиқ олиш эса фарз қилинди. Динимизда кишилар учрашиб қолганда, дарҳол ўз муддаосини билдириб, тинчлик тилаши суннат ва фарз даражасига кўтарилди. Тинчлик тилаш – бу саломатлик, хотиржамлик ва яхшилик тилашдир. Барчамиз гувоҳи бўлиб турибмизки, кишиларга яхшилик тилаш бугунги долғали асримизда жуда тақчил тус олмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, салом беришнинг машҳур ва маъсур матни «Ассалому алайкум»дир. Мана шу лафзлар билан салом берилганда «Алайкумуссалом ва роҳматуллоҳ», дея зиёда қилиб жавоб берилади. Бу лафз «Сизга ҳам Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин» деган маънони англатади. Агар «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ», деб салом берса, унга «Ва алайкумуссалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ», деб жавоб қайтарилади. Баъзан «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу ва қофия вал офия ва ғодира», деб салом берувчилар ҳам

учраб туради. Яъни «яхшилиқ бўлсин, кофий бўлсин», деб қўшишади. Лекин Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо каби саҳобалар бу каби амалларда ҳаддан ошишдан қайтарганлар. Бир куни Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумога бир киши: «Ассалому алайкум ва роҳмагуллоҳи ва барокатуҳу ва хойибат вал ғойибат», деб қўшиб салом берганида жаҳллари чиқиб, «Ва алайка алф», яъни «Сенга минг марта салом», деб норозилиқларини билдирган эканлар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумога шу тариқа салом берилганида «Барокатуҳ»дан кейин ошиб кетилмайди», деб, «Ассалому алайкум ва роҳмагуллоҳи ва барокатуҳ»дан кейин тўхташни буюрган эканлар. Чунки мана шу салом лафзлари, кимга салом бериш, қандай одамга салом бериш, қай тариқа салом бериш, қандай жавоб қайтариш лозимлиги, кимга салом берса бўлади, кимга салом бериб бўлмайди, қандай ҳолатда салом бериш суннат ёки қандай ҳолатда салом бериш макруҳ каби масалалар Аллоҳ таолонинг гўзал тарбиясини олган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан биз умматларига таълим берилган. Фақат «салом» лафзлари билан саломлашиш, қўл сиқиб кўришиш, кучоқ очиб кўришиш, марҳабо қилиш каби барча амаллар ҳадисларда батафсил ёритилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон кишининг ҳаётида саломлашиш муҳим ўрин тутгани учун уни кенгрок тушунтириб, амалда кўрсатиб берганлар. У зот ким билан кўришиб қолсалар, биринчи бўлиб салом беришга шошилганлар.

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ؛ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ، فَرَدَّ عَلَيْهِ ثُمَّ جَلَسَ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «عَشْرٌ»، ثُمَّ جَاءَ آخَرَ فَقَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ، فَرَدَّ عَلَيْهِ فَجَلَسَ، فَقَالَ: «عَشْرُونَ»، ثُمَّ جَاءَ آخَرَ فَقَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، فَرَدَّ عَلَيْهِ فَجَلَسَ، فَقَالَ: «ثَلَاثُونَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Имрон ибн Ҳусойн розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, «Ассалому алайкум», деди. У зот алик олдилар. (Ҳалиги одам) ўтирди. Сўнгра Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «**Ўнта**», дедилар.

Кейин бошқа бири келиб, «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ», деди. У зот алик олдилар. (Ҳалиги одам) ўтирди. Сўнгра у зот: «**Йигирмата**», дедилар.

Кейин бошқа бири келиб, «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ», деди. У зот алик олдилар. (Ҳалиги одам) ўтирди. Сўнгра у зот: «**Ўттизта**», дедилар» (*Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоят қилишган*).

Аллоҳ таоло ҳазрати Одам алайҳиссаломни яратгач, унга фаришталарнинг ҳузурига бориб, салом беришни ва қандай алик олишларини эшитишни буюрди. Бу алик ўзига ва ўзидан тарқаладиган зурриётларига йўланган салом бўлишини билдирди. Одам алайҳиссалом фаришталар ҳузурига бориб, «Ассалому алайкум», дедилар. Фаришталар ҳам: «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ», деб алик олишди. Яна «Ва роҳматуллоҳи факуллу ман ядхуллул жанна аъла сурати Адам», яъни жаннатга Одам суратида кирадиган барча инсонларга ҳам Аллоҳнинг раҳмати бўлсин», деб қўшиб қўйишди.

Ушбу ҳадиси шарифдан кўраяпмизки, саломнинг тарихи Одам алайҳиссаломнинг яратилган ва яшаган даврига бориб тақалади. Аллоҳ таоло Ўзи яратган Одам алайҳиссаломга одоб ва таълим бериб, фаришталар билан саломлашиши орқали салом-аликнинг амалда жорий бўлишини истади. Ҳадисда одобнинг фазилати ҳам зикр қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Юриб келувчи ўтирган одамга салом беради», деган ҳадислари мана шу ҳадис билан бир хил маъно касб этади. Бу ҳадиси шарифдан одобнинг илмдан олдин туришини ҳам билиб олсак бўлади. Дастлаб Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни одобга буюриб, кейин фаришталардан илм олишни уқтирди. Халқимизда «Олим бўлиш осон, лекин одам бўлиш қийин» деган ҳикматли сўз бор. Қуръони Каримнинг Нур сурасида салом бериш ҳақида шундай дейилган:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لَا تَدْخُلُوْا بُيُوْتًا غَيْرَ بُيُوْتِكُمْ
 حَتّٰى تَسْتَأْنِسُوْا وَتُسَلِّمُوْا عَلٰى اٰهْلِهَا ذٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ
 تَذَكَّرُوْنَ ﴿٢٧﴾ يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لَا تَتَّبِعُوْا خُطُوٰتِ
 الشَّيْطٰنِ وَمَنْ يَتَّبِعْ

«Эй имон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангиз. Бас, агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасангиз, унда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз!» (Нур сураси, 27-28-оятлар).

Шу каби оят ва ҳадисларда саломлашиш ва кўришиш борасидаги фикҳий масалалар мавжудлигига эътибор қаратмоқчимиз. Аллоҳ таоло айтади:

فَإِذَا دَخَلْتُمْ بُيُوتًا فَسَلِّمُوا عَلَىٰ أَنفُسِكُمْ تَحِيَّةً مِّنْ عِنْدِ
 اللَّهِ مُبْرَكَةً طَيِّبَةً كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ
 الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١١﴾

«Бас, қачонки, уйларга кирсангиз, бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак, покиза саломни айтингиз (яъни «Ассалому алайкум» денг!). Сизлар ақл юргизишларингиз учун Аллоҳ Ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур» (*Нур сураси, 61-оят*).

Араб тилида саломлашиш мусофаҳа, қўл бериб кўришиш муъанаҳа ва кучоқлашиб кўришиш муъонақа дейилади. Ўзаро учрашганда қўл бериб кўришиш мусулмонларга суннат бўлиб, бу мусофаҳа дейилади. Мусофаҳада икки томон бир-бирининг қўлини сиқиб кўришиши одат тусига кирган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусофаҳани икки қўллари билан бажарганлар. Демак, қўл бериб кўришиш суннати икки қўллаб кўришиш орқали амалга ошади. Кўпчилик уламолар бир қўллаб кўришишни ҳам суннат, деганлар. Лекин биз суннатни ҳам камолга етказиб бажарамиз. Икки мусулмон бир-бирини кўриб, мусофаҳа қилганида, яъни икки қўллаб кўришганда салавот айтиши ва бир-бирининг ҳаққига дуо қилиши ҳадисларда келтирилган. Ким шу тариқа кўришса, унинг гуноҳлари худди дарахт барглари тўкилгандек тўкилади. Баъзан жамоат намозларидан кейин кишиларнинг мусофаҳа

қилиши илгаридан одат тусига кирган. Лекин буни барча уламолар бир овоздан бидъат дейишади. Чунки на Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ва на саҳобалар бу ишни қилмаганлар. Мусофаҳанинг суннатга мувофиқ кўриниши шундай: икки мусулмон одам бир-бирига йўлиққанда, яъни кутиб туриб эмас ёки орқасидан қувиб бориб эмас, бир-бирига дуч келганда олдин «Ассалому алайкум» деган лафзни айтиб, сўнгра қўл бериб кўришадилар. Албатта, қўл бериб кўришишдан олдин «Ассалому алайкум» дейиш шарт. Лекин масжидларда намоздан кейин кўришишни динимизда бор деб, одатга айлантириш айни бидъат ҳисобланади. Буни қилишда савоб йўқ. Дуч келиб қолганда қўл бериб кўришиш суннат эканини эътироф этиб, амал қилсак, бу ишимиз турли ноқулайликларни келтириб чиқармайди.

«Муъонақа»ни кучоқ очиб кўришиш, деб таърифладик. Зайд ибн Ҳориса розияллоху анху бир ғазотдан қайтиб келганида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам уни бағирларига босиб, пешоналаридан ўпиб кўришдилар. Ҳазрати Жаъфар розияллоху анху бир ғазотдан ғалаба билан қайтиб келганида кўзларидан ўпиб, кучоқлаб кўришдилар. Шунинг учун қариндош ва яқин кишиларнинг бир-бирлари билан (эркаклар билан эркаклар) кучоқ очиб кўришишлари дуруст. Аёллар ҳам ўзаро шундай. Фақат кийимсиз ва яланғоч ҳолда кучоқлаб кўришилмайди. Орада бироз вақт кўришилмай қолса, бу ҳадисга риоя қилса бўлади. Аммо ҳар куни бир-бири билан кўришиб турганда кучоқлашиб кўришиш шаръий асосларга тўғри келмайди. Ҳар куни кўришилганда ё лафз билан, ёки мусофаҳа қилиб кўришиш дуруст. Фақат бирон жойдан келганда, ё сафарга кетиб, узоқроқ кўришмай қолганда муъонақа ки-

линиши суннатга мувофиқдир. Салом беришнинг ҳам ўз вақти-соати бор. Салом бериш суннат, лекин у тўғри бажарилмаса, макруҳ бўлиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас.

Жумладан, бир қанча ҳолатларда салом бериш ҳам, унга алик олиш ҳам тўғри эмас.

Биринчиси – ҳожатхона ва таҳоратхонада дуч келиб қолганда салом ҳам берилмайди, унга алик ҳам олинмайди. Бу ерларда салом бериш макруҳдир. Чунки «Салом» лафзида Аллоҳнинг исми мавжуд. Бу лафзни нопок жойда айтиш дуруст эмас.

Иккинчиси – намоз ўқиётган ёки азон айтаётган одамга ҳам салом бериш ножоиз. Агар намоз ўқиётган одамга салом берилса-ю, у «Алайкум», деб алик олса, намози бузилади.

Учинчи – уйқудаги ёки мудраб ўтирган одамга ҳам салом берилмайди. Масалан, уйқудаги одам тўсатдан чўчиб уйғониши, кўрқиб кетиши мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уйқудаги ёки мудраб ўтирган одамга салом берилмайди**», деганлар.

Туртинчи – оғзида таом чайнаётган одамга салом берилмайди. Таомни оғзида чайнаб турган одам ҳам саломга алик олмайди. Лекин ҳали лукмани оғзига солмаган бўлса ёки қўлини таомга олиб бораётган пайтда салом берилса, алик олиши жоиз.

Бешинчи – Қуръони Карим тиловат қилаётган кишига ҳам салом бериш жоиз эмас. Лекин унга салом берилса, саломга алик олиб, сўнгра ўқишни давом эттирса, гуноҳкор бўлмайди.

Олтинчи – дуо қилаётган одамга салом берилмайди.

Еттинчи – эҳром кийиб, талбия айтаётган ҳожига ҳам салом бериш ножоиз.

Салом беришнинг бир қанча одоблари бор. Пайғамбар алайҳиссалом: «**Озчилик кўпчиликка салом**

беради, ёшлар катталарга салом беради, юриб келаётган одам ўтирганга салом беради. Уловдаги одам юриб келаётган пиёда одамга салом беради. Иккита уловдаги одам ёки иккита юриб келаётган одам йўлиқиб қолса, қайси бири аввал салом берса, шуниси афзал», дедилар. Ёш болаларга ҳам салом бериш жоиз. Ҳазрати Анас розияллоҳу анҳу бир гуруҳ ёш болаларга салом берганлари ривоят қилинган.

Хуллас, саломлашиш ва у билан боғлиқ одобларга эътибор беришимизга сабаб, бугунги кунимизга келиб, салом бериш, салом берган одамга алик олишдек гўзал ахлоқ намунаси тобора камайиб бормоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Исломдаги энг хайрли амаллар қайси?» деб сўралганда, «**Таом беришинг ҳамда таниган-танимаганга салом беришинг**», деганлар. Ҳозирги вақтда асосан таниган одамга салом берилади. Аслида эса таниган-танимаган одамга салом бериб, саломни ҳамма вақт жорий қилиш керак экан.

Машхур саҳобий Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳунинг Туфайл исмли ўғиллари Пайғамбар алайҳиссалом даврларида туғилган қорни катта, ниҳоятда семиз киши бўлган экан. Бир куни ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг уйларига келибди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу у билан бирга бозорга жўнабдилар. Туфайл айтади: «Йўлда кимга учрамайлик, Ибн Умарга салом берди, у бозорчими, бозорнинг каттасими, камбағалми, бойми, мискинми, фарқи йўқ, ҳамма билан саломлашди. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар: «Салом берганга ҳам, алик олганга ҳам ажр бор», деди. Яна бир куни борган эдим, «Яна кетдикми бозорга, эй Туфайл?» деди. Мен: «Эй ибн Умар, сиз бозорга бор-

сангиз, на савдо қиласиз, на бозорда ўтирасиз. Фақат айланиб, қайтасиз», дедим. Ибн Умар: «Эй Абул Батн (Эй Қоринбой, демоқчи), ҳозир сен билан бозор айланганимизда саломлашиб, унинг савобини олиб қайтамиз, шунинг ўзи сенга етмайдими?» деди».

Бу каби мисоллар жуда кўп.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلَامٍ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يَا أَيُّهَا النَّاسُ، أَطْعَمُوا الطَّعَامَ، وَأَفْشُوا السَّلَامَ، وَصَلُّوا الْأَرْحَامَ، وَصَلُّوا بِاللَّيْلِ وَالنَّاسُ نِيَامٌ، تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Саломдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй одамлар, таом улашинглар, саломни ёйинглар, силаи раҳм қилингллар, тунда – одамлар уйқудалигида намоз ўқинглар, жаннатга салом билан кирасизлар», дедилар» (Байҳақий ривоят қилган).

Салом бериш шу қадар муҳим аҳамиятга эга эканки, у кишилар орасида меҳр-муҳаббат ҳосил қилиб, бу гўзал суннатга амал қилган мўмин киши охиратда катта ажр-савобларга мушарраф бўлади, гуноҳлари тўкилади. Ҳатто аҳли жаннат фаришталар томонидан айнан мана шу лафзлар билан кутиб олиниб, жаннат томон йўлланади.

Афсуски, ҳозирги давр кишилари, айниқса, ёш авлод бу суннатга ниҳоятда эътиборсиз бўлиб бормоқда. Танимаган одамга мутлақо салом бериш йўқ. Эътибор берадиган бўлсак, саломлашиш ва кўришишнинг турли кўришишлари пайдо бўлганига, суннатга мувофиқ саломлашиш эса йўқолиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Интернет ва бошқа тармоқлар орқали хориждан кириб келаётган

хабарлар, урф-одатлар қаторида саломлашиш ва кўришишнинг ҳам турли шакллари юртимизга кириб келиб, ёшлар орасида кенг тарқалмоқда. Афсуски, бу урф-одатларни катта ёшдаги мусулмон кишилар ҳам ўзига сингдириб, уларга амал қилаётгани сир эмас. Айниқса, ёш йигитларнинг бошини бир-бирига теккизиб кўришиши шулар жумласидандир. Кўришиш ва саломлашишнинг бундан бошқа турлари ҳам жуда кўп бўлиб, бу ўринда уларни бирма-бир санашнинг имкони йўқ. Албатта, бу ачинарли ҳолдир. Саломлашиш ва кўришишнинг бу каби турлари динимизда йўқ. Улар бошқа халқлардан ўзлаштирилгани шубҳасиз. Ота-боболаримиз асосан суннатга мувофиқ кўришишни ўзларига одат қилиб олганлар ва буни атрофга ёйганлар. Албатта, бу борада ўзимиз амал қилиб, ўзимиз саломни ошкора тарқатишимиз ва ҳаммага намуна бўладиган зот – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эканликларини ҳар доим ёдда тутишимиз лозим. Ҳатто у зот ёш болаларга ҳам биринчи салом берар, у зотдан олдин бирон киши салом беришга улгурмас экан. Фарзандларига, ахлларига бу гўзал суннат амалнинг фазилати, мақоми, савоби ва даражасини ўргатиб бориш ҳар бир мусулмонга вожибдир.

РОСТГҶЙЛИК, АХДГА ВАФО ВА ОМОНАТДОРЛИК

РостгҶйлик, ахдга вафо ва омонатга бепарво бўлмаслик жамият ҳаётида муҳим ўрин тутати. РостгҶйлик йўқ жойда ўзаро ишонч ва садоқат йўқолади, агар бундай ҳислатлар ҳаётимиздан йўқолиб борган сари ўзаро ишончсизлик кучайиб, одамлар орасига адоват уруғини ташлайди. Натижада жамият пароканда бўлиб, ҳалокатга юз тутати. Жамият тараққиёт йўлида илгарилаб бориши учун уни ташкил этувчи фуқаролар ўзаро ишонч билан, бири-бирини қўллаб-қувватлаб яшаши лозим. Бу ҳислатлар ҳаётнинг бир маромда давом этишини таъминлайди десак, асло хато бўлмайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсониятга юборган пайғамбарларнинг хулқларида кўзга ташланиб турадиган улуғ ҳислатлардан бири ростгҶйлик ва садоқат эди. Аксинча, ёлғончилик, ишончсизлик ва хиёнат каби иллатлар пайғамбарларга ёт бўлган. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اتَّقُوا اللّٰهَ وَكُوْنُوْا مَعَ الصّٰدِقِيْنَ ﴿١١٩﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва имонларида ростгҶй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз» (Тавба сураси, 119-оят).

Демак, мўмин-мусулмон киши олдин Аллоҳ таолодан қўркишга, сўнгра иймонида ростгҶй инсонлар билан бирга бўлишга даъват этилмоқда.

وَمِنْهُمْ مَّنْ عٰهَدَ اللّٰهَ لَئِنِ ءَاتَيْنَا مِنْ فَضْلِهِ ءَلَنَصَّدَّقَنَّ وَلَنَكُوْنَنَّ مِنَ الصّٰلِحِيْنَ ﴿٧٥﴾ فَلَمّآ ءَاتٰهُمْ مِنْ فَضْلِهِ ءَبَخِلُوْا

بِهِ، وَتَوَلَّوْا وَهُمْ مُّعْرِضُونَ ﴿٧٦﴾ فَأَعْقَبَهُمْ نِفَاقًا فِي قُلُوبِهِمْ
إِلَى يَوْمٍ يَلْقَوْنَهُ، بِمَا أَخْلَفُوا اللَّهَ مَا وَعَدُوهُ وَبِمَا كَانُوا
يَكْذِبُونَ ﴿٧٧﴾

«Улар орасида: «Агарда бизга (Аллоҳ) фазли (бойлиги)дан берса, албатта, садақа қилурмиз ва солих (киши)лардан бўлурмиз», деб Аллоҳ билан аҳдлашадиганлар ҳам бор. (Аллоҳ) уларга фазлидан берганда эса, (улар) унга бахиллик қилдилар ва юз ўгириб кетдилар. Аллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва ёлғончилик қилганлари сабабли уларга, то Уни учратадиган кунлари (қиёмат)гача дилларида мунофиқлик бўлишини қисмат қилиб қўйди» (Тавба сураси, 75–77-оятлар).

وَالصَّادِقِينَ وَالصَّادِقَاتِ رِزْقًا رِزْقًا أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ
مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٣٥﴾

«Ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар учун... Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофот тайёрлаб қўйгандир» (Аҳзоб сураси, 35-оят).

فَلَوْ صَدَقُوا اللَّهَ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ ﴿٣١﴾

«Содиқ-ростгўй бўлганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлур эди» (Муҳаммад сураси, 21-оят).

Мазкур ояти карималардан маълум бўлмоқдаки, Куръони Каримда ростгўйлик ва омонатнинг кўп тилга олинishi бежиз эмас. «Аллоҳга ваъда бериш» деган

лафзнинг ўзи оғир. Уни оғир дейишимизнинг сабаби шуки, Аллоҳга берилган ваъдага хилоф иш қилинса, Аллоҳнинг жазоси ва иқоби ниҳоятда оғир бўлади. Бунини Аллоҳ таолонинг бандаларига буюрган кўплаб амалларидан билиб олиш қийин эмас.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «عَلَيْكُمْ بِالصَّدَقِ، فَإِنَّ الصَّدَقَ يَهْدِي إِلَى الْبِرِّ، وَإِنَّ الْبِرَّ يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ، وَمَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَصْدُقُ وَيَتَحَرَّى الصَّدَقَ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ صَدِيقًا، وَإِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ، فَإِنَّ الْكَذِبَ يَهْدِي إِلَى الْفُجُورِ، وَإِنَّ الْفُجُورَ يَهْدِي إِلَى النَّارِ، وَمَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَكْذِبُ وَيَتَحَرَّى الْكَذِبَ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ كَذَابًا». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ростгўликни лозим тутинглар. Чунки ростгўлик яхшиликка бошлайди. Яхшилик эса жаннатга бошлайди. Киши рост гапираверса ва ростгўликни ишташда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида «сиддиқ», деб ёзилади.

Ёлғондан эҳтиёт бўлинглар. Чунки ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса дўзахга бошлайди. Киши ёлғон гапираверса ва ёлғончиликни ишташда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида «каззоб», деб ёзилади», дедилар» (*Туртовлари ривоят қилишган*).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ушбу ҳадиси шарифда ростгўлик ва ёлғончиликнинг ўртасини ажратиб бериб, ҳар бирининг олиб борадиган манзилени ҳам таъкидлаб келтирмоқдалар. Аммо кўплаб нодон ва

жоҳил кишилар ростгўйлик ва ёлғончиликни фарқлай олишмайди. Ўзларига ўзлари «Бу дунёда ёлғон аралаштирмасанг, ишинг битмайди, ишинг юришмайди», дея хулоса чиқариб олишган. Тўғри, баъзан шундай ҳолатлар бўладики, ростгўй одам қолиб, ёлғончи, каззоб киши ишини битириб кетиши мумкин. Лекин мўмин киши ниятни тўғри қилиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам рост гапиришга одатланса, оқибатда ростлик ғолиб чиқишига ишониши керак. Агар ростини айтишнинг иложи бўлмаса, ёлғон гапириб гуноҳкор бўлгандан кўра жим турган яхшироқдир.

عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ:
«دَعَّ مَا يَرِيكَ إِلَى مَا لَا يَرِيكَ، فَإِنَّ الصِّدْقَ طَمَأْنِينَةٌ، وَإِنَّ
الْكَذِبَ رِيَّةٌ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَأَبْنُ حِبَّانَ.

Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сени шубҳалантирган нарсани қўйиб, шубҳалантирмаган нарсага ўт. Ростгўйлик хотиржамликдир. Каззоблик эса шубҳадир», дедилар» *(Термизий, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган).*

Пайғамбарлар ёлғон сўзлайдиган, одамларнинг ишончини оқламаган кишилар бўлганида, умматлари уларга иймон келтирмаган, Аллоҳнинг дини ер юзига ёйилмаган бўлар эди. Аллоҳ таоло у зотларни туғилган пайтиданок ана шундай сифатлар билан зийнатлаб, тарбиялаган эди. Жумладан, охирги ва энг маҳбуб Пайғамбар Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам жоҳилият даврида Макка мушриклари ора-

сида яшаган вақтларида ростгўйликлари ва ваъдага вафодорликлари билан танилганлар. Бу ҳақда сийрат китоблари орасида биринчи мукофотга лойиқ топилган Софиурроҳман Муборақфурийнинг «Роҳиқул махтум» номли китобида батафсил баён этилган. Унда жумладан шундай дейилади: «Набий алайҳиссалом берган ваъдаларига вафо қилиш ва унга қатъий риоя этишлари билан бошқалардан ажралиб турар эдилар».

Пайғамбар алайҳиссалом аҳдга вафо қилиш борасида бошқалардан афзал, тўғрисўз, садоқатли ва омонатдор эдилар. Ҳатто у зотнинг ростгўйликларини ўша вақтда душманлари ҳам тан олишга мажбур бўлган. У зот пайғамбар бўлишларидан олдин «Амин» деб чақирилганлар. Ҳатто Ислом келишидан олдин Макка мушриклари ўз ишларида ҳакамлик учун ўз қабиладошлари орасида амин – ишончли деб танилган Муҳаммад алайҳиссаломни танлашар эди.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ أَبَا جَهْلٍ قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّا لَا نَكْذِبُكَ،
وَلَكِنْ نَكْذِبُ بِمَا جِئْتَ بِهِ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ الْآيَةَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Жаҳл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Биз сени ёлғончи қилмаймиз. Лекин сен келтирган нарсани (яъни динингни) ёлғон деймиз», деди. Шунда Аллоҳ мана шу оятни нозил қилди» *(Термизий ривоят қилган)*.

Мазкур ривоятда назарда тутилган оят қуйидагича эди:

فَإِنْ كَذَّبُوكَ فَقَدْ كَذَّبَ رَسُولٌ مِّن قَبْلِكَ جَاءُوا بِالْبَيِّنَاتِ
وَالزُّبُرِ وَالْكِتَابِ الْمُنِيرِ

«Агар Сизни ёлғончига чиқараётган бўлсалар, (хафа бўлманг, зеро,) Сиздан илгари ҳужжатлар, илоҳий битиклар ва нур таратувчи китоб келтирган (қатор) пайғамбарлар ҳам ёлғончига чиқарилган-дирлар» (Оли Имрон сураси, 184-оят).

Ҳирақл мушриклар томонидан элчи бўлиб борган Абу Суфёндан: «Гапларини айтишидан олдин уни ёлғонда айблар эдингизми?» деб сўраганида Абу Суфён: «Йўқ», деб яширмай, тўғриси айтиди. У пайтда Абу Суфён ҳали иймон келтирмаган, Пайғамбар алайҳиссаломга душманлик қилиб, озор етказиб юрган мушриклар қаторида эди. Лекин мана шу одам ҳам у зот алайҳиссалом тўғрисида Ҳирақлга ёлғон сўзламади. Инсонларни саодатга элтувчи Ислому дини ростгўйлик асосига қурилгандир. Энг ростгўй, энг садоқатли, энг омонатдор, ваъдасига хилоф қилмайдиган, аҳдида қатъий турадиган Пайғамбар орқали бутун ер юзига яхшиликлар ёйилди.

Ёлғон сўзлаш, ростгўйлик ва садоқатнинг зидди, яъни хиёнатга бериладиган азоб дунё ва охиратда бўлиши Қуръонда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам баён этилган. Демак, ростгўйлик ва садоқат жамият учун жуда зарур. Қайси жамиятда аҳдга вафо ва садоқат кенг ёйилса, ана шу жамият ислоҳ топиб, фуқаролар ўртасида ўзаро ишонч ортади, меҳр-оқибат кучаяди, олди-берди ва савдо-сотик ишларида хиёнат ва алдамчилик барҳам топади. Қай бир ишга хиёнат аралашса, ўша ишга футур етади. Айниқса, савдо-сотик ишларида бу нарса ўзининг асарини кўрсатмай қолмайди: савдогарнинг топган пули ўзига буюрмайди, мол-дунёсидан барака кетади ва ҳоказо. Савдогарлик – машаққатли касб. Унинг машаққати ва оғирини бўйнига олиб, ҳалол савдо билан бойиган киши катта ажр-савоблар топиши

шубҳасиз. Аммо атрофимизда озгина мол-дунё топиши билан ўзгариб қоладиганлар озмунча дейсизми?!

Садоқатнинг биринчи тури **омонат** деб аталади. Одамлар омонатга риоя қилсалар, хиёнатдан қўрқсалар, ўзаро ишонч ортиб, мусулмонлар ўртасида биродарлик ришталари мустаҳкам боғланади. Бошқа бир одамга ишониб топширилган молни ўз ҳолида сақлаб туриш омонат дейилади. Кишилар орасида шундай ҳолатлар учраб турадики, бир одам биродарига «Мана шу пулим сизда туриб турсин, кейинроқ оламан», деб, маълум мидордаги пулини омонатга беради. Лекин олиб қолган киши «Сўраганда берсам бўлди-да», деб, эгасидан «Ишлатиб турсам розимисиз?» деб бир оғиз сўрамасдан, бировнинг омонатини ўзига ишлатиб юборади. Бу эса омонатга хиёнат ҳисобланади. Кишига омонат деб берилган нарсани, у нима бўлишидан қатъи назар, ишлатишга ҳаққи йўқ. Яъни омонат деб берилган нарсани омонат ҳолда сақлаш лозим. Ҳатто ниҳоятда муҳтож бўлиб қолганда ҳам, эгасидан сўрамай туриб, уни асло ишлатиб бўлмайди. Омонатни бус-бутун ҳолда эгасига қайтариш кишининг зиммасига фарз бўлади.

Садоқатнинг яна бир тури **аҳдга вафодорликдир**. Бировга: «Фалон ишингни бажараман», «Бу ишингни қилиб бераман», деб ваъда берган киши айтганларини ваъда қилганидек бажариши шарт бўлади. Бу дунёда берган ҳар бир аҳди ҳақида инсон қиёмат куни албатта сўроққа тутилади.

Бир ишни бажаришга ёки талаб қилинган нарсанинг риоясини қилишга сўз берилиши ваъда, бирор нарсага келишиш эса аҳд дейилади. Аҳдлашилган нарсага ҳам, берилган ваъдага ҳам вафо қилиш мўмин кишига вожиб ҳисобланади. Кўпинча аҳдга вафосизлик туфайли

одамлар ўртасида адоват кучаяди. Бир маҳаллада яшаб, бир иш устида аҳдлашган биродарлардан бири ёки иккисининг ўртадаги аҳдни бузиши натижасида орада душманчилик келиб чиқади – кўча-кўйда учрашиб қолганда тескари ўгирилиб кетиш, орқасидан ёмонлаш каби турли нохуш ҳолатлар юзага келади.

Демак, садоқат ва ростгўйликни яхши билиш учун энг аввал унинг зиддини таниб олишимиз керак. Садоқатнинг зидди ёлғон сўзлаш бўлиб, у жамиятни хароб қилади, одамлар ўртасида адоват уруғини сочади, кишининг обрўсини тўкиб, ўзига нисбатан одамларда ишончсизлик уйғотади. Ёлғончиликни ўзига одат қилиб олган кишига ҳеч ким ишонмай қўяди, обрў-эътибори тушиб, ризқи тораяди. Кўп ёлғон гапирган одамнинг юзидан нур кетади, аҳдга вафодорлиги, омонатдорлиги йўқолади ва оқибатда бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳалокатга йўлиқади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда ёлғончи одамларнинг адашганлар тоифасидан эканлигини таъкидлаган. Дарҳақиқат, У Зот исрофчи ва ёлғончи шахсни ҳидоят қилмайди. Аллоҳ ҳидоят қилмаган одам адашиб, гумроҳга айланади. Кўплаб ояти карималарда ёлғон гапириш гуноҳи кабира ҳисобланиши, уни Аллоҳга иймон келтирмайдиганларгина тўкиши ва ёлғончиларга қаттиқ азоб борлиги баён қилинади.

Хиёнат. Хиёнат одамлар орасига адоват уруғини сочадиган иллатлардан биридир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا
 أَمْنَتَكُمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٧﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳга ва Расулга (буйруқларига) хиёнат қилмангиз ва (бир-бирингиздаги қўйган) омонатларингизга (ҳам) билиб туриб хиёнат қилмангиз!» (Анфол сураси, 27-оят).

Мазкур ояти каримада бандалар аввал Аллоҳ таолога ва Расулига, ундан кейин бир-бирига хиёнат қилмасликка буюрилмоқда. Аллоҳ таоло хиёнаткор ва кўп гуноҳ қилувчи бандасини ёмон кўради, ёмон кўрган бандасини эса жаннатга киритмайди, унинг ўрни дўзахдан бошқа жой эмас!

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «يُطْبَعُ الْمُؤْمِنُ عَلَى الْخِلَالِ كُلِّهَا إِلَّا الْخِيَانَةَ وَالْكَذِبَ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин кишининг хулқида хиёнат билан ёлғондан бошқа ҳамма нарса жам бўлиши мумкин», дедилар» (Аҳмад ривоят қилган).

Демак, мўмин киши ёлғончи ҳам, хиёнатчи ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ваъдага вафо қилмаслик.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Мунофиқнинг белгиси учтадир: гапирса, ёлғон

гапиради, ваъда берса, устидан чиқмайди ва омонат топширилса, хиёнат қилади» (*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган*).

Кимнинг гапи ёлғон бўлса, ваъдасига ва омонатга хиёнат қилса, унда мунофиқликнинг учта аломати жам бўлибди. Уни ҳақиқий мунофиқ деб ҳисоблаш мумкин. Лекин кимда бу уч аломатдан бири бўлса, унда мунофиқликнинг битта аломати ҳосил бўлибди. Бу одам зудлик билан тавба қилиши зарур.

Ёлғон гувоҳлик бериш. Берилган ёлғон гувоҳлик туфайли одамлар беҳуда жабр тортиб, беҳуда азобланади. Шунинг учун ёлғон гувоҳлик бериш ҳар қандай жамият учун ҳам катта иллатдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

فَاعْقَبَهُمْ نِفَاقًا فِي قُلُوبِهِمْ إِلَى يَوْمِ يَلْقَوْنَهُ، بِمَا أَخْلَفُوا اللَّهَ
 مَا وَعَدُوهُ وَبِمَا كَانُوا يَكْذِبُونَ

«Аллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва ёлғончилик қилганлари сабабли уларга, то Уни учратадиган кунлари (қиёмат)гача дилларида мунофиқлик бўлишини қисмат қилиб қўйди» (*Тавба сураси, 77-оят*).

Бу ояти каримада Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ваъдасига хилоф йўл тутиб, ёлғончилик йўлини тутишнинг оқибати ҳақида сўз бормоқда. Мусулмон киши ўзининг ёки қариндошининг фойдаси учун ёлғон гувоҳлик беришга ҳаққи йўқ. Ўз ака-укаси, қариндош-уруғи ёки таниш-билиши бирор жиноят қилса, раҳми келиб, унинг тарафини олса, жазодан қутқариш учун ёлғон гувоҳлик берса, гуноҳи кабира қилган бўлади ва Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлади.

Бўхтон. Бу иллатни баъзилар тухмат ҳам дейишади. Бу ҳақда Хужурот сурасида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اِنْ جَاءَكُمْ فَاْسِقٌ بِّنِيٍّ فَتَبَيَّنُوْا اَنْ تَصِيْبُوْا
 قَوْمًا بِجَهْلَةٍ فَنُصِّحُوْا عَلٰى مَا فَعَلْتُمْ نَدِيْمِيْنَ

«Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосик кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!» (6-оят).

Хабарга тухматни қўшиб келтирган кишининг ўзига ундан ҳеч қандай фойда йўқ, фақат зарар бор. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳар бир хабарни текшириб кўришни буюрмоқда. Ким бўлишидан қатъи назар, яхши ниятда хабар келтираётган бўлса ҳам, уни айтмай, ичида сақласа, ўзига яхши бўлади. Масалан, бир одамни бошқа биров ёмонлаб гапирди. Бу гапларни ўртадаги одам ёмонланган одамга етказди. Ҳар қандай киши буни эшитиб, қони қайнайди, ғазаб отига минади ва ундан аламини олишга ҳаракат қилади. Натижада унинг ўзидан айб топишга ҳаракат қилиб, заиф томонларини қидира бошлайди. Бу жосуслиқдир. Агар бир фосик хабар келтирса, ўша хабарни текширмай туриб, бирон иш қилмаслик керак. Бугунги кунда бунинг акси бўлган ҳолатлар тобора кўпайиб бормоқда. Аллоҳнинг буюрганига риоя қилмаслик оқибатида турли хафагарчиликлар, нохушликлар юзага келмоқда. Бир даврада ай-

тилган гап бошқа бирига бутунлай бошқача тусда етиб боради. Баъзи гаплар борки, бирорта сўз ёки бирорта ҳарф қўшмасдан, озгина оҳангини ўзгартириб айтилса, буткул зид маъно келиб чиқади. Ўртадаги гап ташувчилар эса албатта иккинчи томондаги ёмон маънони етказиб боради. Шунинг учун бирор хабар келганда, дарҳол уни ўрганиб чиқишимиз лозим экан.

Чақимчилик. Худди гап ташувчи каби чақимчи ҳам ёмонликдан бошқасига рози бўлмайди, фақат ёмонликни истайди, «Фалончи сени ундай деди, сени бундай деди», «Фалончи у қияпти, бу қияпти», деган гаплар билан чақимчиликни ўзига касб қилиб олади. Чақимчининг энг катта жазоси унинг сўзига қулоқ солмаслик ва жиддий эътибор бермасликдир. Аллоҳ таоло чақимчиларни шундай таърифлайди:

وَلَا تَطْعَمُ كُلَّ حَلَاْفٍ مَّهِيْنٍ ۝۱۰ هَمَّا زِمَّ مَشَاءَ بِنَمِيْمٍ ۝۱۱ مَنَاعٍ
لِّلْخَيْرِ مُعْتَدٍ اٰثِيْمٍ ۝۱۲ عَتَلٍ بَعْدَ ذٰلِكَ زَنِيْمٍ ۝۱۳ اَنْ كَانَ ذَا مَالٍ
وَبَنِيْنٍ ۝۱۴

«(Эй Мухаммад!) Ҳар қандай тубан қасамхўрга (Валид ибн Муғирага) итоат этманг! (У) ғийбатчи, гап ташувчи, яхшилиқни ман этувчи (бахил), тажовузкор, гуноҳкор, қўпол ва булардан ташқари бенасаб (хароми)дир. (У) мол-мулк ва ўғилларга эга бўлгани учун (шундай қилади)» (Қалам сураси, 10–14-оятлар).

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида: «Рост гапираверинглар, доимо ростгўй бўлинглар. Агар ростгўйликда бир ҳалокатни кўрсангиз ҳам ростини айтинг, барибир шу

сизга нажот бўлади. Ёлғондан узоқ бўлинглар. Агар ёлғонда нажот кўрсангиз ҳам ростини айтинг, чунки бу барибир ҳалокат бўлади», деганлар.

Ёлғонда нажот кўринса ҳам, ундан узоқлашиш ва унда ҳалокат борлигида шубҳа йўқлигига ишониш лозим экан. Мазкур ҳадиси шариф ҳар бир мусулмоннинг шиори бўлиш керак. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ افْتَرَى عَلَى اللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِآيَاتِهِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ
الظَّالِمُونَ ﴿٢١﴾

«Аллоҳ (шаъни)га ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга йўювчи кимсадан ким ҳам золимроқ экан? Албатта, золимлар (охиратда) нажот топмагайлар» (Анъом сураси, 21-оят).

Абдуллоҳ ибн Довуд раҳимахуллоҳ айтадилар: «Мен умрим бўйи бир марта ёшлигимда ёлғон гапирганман. Отам: «Дарсингни устозингга топширдингми?» деганида кўрқанимдан «Ҳа», деганман. Ҳолбуки, мен дарсимни топширмаган эдим. Шундан бошқа умримнинг охиригача ёлғон гапирмадим».

Ёлғончилик ўз эгасига фақат бало ва мусибат келтиради. Ёлғон гапдан ҳазар қилиш билан кадр, ҳурмат-эҳтиром топганлар нақадар гўзал оқибат эгаларидир! Агар барча инсонлар ёлғондан ҳазар қилса, бир-биридан хавфсирамаса, бир-бирига ишонса, уйда хотиржам дам олса, тижоратдаги шеригидан кўнгли тўқ бўлса, биродарига омонатга мол бериб, кўнгли хотиржам бўлса, бундай жамиятда яшаш нақадар роҳат! Динимизнинг талаби мана шудир.

Ислому – бу яхши ҳаёт кечириш демакдир. Биз яхши, сермазмун ҳаёт кечириш йўлларини фақат динимиз, шариатимиз кўрсатмалари орқали ўрганишимиз мумкин. Бизни охириги ва мукамал диннинг вакилларидан, тилидан ва қўлидан бошқаларга озор етмайдиганлардан ҳамда ўзига ҳам бошқалардан озор етмаслиги борасида кўнгли хотиржамлардан қилиб қўйгани учун Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар айтамыз. Роббимиз субҳанаҳу ва таоло охиратимизни ҳам обод қилсин.

ТАҲОРАТ – ИБОДАТ, ПОКЛИК ВА НУРДИР

Динимизда баъзи бир ибодатларни бажариш учун бадан пок ва тоза бўлиши талаб этилади. Масалан, намозни адо этиш ва Қуръонни ўқиш учун таҳоратли бўлиш шарт. Фикҳий жиҳатдан олганда, баданга теккан ёки ундан чиққан ифлосликлардан покланиш таҳорат дейилади. Таҳоратнинг ҳукм ва шартлари фикҳий китобларда батафсил баён қилиб берилган. Биз бу ўринда кўпроқ таҳоратнинг банди ҳаётидаги ўрни, бу дунё ва охирати учун фойдали жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا
وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ
وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطَّهَّرُوا
وَإِنْ كُنْتُمْ مَرْضَىٰ أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِّنْكُمْ مِنَ الْغَائِطِ
أَوْ لَمَسْتُمُ النِّسَاءَ فَلَمْ تَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا

فَأَمْسَحُوا بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ مِّنْهُ مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِّنْ حَرَجٍ وَلَٰكِنْ يُرِيدُ لِيُطَهَّرَكُمْ وَلِيُتِمَّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٦﴾

«Эй мўминлар, юзларингиз ҳамда қўлларингизни чиғаноқларигача ювингиз, бошларингизга масх тортингиз (яъни нам қўлларингиз билан силанг) ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз». Агар жунуб бўлсаларингиз, чўмилингиз! Агар бемор ё мусофир бўлсангиз ёки сизлардан биров ҳожатхонадан чикқан бўлса ёки хотинларингизга қўшилган бўлсаларингиз ва (мазкур ҳолатларда) сув топа олмасангиз, покиза тупроқ билан таяммум қилингиз (яъни юзингиз ва қўлларингизни покиза тупроқ билан силангиз). Аллоҳ сизларга машаққат қилмоқни истамайди, балки сизларни поклашни ва шукур қилишларингиз учун сизларга ўз неъматини комил қилиб беришни истайди» (*Моид* сураси, 6-оят).

Мазкур оятда Аллоҳ таоло мўмин кишиларга таҳорат олиш ва ғусл қилиш қандай тарзда амалга оширилишини таълим бермоқда. Ҳатто таҳорат ва ғусл қилиш учун сув топилмай қолган вақтда қандай покланишни ҳам ўргатмоқда.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُسْلِمُ أَوْ الْمُؤْمِنُ فَغَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَ مِنْ وَجْهِهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بِعَيْنَيْهِ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ، فَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ

خَرَجَ مِنْ يَدَيْهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ كَانَ بَطَشَتْهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ، فَإِذَا غَسَلَ رِجْلَيْهِ خَرَجَتْ كُلُّ خَطِيئَةٍ مَسَّتْهَا رِجْلَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ حَتَّى يَخْرُجَ نَقِيًّا مِنَ الذُّنُوبِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон ёки мўмин банда таҳорат қилса, у юзини ювганида ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси билан унинг икки кўзининг назари орқали қилган хатолари юзидан тўкилади. Икки қўлини ювса, ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси билан унинг икки қўли билан қилган хатолари тўкилади. Икки оёғини ювса, ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси билан икки оёғи билан юриб қилган хатолари тўкилади. Шундай қилиб, у гуноҳлардан пок бўлиб чиқади», дедилар» *(Муслим ва Термизий ривоят қилишган).*

Мазкур ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат фақат жисмоний покланишга хизмат қилиб қолмай, балки маънавий покланишда ҳам асқотишини баён қилиб бермоқдалар. Таҳоратнинг бундан бошқа ҳам фойдалари жуда кўп. Лекин биз бандалар уларнинг ҳаммасини билишга қодир эмасмиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِنَّ أُمَّتِي يُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ، فَمَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يُطِيلَ غُرَّتَهُ فَلْيَفْعَلْ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, умматим қиёмат куни таҳоратнинг асаридан пешоналари ва оёқ-қўлларидан оппоқ нур таралиб турган ҳолларида чақирилурлар. Бас, сиздан ким ўз пешонасидаги қашқасини узайтиришга қодир бўлса, шуни қилсин», дедилар» (*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган*).

Қиёмат қоим бўлиши ҳақ. У кунда қандай ишлар содир бўлишини биз илоҳий хабарлар орқали биламиз. Бу жуда оғир, ҳамма ўзи билан ўзи овора, биров бировни танимайдиган кундир. Қиёмат зулматида юзлар қорайиб, уни ғубор қоплайди. Ана шундай оғир кунда бу дунёда ҳар доим таҳорат билан юрган мўмин кишиларнинг юзлари ва қўл-оёқларидан нур таралиб турар экан.

Бутун умри давомида таҳоратли ҳолда юрган мўминларнинг зулматли кунда алоҳида кўзга ташланиб туриши Аллоҳнинг улуғ неъматидир. Мазкур ҳадисдаги «ғурран» деган сўз пешонасида оқ қашқаси бор отни англатади. Яъни тўрт оёғининг тўпиғидан пастки қисми оқ жун билан қопланган от «муҳажжалин» дейилади. Бир сурув отлар орасида пешонаси ва тўрт оёғида белгиси бор отлар кишининг диққатини ўзига жалб қилиши шубҳасиз. Тириклигида таҳорат билан юриб, намозларда бардавом бўлган мўмин бандалар пешонасидан таралган нур сабабли қиёмат аҳли орасида ажралиб туриши худди оқ қашқаси бор отлар бошқа отлардан яққол ажралиб туришига ўхшатиляпти. Ким пешонасидаги қашқа, яъни нурни зиёда этишга қодир бўлса, шуни қилишга буюрилмоқда. Яъни юздаги нурни кўпайтириш учун уни бошқа аъзолар билан бирга қўшиб ювиш лозим экан. Бу эса таҳоратни тўлиқ ва мукамал

килишни англатади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари:

«تَنْظِفُوا فَإِنَّ الْإِسْلَامَ نَظِيفٌ». (رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ فِي الضُّعْفَاءِ
عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا).

«Покланинглар, чунки Ислом покликдир», деб марҳамат қилдилар (*Ибн Ҳиббон «Зуъафо»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган*).

Инсониятга Ислом дини нозил бўлиб, шариат кўрсатмалари жорий бўлган вақтда тараққий этган мамлакатларда покланиш ва тозаликка гуноҳ деб қаралган. Ҳатто насронийларда сув асари кетиб қолмасин деб чўқинтирилганда чўмилтирилгач, ундан кейин гўдак кам чўмилтирилган, ўша сувнинг асари кетиб қолмаслиги эса ибодат деб қаралган. Натижада турли келишмовчиликлар, нокулайликлар юзага келган. Ислом дини эса покликни ибодат даражасига кўтарди. Буни имом Табароний ривоят қилган ҳадисдан ҳам билиб олиш мумкин.

عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «الطُّهُورُ شَطْرُ الْإِيمَانِ...» رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Поклик иймоннинг ярмидир...»** (*Муслим ривоят қилган*).

Чақалоқ дунёга келган заҳоти чўмилтирилиб, қулоғига азон айтилади ва бешикка беланади. Гўдак улғайиб,

акли тўла бошлаганда таҳорат олишни ўрганади, балогат ёшига етганда ғусл қилишни ўрганади ва бутун умри давомида таҳорат ва ғусл қилиб, пок ҳолда ҳаёт кечиради. Ҳатто вафот этган чоғида ҳам яқинлари томонидан бутун бадани ювилиб, пок ҳолда қабрга қўйилади. Мўмин-мусулмон киши вафот этса, уни чўмилтириш ҳаққи тириклар зиммасига собит бўлади. Оддийроқ қилиб айтганда, инсон дунёга чўмилиб, покланиб келиб, пок ҳолда яшаб, яна чўмилиб, покланиб, абадий дунёга кетади.

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилган ҳадисга кўра, мана шундай ҳолатда яшаб, дунёни тарк этган мўмин-мусулмон одам қиёмат куни бошқалардан алоҳида нурлари билан ажралиб турар экан. Таҳорат сабабли инсон ана шундай фазлга эришар экан. Энди бир ўйлаб кўрайлик, умри давомида таҳорат, ғусл, намоз нималигини билмай яшаганларнинг юзи қиёмат куни қай аҳволга тушаркин, улар бошқалардан қандай белгилари билан ажралиб туришаркин?

Келинг, «поклик» лафзи қандай маъноларни англаши ҳақида батафсил сўз юритайлик. Поклик икки қисмга – ботиний ва зоҳирийга бўлинади. Мўмин киши бутун жисми ва кийимларини покиза тутгани каби ички дунёсини ҳам тинимсиз поклаб туриши лозим. Бадани, кийими, ўтирган жойи тоза бўлса-ю, қалби нопок бўлса, нима бўлади? Қалбда адоват, ҳасад, ғийбат, ифвогарлик иллатлари бўлса, аҳвол не кечади? Яна зоҳирий покликдан беҳабар бўлган баъзи кишиларнинг қалб поклигини даъво қилиб туришини қандай тушуниш мумкин? Албатта, бу асосиз ва беўхшов даъводир.

Динимизда таҳорат ибодат даражасига кўтарилгандир. Чунки таҳоратсиз ўқилган намоз мақбул эмас. Мўмин-мусулмон киши таҳоратсиз ҳолда жойнамозга

якин ҳам бормайди. Шунинг учун у эринмасдан, барча рукнларини ўз ўрнида, мукаммал адо этган ҳолда таҳорат қилиши лозимдир. Таҳоратнинг ўзи ҳам ибодат деб қаралгани боис фикҳий китобларда «Таҳорат» боби «Намоз» бобидан олдин келтирилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَيَّ أُمَّتِي لِأَمْرُهُمْ بِالسَّوَاكِ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Агар умматимга машаққат бўлишини ўйламаганимда, албатта, уларни ҳар намоздан олдин мисвок қилишга амр этган бўлар эдим», дедилар» (Бешовлари ривоят қилишган).

Поклик деганда танадаги маълум бир ташқи аъзолар билан бирга, ички аъзолардан бири – тишларнинг орасини ҳам тозалаш тушунилиши лозим. Тишлар орасидаги таом қолдиқлари намоз ўқишга халақит беришидан ташқари, оғиздан нохуш ҳид келишига ҳам сабаб бўлади. Таҳоратдан кўзланган мақсад эса аъзолардаги нопоклик, кирлик ва нохуш ҳидларни кетказишдир. Бу ишларни қилмаган кишининг ҳоли қиёматда ёмон бўлиши ҳақида Куръони Каримда ваъидлар кўп. Жумладан, Муддассир сурасида шундай дейилади:

يَأْتِيهَا الْمَدِّثُ ۝ ١ قُرْفَانِذِرٌ ۝ ٢ وَرَبِّكَ فَكَيْفَ ۝ ٣ وَثِيَابَكَ فَطَهِّرْ ۝ ٤
وَالرُّجْزَ فَاهْجُرْ ۝ ٥ وَلَا تَمْنُنْ تَسْتَكْثِرُ ۝ ٦ وَلِرَبِّكَ فَاصْبِرْ ۝ ٧

«Эй (либосларига) бурканиб олган киши (Мухаммад!) Туринг-да, (инсонларни охират тўғрисида)

огоҳлантинг, Раббингизни улуғланг, либосларингизни покланг, бутлардан йироқ бўлинг, (бераётган нарсангизни) кўп санаган ҳолингизда эҳсон қилманг, Раббингиз учунгина сабр қилинг!» (1–7-оятлар).

Бизнинг ақийдамизга кўра қабр азоби бўлиши ҳақ. Пайғамбар алайҳиссалом бир нечта ҳадиси шарифларида дунё ҳаётида кўплаб бандалар пешобдан поклангани сабабли қабр азобига дучор бўлиши ҳақида хабар берганлар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: مَرَّ النَّبِيُّ ﷺ عَلَى قَبْرَيْنِ فَقَالَ: «إِنَّهُمَا لِيُعَذَّبَانِ، وَمَا يُعَذَّبَانِ مِنْ كَبِيرٍ»، ثُمَّ قَالَ: «بَلَى، أَمَّا أَحَدُهُمَا فَكَانَ يَسْعَى بِالنَّمِيمَةِ، وَأَمَّا الْآخَرُ فَكَانَ لَا يَسْتَبْرِئُ مِنْ بَوْلِهِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қабр ёнидан ўтдилар ва: «Албатта, икковлари азобланмоқдалар. Катта нарса учун азобланаётганлари йўқ. Ҳа! Улардан бири чақимчилик қилиб юрар эди. Бошқаси эса пешобидан покланмас эди», дедилар» (Бешовлари ривоят қилишган).

Шунинг учун уламоларимиз таҳорат масаласига жиддий ёндашиб, бунда истибро масаласини алоҳида таъкидлаб келтирганлар. Истибро – бавл қилиб бўлгандан кейин пешоб йўлида қолиб кетган қолдиқларини сакраган, йўталган ёки бир неча қадам ташлаб, юрган ҳолда охиригача чиқаришдир. Бавл қилганда пешобнинг тўлиқ чиқиб кетмаслиги кўпчиликда, айникса, ша-

моллаши бор кишиларда учрайдиган касаллик ҳисобланади. Бундай кишилар истиброга алоҳида эътиборли бўлишлари лозим. Акс ҳолда пешоб қолдиғи кийимга тегиб, уни нопок қилиши мумкин. Бундай кийим билан ўқилган намоз эса қабул бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир мўмин-мусулмон таҳоратга жиддий қараши керак.

Таҳоратли ҳолда ухлаган мўминнинг ётган жойи масжид, уйқуси намоз, нафаси зикр бўлиши ҳақида ҳадислар ворид бўлган.

عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «إِذَا أَتَيْتَ مَضْجَعَكَ فَتَوَضَّأْ وُضُوءَكَ لِلصَّلَاةِ، ثُمَّ اضْطَجِعْ عَلَى شِقِّكَ الْأَيْمَنِ، ثُمَّ قُلِ اللَّهُمَّ أَسَلَمْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ، وَفَوَّضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ، وَأَلْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ، رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ، لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنْجَا مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ، اللَّهُمَّ آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ، وَبِنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ. فَإِنْ مِتُّ مِنْ لَيْلَتِكَ فَأَنْتَ عَلَى الْفِطْرَةِ، وَاجْعَلْهُنَّ آخِرَ مَا تَتَكَلَّمُ بِهِ». قَالَ: فَرَدَّدْتُهَا عَلَى النَّبِيِّ ﷺ فَلَمَّا بَلَغْتُ «اللَّهُمَّ آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ» قُلْتُ: وَرَسُولِكَ. قَالَ: «لَا، وَنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Баро ибн Озиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ётоғингга кирмоқчи бўлсанг, намозга қиладиган таҳоратингни қил. Сўнг ўнг ёнинг билан ётиб, «Аллоҳумма, асламту нафсии илайка ва фаввадту амри илайка ва алжа'ту зоҳри илайка, роҳ-

батан ва роғбатан илайка, лаа малжа'а ва лаа манжа минка иллаа илайка! Ааманту бикитаабикал-лазии анзалта ва бинабиййикаллазии арсалта!» дегин. Агар (шу кеча) вафот этсанг, фитратда¹ кетасан. Охирги айтадиганинг шулар бўлсин». Мен уларни эслаб қолишга ҳаракат қилиб, «ва бирасулика аллазии арсалта», (десам,) «Йўқ, «ва бинабиййикаллазии арсалта», дедилар» (*Бухорий ривоят қилган*).

Ҳадисда келган дуонинг маъноси қуйидагича: «Аллоҳим! Сендан кўрққан ва умид қилган ҳолда ўзимни Сенга таслим қилдим, ишимни Сенга топширдим, Сенга суяндим. Сендан қочишга ва нажот топишга ҳузурингдан бошқа жой йўқ. Нозил қилган Китобингга ва юборган Набийингга иймон келтирдим».

Буларнинг барчаси айнан таҳорат асосида қилинадиган ишлардир. Шунинг учун ҳар бир мусулмон поклик масаласини чуқур ўрганиб, уни оила аъзолари ва қариндошларига етказиши лозим. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло покликни яхши кўради. У Зот бандаларига пок Пайғамбарни юборди, пок динни юборди ва бандаларининг ҳам пок, тоза бўлишини истади. Шунинг учун поклик йўлидаги ҳар қандай хатти-ҳаракат ва тадбир Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога хуш ва манзур бўлишини унутмайлик, поклик ва тозалиқда Аллоҳга хуш келувчи бандалардан бўлишимизни сўрайлик.

¹ Фитрат – соф инсоний, яъни исломий табиат.

ҲАРОМ ВА ҲАЛОЛНИ ФАРҚЛАШ

Ҳалол ва ҳаромни фарқлаб яшаш, шариатнинг бу борадаги талабларига риоя қилиш осон эмас. Улуғ пайгамбар ва авлиё зотлар айнан ҳалол ва ҳаром масаласида жуда эҳтиёткор бўлиб, бир умр нафсларини тийиб, тергаб яшаганлар. Уламоларимиз фарзанд тарбиясида, унинг яхши инсон бўлиб камол топишида ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, ҳаромдан тийилиб яшашнинг аҳамияти ва ўрни катта эканини алоҳида таъкидлаганлар. Ота-она фарзандини гўдак пайтидан бошлаб тўғри тарбиялаб, унга ҳалол нима-ю, ҳаром нима эканини ўргатиб борса, вояга етганида ота-онасига раҳмат олиб келади. Шунинг учун фарзандни тўғри тарбиялаш ота-онага вожибдир.

Ҳаётда жиноятчи, ўғри, каззоб каби ёмон кишилар қандай пайдо бўлишини бир ўйлаб кўринг. Уларнинг ҳар бири ота-онадан туғилиб, ота-онасининг тарбиясида, қарамоғида улғайишади. Зеро, Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يَأْتِيهَا النَّاسُ كُلُّوا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا وَلَا تَتَّبِعُوا
خُطُوتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُبِينٌ ﴿١٦٨﴾ إِنَّمَا يَأْمُرُكُمْ
بِالسُّوءِ وَالْفَحْشَاءِ وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا نَعْلَمُونَ ﴿١٦٩﴾

«Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан тановул қилингиз ва шайтоннинг изларидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир. У сизларни фақатгина ёмонлик ва бузукликка ва Аллоҳ шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизга буюради» (Бақара сураси, 168-169-оятлар).

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اتَّقُوا الظُّلْمَ، فَإِنَّ الظُّلْمَ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَاتَّقُوا الشُّحَّ، فَإِنَّ الشُّحَّ أَهْلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ، حَمَلَهُمْ عَلَى أَنْ سَفَكُوا دِمَاءَهُمْ، وَاسْتَحَلُّوا مَحَارِمَهُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Зулмдан қўрқинглар! Чунки зулм қиёмат кунининг зулматларидир. Ўта бахилликдан қўрқинглар! Чунки ўта бахиллик сиздан олдингиларни ҳалок қилган. У уларнинг қонларини тўкишга ва ҳаром қилинган нарсаларини ҳалол санашга олиб борган», дедилар» (Муслим ривоят қилганлар).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَتُؤَدَّنَ الْحُقُوقُ إِلَى أَهْلِهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّى يُقَادَ لِلشَّاةِ الْجِلْحَاءِ مِنَ الشَّاةِ الْقَرْنَاءِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, қиёмат куни ҳақларни ўз аҳлига адо қилурсиз. Ҳаттоки шохли қўйдан шохсиз қўйга ўч олиб берилди», дедилар» (Муслим ва Термизий ривоят қилишган).

عَنِ النَّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الْحَالَالَ بَيْنَ، وَإِنَّ الْحَرَامَ بَيْنَ، وَبَيْنَهُمَا مُشْتَبِهَاتٌ لَا يَعْلَمُهُنَّ كَثِيرٌ مِنَ

النَّاسِ، فَمَنْ اتَّقَى الشُّبُهَاتِ، اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعَرْضِهِ، وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ، وَقَعَ فِي الْحَرَامِ، كَالرَّاعِي يَرْعَى حَوْلَ الْحِمَى، يُوشِكُ أَنْ يَرْتَعَ فِيهِ، أَلَا، وَإِنَّ لِكُلِّ مَلِكٍ حِمَى، وَإِنَّ حِمَى اللَّهِ مَحْرَمُهُ، أَلَا، وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةً، إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، أَلَا، وَهِيَ الْقَلْبُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Нуъмон ибн Башир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам дедилар:

«Албатта, ҳалол очик-ойдиндир. Албатта, ҳаром очик-ойдиндир. Ва икковлари орасида шубҳали нарсалар бордир. У (шубҳали) нарсаларни одамларнинг кўплари билмаслар. Бас, ким шубҳалардан сақланса, дини ва обрўси учун покланган бўлади. Ким шубҳаларга тушса, ҳаромга тушади. Бу худди кўриқхона атрофида (ҳайвон) боққан чўпонга ўхшайди. Ундан ўтлаб қўйиши турган гап.

Огоҳ бўлинглар! Албатта, ҳар бир подшоҳнинг ўз кўриқхонаси бордир.

Огоҳ бўлинглар! Албатта, Аллоҳнинг кўриқхонаси Унинг ҳаром қилганларидир.

Огоҳ бўлинглар! Албатта, жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солих бўлса, жасаднинг ҳаммаси солих бўлур. Қачон у бузук бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузук бўлур. Огоҳ бўлинглар! Ўша қалбдир» (Бешовлари ривоят қилишган).

Саҳобалар ҳам ҳалол ва ҳаромни яхши ажратганлар, ҳаром лукмага асло йўламаганлар. Ҳазрати Алидан

ҳалол ва ҳаром ҳақида сўрашганда: «Қандай бўлсин, узунми ё қисқа?» деди. «Қисқа бўлсин», дейишди. Ҳазрати Али: «Ҳалолига ҳисоб бор, ҳаромига азоб бор», деди. Ҳазрати Али ҳалол ва ҳаромни ана шундай қисқа ва лўнда қилиб таърифлаб берди. Ҳаромдан топилган молнинг жазоси аниқ ва муқаррардир. Аммо ҳалолдан топилган молнинг ҳисоби бор. Ҳар бир банда қиёматда ҳалолдан топган молини қаердан топгани ва унга шубҳали нарсалар аралашган-аралашмагани хусусида сўралади, кейин эса ана шу топилган молни ўз ўрни ва муносиб жойга сарфлаган-сарфламагани ҳақида ҳисоб-китоб қилинади. Демак, бу дунёда ҳалол мол-дунёга, ҳалол лаззатга эришиш осон эмас экан. Бир амаллаб эришилган тақдирда ҳам, унинг ҳисобини бериш осон кечмаслигини эсдан чиқармаслик керак. Шундай экан, мол-дунё орттиришга киришар экан, банда албатта қиёмат куни бу борада сўралишини унутмаслиги, ҳар доим қалбида кўрқувни ҳис этиб туриши лозим. Мол-дунёга очкўзларча ташланишнинг охири войдир.

Бизнинг халқимиз ҳалол ва ҳаромга жиддий эътибор беради ва фарзанд тарбиясида бу нарсаларнинг аҳамияти катта эканини яхши билади. Ҳозирги кунда дунёга машҳур тарбия ўчоқлари дастлаб бизнинг юртимизда шаклланган десак, муболаға бўлмаса керак. Бу борада тарихий тажрибамиз борлигига асло шак-шубҳа йўқ. Келинг, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: улуғ аллома ва донишмандлар дастлабки тарбияни ота-оналаридан оладилар. Уларнинг комил инсон бўлиб етишишида ота-оналарининг хизматлари беқиёсдир. Агар уларнинг ота-оналари тарбия усули ва маҳоратига эга бўлмаганида, юртимизда жаҳонга донғи кетган аллома зотлар етишиб чиқиши мумкинмиди?

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَا مِنْ مَوْلُودٍ إِلَّا يُولَدُ عَلَى الْفِطْرَةِ؛ فَأَبَوَاهُ يُهَوِّدَانِهِ، وَيُنَصِّرَانِهِ...» رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллalloху алайхи васаллам: **«Туғила- жак ҳар бир бола фақат фитратда туғилади. Лекин ота-онаси уни яхудий қилади, насроний қилади...»** дедилар» *(Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).*

Муҳаддисларнинг ушбу ҳадисни ота ва бола ҳаққига боғлаб эмас, балки қазои қадарга боғлаб шарҳлашлари тарбиянинг тақдирга ҳам боғлиқлигини кўрсатади. Баъзи ота-оналар фарзандини яхши инсон бўлсин деган ниятда махсус боғчаларга беришади, махсус мактабларда ўқи- тишади, тажрибали тарбиячиларни ёллашади... Бироқ, афсуски, баъзан бола тарбиясиз бўлиб улғаяди. Шунча меҳнат, саъй-ҳаракат, сарф-харажат қаёққа кетди?

Фарзанднинг нима учун ана шундай ноқобил бўлиб вояга етишига, тарбия усуллари фойда бермаслигига сабабни биринчи навбатда унга берилган лукмадан кидириш лозим. Тарбияда ота-онанинг қилган энг катта хатоси – уйга олиб келган лукмасига эътибор бермасдан, фарзандини харом-харишдан едириб-ичиргани- дир. Оилада ҳамма нарса бисёр, лекин бола бетарбия, жиноятчи бўлиб вояга етмоқда. Буни қандай тушуниш керак? Пайғамбаримиз соллalloху алайхи вассалам: **«Харомдан озиқланган жасад дўзахда куйишдан бошқа нарсага ярамайди»**, деганлар. Мана шу ҳадис- нинг ўзи ҳар бир кишини ҳушёр бўлишга ундайди.

Кўп йиллар давомида Пайғамбаримиз алайҳисалом- нинг хизматларида бўлган машҳур саҳобий, кўп ҳа- дис ривоят қилган ҳазрати Анас розияллоху анху бир

куни: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг ҳаққимга бир дуо қилингки, дуойим ижобат бўладиган бўлсин», деган эди, у зот: «**Луқмангни ҳалолла**», дедилар.

Демак, луқмамизнинг ҳалол ёки ҳаром бўлиши дуою илтижоларимиз ижобат бўлишига таъсир қилар экан. Дуо ижобат бўлиши ва фарзанд комил инсон бўлиб етишиши учун луқма ҳалолдан топилиши шарт. Аслида, ота-онага бир коса овқат, бир сидра кийим-бош кифоя қилар эди. Лекин ота-она болам-чақам деб елиб-югуради, жон койитади. Албатта, бу кишидан алоҳида заҳмат, саъй-ҳаракат талаб этади. Лекин рўзғорнинг ташвиш юки ҳалоллик асосида кўтарилса, чекилган заҳматлар унутилади, ҳамма роҳат-фароғатда яшайди. Бунинг акси бўлса, рўзғор юки ота-онанинг елкасидан босиб, қаддини букади, бир умр афсус-надомат чекиб яшайди.

Энг буюк тарбиячи ота-онадир. Фарзанд тарбиясидек машаққатли иш уларнинг зиммасига юкланган. Лекин унутмаслик керакки, айнан мана шу тарбиялари туфайли ота-она жаннатдек буюк неъматга эришишлари ҳам, дўзахдек даҳшатли азобга дучор бўлишлари ҳам мумкин. Бу дунёда ана шундай азобга гирифтор бўлиб қолишдан қўрқиб, ундан сақланиш чора-тадбирларини кўриб яшаган киши албатта Аллоҳнинг мукофотиغا сазовор бўлади.

Аллоҳ таоло бандаларига ризқни ҳаромдан топишни тақдир қилмади ва ризқни ҳаромдан ҳам бермайди. Худди давони ҳаромдан бермаганидек, ризқни ҳам ҳаромдан бермайди. Шундай экан, мўмин киши ҳаром аралашган ризқнинг ортидан қувмаслиги ва фикру зикрини ҳаром ризқ топишга олиб борадиган ҳар қандай ўй-хаёлдан поклаши лозим. Айниқса, ҳалолдан ризқ топиш ва фарзандларнинг луқмасига ҳаром аралаштирмаслик уларга тўғри тарбия беришда катта аҳамият

касб этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, баъзи ота-оналарнинг «Фарзандим учун барча шароитни яратиб бердим, бировдан кам қилмадим, лекин болам беодоб, ноқобил бўлиб ўсяпти. Умуман айтганимга кирмайди», дея нолиганига гувоҳ бўлиб қоламиз. Яна қайтариб айт-тамызки, шундай вақтда ота-она бунинг сабабини энг аввал фарзандига едираётган лукмасидан қидирсин.

Жамиятда ҳаром лукма ейдиганларнинг асосий тоифаси тарозидан урувчилардир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ушбу тоифани алоҳида таъкидлаб, уларни шундай таърифлайди:

وَبَلِّغِ لِلْمُطَفِّينَ ۝۱ الَّذِينَ إِذَا أَكَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ ۝۲
وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ ۝۳ أَلَا يَظُنُّ أُولَٰئِكَ أَنَّهُمْ
مَبْعُوثُونَ ۝۴

«(Савдо-сотикда ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой! Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир. Улар (ўлгандан кейин) қайта тирилувчи эканларини ўйламайдиларми?» (Му-таффифин сураси, 1–4-оятлар).

Яна кўздан панада ҳаром ейдиган бошқа тоифалар ҳам борки, уларни бирдагина ажратиб олиш мушкул. Улар ўзлари қилаётган ишларни тафтиш қилиш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Абу Ҳомид Ғаззолий шундай ҳадисни келтиради:

«Саҳобалардан бири Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анху чанқаганида ичиш учун сув сўради. Асалга ара-

лаштирилган сув беришди. Ундан озгина тотгач, йиғи у зотни бўғиб кўйди. Ўзи ҳам йиғлади, хузуридагиларни ҳам йиғлатди. Йиғидан тўхтайвермагач, ундан: «Бунинг ҳаммаси шу бир ҳўплам сувни дебми?» деб сўрашди. У бироз ўтгач, юзларидан кўз ёшини артиб, гапириш учун ўзини тутиб олди. Сўнг шундай деди: «Ҳа, шундай. Бир куни Расулulloҳнинг хузурларида эдим, олдиларида мендан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Шунда у зот: «**Мендан нари тур!**» деб, ўзларидан бир нарсани ҳайдай бошладилар. Мен ҳайрон бўлиб, «Ота-онам сизга фидо бўлсин, олдингизда ҳеч нарсани кўрмаяпман, ким билан гаплашяпсиз?» дедим. У зот: «**Бу дунёдир. У менга бўйни ва бошини эгиб, «Мени ол, эй Муҳаммад», деди. «Мендан нари тур», дедим. Дунё менга: «Эй Муҳаммад, агар сен мендан нажот топсанг ҳам, сендан кейингилар нажот топмайди», деди», дедилар. Шу нарса менга етиб, Расулulloҳдан жудо қилиб кўйишидан кўрқяпман».**

Ҳа, у улуғ зотлар ўз ризқларига дунё матоҳидан ҳаром нарса кириб қолишидан ана шундай кўрққанлар. Ҳозирги кунга келиб, бу нарсани тасаввурга сиғдириш ҳам қийин бўлиб қолди. Тарозидан уриш деганда фақат тарозида тортиладиган нарсаларни тушунмаслик керак. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилишнинг ҳар қандай тури тарозидан уриш ҳисобланади. Айниқса, етим-есирлар ҳаққини ейишдан кўрқмаслик жуда катта гуноҳлар сирасига киради. Ҳалол лукма еган ота-онадан туғилган, гўдаклигидан ҳалол лукма еб улғайган, ҳалолдан ризқ топиб вояга етган инсон ҳеч қачон ҳеч қандай жиноятчиликка қўл урмаслиги аниқ. Бундай кишилар халқига хавф солмайди. Ҳаром-ҳалолнинг фарқига бормайдиган ота-онадан туғилган, ҳаром еб улғайган, ҳаром ризқ топиб вояга етган кишилардан ҳар қандай балони кутиш

мумкин. Бундай кимсалар ҳатто ватанини ҳам арзон-гаровга сотиб юборишдан тоймайди. Агар жамиятда ҳар бир фуқаро тўғри ва ҳалол яшаш йўлини танласа, халқ фаровон ва бахтли ҳаёт кечиради. Бугунги кунга келиб жиноятчи ким, диндор ким, ажратиб бўлмай қолди. Ҳа, Исломни тўғри тушуниб, тўғри йўлга даъват қилаётган кишилар одамларни ҳалоллик ва эзгуликка бошлайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «وَمَنْ طَلَبَ الدُّنْيَا حَلَالًا اسْتَعْفَافًا عَنِ الْمَسْأَلَةِ، وَسَعِيَ عَلَى عِيَالِهِ، وَتَعَطَّفًا عَلَى جَارِهِ لِقَى اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَوَجْهُهُ كَالْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким тиланчиликдан сақланиш, оиласини боқиш ва кўни-кўшниларга мурувват кўрсатиш мақсадида ҳалол йўл билан ризқ топиш ила машғул бўлса, қиёмат куни у Аллоҳ таолога юзи ёруғ ҳолда йўлиқади**», дедилар» *(Байҳақий ривоят қилган).*

Бу каби ҳадисларни ўрганиб, уларга амал қилган, жамиятнинг келажаги порлоқ бўлиши учун масъулият ва жавобгарликни ҳис этган аждодларимизни чинакам мўмин-мусулмон ота-оналар тарбиялаб, вояга етказдилар. Сон-саноксиз буюк уламолар етишиб чиққан замоннинг оқила, солиҳа, мастура аёллари ҳар куни эрларини тирикчилик учун кузатаётиб, «Нима олиб келсангиз ҳам, ҳалолдан олиб келинг, биз очликка чидаймиз, лекин дўзах азобига чидай олмаймиз», деб тайинлашар экан.

Бизнинг замонимизда шундай аёллар борми? Бор бўлса, нур устига нур. Лекин «Фалончининг тўйига фа-

лон пулга кўйлак олишим керак. Мен билмайман, қаердан топсангиз, топасиз», деб эрига хархаша қиладиган, ана шу кўйлакни олмагунча уни ҳоли-жонига кўймайдиган аёллар сон мингта. Хўш, бундай ёлнинг эри нима қилсин? Топган пули ейиш-ичишдан ортмайдиган бечора эр қандай йўл тутсин? Бошқа иложини топмагандан кейин рўзғорига ҳаром-харишни аралаштиришга мажбур бўлмайдами? Куни билан тирикчилик қилиб ҳориб-чарчаган, бироз дам олиш, кўнгил ёзиш учун уйига қайтган эр хотинининг ўз муаммоларини айтиб қилган хархашасини, дийдиёсини эшитишга мажбур. Агар аёл борига шукр қилса, эри сиқилганда унга тасалли берса, уни сабрга ундаса, ҳаром тугул, шубҳали нарсани ҳам уйга олиб кирмаслик кераклигини ундан талаб қилса, эр ортикча чиранмайди, фақат ҳалол ризқ топишга ҳаракат қилади, оз бўлса-да, ҳалол йўл билан топган молига Аллоҳ барака беради, турмушида ҳаловат бўлади. Оилада хунук оқибатлар, кўнгилсизликлар келиб чиқмайди.

Азизлар, имом Бухорий, Термизий, Насафий каби улуғ зотларни тарбиялаб, вояга етказган аёллар ҳам мана шу биз яшаб турган юрт вакиллари бўлишганини унутмайлик. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло жамият аҳлининг ҳалолни севиб, ҳаромдан парҳез қиладиган, бировнинг ҳаққидан қўрқадиган, такводор, саодатманд бўлишини насиб қилган бўлсин. Мана шу умидда қилинаётган барча хайрли ишларга Роббимизнинг Ўзи мададкор бўлсин. Меҳрибон Роббимиз бизларни пок исломий ақийдани ўрганиш йўлида босаётган қадамларимизни қутлуғ ва баракотли қилган бўлсин ва солиҳ амалларда собитқадм қилсин. Динимиз равнақи, халқимиз маишати, юртимиз тинчлиги доимо барқарор бўлсин.

ИСЛОМИЙ ТАРБИЯДА ТАНОВУЛ ОДОБЛАРИ

Динимизда ҳар бир хатти-ҳаракат ва амалнинг ўзи-га яраша одоб, қоидалари мавжуд. Мўмин-мусулмон киши бу одобларни яхшилаб билиб, уларга амал қилса, кўплаб ажр-савоблар эгасига айланади. Чунки инсон ҳайвон каби яратилмаган, ҳайвон каби яшашга буюрилмаган ва ҳайвон каби еб-ичишдан қайтарилган. Одамзод ижтимоий ҳаётда бошқалар билан ўзаро муомала қилиб яшайди, бир-бирини меҳмонга чақиради, тўйлар қилади, бир дастурхон атрофида бирга таомланади.

عَنْ حُذَيْفَةَ، قَالَ: كُنَّا إِذَا حَضَرْنَا مَعَ النَّبِيِّ ﷺ لَمْ نَضَعْ أَيْدِينَا حَتَّى يَبْدَأَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَيَضَعُ يَدَهُ، وَإِنَّا حَضَرْنَا مَعَهُ مَرَّةً طَعَامًا، فَجَاءَتْ جَارِيَةٌ كَأَنَّهَا تُدْفَعُ، فَذَهَبَتْ لَتَضَعُ يَدَهَا فِي الطَّعَامِ، فَأَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِيَدِهَا، ثُمَّ جَاءَ أَعْرَابِيٌّ كَأَنَّمَا يُدْفَعُ فَأَخَذَ بِيَدِهِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ الشَّيْطَانَ يَسْتَحِلُّ الطَّعَامَ أَنْ لَا يُذَكَّرَ اسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ، وَإِنَّهُ جَاءَ بِهَذِهِ الْجَارِيَةَ لِيَسْتَحِلَّ بِهَا فَأَخَذْتُ بِيَدِهَا، فَجَاءَ بِهَذَا الْأَعْرَابِيِّ لِيَسْتَحِلَّ بِهِ فَأَخَذْتُ بِيَدِهِ، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، إِنَّ يَدَهُ فِي يَدِي مَعَ يَدِهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга таомда ҳозир бўлсак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошламагунларича қўл чўзмас эдик. Биз бир марта у зот билан бирга таомга ҳозир бўлдик. Бас, бир

жория худди уни биров туртаётгандек (шошилиб) келди ва таомга қўлини узата бошлади. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қўлидан тутдилар. Сўнгра бир аъробий худди уни биров туртаётгандек (шошилиб) келди. Шунда у зот унинг ҳам қўлидан тутдилар ва:

«Албатта, шайтон Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган таомни ўзига ҳалол қилиб олади. У мана бу жорияни у билан (таомни) ўзига ҳалол қилиб олиш учун келтирди. Бас, мен унинг қўлидан тутдим. Сўнг мана бу аъробийни у билан (таомни) ўзига ҳалол қилиб олиш учун келтирди. Бас, мен унинг ҳам қўлидан тутдим.

Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, албатта, унинг қўли унинг (жориянинг) қўли ила менинг қўлимдадир», дедилар» (*Имом Муслим ривоят қилган*).

Динимизда тановул, яъни еб-ичишнинг ўзига хос одоблари мавжудки, бу хусусда кўпчилик жуда кам маълумотга эгадир. Масалан, Қуръони Каримдаги бир қиссада Иброҳим алайҳиссаломнинг меҳмондўстликлари мақталган. Аввалги пайғамбарлардан баъзилари бутун ер юзи аҳлига эмас, балки алоҳида-алоҳида қавмларга юборилган бўлиб, улар бир даврда яшаб ўтишган. Масалан, Иброҳим алайҳиссалом билан бир замонда Лут алайҳиссалом ҳам яшаган, лекин Лут алайҳиссаломнинг қавми бошқа жойда истиқомат қилган. Бу пайғамбарнинг қавми ҳаддидан ошиб, туғёнга кетиб, ҳалокатга олиб борадиган ишга муккасидан кетгач, Аллоҳ таоло уларни ер юзидан йўқ қилиб ташлаш учун фаришталарни юборди. Фаришталарга йўл-йўлакай кексайиб қолган Иброҳим алайҳиссаломнинг уйларига тушиб ўтишни ва у зотга туғилажак фарзанд хушхабарини беришни буюрди. Фаришталар ёш йигитлар қиё-

фасида ҳузурига келишганда Иброҳим алайҳиссалом уларни танимасалар-да, уйларига таклиф қилдилар. Бисотларидаги биргина бузоқни сўйиб, гўштини пишириб, йигитларнинг олдига қўйдилар. Кекса пайғамбар «Олинглар», деб таомга ундаган эдилар, меҳмонлар овқатга қўл узатишмади. Буни кўриб, у зот яна бир марта «Олинглар, энглар», деб илтифот кўрсатдилар. Бирок улардан садо чиқмагач, Иброҳим алайҳиссаломнинг кўнгилларига хавотир оралади. Шундан сўнг меҳмонлар ўзларини танитиб, мақсадларини айтишди. Қуръонда келтирилган мана шу ажойиб қиссадан Иброҳим алайҳиссаломнинг қўли очиқ ва меҳмондўст пайғамбар бўлганларини билиб оламиз. Қуръони Каримда Иброҳим алайҳиссаломнинг бисотларидаги биттагина бузоқни сўйиб, таом пишириб, кутилмаганда ташриф буюрган нотаниш йигитларни ундан тановул қилишга таклиф этишлари мақталган.

Демак, меҳмондўстлик ва таом улашиш мўмин-муслмонларга Иброҳим алайҳиссаломдан буён одатга айланган суннатдир. У зотдан кейин келган ҳамма пайғамбарлар ҳам бу гўзал суннатга амал қилишган. Ҳатто маҳбубимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида меҳмондўстликка қатта эътибор берилган. Ҳазрати Пайғамбаримизнинг таомга муносабатлари ва бу борада умматларига тавсияю кўрсатмалари алоҳида мавзудир. Масалан, бу хусусда машҳур ватандошимиз Абу Ййсо Термизийнинг «Шамойили Муҳаммадия» номли китобларида Пайғамбар алайҳиссаломнинг таом тановул қилишлари ва ичимлик ичишлари билан боғлиқ кўплаб ҳадиси шарифлар келтирилган.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يَأْتِيهَا الرُّسُلُ كُلُّوْا مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَاعْمَلُوا صَالِحًا إِنِّي بِمَا
تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿٥١﴾

«(Пайғамбарларимизга шундай дедик:) «Эй пай-
гамбарлар! Пок (таом)лардан тановул қилингиз ва
эзгу (иш) қилингиз! Албатта, Мен қилаётган ишла-
рингизни билувчидирман» (Мўминун сураси, 51-оят).

وَيُطْعَمُونَ الطَّعَامَ عَلَىٰ حَيْثُ مَسَكِينًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا ﴿٨﴾ إِنَّمَا نَطْعِمُكُمْ
لِوَجْهِ اللَّهِ لَا نُرِيدُ مِنْكُمْ جَزَاءً وَلَا شُكْرًا ﴿٩﴾ إِنَّا نَخَافُ مِنْ رَبِّنَا يَوْمًا عَبُوسًا
قَطَرِيرًا ﴿١٠﴾ فَوْقَهُمْ اللَّهُ شَرَّ ذَٰلِكَ الْيَوْمِ وَلَقَّهْمُ نَصْرَةً وَسُرُورًا ﴿١١﴾

«Таомни эса суюб турсалар-да, (ўзлари емасдан)
мискин, етим ва асирларни едирурлар. (Улар айтур-
лар): «Бизлар сизларни фақат Аллоҳ «юзи» учун
таомлантирурмиз. Сизлардан (бу иш учун) бирор му-
кофот ва миннатдорчилик кутмасмиз. Бизлар Роб-
бимиз (томони)дан бўладиган, (азобдан юзлар) тири-
шиб, буришиб қолувчи бир кундан (қиёматдан) кўр-
қармиз». Бас, Аллоҳ уларни ўша куннинг ёмонлиги-
дан сақлар ва улар(нинг юзлари)га тароват, (дилла-
рига) сурур бахш этар» (Инсон сураси, 8–11-оятлар).

Кўплаб ояти карималарда ҳалол таом ва уни муҳ-
тожларга берганлар мақталади. Динимиз душман то-
монидан асир тушган одамни таомлантириш ва боқиш-
ни давлат зиммасига вожиб қилиб юклайди. Агар ўша
вақтда таом берилмасдан, асир оч қолдирилса, бу ишни
мусулмонлар зиммасига вожиб қилиб юклайди. Му-
сулмонлар қўлига тушган асир кофир бўлса ҳам, унинг

таоми ҳақида динимиз қайғуради. Мазкур ояти кариманинг маъносидан яна шу нарсани англаш мумкинки, Аллоҳ таоло таомни яхши кўришни эмас, уни мухтож одамларга беришни мақтаяпти.

Инсон ҳаётини, унинг давомийлигини таомсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Танамиздаги саксон фоиз қувват тановул қиладиган егуликларимизга боғлиқ экан. Шунинг учун ейилган овқат меъёрдан ошиб кетса, инсон мажруҳ бўлиб қолиши мумкин экан. Мажруҳ бўлиб қолиш дегани овқатни ҳаддан ташқари кўп ейиш оқибатида тана қуввати уни ҳазм қилишга қодир бўлмай қолишидир. Ҳаддан ташқари кам ейиш ҳам дуруст эмас. Демак, кундалик намозларни бемалол, қийналмасдан ўқийдиган ва қаддини кўтариб юрадиган даражада қувватга эга бўлиш учун овқат ейиш керак бўлади. Динимиз тановул қилишда мана шу ўртача меъёр ва мўътадил йўлни тавсия этади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тановул қилиш ва меъёрий овқатланишда биз умматларига кўплаб тавсия ва кўрсатмалар берганлар. Улар алоҳида китоб ҳолида ҳам нашр этилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَا عَابَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ طَعَامًا قَطُّ،
كَانَ إِذَا اشْتَهَاهُ أَكَلَهُ، وَإِلَّا تَرَكَهُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон бирон таомни ёмонламас эдилар. Агар кўнгиллари тортса, ундан ер, егилари келмаса, суриб қўяр эдилар» (Термизий ривоят қилган).

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг алоҳида таомни яхши кўриб, роҳатланиб еганлари ҳақидаги ҳадислар

ҳам бир талай. Масалан, Имом Термизий келтирган бир ривоятда шундай дейилади:

عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ، قَالَ: طَبَخْتُ لِلنَّبِيِّ ﷺ قَدْرًا، وَقَدْ كَانَ يُعْجِبُهُ الذَّرَاعُ، فَنَاولْتُهُ الذَّرَاعَ، ثُمَّ قَالَ: «نَاولني الذَّرَاعَ»، فَنَاولْتُهُ، ثُمَّ قَالَ: «نَاولني الذَّرَاعَ»، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَكَمْ لِلشَّاةِ مِنْ ذِرَاعٍ، فَقَالَ: «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَوْ سَكَتَ لَنَاولْتَنِي الذَّرَاعَ مَا دَعَوْتُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ فِي الشَّمَائِلِ الْمُحَمَّدِيَّةِ.

Абу Убайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун қозон қайнатдим. У зот қўйнинг қўлини ёқтирар эдилар. У зотга қўйнинг қўлини (пишириб) узатдим. (Ундан едилар), сўнгра: «**Қўйнинг қўлини узат**», дедилар. Мен уни ҳам пишириб келтирдим. (У зот уни ҳам еб), сўнгра яна: «**Қўйнинг қўлини узат**», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, битта қўйда нечта ҳам қўл бўларди?» дедим. У зот: «**Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар сен (итоат қилиб) жим турганинда, ҳар сўраганимда узатганинг қўл бўларди**», дедилар» (*Термизий «Шамоили Муҳаммадийя»да ривоят қилган*).

Мазкур ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга берилган мўъжиза зикр қилиняпти. Агар саҳобий гап қайтармасдан, ишини қилганида, қўйнинг ҳар бир парча гўшти қўлга айланишини эслатиб қўйдилар. Лекин саҳобийнинг эътирози туфайли бу мўъжиза давом этмай, ўша жойда тўхтаб қолди. Имом Термизий бу ҳадисни: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом қўйнинг қўл қисмини яхши кўрганлар», деб шарҳлайди. Лекин ушбу

ҳадисдан кейин келадиган Оиша онамиз розияллоху анҳонинг қуйидаги сўзлари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг таомга муносабатларини аниқлаб беради: Оиша онамиз айтадилар: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам таомлар орасидан бирон таомни хослаб, ўзларига суюмли таом қилиб олмаганлар».

Юқоридаги ҳадисда қўйнинг қўлини сўрашларига сабаб, ўша жойда мўъжиза содир бўлиши керак бўлган. Лекин саҳобийнинг эътирози бу мўъжиза амалга ошишига монелик қилган. «Пайғамбар алайҳиссаломнинг қўйнинг қўл қисмини хоҳлашлари унинг тез ва яхши пишишига далолат қилади», дейдилар Оиша онамиз. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг рағбатлари таомнинг ўзига бўлмаган. У зот таомни тезроқ пишириб, тановул қилишни, ҳақни соқит қилиш ва таомланишга кўп вақт кетиб қолмаслигини кўзда тутганлар. Шунга кўра уламоларимиз таомланиш баъзи вақтда фарз, баъзан вожиб, баъзан мустаҳаб, баъзан мубоҳ, баъзан макруҳ ва баъзан ҳаром бўлади, дейишади.

Кишига жонини сақлайдиган ва ҳаётидан хатарни кетказадиган даражада овқат ейиш **фарз**дир. Агар ўзини очликка ҳукм қилиб, шу туфайли ўлиб кетса, қаттиқ гуноҳкор бўлади. Очликдан ўлмайдиган даражада овқатланиш – **фарзи айн**. Намоз ва рўза амалларини бажаришга қувват бўладиган даражада овқатланиш – **вожиб**. Шу миқдорда илм олиш ва ибодат қилиш учун етадиган миқдорда овқатланиш – **мустаҳаб**. Ўзига зарар қилмайдиган даражада тўйиб овқатланиш – **мубоҳ**. Яъни киши нафси тўйса ҳам, яна егиси келса, ўзига зарар етмаслигига кўзи етса, ана шу таомни ейиши мубоҳ бўлади. Мубоҳда савоб ҳам, гуноҳ ҳам йўқ. Аммо тўйганидан кейин тўк қоринга яна ейиш – **макруҳ**. Ўз

соғлиғига зарар бўладиган даражада овқат еб қўйиш **харомдир**.

Эътибор берадиган бўлсак, динимизда биргина овқат ейиш билан боғлиқ фарз, вожиб, мустаҳаб, мубох, ҳаром ва макруҳ деган бир қанча фикҳий ҳукмларни бирма-бир баён қилиб берилган экан. Мўмин киши таомланишга бу қадар эътибор берилиши бежиз эмаслигини яхши англаши, бу ҳукмларни ҳаётига тўғри татбиқ этиши лозим. Ушбу ўринда таомланиш одоби борасида баъзи бир кўрсатмаларни келтириб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди.

Таомланиш одоби деганда нималарни тушунамиз?

Биринчиси – таомни ҳалолдан топишга қаттиқ риоя қилиш. Чунки охиратда ҳаром таом учун эгаси жавоб беради. Ҳаром таомни еб улғайган тана дўзахга ўтин бўлишдан бошқа нарсага ярамайди. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يَتَأْتِيهَا النَّاسُ كُلُّوْا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا وَلَا تَتَّبِعُوا
خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿١١٨﴾ إِنَّمَا يَأْمُرُكُمْ
بِالسُّوْءِ وَالْفَحْشَاءِ وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا نَعْلَمُونَ ﴿١١٩﴾

«Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан тановул қилингиз ва шайтоннинг изларидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир. У сизларни фақатгина ёмонлик ва бузукликка ва Аллоҳ шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизга буюради» (*Бақара сураси, 168-169-оятлар*).

Демак, бировни алдаб, хиёнат ёки зулм йўли билан тўпланган мол-дунё билан таом топиш ман қилинади.

Иккинчиси – таом ейишдан олдин қўлни ювиш.

عَنْ سَلْمَانَ قَالَ: قَرَأْتُ فِي التَّوْرَةِ أَنَّ بَرَكَةَ الطَّعَامِ الْوُضُوءُ بَعْدَهُ، فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ ﷺ، فَأَخْبَرْتُهُ بِمَا قَرَأْتُ فِي التَّوْرَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «بَرَكَةُ الطَّعَامِ الْوُضُوءُ قَبْلَهُ وَالْوُضُوءُ بَعْدَهُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Салмон (Форсий)дан ривоят қилинади:

«Тавротда таомнинг баракаси уни егандан кейин қўл ювишда экани ҳақидаги ҳукмни ўқиган эдим, буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилиб, Тавротда ўқиганимни айтдим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Таомнинг баракаси уни ейшдан олдин ҳам, кейин ҳам қўлни ювишдадир»**, дедилар» *(Термизий ривоят қилган).*

Таомланишдан олдин ҳам, кейин ҳам қўлни ювиш фақирликни кетказади ва бу пайғамбарларнинг суннатидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таомланишдан олдин қўлни ювишда битта, еб бўлгандан сўнг ювишда эса иккита савоб бор», дедилар. Бу одобга нафақат ўзимиз риоя қилишимиз, балки аҳлимиз ва фарзандларимизга ҳам тарбия ва одоб сифатида ўргатиб боришимиз лозим. Бошқа бир ҳадисда: «Ким таом егандан сўнг қўлини ювмасдан уйқуга ётса-ю, унга бирор мусибат етса, ўзидан бошқани маломат қилмасин», дейилган. Бу ерда қўлни ювмасдан ухлаб қолган кишига бирон мусибат етиши ҳақида сўз бормоқда. Бу бежизга айтилаётгани йўқ. Демак, қўлни ювмасдан, ёғли қўл билан ухлаб қолишда мусибат борлигини ҳар биримиз яхши англашимиз лозим экан. Агар бирор кишига ана шундай мусибат етса, бунга ўзи айбдор бўлади. Динимизда бундан ўн беш аср олдин қўлни ювиш кераклиги

бизга одоб сифатида ўргатиб қўйилган, таомланишдан олдинги ювишда битта савоб, кейинги ювишда иккита савоб бўлиб, ҳар бирига ўзига яраша ажр-савоблар ёзилиши қайд этилган.

Учинчиси – дастурхон атрофида қулай ҳолатда ўтириб, то туриб кетгунча ёнбошлаб овқатланиш каби ишларни қилмаслик. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнбошлаб овқатланмаганлари ва саҳобалар орасида бирон марта оёқларини узатиб ўтирмаганлари Оиша онамизнинг ривоятларида келтирилади. Ёнбошлаб, оёқни узатиб ёки тик турган ҳолда таомланиш нафақат беодоблик, балки соғлиқ учун зарарли эканини азалий тиб илми ҳам, замонавий медицина ҳам таъкидлаб, исботлаб берган. Мисол учун, тик турган ҳолда овқатланиш ёки сув ичишнинг соғлиққа жиддий зарари борлигини замонамиз тиббиёт олимлари изоҳлайдилар: тик турилганда кўричак овқат кирадиган йўлга қараб оғзи очик ҳолда турар экан ва бу ичаклардаги озиқ-овқатнинг унга кириб қолиши учун қулай экан. Ўтирганда эса у ичаклар билан ўралиб, оғзи пастга қараб турар экан. Демак, ўтирган ҳолда овқат ейиш ёки сув ичиш кўричак касаллигига чалинишнинг олдини оларкан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам нафақат таом ейиш, балки оддий сув ёки бошқа ичимликларни ҳам ўтириб ичишни буюрганлар. Бошқа бир ҳадиси шарифда у зот замзамдан бошқасини ўтириб ичишга буюрганлар.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنِ الشُّرْبِ قَائِمًا، فَقِيلَ: الْأَكْلُ؟ قَالَ: ذَاكَ أَشَدُّ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَمُسْلِمٌ وَلَفْظُهُ: ذَاكَ أَشْرُّ أَوْ أَخْبَثُ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам тик туриб ичишдан қайтардилар. Шунда: «Ейиш-чи?» дейилди. «У яна ҳам оғирроқ», дедилар».

Термизий ва Муслим ривоят қилганлар. Муслимнинг лафзиди: «У яна ҳам ёмонроқ ёки чиркинроқ», дейилган.

Тўртинчиси – бўғзига тиқилгунча тўйиб емаслик. Бу ниҳоятда хунук одат ҳисобланади. Қорин қанчалик тўқ бўлса, шунчалик дангасалик ва ялқовлик кучаяди. Шунингдек, тўқ қоринга яна овқат ейиш макруҳ ва исроф саналади. Аллоҳ таоло Қуръони Карим шундай марҳамат қилади:

﴿يٰۤاَيُّهَاۤ اٰدَمُ خُذُوۤا زِيۡنَتَكُمْ عِنۡدَ كُلِّ مَسۡجِدٍ وَكُلُوۡا وَاشْرَبُوۡا وَلَا تُسۡرِفُوۡا اِنَّهٗ لَا يُحِبُّ الْمُسۡرِفِيۡنَ ﴿۳۱﴾ قُلْ مَنۡ حَرَّمَ زِيۡنَةَ اللّٰهِ الَّتِيۡ اَخۡرَجَ لِعِبَادِهٖۙ وَالطَّيِّبَتِۙ مِنَ الرِّزۡقِ قُلْ هِيَ لِلَّذِيۡنَ ءَامَنُوۡا فِي الْحَيٰوةِ الدُّنْيَا خَالِصَةٌ يَّوۡمَ الْقِيٰمَةِ ۚ كَذٰلِكَ نَفۡصَلُ الْآيٰتِ لِقَوْمٍ يَعۡمَوۡنَ ﴿۳۲﴾﴾

«Эй Одам авлоди! Ҳар бир масжид (намоз) олдидан зийнатларингиз (пок кийимларингиз)ни (кийиб) олингиз! Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмагай. Айтинг: «Бандалари учун чиқарган Аллоҳнинг зийнати ва пок ризқларни ким ҳаромга чиқарди?» Айтинг: «У (зийнат ва пок ризқлар) бу дунёда иймон келтирганлар (ва бошқалар) учун, қиёмат кунда эса, холис (мўминларнинг ўзлари учун бўлур)» (*Аъроф сураси, 31-32-оятлар*).

Оятларда келган хитоблар ақл-идроқини ишлатадиган қавмларга қарата айтилган. Исроф деганда кўпчилигимиз бирор егуликни емай, ичмай тўкиб юборишни тушунамиз, лекин ошиқча еб қўйиш ҳам исрофга ки-

ради. «Аслия ал-Ҳалабия» китобининг соҳиби ҳазрати Умардан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«نَحْنُ قَوْمٌ لَا نَأْكُلُ حَتَّىٰ نَجُوعَ، وَإِذَا أَكَلْنَا لَا نَشْبَعُ».

«Биз шундай қавммизки, токи очмагунча таомланмаймиз, таомланганда ҳам, тўйиб емаймиз», деганлар. Бешинчиси – оилада ҳамма бирга таомланиши.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ أَحَبَّ الطَّعَامِ إِلَى اللَّهِ مَا كَثُرَتْ عَلَيْهِ الْأَيْدِي». رَوَاهُ أَبُو يَعْلَى.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга энг маҳбуб таом кўпчилик бўлиб ейилган таомдир», дедилар» (Абу Яъло ривоят қилган).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон ёлғиз таомланмаганлар. У зотдан ўрнак олган саҳобалар ҳам доимо кўпчилик бўлиб ёки таомга муҳтож кишилар билан бирга ўтириб таомланишни ўзларига суннат қилиб олганлар.

Олтинчи – таом ейишни «Бисмиллаҳ» билан бошлаш. Агар таомни ейишдан олдин «Бисмиллаҳ», дейилса, бу таомда шайтонга насиба қолмас экан.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَكَلْتُمْ طَعَامًا فَلْيَقُلْ بِسْمِ اللَّهِ، فَإِنْ نَسِيَ فِي أَوَّلِهِ، فَلْيَقُلْ: بِسْمِ اللَّهِ فِي أَوَّلِهِ وَآخِرِهِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз таом ейдиган бўлса, «Бисмиллаҳ», десин. Агар таомнинг аввалида уни унутган бўлса, «Бисмиллаҳи фий аввалиҳи ва ахириҳи», десин», дедилар» (*Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган*).

Дуонинг маъноси: «Унинг (таомнинг) аввалида ва охирида Аллоҳнинг номи билан бошлайман».

Бошқа бир ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким уйига келганда «бисмиллаҳ»ни зикр қилса, шайтон болаларига: «Бугун бу жойда бизга ётоқ йўқ», дер экан. Таомга ҳозирланганда «бисмиллаҳ»ни зикр қилса, шайтон болаларига: «Бугун бу жойда овқат йўқ», дер экан. Ким уйига келганда «бисмиллаҳ»ни айтмасдан кирса, шайтон болаларига: «Бугун ётоғимиз тайин, мана шу жойда тунаймиз», таом келганда «бисмиллаҳ» дейишни унутса, шайтон болаларига: «Бугун бизга овқат ҳам бор», деб унинг овқатига қўшилар экан», деганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَأْكُلُ طَعَامًا فِي سِتَّةٍ مِنْ أَصْحَابِهِ، فَجَاءَ أَعْرَابِيٌّ فَأَكَلَهُ بِلُقْمَتَيْنِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَمَا إِنَّهُ لَوْ سَمَى لَكَفَاكُمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олти саҳобий билан бирга ўтириб овқат еяётганларида бир аъробий шошиб келиб, идишдаги овқатни икки лукмада тугатиб қўйди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У тасмия айтганида, ҳаммангизга етар эди», дедилар» (*Термизий ривоят қилган*).

Тасмия – «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм». Ҳадиси шарифдан келиб чиқадиган хулоса шуки, «бисмиллаҳ» таомнинг баракасига сабаб бўлувчи омиллардандир.

Еттинчи – таом ва ичимликни ўнг қўл билан еб-ичиш.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا أَكَلَ أَحَدُكُمْ فَلْيَأْكُلْ بِيَمِينِهِ، وَإِذَا شَرِبَ فَلْيَشْرَبْ بِيَمِينِهِ، فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَأْكُلُ بِشِمَالِهِ وَيَشْرَبُ بِشِمَالِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Агар бирортангиз таом еса, ўнг қўли билан есин, сув ичса, ўнг қўли билан ичсин, чунки шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади**», дедилар» (*Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган*).

Мўмин киши бу одобга ҳам алоҳида эътибор бериши лозим. Чап қўлнинг ҳам, ўнг қўлнинг ҳам ўзига хос хизматлари бор. Уларни ўз ўрнида ишлатиш ана шу аъзолар эгасининг вазифасидир.

Саккизинчи – таомнинг нуқсонини айтмаслик. Баъзан таом шўр бўлиб қолиши, баъзида тузи паст ёки шунга ўхшаш бошқа камчилиги бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, ҳеч қачон унинг айбини айтмаслик ҳам таомланувчининг одобидир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳеч қачон овқатни камситмаганлар.

Тўққизинчи – таом ва ичимликни қайноқ ҳолда истеъмол қилмаслик ва кўп сув ичмаслик. Булар ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ҳадиси шарифлар орқали ворид бўлган одоблардир. Таомдан сўнг дуо қилиш ҳам шундай одоблардан биридир.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَكَلَ أَوْ شَرِبَ قَالَ: «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَجَعَلَنَا مُسْلِمِينَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъид розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам еб-ичсалар, **«Бизга таом берган, бизни суғорган ва бизни мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин»** («Алҳамду лиллааҳиллазии атъаманаа ва сақоонаа ва жаъаланаа минал муслимийн»), деб дуо қилар эдилар» (*Термизий ривоят қилган*).

Мана шу бизда жорий бўлган суннатдир.

Бугунги кунда таомланиш одобларига риоя қилмайдиган ёшлар тобора кўпайиб бормоқда. Тановул олди-дан ёки охирида кўлни ювишга эриниш ёки «бисмиллаҳ»ни айтмаслик ҳолатларини ҳар қадамда учратиш мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам таомни учта бармоқлари билан еганлар. «Сунан» соҳиблари келтирган ривоятларда бармоқларини артмай туриб, таом сузилган идишни ялаб қўйганлари айтилган:

«У зот бизни товоқни бармоқларимиз билан сидириб, ялашга амр қилдилар ва: «Албатта, сизлар таомингизнинг қаерида барака бўлишини билмас-сиз», дедилар».

Бу суннатга амал қилиш бугунги кунда жуда кам кўзга ташланади. Айниқса жамоат жойларида бу амалга риоя қилинса, кўпчиликка, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларини билдирган бўламиз.

У зот алайҳиссаломдан машҳур видолашув ҳажида саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга иймон келтиришимиздан сўнг энг яхши амаллар қайсилар?»

деб сўрашганида, у зот бошқа солиҳ амаллар қаторида одамларга таом улашишни ҳам зикр қилдилар. Бу суннатга ҳозирги кунда халқимизда маърака, тўй-ақийқа, эҳсон ва шукрона маросимларини ўтказиш орқали амал қилинади. Таом улашиш орқали савоб топса бўладими ёки йўқми? Албатта, бунда ният ва ақийда тўғри бўлса, савобга эришилади. Илгари ота-боболаримиз кечки таом пишганда кўни-кўшниларга чиқаришни одат қилганлар. Бора-бора бу одатга фақат ҳайит кунлари арафасида амал қилинадиган бўлиб кетган. Ўзаро таом алмашадган кўни-кўшнилар тобора камайиб бормоқда. «Бизни оч деб ўйлаяптими?» деб, буни нотўғри тушунадиганлар ҳам учраб туради.

Бизнинг юртимизда кенг тарқалган, суннат амаллардан бири – таом улашишнинг энг қулай воситаси бўлмиш наҳорги ошларимизга қорни тўқлар билан бирга таомга эҳтиёжи бор кишилар ҳам таклиф қилинса, ажр-савобга мукаммал даражада эришамиз.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «شَرُّ
الطَّعَامِ طَعَامُ الْوَلِيْمَةِ يُدْعَى إِلَيْهِ الشَّبَعَانُ وَيُجْبَسُ عَنْهُ الْجَائِعُ».
رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таомларнинг энг ёмони қорни очлар қолиб, қорни тўқлар чақирилган валийма таомидир», деганлар» (Табароний ривоят қилган).

Бу ҳадисда наҳорги ошга қорни оч ҳолда борадиган кишилар эмас, умуман, қорни тўйиб овқат емайдиган

одамлар назарда тутуляпти. Қорни тўқларга таом улашиш ҳам савобли иш, лекин таомга муҳтож кишиларга таом бериш алоҳида мақтовга сазовор ишдир.

Динимизда мусулмон кишининг таомга муносабати ёрқин баён қилинган. Таом Аллоҳнинг неъматидир. Ҳалолдан топиб, қувватини тоат-ибодатга сарфлаш банданинг ана шу таомга шукронасидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اعْبُدُوا الرَّحْمَنَ، وَأَطِعُوا الطَّعَامَ، وَأَفْشُوا السَّلَامَ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Роҳманга ибодат қилинглар! Таом беринглар! Саломни тарқатинглар! Жаннатларга кирасизлар»**, дедилар» *(Термизий ривоят қилган).*

Жаннатга киритувчи омиллардан бири таом улашишдир. Буни холис ният ва соф ақийда асосида амалга оширган киши кўзлаган мақсадига эришади. Аллоҳ таоло ҳеч биримизни Ўзининг ҳидоятидан адаштирмасин.

ИЛМ ВА ИҚТИДОР ҚАДРИ

Аллоҳга ҳамд бўлсинки, Ислом дарахти бизга илоҳий инъомдир. Бу дарахтнинг танаси «Лаа илааҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ»дир. Унинг шохлари шариатимиз фарзлари, майда бутуқлари вожиблари ва яна ундан майдароқлари суннатлардир. Бу дарахтнинг митти япроғи кўчада одамларга озор берадиган нарса-ни олиб ташлашдир. Ислом дарахти баъзида гуркираб, яшнаб кетади, баъзида мева бермай, қуриб, ачинарли аҳволга тушиб қолади. Лекин бу дарахтнинг илдизлари

бутунлай қуриб қолмайди, балки киёматгача кўкариб туради. Ҳар бир мўмин киши ўз дарахтини яхшилаб парваришласа, иншаалох, охирида яхши мева олишга ҳақли бўлади. Мана шу дарахтимизни парваришлаб, унинг фарз, вожиб, суннат ва мустаҳабларини ўрнига қўйиб яшашга ҳаракат қилсак, охиратимиз учун улкан захирани яратган бўламиз. Шариатнинг таклиф қилиниши ва бизга буюрилишидан мақсад мана шу.

Алҳамдулиллаҳ, мана шу маънода ҳаётимиз кун сайин ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Имом Бухорий, имом Термизий, Насафий, Замахшарий, Хоразмий, Беруний каби зотларнинг исмларини тилга олишимиз билан ҳар бирларининг Ислом йўлидаги буюк хизматлари ёдимизга келади. Юртимизда мазкур уламолар қолдирган илмий меросни асраб-авайлаб кейинги авлодларга етказиш, уларни ўрганиш, тилимизга ўгириш борасида қилинаётган кенгқамровли ишлар, мазкур асарлар устида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, улар яшаб ўтган шаҳар-қишлоқларга эътибор ва бошқалар у зотларга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасиدير. Мустақилликдан сўнг осори-атиқаларимизни, кадриятларимизни, улуғ алломалар ҳаётини тадқиқ этиш ва уларнинг ёзиб қолдирган асарларни ёш авлодга етказиш аста-секин ўз изига туша бошлади. Дарҳақиқат, Ўрта Осиё минтақасидан етишиб чиққан зотлар ҳозирги вақтда ҳам Ислом оламида юксак ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинади. Ҳар бири ўз даврида Исломга кўрсатган хизматлари, ёзиб қолдирган асарлари билан қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Масалан, имом Бухорий, имом Термизийлар муҳаддис сифатида қандай мақомларга сазовор бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. Имом Насафийнинг «Мадорик ут-танзил» деган тафсирилари ҳо-

зирги кунда Ислом оламида катта илмий даргоҳларда дарслик сифатида ўқитилади. Қаерга борсак, Бухорий, Термизий, Насафий, Замахшарий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино каби зотларнинг исмларини айтиб, «Мана шу зотлар яшаган юртдан келдик», дея фахрланиб айтамиз.

Ёш авлодга бу буюк сиймоларни танитишдан ташқари, уларда илм-фанга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш лозимлиги бугунги кунда жуда долзарб масала экани аён бўлиб бормоқда. Чунки ҳар қандай жамият илм-фан юксалиши билан янги тараққиёт босқичига кўтарилади. Илм-фан ҳеч қачон ўз нуфузини йўқотмайди. Тўғри, баъзи замонларда унга нисбатан эътибор сусайиши мумкин, лекин илм-фан қудрати ва иқтидорнинг куч-қудрати англаган вақтдан унга ҳаётини бағишлайдиган авлодлар дунёга келади.

Ҳозирги кундаги оддий мобил алоқа воситаси ёки интернетдан фойдаланишни олиб кўрайлик. Улардан қандай фойдаланишни билмаган киши «саводсиз», «қолоқ» деган номни олади. Бугун юртимизда иқтидорли, салоҳиятли ва илмга чанқоқ ёшлар кўп. Улар замонавий фан-техникадан етарли даражада хабардор. Масалан, компьютер ва интернет инсон ақл-заковатининг маҳсулидир. Уйда ўтирган жойимизда дунёнинг исталган бурчагида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан, хабарлардан бемалол воқиф бўламиз. Бунинг яхши томони билан бирга ёмон томони ҳам бор. Ёшлар компьютерга боғланиб, ундаги турли кўнгилочар ўйинларга, бузуқликни, фаҳш ишларни тарғиб қилувчи тасвирларга маҳлиё бўлиб қолмоқда. Ота-боболаримиз кўзларига суртиб, асраб-авайлаб ўқиган китоблар жавонларда чанг босиб ётибди. Ўтган асрнинг шўро даврини каттароқ ёшли кишилар яхши эслашади: ўша вақтларда биронта

диний китобни қўлга олиб ўқиш жиноят ҳисобланган. Тошбосма нусхадаги Мусҳафни топиш, сотиб олиш амримаҳол бўлган.

Францияда тадқиқот ўтказилиб, «Отанг яхшими ёки телевизор яхшими?» деб сўралганда уч минг боладан икки мингтаси «Телевизор яхши», деб жавоб берибди. Агар бизда ҳам шундай тадқиқот ўтказилса, болалардан қандай жавоб олар эканмиз, деган савол кишини ўйлантиради. Шунинг ўзи мусибат ва ташвиш эмасми? Ҳақиқатда телевизор ёки компьютерни отасидан устун қўядиган фарзандлар ҳаётда тўғри йўлдан юради, деб ким кафолат беради?

Улуғ зотларнинг ҳаётида китобни севиш, илмни қадрлаш, илм эгасини иззат-икром қилиш урф тусини олган. У зотлар ўз фарзандларини ҳам шундай руҳда тарбиялашган. Ҳозирги кунда шундай ота-оналар борми? Кўпчилик ота-оналар фарзандларини китоб ўқишга эмас, мол-дунё ва мўмай пул топишга ўргатаётгани ёки шунга тарғиб қилаётгани сир эмас. Агар юртимизда илмни қадрлаб, уни ҳурмат-эҳтиром қиладиган кишилар кўпаймаса, фарзандларимиз илмсиз, жоҳил бўлиб вояга етса, жамиятимиз инқирозга юз тутиши ҳақида жиддий бош қотиришимиз лозимдир. Тарбия деганда ёшларга диний ва дунёвий илм бериб, бирон касб-корга ўргатиш ва мустақил ҳаётга йўллаб қўйиш тушунилади. «Тарбия» сўзи «мураббий» деган сўздан олинган бўлиб, Аллоҳнинг Робб деган исми билан ўзакдошдир. Оламларнинг Робби бутун борлиқни ва оламни назорат қилиб туради. Ота-она ҳам тарбиячи – мураббий ҳисобланиб, улар фарзандларини доимий равишда назорат қилиб, уларнинг тўғри йўлдан оғиб кетмаслигини кузатиб туришлари лозим.

Зеро, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ўзлари буюк тарбиячи бўлганлар. У зотнинг саҳобалари ҳам болалар тарбиясини асло назоратсиз қолдирмаганлар. Масалан, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларида закот моли тўпланиб, эгаларига тарқатилар эди. Бир куни келтирилган хурмолар бир хирмон бўлди. У зотнинг тиззаларида ўйнаб ўтирган ёш бола – Ҳасан розияллоҳу анҳу югуриб бориб, бир дона хурмони оғзига солиб, чайнай бошлади. Жаноби Пайғамбар алайҳиссалом «Ких-ких!», яъни «Тўхта-тўхта!» дея югуриб бориб, унинг оғзига муборак бармоқларини сукиб, ярим чайналган хурмони қайтариб хирмонга қўшиб қўйдилар. Унга «Бу мол бизга ҳалол эмаслигини билмасмидинг?!» деган маънода танбеҳ бердилар. Пайғамбар алайҳиссалом набираларининг лукмасига яримта хурмо бўлса ҳам ҳаром аралашшига рози бўлмадилар. Чунки садақа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг авлодларига ҳалол эмас. Энди у зотнинг ўринларига ўзимизни қўйиб кўрайлик.

Энг аввал ёшларимиз илмнинг қудрати ва иқтидорнинг ноёблигини тўғри англаб олишлари лозим. Ҳозирги вақтда мол-дунё қаршисида илмнинг қадри тушиб бораётгани ҳеч биримизга сир эмас. Лекин ҳамма замонларда илмнинг қадри ва нуфузи доимо баланд бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши мукаррадир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَلَا إِنَّ الدُّنْيَا مَلْعُونَةٌ مَلْعُونٌ مَا فِيهَا إِلَّا ذَكَرَ اللَّهُ وَمَا وَالآهَ، وَعَالِمٌ أَوْ مُتَعَلِّمٌ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Огоҳ бўлинглар! Дунё малъундир ва ундаги нарсалар малъундир. Аллоҳнинг зикри, У Зотнинг яхши кўрган нарсаси, олим ва илм олувчи мустаснодир», дедилар» (Термизий ривоят қилган).

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «... أَلَا سَأَلُوا إِذْ لَمْ يَعْلَمُوا، فَإِنَّمَا شِفَاءُ الْعِيِّ السُّؤَالُ...». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «...Агар билмасалар, сўрасалар бўлмасмиди?! Албатта, жоҳилликнинг шифоси саволдир...» дедилар» (Абу Довуд ривоят қилган).

Илм осонликча эгалланмайди. Унинг ҳам ўзига яраша машаққати, оғирлиги ва жабр-ситамлари бор. Чинакам хазина саналмиш илмга эътибор сусайган бугунги кунда илм йўлида машаққат чекиб, фидойилик билан таҳсил олаётган ва илмини ошириб, мустаҳкамлашга интилаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Бундай иқтидор эгаларини қўллаб-қувватласак, эртанги кунимиз янада ёрқинлашиши, илм нури қалбларни ёритиб, жоҳиллик ва мутаассиблик каби иллатлар халқимиз онг-тасаввуридан чекиниши шубҳасиз.

ИЛМ ВА ИЛМСИЗЛИК БАРОБАР ЭМАС

Динимизда илмга катта баҳо берилиб, унинг қадр-қиймати улуғланади. Юртимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўтмишда кўплаб аллома ва маърифатпарвар зотлар илм-фан юксалишига муносиб ҳисса қўшиб, юртимизни жаҳонга танитишда жонбозлик кўрсатганларига гувоҳ бўламиз. Бунга сабаб, Ислом динида, Аллоҳ таолонинг улуғ Китоби – Қуръони Карим оятларида илмнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига катта эътибор берилганидир. Мазкур Китобда «илм» сўзи 811 марта такрорланади. Шунинг ўзи ҳам илм мўмин-мусулмон киши ҳаётида қай даражада муҳим ўрин тутишини тасдиқлайди. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз илмни фақат ўз юртимизда эмас, балки узоқ юртларга бориб ўрганганлар. Илм ўрганиш йўлида қанчадан-қанча машаққат ва синовларга дуч келганлар. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деди:

قَالُوا بَلَىٰ قَدْ جَاءَنَا نَذِيرٌ فَكَذَّبْنَا وَقُلْنَا مَا نَزَّلَ اللَّهُ مِن شَيْءٍ إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا فِي ضَلَالٍ كَبِيرٍ ﴿٩﴾ وَقَالُوا لَوْ كُنَّا نَسْمَعُ أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِي أَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿١٠﴾ فَأَعْرِضُوا بِذُنُوبِهِمْ فَسُحْقًا لِأَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿١١﴾

«(Улар) дерлар: «Ҳа, ҳақиқатан, бизга огоҳлантирувчи келган эди, (лекин биз уни) ёлғончига чиқарганмиз ва: «Аллоҳ (ҳеч кимга) ҳеч нарса нозил қилган эмас, сизлар фақат катта гумроҳликдадирсиз», деганмиз. Улар (кофирлар) яна: «Агар бизлар (пайғамбар сўзларини) тинглаб, ақлни ишлатганимизда, дўзах аҳлидан бўлмас эдик», дерлар. Бас, улар ўз гу-

ноҳларини (шу тарзда) эътироф этадилар. Энди, дўзах аҳлига (Аллоҳнинг раҳматидан) узоқлик бўлмай!» (Мулк сураси, 9–11-оятлар).

Мазкур ояти каримада илмсизлик ва гумроҳлик оқибатида юзага келган сўнгги афсус-надомат ҳақида сўз бормоқда. Куфр аҳли ўз вақтида ақлини ишлатмаганидан армонда қолганини маълум қилмоқдалар.

Қуръони Каримда шундай хабар берилган:

أَمَنْ هُوَ قَتْنَتْ ءَأَنَاءَ الْبَلِّ سَاجِدًا وَقَائِمًا يَحْذَرُ الْآخِرَةَ
وَرَجُوا رَحْمَةَ رَبِّهِ ۗ قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا
يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ ﴿١﴾

«Ёки кечалари сажда қилган ва тик турган ҳолда ибодат қилувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвадигорининг раҳматидан умид қиладиган киши (билан бошқалар баробарми?!) Айтинг: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!» Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар» (Зумар сураси, 9-оят).

Ҳа, шундай. Жоҳил ва нодон киши ҳеч қачон биладиган олим билан баробар бўла олмайди. Қандайдир сабаблар туфайли бироз вақт жоҳиллик устундек кўриниши мумкин. Аммо у илмнинг ўрнини боса олмайди. Жоҳил ва нодон киши бойлиги ёки мансаб-мартабаси билан ўзини олим кишидан устун ва афзал кўрар, лекин олим киши ҳузурда у ҳар доим ўзини ноқулай ҳис этади.

عَنْ أَبِي مُوسَى، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَثَلُ مَا بَعَثَنِي اللَّهُ بِهِ مِنْ الْهُدَى وَالْعِلْمِ كَمَثَلِ الْعَيْثِ الْكَثِيرِ أَصَابَ أَرْضًا، فَكَانَ مِنْهَا

نَقِيَّةً قَبِلَتِ الْمَاءَ، فَأَنْبَتَتِ الْكَلَاءَ وَالْعُشْبَ الْكَثِيرَ، وَكَانَتْ مِنْهَا
 أَجَادِبُ أَمْسَكَتِ الْمَاءَ، فَنَفَعَ اللَّهُ بِهَا النَّاسَ، فَشَرِبُوا وَسَقَوْا
 وَزَرَعُوا، وَأَصَابَتْ مِنْهَا طَائِفَةٌ أُخْرَى، إِنَّمَا هِيَ قَبِيحَانِ لَا تُمْسِكُ
 مَاءً، وَلَا تُنْبِتُ كَلَاءً، فَذَلِكَ مَثَلُ مَنْ فَقَهُ فِي دِينِ اللَّهِ وَنَفَعَهُ مَا
 بَعَثَنِي اللَّهُ بِهِ، فَعَلِمَ وَعَلَّمَ، وَمَثَلُ مَنْ لَمْ يَرْفَعْ بِذَلِكَ رَأْسًا، وَلَمْ يَقْبَلْ
 هُدَى اللَّهِ الَّذِي أَرْسَلْتُ بِهِ». قَالَ أَبُو عَبْدِ اللَّهِ: قَالَ إِسْحَاقُ:
 وَكَانَ مِنْهَا طَائِفَةٌ قَبِلَتِ الْمَاءَ. قَاعٌ يَعْلُوهُ الْمَاءُ، وَالصَّفْصَفُ
 الْمُسْتَوِي مِنَ الْأَرْضِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам шундай де-
 дилар: «Аллоҳ мен орқали юборган ҳидоят ва илм
 худди ерга ёккан мўл ёмғирга ўхшайди: унинг яхши
 жойлари бўлиб, сувни ўзига сингирди ва кўплаб
 ўт-ўланларни ўстирди. Унинг қаттик, қурғоқ жой-
 лари ҳам бўлиб, ўзида сув тўплади. Натижада Ал-
 лоҳ бу билан одамларга манфаат берди: ичишди,
 суғоришди ва деҳқончилик қилишди. (Мўл ёмғир
 ернинг) бошқа жойига ҳам ёғди. У на сув тўпламай-
 диган, на экин ўстирмайдиган текислик эди. Мана
 шу Аллоҳнинг динида фақиҳ бўлган, Аллоҳ мен ила
 юборган нарса манфаат берган, ўзи ўрганган, (ўзга-
 ларга ҳам) ўргатган киши билан бу нарсага эътибор
 бермаган, Аллоҳнинг мен ила юборилган ҳидоятини
 қабул қилмаган кишининг мисолидир» (*Муттафа-
 кун алайҳ*).

Ҳадиси шарифда илм мўл-қўл ёмғирга қиёсланмоқда. Ёмғир ёғиши билан ўт-ўланлар ўсиб, юртга қут-барақа ёғилади. Шу каби, илм тараққий этса, юрт илғор ва ривожланган давлатлар қаторига қўшилади. Шунинг учун илм ва олимнинг кадр-қиммати ҳар доим юксак баҳоланган. Улуғ шоҳлар ҳам олим кишининг хузурида қўл қовуштириб турган, бирон нарсага мухтож бўлса, дарҳол уни муҳайё айлаган. Ҳатто илм ибодатдан ҳам афзал кўрилади. Ибодатнинг мартабаси ва даражаси улуғ. Лекин ибодатдан бир киши баҳраманд бўлади ва ажр-савоб топади. Илм сабабли эса қанчадан-қанча кишилар билмаганини ўрганиб, тўғри амал қилиш йўлини тутадилар.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «فَضْلُ الْعَالَمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِي عَلَى أَدْنَاكُمْ».

ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ وَأَهْلَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِينَ حَتَّى النَّمْلَةَ فِي جُحْرِهَا وَحَتَّى الْحُوتَ لِيُصَلُّوا عَلَيَّ مُعَلِّمِ النَّاسِ الْخَيْرِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Умома Боҳилий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Олимнинг обиддан афзаллиги худди менинг сизнинг энг кичигингиздан афзаллигимга ўхшайди», дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ, Унинг фаришталари, осмонлару ернинг аҳли, ҳаттоки уясидаги чумоли ва балик ҳам одамларга яхшилиқни ўргатувчига саловот айтадилар», дедилар» *(Имом Термизий ривоят қилган).*

Қайси юртда имлга эътибор кучайса, илм изланиб, кашфиётларга йўл очилса, бундай юрт дарҳол қаддини кўтариб, жаҳонга танилади. Бунинг учун илм машакқати ва хорлигига сабр қиладиган ва ҳар қандай илмдан бўйин товламайдиган аҳли илм бўлиши керак. Бундай кишининг борадиган манзили жаннат эканини асло унутмаслик керак.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رضي الله عنه قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم يَقُولُ: «مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَبْتَغِي فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ، وَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ لَتَضَعُ أَجْنِحَتَهَا رِضَاءً لَطَالِبِ الْعِلْمِ، وَإِنَّ الْعَالَمَ لَيَسْتَغْفِرُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ حَتَّى الْحَيَاتَانِ فِي الْمَاءِ، وَفَضَلَ الْعَالَمَ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضَلَ الْقَمَرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ، إِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرِثَةَ الْأَنْبِيَاءِ إِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُورَثُوا دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا إِنَّمَا وَرَثُوا الْعِلْمَ فَمَنْ أَخَذَ بِهِ أَخَذَ بِحِطِّ وَافِرٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Дардо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: «Ким илм талаб қилиш йўлига юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Албатта, фаришталар толиби илмни рози қилиш учун қанотларини қўядилар. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар. Олимнинг обиддан фазли ҳудди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Албатта, олимлар анбиёларнинг меросхўрларидир. Албатта, анбиёлар динорни ҳам,

дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Албатта, улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди», деганларини эшитдим» (*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган*).

Мусъаб ибн Зубайр ўғлига деди: «Эй ўғлим, илм олгин. Агар молинг бўлса, кўрк-жамол, агар молинг бўлмаса, мол бўлади». Абдулмалик ибн Марвон ўғилларига насиҳат қилди: «Эй болаларим, илм олинглар. Агар саййидлардан бўлсангиз, мартабангиз яна ошади, агар ўртаҳол бўлсангиз, саййид бўласиз. Агар оддий фуқаро бўлсангиз, хорлик кўрмайсиз».

Бир донишманд айтади: «Илм қадри йўқ киши учун шараф, одоб эса хатарсиз молдир». Адиблардан бири дейди: «Илм энг афзал мерос ва унга амал қилиш энг улуғ шарафдир». Улуғлардан бири айтади: «Илм ўрган! Чунки илм ёшлиқда сенга куч-қувват бериб, тўғриликка бошлайди, улғайганда сени саййидга айлантириб, обрўйингни оширади, ёмон ва фосид хулқларингни тузатиб, душман ва ҳасадчиларингни хорлайди. Эгри ва қийшиқ жойинг бўлса, тузатиб, амал ва орзу-умидларингни яхшилайдди».

Улуғ донишманд зотларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам кўриниб турибдики, илм инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Илм туфайли инсон жаҳолат ва нодонликдан қутулади, гумроҳликни тарк этади, ўзидаги ёмон хулқ-атворлардан халос бўлади. Бу эса унинг охиратда солиҳ зотлар билан бирга бўлишига замин ҳозирлайди. Шунинг учун улуғ кишилар вақтни бой бермасдан, ёшлиқда илм олишга даъват этганлар. Бугунги кунда бунинг аҳамияти янада кўзга яққол ташланмоқда. Илмсизлик туфайли соф ва пок динимизга доғ тушираётган гуруҳ ва оқимлар ўз иддаолари билан одамзод

тинчини бузишмоқда, халқнинг эмин-эркин яшаши ва илм олишига тўсқинлик қилишмоқда. Бунинг ҳаммаси аслида илмсизлик ва гумроҳликка бориб тақалади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ مَرَّ بِمَجْلِسَيْنِ فِي مَسْجِدِهِ، فَقَالَ: «كَلَاهُمَا عَلَى خَيْرٍ، وَأَحَدُهُمَا أَفْضَلُ مِنْ صَاحِبِهِ، أَمَّا هَؤُلَاءِ، فَيَدْعُونَ اللَّهَ وَيَرْغَبُونَ إِلَيْهِ، فَإِنْ شَاءَ أَعْطَاهُمْ، وَإِنْ شَاءَ مَنَعَهُمْ، وَأَمَّا هَؤُلَاءِ، فَيَتَعَلَّمُونَ الْفَقْهَ أَوْ الْعِلْمَ، وَيَعْلَمُونَ الْجَاهِلَ، فَهُمْ أَفْضَلُ، وَإِنَّمَا بُعِثْتُ مُعَلِّمًا»، قَالَ: ثُمَّ جَلَسَ فِيهِمْ. أَخْرَجَهُ الدَّارِمِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ алайҳиссалом масжидга кириб, (бири Аллоҳ таолони зикр қилаётган ва яна бири фикҳни ўрганаётган) икки жамоани кўрдилар ва: «**Ҳар иккала жамоада ҳам яхшилик бор. Аммо бири менга унисидан суюқлироқдир. Улардан бири Аллоҳ таолони зикр қилиб, Ундан сўраяпти. Агар хоҳласа беради, хоҳламаса бермайди. Яна бири эса фикҳни ўрганиб, билмаганга ўргатапти. Мен муаллим қилиб юборилдим**», дедилар ва илм аҳлининг олдига бориб ўтирдилар» (*Дорамий ривоят қилган*).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом илмнинг зикрдан ҳам афзаллигини шу тариқа тушунтириб бердилар. Аллоҳни зикр қилиш ҳам улуғ амал. Аммо илмни ўрганиб, уни бошқа бир кишига ўргатиш ва таълим беришда янада катта ва улуғ ажр-савоблар бор. Шунинг учун илмнинг қадр-қимматини ҳар бир юртдошимиз тўғри англаб, ҳаққоний баҳоламоғи керак. Ҳаётда илм нақадар зарур эканини яхши англаган киши ҳеч қачон тўғри йўлдан

адашмайди. Йўлдан адашишнинг асл сабаби илмсизлик ва жаҳолатдир. Бугунги кунда илм ва иқтидорнинг кадр-қиммати янада кўзга яққолроқ ташланмоқда. Чунки дунёдаги жамики кудратли давлатлар фақат илм-фан туфайли ҳозирги тараққиёт чўққисига эришдилар. Мамлакатимизда бунга эътиборнинг кучайиб бораётгани эса келажакимиз порлоқ ва ёрқин бўлишидан нишонандир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизларни ҳам, фарзандларимизни ҳам дунё ва охират саодатини топадиган аҳли илмлар қаторидан қилган бўлсин. У Зотдан авлодларимизни илмли, Исломда мустаҳкам қилишини сўраймиз.

ДУНЁ ВА ОХИРАТ БАХТИ

Ҳозирда динимизни ўрганиш учун барча шарт-шароитлар етарли. Лекин ҳар бир кишидан уни тўғри ва ҳаққоний ўрганиш талаб этилади. Баъзилар ўйлаганидек, динимиз бу дунё ишларини тарк этиб, фақат охират учун яшашга тарғиб қилмайди, балки бу дунёимизнинг ислоҳ ва обод бўлишини ҳам назарда тутаяди. Тўғри, бу дунё ҳаётининг тўкин-сочин ва фаровон бўлиши ҳақида қайғуриб, ундан бошқасини ўйламайдиганлар ҳам бор. Аммо инсонни шунинг ўзигина бахтли қила олмайди. Шу боис бу дунё ва охират бахт-саодати нимада эканини яхшилаб ажратиб олган киши ҳаётда адашмайди.

Аслида дунё ва охират ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки бу дунёга келган инсон охират соҳилига шу дунё уммони орқали сузиб ўтади. Яна охиратда бахт-саодат қозониш учун бу дунё восита вазифасини бажаради. Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар икки дунёда бахт-саодатга эришиш йўлини кўрсатиб берганлар. Шумаънода айтиш мумкинки, дунёсиз охиратни, охират-

сиз дунёни тасаввур қилиб бўлмайди. Дунёга қанчалик меҳр-муҳаббат қўйсак, фақат дунё иши билан банд бўлиб қолсаг-у, аммо охиратни ўйламасак, охират тадориғини кўрмасак, охират бахт-саодатига эриша олмаймиз. Шунинг учун пайғамбарлар, анбиёлар ва бошқа улуг зотлар бизга қандай қилиб дунё ва охират бахт-саодатини қозониш мумкинлиги ҳақида таълим берганлар.

Бу дунё неъматини ва роҳатига қизиқмаган кишини топиш қийин. Ҳамма яхши яшагиси, яхши еб-ичгиси келади, ташвишу муаммоларсиз ҳаёт кечиришни истайди. Чунки бу дунёда эҳтиёж ва хоҳиш-истаклар дунё неъматини туфайли рўёбга чиқади. Аммо моддий неъматлар ҳаммага баробар берилмаган. «Неъмат» сўзи луғатда хурсанд бўлмоқ, рози бўлмоқ ва яхши яшамоқ маъноларини билдиради. Истилоҳий маънода Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандага берган барча яхшиликлар неъмат ҳисобланади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло неъматларини берар экан, шукр қилишимизни талаб этади. Агар шукрини адо этсак, яна неъматларини кўпайтиради, агар ношукрлик қилсак, берган неъматини миннат қилади ва уни бутунлай кетказиб қўяди. Неъматлар «маънавий» ва «моддий» деган икки қисмга бўлинади. Баъзи неъматлар амалий шукрни талаб қилади. Шу боис уни бажармаса, шукрини адо этмаган ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда берган неъматларининг шукрини адо этмаган қавмларни итоб қилади, биз бандалар ибрат олишимиз ва берган неъматлари шукрини адо этишимиз учун оятлар келтиради. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ
 وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ ﴿٧﴾

«Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: «Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукур қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир», дейди (*Иброҳим сураси, 7-оят*).

Имом Насафий раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг «Мада-рикут-танзил» номли тафсир китобида инсоннинг шариат аҳкомларини бажаришга буюрилиши Аллоҳнинг раҳматидир. Ягона Аллоҳга иймон келтириш барча пайғамбарлар даъватининг асосидир. Лекин ҳар бир пайғамбарга алоҳида шариат юборилган. Ислом дини бизнинг шариатимиздир. Мана шу шариатнинг мусулмон уммати зиммасига юкланиши аслида Аллоҳнинг раҳматидир. Фикҳ илмида ақл-ҳуши жойида, балоғатга етган ҳар бир ўсмир мукаллаф ҳисобланиб, шариат аҳкомларини бажариши лозим бўлади. Агар уни бажармаса, гуноҳкор ва осий ҳисобланади. Аллоҳ таоло Маккада нозил бўлган Такосур сурасида шундай марҳамат қилади:

أَلْهَنَكُمْ التَّكَاثُرُ ① حَتَّى زُرْتُمُ الْمَقَابِرَ ② كَلَّا سَوْفَ
 تَعْلَمُونَ ③ ثُمَّ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ ④ كَلَّا لَوْ تَعْلَمُونَ عِلْمَ
 الْيَقِينِ ⑤ لَتَرَوُنَّ الْجَحِيمَ ⑥ ثُمَّ لَتَرَوُنَّهَا عَيْنَ
 الْيَقِينِ ⑦ ثُمَّ لَتَسْتَأْذِنَنَّ يَوْمَئِذٍ عَنِ النَّعِيمِ ⑧

«(Эй инсонлар!) Сизларни (мол-дунё) кўпайтириш (Аллоҳга ибодат қилишдан) машғул қилди. Ҳатто, мақбараларингиз (кўплиги билан фахрланиш)гача бордингиз. Йўқ! Яқинда (бунинг оқибатини) билурсиз. Яна бир бор йўқ! Яқинда билурсиз! Йўқ! Агар (дунё-

парастлик оқибатини) аниқ илм билан билганингизда эди (уни дўст тутмас эдингиз). Қасамки, албатта, сизлар дўзахни кўрасиз! Яна бир бор қасамки, сизлар уни айни ишонч билан кўрасиз! Сўнгра ана ўша кунда (қиёматда), албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсиз!» (1–8-оятлар).

Муфассир Ибн Касир алайхирроҳма ушбу оятни шундай шарҳлайди: «Дунёни яхши кўриш, унинг неъматлари ва лаззатларига қаттиқ қизиқиш сизларни охират талаби ва унга қизиқишдан чалғитиб, машғул қилиб қўйди, мана шу сизларга ўлим келгунча ва қабрни зиёрат қилгунларингизча давом этади. Дунёга қизиқиш Аллоҳга ибодат қилишдан қайтариб қўйди. Сизлар фақат мақбараларингиз кўплиги билан фахрланадиган бўлиб қолдингиз».

Ибн Бурайда раҳимахуллоҳ мана шу тафсирга асосланиб, «Бу сура ансорийларнинг Бану Ҳориса ва Бану Ҳорис қабиласи ҳақида нозил бўлган», дейди. Бу икки қабила ҳар доим бир-бири билан мол-дунё, насаб, иззат-икромда ўзини афзал ва зиёд кўриб, фахрланар экан. Ҳар икки қабила вакили бир-бирини кўриб қолса, «Сизларда фалончилар бор, бизда фалончилар, бизда фалончи зўр, сизларда ким бор?» деб фахрланса, иккинчиси ҳам шунга ўхшаш ўзидаги баъзи тириклар билан фахрланар экан. Охири бири иккинчисини қабила қабристонига етаклаб бориб, «Кўряпсанми, мана бу фалончининг мақбараси, бу биздан пистончининг мақбараси», деб фахрланар, иккинчиси ҳам худди шу ишни қилиб, фахрланар экан. Ана шу вақтда Такосур сураси нозил бўлиб, инсониятни чалғитиб, машғул қилиб қўйган нарса ҳақида хабар берган экан. Улуғ тобеъин имом Ҳасан Басрий: «Бу сурада кўрқитувчи оят ортидан яна бир кўрқитувчи оят келган», дейди. Аллоҳ бир ваъиддан кейин иккинчи

ваъидни келтиради. Яъни кетма-кет келган ваъид оятидан мурод инсонни бир нарсадан кўркитишдир. Агар кўркитилаётган нарса ёмон бўлса, унинг ёмонлигини яна таъкидлаш маъносида икки марта қайтарилади. Инсон яхшироқ тасаввур қилиши учун Қуръони Каримда оятларни такрор-такрор келтириш ҳолатлари учрайди. Бу дунёда тўкин-сочинликда яшаб, ҳеч бир камчилик кўрмаган одам ниҳоятда яхши яшадим, деб ўйлар. Лекин аслида бу нарса ҳақиқий бахт эмас.

Муслим ривоят қилган бир ҳадиси шарифда айтилади: «Бир киши Набий алайҳиссаломга: «Эй Аллоҳнинг Расули, молим кетди, танам касал бўлди», деб шикоят қилди. Набий алайҳиссалом унга: «Моли кетмаган, жонига касаллик етмаган бандага яхшилик йўқдир. Албатта, Аллоҳ бир бандасини яхши кўрса, унга бало юборади, агар унга бало юборса, уни сабрли қилиб қўяди», дедилар».

Аллоҳ таоло шундай огоҳлантиради:

أَفَأَمِنُوا مَكْرَ اللَّهِ فَلَا يَأْمَنُ مَكْرَ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ
الْخَاسِرُونَ ﴿٩٩﴾

«Аллоҳнинг «макри»дан (ҳам) хотиржаммилар?! Аллоҳнинг «макри» (азоби)дан фақат зиён кўрувчилар қавмигина «хотиржам» бўлурлар» (*Аъроф сураси, 99-оят*).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا قَالَ: شَكَأ نَبِيٌّ مِنَ
الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ السَّلَامُ إِلَى رَبِّهِ، فَقَالَ: يَا رَبِّ، الْعَبْدُ الْمُؤْمِنُ

يُطِيعُكَ، وَيَجْتَنِبُ مَعَاصِيكَ، تَزْوِي عَنْهُ الدُّنْيَا، وَتُعْرَضُ لَهُ الْبَلَاءُ، وَيَكُونُ الْكَافِرُ لَا يُطِيعُكَ، وَيَجْتَرِي عَلَيْكَ وَعَلَى مَعَاصِيكَ، تَزْوِي عَنْهُ الْبَلَاءُ، وَتَبْسُطُ لَهُ الدُّنْيَا، فَأَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَيْهِ: إِنَّ الْعِبَادَ وَالْبَلَاءَ لِي، وَكُلُّ يُسَبِّحُ بِحَمْدِي، فَيَكُونُ الْمُؤْمِنُ عَلَيْهِ مِنَ الذُّنُوبِ، فَازْوِي عَنْهُ الدُّنْيَا، وَأَعْرَضْ لَهُ الْبَلَاءُ، فَيَكُونُ كَفَّارَةً لَذُنُوبِهِ حَتَّى يَلْقَانِي، فَأَجْزِ بِهِ بِحَسَنَاتِهِ، وَيَكُونُ الْكَافِرُ لَهُ الْحَسَنَاتُ، فَأَبْسُطُ لَهُ فِي الرِّزْقِ، وَأَزْوِي عَنْهُ الْبَلَاءُ، فَأَجْزِيهِ بِحَسَنَاتِهِ فِي الدُّنْيَا حَتَّى يَلْقَانِي، فَأَجْزِيهِ بِسَيِّئَاتِهِ.

Ибн Аббос розияллоху анҳудан шундай ривоят қилинади: «Пайғамбарлардан бири Аллоҳ таолога шикоят қилиб шундай деди: «Эй Роббим! Мўмин банданг Сенга итоат қилиб, гуноҳлардан сақланади, Сен эса ундан дунёни ман этиб, балолар юборасан. Кофир банданг Сенга итоат этмайди, исёнга журьат қилади, ундан балоларни даф этиб, дунёни кенг қиласан». Шунда Аллоҳ таоло унга шундай ваҳий юборибди: «Бандалар ҳам, балолар ҳам Меники. Ҳаммаси Мени мақтаб, ҳамд айтади. Мўмин кишининг ҳам гуноҳлари бўлади, мен ундан дунёни ман этиб, унга балоларни юбораман. Менга йўлиққан вақтида балолар унга каффорот бўлиб, уни яхши амаллари учун мукофотлайман. Кофирнинг ҳам баъзи яхши амаллари бўлиб, Мен ундан балоларни тўхтатиб қўяман, ризқини мўл қилиб бераман ва менга йўлиққан вақтида ёмонликлари учун жазолайман».

Эътибор беринг, бу дунё ҳаёти фақат қабрга қадар давом этади. Ундан уёғида охират ҳаёти бошланади. Маййитни қабрга қўйиш учун энг аввал устидаги кийимларини ечиб, яқинлари томонидан ғусл қилдирилади. Бу дунёда катта-катта қаср ва саройлар қуриб, моддий неъматларга бурканиб яшаган бўлса ҳам, вафот этганида устидаги кийими биттасини қолдирмай ечиб олинади. Унда ўз танасидан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Икки қулоч матога ўраб, тобутга солиб, қабристонга олиб борилади. Устидан ечиб олинган кийимларни ювиб, дорга осиб қўйилади. Бундан мақсад, тирикларга «Кўринглар, мана бу маййитнинг устидаги кийимлари ҳам унга вафо қилмади, мол-давлати у ёқда турсин, ҳатто кийган кийимлари ҳам қолиб кетди», деган маънони уқтиришдир.

Бир киши Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳуга: «Эй амирал мўминин, бизга дунёни тавсифлаб беринг», деди. Али розияллоҳу анҳу: «Соғлар касал бўладиган ва суянган киши афсусланадиган, муҳтож киши хафа бўладиган ва бой-бадавлат киши синаладиган дунё нималигини айтиб ўтирмайман. Ҳалоллига ҳисоб бор, ҳаромига азоб бор ва шубҳалисига итоб-таъна бор», деди.

Абу Сулаймон Дороний айтади: «Агар охират қалбга кирса, дунё уни сиқиб чиқара олади. Агар дунё қалбга кирса, охират уни сиқиб чиқара олмайди. Чунки охират сахий, дунё хасис ва тубан. Бу катта баҳс-тортишувдир».

Сайёр ибн Ҳикам шундай дейди: «Дунё ва охират бир қалбда жамланмайди. Қайси бири ғолиб бўлса, униси бунга бўйсунди».

Молик ибн Динор дейди: «Дунё учун қайғуришингга қараб, охират қайғуси қалбингдан кетади ва охират учун қайғуришингга қараб, дунё қайғуси қалбингдан кетади».

Али розияллаҳу анҳу шундай деган: «Дунё ва охират икки кундошга ўхшайди. Бирини рози қилсанг, бирини газаблантирасан».

Дунёга меҳр-муҳаббат қўйиш охиратга меҳр-муҳаббат қўйишга нисбатан бўлиши улуғларнинг сўзларидан маълум бўлди. Демак, фақат дунёни ўйлаш ва унинг учун яшаш инсонни мақсадига етказмас экан. Охиратни деб дунёни унутиб қўйиш ҳам инсонни бахт манзилига элтмайди. Қиёмат куни бир бой киши: «Бойлик мени Сенга ибодат қилишдан чалғитиб қўйди», дейди. Шунда Сулаймон алайҳиссаломни ҳужжат қилиб, «Сен Сулаймон (алайҳиссалом)дан ҳам бой эдингми, унинг бойлиги Менга ибодат қилишдан тўсмади-ку», дейилади. Бир кул киши: «Мен кул эдим. Қуллим мени Сенга ибодат қилишдан тўсиб қўйди», дейди. Шунда: «Юсуфнинг қуллиги уни ибодат қилишдан тўсиб қўймади-ку», дейилади. Бир камбағал ва фақир киши: «Ҳожатларим Сенга ибодат қилишдан ман қилди», дейди, шунда: «Сен ҳожатмандроқми ёки Ийсоми? Ийсонинг фақирлиги уни Менга ибодат қилишдан тўсмади-ку», дейилади. Бир касал киши: «Касаллим сенга ибодат қилишдан тўсиб қўйди», дейди. Шунда: «Сенинг дардинг Айюбнинг дардидан оғирроқмиди? Унинг дарди Менга ибодат қилишдан тўсиб қўймади-ку», дейилади. Булардан кўринадикки, қиёмат куни бирон кишидан узр-баҳона қабул қилинмайди. Буларнинг ҳар бири бу дунё ҳаётидаги мавжуд имкониятни бой бериб бўлган кишиларнинг узрхохидир. Бу дунёда яшаб, қанча ноз-неъматларни кўрган ва улардан баҳраманд бўлиб ўтган бўлса ҳам, ўзига етган дард, касаллик, камбағаллик ва бойликни рўқач қилиб, бу дунё ҳаётини ва имкониятини бой берганига турли баҳоналарни тўқийди. Аллоҳ таоло уларнинг бу баҳонала-

ридан биронтаси тўғри эмаслигини инкор этиб бўлмай-
диган ҳужжат-далиллар билан рад этмоқда. Чунки тилга
олинган пайғамбар зотларга етган бало ва мусибатлар бу
дунёда биронта бандага етмайди. Агар етган тақдирда
ҳам, уларники олдида арзимас бўлиб қолади, десак, асло
муболаға бўлмайди. Лекин инсон шуларни яхши билса
ҳам, охиратдаги савол-жавобдан қутулиб қолиш нияти-
да турли узр-баҳоналарини айтиб, «Зора шундан менга
бирон енгиллик бўлиб қолса», деб умид қилади. Ҳар бир
неъматнинг ҳисоби борлиги аниқ. Инсон бу дунё неъмат-
ларига кўмилгани сайин ўзича хурсанд бўлиб, қалбидан
мамнунлик туйса ҳам, аммо ҳисоби бўлишини асло эс-
дан чиқармаслиги керак.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ ذَاتَ يَوْمٍ - أَوْ لَيْلَةٍ -
فَإِذَا هُوَ بِأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ، فَقَالَ: «مَا أَخْرَجَكُمَا مِنْ بُيُوتِكُمَا
هَذِهِ السَّاعَةَ؟» قَالَا: الْجُوعُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «وَأَنَا، وَالَّذِي
نَفْسِي بِيَدِهِ، لَأَخْرَجَنِي الَّذِي أَخْرَجَكُمَا، قَوْمُوا»... رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни
– ёки кечаларнинг бирида – (масжидга) чиқдилар. Қа-
расалар, Абу Бакр ва Умар турибди. Шунда у зот: «Сиз-
ларни бу соатда уйилардан нима чиқарди?» дедилар.
«Эй Аллоҳнинг Расули, бизни очлик чиқарди», дейиш-
ди. У зот: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки,
иккалангизни чиқарган нарса мени ҳам чиқарди,
туринглар (кетдик)», дедилар» (Имом Муслим ва бош-
қалар ривоят қилишган).

Яъни Расулulloҳ алайҳиссаломнинг хонадонларида ҳам ейишга ҳеч нарса йўқ эди. У зотлар ана шундай ҳолда ҳаёт кечирганлар. Учовларининг ҳам қорни очиб, қаёққа боришни билмай, ўйланиб қолишди. Бугунги кунда бир-икки кун оч қолишни тасаввур қилиб кўрайлик. Биз не ҳолга тушамиз? Бировнинг ҳақиқага кўз олайтириб қўймаймизми? У зотлар оч қолганларида озуқа излаб эмас, балки масжидга чиқмоқдалар. Бизлар оч қолганда қаёққа чиқамиз? Кўчага чиқамиз, бозорга югурамиз. Бизларнинг сабр-қаноатимизни уларники билан қиёслаш мумкинми?

Ўшанда Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларни Абу Айюб Ансорийнинг уйига бошлаб бордилар. Чунки Пайғамбар алайҳиссалом илк Мадинага келганларида Абу Айюб Ансорийнинг уйига тушган эдилар. Ўшанда бу саҳоба ҳар куни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга атаб бир кишилиқ овқат олиб қўйишни одат қилган эди. Мабодо у зот алайҳиссалом ўша куни келмасалар, кечкурун овқатни болаларига едирарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бугун ўша пайтни – унинг таом чиқариб туришини эсладилар ва «Уйига борсак, бирон нарса олиб қўйгандир», деб йўлга тушишди. Уйига келиб эшикни тақиллатишди. Абу Айюб Пайғамбар алайҳиссалом келмайдилар деб ўйлаб, овқатни болаларига бериб қўйган экан. Абу Айюб уларни кўриши билан «Хуш келибсизлар», деб уйига таклиф қилди. Қуриган ва ҳўл хурмо келтириб, меҳмонларга узатди. Ўзи эса бир қўйни сўйиш учун турди. Бир вақт Абу Айюб Ансорий қўй гўштини пишириб келди. Қорин тўйганидан кейин Набий алайҳиссаломнинг кўзларидан ёш оқди. Абу Бакр ва Умар хайрон бўлди. Шунда у зот: «Албатта, мана бу ейилган таомларнинг ҳам-

маси ҳақида Аллоҳнинг ҳузурида сўраламиз», дедилар. Шунда саҳобалар ҳам йиғлашди.

Аллоҳ берган умр, жон ва ҳаёт – ҳаммаси бизга ато этилган улуғ неъматлардир. Мана шу неъматлар шукронасини қилган-қилмаганимиз ҳақида ҳисоб берамиз. Неъмат ато этувчи Аллоҳни эсладикми, Унинг айтганларига қулоқ солдикми, ибодатларини бажардикми, дунё орзу-ҳавасига алданмадикми – буларнинг ҳаммаси ҳақида ҳисоб беришимиз ҳақ. «Нима учун дунёга келдим, мақсадим нима, вазифам нима?» деб ўйлаган киши бу саволларга жавоб бериш тадоригини кўради. Мўмин киши кечқурун ўзига-ўзи «Мен бугун Аллоҳ учун нима иш қилдим?» деб саволни бериши лозим. Қиёмат куни ҳисоб беришимизни ўйлаб, Аллоҳ сўроққа тутмасидан олдин ўзимизни ўзимиз сўроққа тутсак, нафсимизни тергаб турсак, у кунда жавоб беришимиз осон кечади.

Бир ўйлаб кўрайлик, соч-соқолимиз оқариб, ибодатни қоим қиладиган қаддимиз букилиб, тиззаларимиздан қувват кетяпти. Шунинг ўзи ҳам бизларга етарли ибрат ва намуна бўлиши керак эмасми? Ёшлик – бебаҳо неъмат. Шу давримиз ҳақида ҳам алоҳида сўраламиз. Бу – инсон куч-қувватга тўлиб, хою ҳавасларга учадиган ва унга мойил бўладиган палла. Ёшлик худди қишга озуқа тўплаш учун берилган имкониятга ўхшайди. Бугун биз аниқ ишонч билан айта оламизки, кўпчиликнинг ёшлиги ажр-савобни тўплашга сарфланмаяпти. Жуда кўп вақт гуноҳларни кўпайтиришга, шўхлик-бебошлик ва ўйнаб-қулиш учун ажратилапти. Албатта, бунинг жавобгарлиги бор. Кексалик эшик қоқиб келганда афсусланишдан фойда бўлмайди. Умримиз давомида топган мол-дунёмизнинг қаерга сарфланиши ҳақида ҳам сўраламиз. Аллоҳ барака ато этса, мол-дунё топиш у қадар қийин эмас, уммо

шу топилган мол-дунёни ўз ўрнига сарфлаш жуда оғир. Чунки нафс уни керакли ўринга эмас, кўпроқ ҳою ҳавасларга сарфлашга ундайди. Аввало мол-дунё топган киши ўзининг босар-тусарини билмай қолади, атрофдагиларга кибр-ҳаво билан қараб, ҳеч кимни назарга илмайдиган бўлиб қолиши мумкин. Мол-дунёси уни ғурурга етаклайди, бу мол-дунёларм мени кўп ишлардан беҳожат қилади, деб адашади. Шу боис молни каердан топиб, уни каерга сарф қилиш алоҳида савол-жавоб қилинади. Молни ўз ўрнига сарфлаш масаласи оғирдир. Агар молни ҳаром-харишга сарфлаган бўлса, унинг жавобгарлигидан Аллоҳ сақласин. Ҳатто илм йўлида ҳаракат қилган банда ҳам сўроққа тутилади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мана шу беш ўринда бизни сўроққа тутмасдан олдин ўзимизни ўзимиз сўроққа тутишимиз лозим.

Роббимиз қалбимизга мол-дунё муҳаббатини солмасин. Бу дунёмизни охиратда ёрдам берадиган ажр-савоб ишларга сарфлайдиган бандалардан қилсин. Хасис бойни халқимиз ёмғири йўқ булутга, молини Аллоҳ йўлига сарфламайдиган бойни суви йўқ ариққа ўхшатади. Аллоҳ таоло биз бандаларига мол-дунё берсин, лекин қалбимизда унга нисбатан муҳаббат уйғотиб, фикру зикримизни у билан машғул қилиб қўймасин.

ЎЗИМИЗНИ ВА АҲЛИМИЗНИ САҚЛАЙЛИК

Бирон хавф-хатарни пайқаб қолган киши дарҳол ўзини ва аҳлини ҳимоя қилиш тадоригини кўришга тушади. Инсоннинг жони ширин, лекин бундай пайтда оила ва бола-чақа ундан ҳам ширин бўлиб кўринади. Шу боис улардан алоҳида яшашни, жудо бўлишни тасаввуримизга сиғдира олмаймиз. Ҳақ субҳанаҳу ва таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا قُوا أَنفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ
وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَائِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ
وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴿٦﴾
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ كَفَرُوا لَا تَعْنَدُوا الْيَوْمَ
إِنَّمَا تُجْرُونَ مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٧﴾

«Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилгиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангизки, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар (хизмат қилурлар). Эй кофир бўлганлар! Бугун узр айтмай кўя қолингиз! Сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингиз билан жазоланурсиз» (*Таҳрим сураси, 6-7-оятлар*).

Мазкур ояти карима ҳар бир инсонни хушёр тортирадиган. Бу дунё синов ва имтиҳон дунёсидир. Ҳар бир иш ўз вақтида қилинмаса, вақт ўтиб бўлгандан кейин уни қилишнинг иложи бўлмай қолади. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада бизларга аҳлимизни ва фарзандлари-

мизни қаттиқ азоб-уқубат етиши ва ундан сақлаш ҳақида сўзлаётганининг ўзи ҳам етарли насихатдир. Ақли расо инсон дарҳол тадоригини кўради. Ҳазрати Умар розияллоху анху бу оятни эшитган заҳоти: «Эй Аллоҳнинг Русули, биз ўзимизни сақлаймиз, лекин аҳлимизни қандай сақлай оламиз?» деб сўрабди. Шунда у зот: «Аллоҳ сизни нимага буюрса, сиз ҳам аҳлингизни шунга буюринг. Аллоҳ сизни нимадан қайтарса, сиз ҳам аҳлингизни шундан қайтаринг», деган эканлар.

Бугун биз фан-техника тараққиёти замонида яшайпмиз, унинг кўплаб ютуқ ва қулайликларидан баҳраманд бўляпмиз. Бироқ инсон ҳар қанча илм-фан тараққиётига эришмасин, иймон ва эътиқод масаласи унинг учун долзарблигича қолаверади. Шундай экан, илмнинг боши Аллоҳни таниш, унинг охири эса У Зотдан кўрқишдир. Чунки ҳақиқий илм инсонга Аллоҳни танитиши керак. Агар илм Аллоҳни танитмас экан, демак, у ҳақиқий илм даражасига етмаган. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا
بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

«Аллоҳ адолатда (барқарор) туриб, шундай гувоҳлик берди: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир», фаришталар ва илм эгалари ҳам. (Албатта), Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматли)дир» (Оли Имрон сураси, 18-оят).

Қарангки, фаришталарнинг «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», деб гувоҳлик беришига олимларнинг гувоҳлиги тенг кўрилмоқда. Шунинг учун тавҳид инсон ҳаётида му-

ҳим маъно касб этади. Тавҳид маъносини яхшилаб англаб олган киши оила аҳлларига ҳам буни ўргатиши лозим. Аллоҳни таниган оилада ҳар доим яхшилик бўлади.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ؛ أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَنْصَارِ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: «الْعِلْمُ بِاللَّهِ، وَالْفَقْهُ فِي دِينِهِ»، فَظَنَّ الرَّجُلُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَفْهَمْ قَوْلَهُ، فَسَأَلَهُ الثَّانِيَةَ، فَقَالَ لَهُ مِثْلَ قَوْلِهِ الْأَوَّلِ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَسَأَلُكَ عَنِ الْعَمَلِ فَتُخْبِرُنِي عَنِ الْعِلْمِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «نَعَمْ، إِنَّ الْعِلْمَ يَنْفَعُكَ مَعَهُ قَلِيلُ الْعَمَلِ وَكَثِيرُهُ...». أَخْرَجَهُ الْخَطِيبُ الْبَغْدَادِيُّ.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ансорлардан бири: «Эй Аллоҳнинг Расули, қайси амал афзал?» деб сўради. У зот: «Аллоҳни билиш, Унинг динида фақиҳ бўлиш», дедилар. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг гапимни тушунмадилар шекилли, деб иккинчи бор сўради. У зот унга аввалги жавобларини бердилар. Шунда у: «Эй Аллоҳнинг Расули, сиздан амал ҳақида сўрасам, менга илм тўғрисида айтиб беряпсиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ҳа, (Аллоҳ таолони) таниб қилган амалининг ози ҳам, кўпи ҳам сенга манфаат беради**», дедилар» (*Хатиб Бағдодий ривоят қилган*).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: «Илм гап-сўз кўплигида эмас, таквонинг кўплигидадир», деган. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ: «Олим киши Аллоҳдан ғойибона кўркадиган кишидир», дейди. Исломи динида илмга катта эътибор берилади. Динимиз илм талаб қилишни фарз

даражасига кўгарди. «Илм» сўзи луғатда бирон нарсани воқеликдагидек идрок этишдир. Шаръий истилоҳда бир нарсани зидди йўқ даражада аниқ билишга илм дейилади. Ислом динидек илмни улуғлаган дин йўқ. Динимиз хар бир кишига илм олишни буюради. Куръони Каримда илм ва олимлар олий мақомга қўйилиб, «илм» сўзининг 765 ўринда такрорлангани сўзимизга далилдир.

Ислом тарихида илмга муносабат қандай бўлганини билиш учун мисол келтириб ўтамиз. Бадр жангида мағлубияти аниқ бўлиб турган мусулмонлар Муҳаммад алайҳиссалом бошчилигида Аллоҳнинг нусрати ва тадбири ила мушриклар устидан ғалаб қозонишди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам асир тушган хар бир мушрикка озод бўлиши учун ўнтадан мусулмонга ўқиш-ёзишни ўргатишини шарт қилиб қўйдилар. Динимизда илмдан афзал нарса йўқлиги учун илм молдунёдан устун қўйилди. Мушриклардан озод бўлиш бадалига мол олинмади. Ҳар бир ўқиш-ёзишни биладиган асир озод бўлишни хоҳласа, ўн нафар мусулмоннинг саводини чиқариши озод этилишига кифоя этар эди. Ислом динида илмнинг мартаба ва даражаси ана шундай улуғдир. Ким илм ўрганиб, уни аҳлига ҳам ўргатиб борса, охиратда ўзини ҳам, аҳлини ҳам дўзах ўтидан сақлаган бўлади. Тарихимизга назар соладиган бўлсак, илм ниҳоятда қадрлангани, илмли кишилар алоҳида иззат-икром қилинганига гувоҳ бўламиз.

Ҳозирги вақтда кўпгина нотўғри ва бузуқ ғояларнинг уриб, халқимиз онг-дунёқарашига кириб келаётганига илмсизлик ва жаҳолат сабаб бўлаётганини тан олишимиз керак. Илмсизлик – катта иллат. Тарихдан биламизки, юртимиз илмсизлик ва жоҳиллик туфайли босқинчилар қурбонига айланди. Улар юртимизга

бостириб кириб, халқимиз ор-номуси, ғурури, тили ва тарихини оёқости қилиб, инкирозга учратди. Бунинг ҳаммаси аслида илмсизлик ва жоҳиллик туфайли юзага келганини яхшилаб англаб олишимиз лозим.

Тарихда илм-фан ва таракқиёт йўлига кирган давлат-мамлакатларни енгадиган куч бўлмаган. Душман бостириб борган тақдирда ҳам, шармандаи шармисор бўлиб қайтган.

عَنْ مُعَاوِيَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ...». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кимга Аллоҳ яхшилиқни ирода қилса, уни динда факих (теран англовчи) қилиб қўяди»**, дедилар» (*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган*).

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «الإيمانُ عُريَانٌ، وَلبأسه التقوى، وَزِينتُه الحياءُ، وَمَالُه الفقه، وَثمرتُه العلمُ». رَوَاهُ الدَّيْلَمِيُّ.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Иймон яланғочдир, унинг либоси тақво, зийнати ҳаё, моли фикх, меваси эса илмдир»**, дедилар» (*Дайлабий ривоят қилган*).

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

«Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина кўрқарлар» (Фотир сураси, 28-оят).

Олимларгина Аллоҳдан кўрқадилар, улар Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини, Унинг қудратини илм туфайли ҳис қиладилар. Аллоҳни танийдилар ва Ундан кўрқадилар. Тажриба ҳам шуни кўрсатади.

قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ

«Айтинг: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!» (Зумар сураси, 9-оят)

Илм билан жоҳиллик ҳеч қачон баробар бўлмайди. Аллоҳни таниб, Уни биладиганлар иймон келтириб, итоат қилиб, ибодатни бажо келтирадилар. Билмайдиганлар «Беш кунлик дунёда ўйнаб қолайлик», деб, ҳаётини гумроҳлардек ўтказиб юборишади. Демак, Аллоҳнинг қудратини ҳис этиб, Ундан кўрқадиганлар ҳам илмли кишилардир. Аллоҳ таоло бандаларидан иймон келтирганларнинг ва аҳли илмларнинг мақомини олий даражаларга кўтаради. Билмайдиганларнинг қалбини эса муҳрлаб кўяди. Қуръонда ва ҳадиси шарифларда илм мақталганда фақат диний илм назарда тутилмайди. Агар диний илмгина назарда тутилганда, Аллоҳ таоло уни алоҳида зикр этган бўларди. У Зот инсонга тарғиб қилаётган илм фойдали илмлар сирасига киради.

عَنْ أَبِي ذَرِّ الْعِغْفَارِيِّ رضي الله عنه قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «يَا أَبَا

ذَرِّ، لِأَنَّ تَغْدُوَ فَتَعَلَّمَ آيَةً مِنْ كِتَابِ اللَّهِ خَيْرٌ لَكَ مِنْ أَنْ تُصَلِّيَ
مِائَةَ رَكْعَةٍ...». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Абу Зарр Ғифорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга: «Эй Абу Зарр, эрталаб туриб, Аллоҳнинг Китобидан бир оятни ўрганишинг сен учун юз рақъат (нафл) намоз ўқишингдан яхшироқдир», дедилар» (*Ибн Можжа ривоят қилган*).

Ҳадисда «нафл» сўзи келтирилмасдан, «намоз» сўзининг ўзи келтирилади, лекин бу ерда нафл намозлар назарда тутилгани шубҳасиз. Чунки динимизда ҳеч бир нарсаси фарз, суннат намозлардан устун қўйилмайди. Эрталаб туриб, илмдан бир боб ўқиш минг рақъат намоз ўқишдан яхшироқдир. Биргини мазкур ҳадиси шариф илм қадрини юксакларга кўтаради. Қуръон ва ҳадисда айтилган илмдан мурод – бу фойдали илм, яъни уларда бу дунё ва охираат учун керак бўладиган илмлар назарда тутилади. Лекин фосик, кофир ва мунофиқ киши илмга бу маънода ёндашмайди. Фожирлар:

وَقَالُوا لَوْ كُنَّا نَسْمَعُ أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِي أَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿١٠﴾

«Агар бизлар (пайғамбар сўзларини) тинглаб, ақл юргизувчи бўлганимизда, дўзах аҳлидан бўлмасдик», деганларини эшитмаганмисиз?» (*Мулк сураси, 10-оят*).

Мусъаб ибн Зубайр ўғлига деди: «Эй ўғлим, илм олгин. Агар молинг бўлса, кўрк-жамол, агар молинг бўл-

маса, мол бўлади». Абдулмалик ибн Марвон ўғилларига насиҳат қилди: «Эй болаларим, илм олинглар. Агар саййидлардан бўлсангиз, мартабангиз яна ошади, агар ўртаҳол бўлсангиз, саййид бўласиз. Агар оддий фуқаро бўлсангиз, хорлик кўрмайсиз».

Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳу айтади: «Фарзандларингизга илм беринглар, улар сизнинг замонингизда яшамайди, ўзининг замонида яшайди».

Бузругмехрдан: «Илм афзалми ёки мол?» деб сўрашди. Бузругмехр: «Илм афзал», деди. Шунда: «Бизга не бўлдики, олимларни бойлар эшигида кўрамиз, лекин бойларни олимлар эшигида кўрмаймиз?» дейишди. Бузругмехр: «Бу нарса олимлар молнинг фойдасини билганлари, бойлар илм фазлини билмаганлари сабаблидир», деб жавоб берди.

Бир донишмандга: «Нима учун илм ва мол жам бўлмайди?» дейишди. Донишманд: «Илм молдан юксакда тургани учун», деб жавоб берди.

Фарзандга таълим-тарбия бериш ва ҳунар ўргатиш ота-онанинг вазифасидир. Ниҳол ўз вақтида парвариш қилинса, шох ва бутуқлари қийшиқ ўсишига йўл қўйилмаса, келажакда яхши мева беради. Шундай экан, ҳар бир ота-она ўз фарзандини ҳар доим назоратда тутиши, уларга Аллоҳни танитиши ва фойдали илм ҳосил қилишига шарт-шароит яратиб бериши лозим. Бу вазифани астойдил бажарган, илмнинг даражасини ҳис этиб, унга тўғри ёндошадиган ота-оналар дунё ва охират саодатини қўлга киритадилар. Юқоридаги ояти каримада айтилганидек, ўзларини ҳам, аҳлларини ҳам дўзахга ўтин бўлишдан сақлаб қоладилар.

Баъзи ота-оналар фарзандини ҳаддан ташқари эркалатиб, гўдаклигиданоқ кўнгли истаганини муҳайё

этишни ўзларининг бурчлари деб билишади. Бироқ ўз ҳолига ташлаб қўйилган фарзанд аста-секин бузилади, кўнгли тусаган ишни қилишга одатланиб боради. Бу эса ота-онанинг лоқайдлиги ва ғофиллиги туфайли юзага келади. Бу дунёда нотўғри тарбия туфайли афсус-надомат чекадиган ота-она охиратда ҳам бунинг самарасини кўради. Аллоҳ шундай ҳолга тушишдан Ўзи сақласин. Илм ўрганиш ва уни эгаллаш учун имкониятлар кенг очилган ҳозирги даврда улардан унумли фойдаланган ҳолда, толиби илм сифатида эртага бугунгидан кўра илмлироқ бўлиш учун ҳаракат қиладиган бўлсак, зим-мамиздан катта масъулиятни соқит қилган бўламиз.

БЕМОРЛАР ЗИЁРАТИ. МУСИБАТГА САБР ҚИЛИШ

Динимизда беморлар ҳолидан хабар олиш ва зиёрат қилишга кенг тарғиб қилинади. Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда беморлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг зиёратига бориб, ҳақларига дуо қилиш мадҳ этилади, булар суннат ва мустаҳаб амаллар экани мўмин-мусулмонларга билдирилади. Ҳар бир жамиятда инсонлар қалбини улфат қилиш, ўзаро меҳр-муҳаббатни зиёда этишда беморлар ҳолидан хабар олишнинг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Чунки тўшакда бетоб бўлиб ётган киши «Бирор киши ҳолимдан хабар олармикин, кўнглимни сўрармикин», деб ўйланиб ётади. Беморларни зиёрат қилишда қандай йўл тутиш, улардан қай тарзда хабар олиш ва борганда қандай сўзларни айтиб кўнглини олиш кабиларни Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳадиси шарифлари орқали умматларига ўргатганлар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг Каломи шарифида шундай марҳамат қилади:

وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ
وَالْأَنْفُسِ وَالشَّرَّاتِ ۗ

«Сизларни бир хавфу-хатарлар бериб, очлик бериб, молларингизга ёки жонларингизга нуқсон етказиб, уларни камайтириб имтиҳон қилиб кўрамыз» (Бақара сураси, 155-оят).

Ушбу ояти каримада Роббимиз субҳанаҳу ва таоло бандаларни турли бало ва мусибатлар билан синашни билдирмоқда. Шулардан бири танага етадиган беморликдир. Беморликка сабр қилиш ва бу имтиҳондан ўтиш бандага катта ажр-савоблар келтиради, сабр қилувчиларга мукофотлар ваъда қилинади.

Сабр қилиш билан Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлишимизни ўйласак, келган бало ёки мусибатни ёмон деб бўлмайди.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يُصِيبُ
الْمُؤْمِنَ شَوْكَةٌ فَمَا فَوْقَهَا إِلَّا رَفَعَهُ اللَّهُ بِهَا دَرَجَةً وَحَطَّ عَنْهُ بِهَا
خَطِيئَةٌ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўминга тикан кирса ва ундан-да каттароқ мусибат етса ҳам, албатта, Аллоҳ ўша туфайли унинг даражасини кўтарди ва гуноҳини ювади», дедилар» (Термизий ва Муслим ривоят қилишган).

Навбатдаги ҳадиси шарифда саҳобия аёллардан бирдан шундай ривоят қилинади:

عَنْ أُمِّ الْعَلَاءِ قَالَتْ: عَادَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَأَنَا مَرِيضَةٌ، فَقَالَ: «أَبْشِرِي يَا أُمَّ الْعَلَاءِ، فَإِنَّ مَرَضَ الْمُسْلِمِ يُذْهِبُ اللَّهُ بِهِ خَطَايَاهُ كَمَا تُذْهِبُ النَّارُ خَبَثَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Умму Аъло розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Касал бўлганимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени кўргани келдилар. У зот: «Хурсанд бўлавер, эй Умму Аъло, чунки мусулмоннинг касали туфайли Аллоҳ унинг гуноҳларини, худди олов тилла ва қумушнинг кирини кетказганидек кетказди», дедилар» (Абу Довуд ривоят қилган).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам касал бўлиб қолган аёлга дардни хушxabар сифатида талкин этаётганлари бежиз эмас. Мусулмон кишига етган дард туфайли унинг гуноҳлари ва хатолари кечирилади. Бу тилла ва қумуш қорайиб қолганда олов унинг кирини кетказишига ўхшайди. Шунга ўхшаш, мусулмонга етган дард унинг гуноҳлари ва хатоларини ўчиради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дардга йўлиққан саҳобия аёлга айтган сўзлари ҳам унинг кўнглини кўтариш ва тасалли бериш маъносида бўлса-да, лекин уни бутун умматга айтилган, деб қабул қилиш лозим. «Риёзус солиҳин» китобида қуйидаги ҳадис келтирилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: يَا ابْنَ آدَمَ، مَرَضْتُ فَلَمْ تَعُدْنِي، قَالَ: يَا رَبِّ، كَيْفَ أَعُوذُكَ؟ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ، قَالَ: أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ

عَبْدِي فَلَانًا مَرَضَ فَلَمْ تَعُدَّهُ، أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ عُدْتَهُ لَوَجَدْتَنِي عِنْدَهُ؟ يَا ابْنَ آدَمَ اسْتَطَعَمْتِكَ فَلَمْ تُطْعَمْنِي، قَالَ: يَا رَبِّ، وَكَيْفَ أُطْعِمُكَ؟ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ، قَالَ: أَمَا عَلِمْتَ أَنَّهُ اسْتَطَعَمَكَ عَبْدِي فَلَانٌ، فَلَمْ تُطْعَمْهُ؟ أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ أُطْعِمْتَهُ لَوَجَدْتَ ذَلِكَ عِنْدِي، يَا ابْنَ آدَمَ اسْتَسْقَيْتِكَ، فَلَمْ تَسْقِنِي، قَالَ: يَا رَبِّ، كَيْفَ أَسْقِيكَ؟ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ، قَالَ: اسْتَسَقَاكَ عَبْدِي فَلَانٌ فَلَمْ تَسْقِهِ، أَمَا إِنَّكَ لَوْ سَقَيْتَهُ وَجَدْتَ ذَلِكَ عِنْدِي». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Албатта, Аллоҳ азза ва жалла қиёмат куни:

«Эй Одам боласи, бемор бўлдим, кўргани келмадинг?!» дейди.

«Эй Роббим, қандай қилиб Сени кўргани бораман? Сен Роббул оламин бўлсанг?» дер.

«Билмадингми? Бандам фалончи бемор бўлди. Уни кўргани бормадинг. Билмадингми? Агар уни кўргани борганинга, Мени унинг хузурида топган бўлар эдинг. Эй Одам боласи, сендан таом сўрадим, Менга таом бермадинг?!» дейди.

«Эй Роббим, қандай қилиб Сенга таом берайин? Сен Роббул оламин бўлсанг?» дер.

«Билмадингми? Бандам фалончи сендан таом сўради. Унга таом бермадинг. Билмадингми? Агар унга таом берганинга, ўшани Менинг хузуримда

топган бўлар эдинг. Эй Одам боласи, сендан сув сўрадим, Менга сув бермадинг?!» дейди.

«Эй Роббим, қандай қилиб Сенга сув берай? Сен Роббул оламин бўлсанг?» дер.

«Бандам фалончи сендан сув сўради. Унга сув бермадинг. Агар унга сув берганингда, ўшани Менинг ҳузуримда топган бўлар эдинг», дейди» (*Имом Муслим ривоят қилган*).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам дард бериб, имтиҳон қилиб кўрган. Бошқалардан кўра у зотга қаттикроқ ва оғирроқ дард етган.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى النَّبِيِّ ﷺ وَهُوَ يُوعَكُ، فَوَضَعْتُ يَدِي عَلَيْهِ، فَوَجَدْتُ حَرَّةَ بَيْنِ يَدَيَّ فَوْقَ اللَّحَافِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَا أَشَدَّهَا عَلَيْكَ! قَالَ: «إِنَّا كَذَلِكَ، يُضَعَّفُ لَنَا الْبَلَاءُ وَيُضَعَّفُ لَنَا الْأَجْرُ»، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيُّ النَّاسِ أَشَدُّ بَلَاءً؟ قَالَ: «الْأَنْبِيَاءُ»، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: «ثُمَّ الصَّالِحُونَ، إِنْ كَانَ أَحَدُهُمْ لِيُتَلَى بِالْفَقْرِ، حَتَّى مَا يَجِدُ أَحَدَهُمْ إِلَّا الْعِبَاءَةَ يُجَوِّهَهَا، وَإِنْ كَانَ أَحَدُهُمْ لَيَفْرَحَ بِالْبَلَاءِ كَمَا يَفْرَحُ أَحَدُكُمْ بِالرِّخَاءِ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Абу Саъид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир куни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кирдим. У зот иситмалаб ётган эканлар.

Устиларига кўлимни кўйдим. (Ёпиниб олган) ёпинчикларининг устидан (иситманинг) харорати кўлимга сезилди. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, бунча иситмангиз баланд бўламаса?» дедим. У зот: **«Биз (набийлар) шундаймиз, биз учун бало шиддатли қилинади, ажр кўпайтирилади»**, дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, одамлар ичидан энг шиддатли балога учрайдиганлар кимлар?» деб сўрадим. У зот: **«Набийлар»**, дедилар. «Ундан кейин-чи, эй Аллоҳнинг Расули?» дедим. У зот: **«Солиҳлар. Баъзилари битга мубтало бўлиб, ўлиб ҳам кетар эди. Баъзилари эса фақирликка мубтало бўлиб, киядиган чопонидан бошқа нарсаси қолмас эди. Албатта, уларнинг ҳар бири ўзига берилган атодан кўра балога кўпроқ хурсанд бўлар эди»**, дедилар» (Ибн Можа ва Аҳмад ривоят қилишган).

Демак, синов ва балолардан бири дард бўлиб, Аллоҳ таоло набийларни унинг энг кучлисига йўлиқтирар экан. Кўпчилигимиз бандага берилган дардни ёмонлик деб тушунамиз, баъзан «Фалончи ўлими олдидан олти ой дард чекиб ётибди», деган гапни эшитиб қолсак, беморга раҳмимиз келади. Агар беморлик ёки бирор мусибат етиши банда учун ёмонлик бўлганида, Аллоҳ таоло набий ва расулларга дард бермаган бўлар эди. Демак, беморлик Роббимизнинг имтиҳони ва синовидир. Бу имтиҳондан яхши ўтган банданинг охиратдаги даражаси янада юксалади. Бу дардга сабр қила олган банда Аллоҳнинг розилигига эришади. Демак, беморлар ҳолини сўраш, кўнглини олиш ва ҳақларига дуо қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

عَنْ ثَوْبَانَ، مَوْلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، قَالَ:

«مَنْ عَادَ مَرِيضًا لَمْ يَزَلْ فِي حُرْقَةِ الْجَنَّةِ»، قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا حُرْقَةُ الْجَنَّةِ؟ قَالَ: «جَنَاهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Савбон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бирор-бир беморнинг зиёратига борса, то қайтиб келгунича жаннат хурфасида бўлади»**, дедилар. Са-хобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, жаннат хурфаси нима дегани?» дейишди. Шунда у зот: **«Териб қўйилган ме-валари»**, дедилар» (*Имом Муслим ривоят қилган*).

Бу ҳақда яна қуйидаги ҳадислар ворид бўлган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ خَمْسٌ: رَدُّ السَّلَامِ، وَعِيَادَةُ الْمَرِيضِ، وَاتِّبَاعُ الْجَنَائِزِ، وَإِجَابَةُ الدَّعْوَةِ، وَتَشْيِيتُ الْعَاطِسِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: **«Муслмоннинг му-сулмондаги ҳаққи бештадир: саломга алиқ олиш, беморни кўргани бориш, жанозага қатнашиш, ай-тилган жойга бориш ва акса урганга («Алҳамдулилл-лаҳ», деса) жавоб бериш»** (*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган*).

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا حَضَرْتُمُ الْمَرِيضَ أَوْ الْمَيِّتَ فَقُولُوا خَيْرًا؛ فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ يُؤْمِنُونَ

عَلَى مَا تَقُولُونَ». قَالَتْ: فَلَمَّا مَاتَ أَبُو سَلَمَةَ أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أَبَا سَلَمَةَ قَدْ مَاتَ، قَالَ: «قُولِي: اَللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِيْ وَلَهُ، وَاغْفِرْ لِيْ مِنْهُ عِقْبِيْ مِنْهُ عِقْبِيْ حَسَنَةً». قَالَتْ: فَقُلْتُ فَاغْفِبْنِيْ اَللّٰهُ مَنْ هُوَ خَيْرٌ لِّيْ مِنْهُ مُحَمَّدًا ﷺ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон бемор ёки маййит олдида бўлсангиз, фақат яхши гапни айтинглар. Чунки фаришталар айтаётганингизга «Омин», деб туришади», дедилар.

Абу Салама вафот этганида, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, «Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Салама вафот этди», дедим. У зот: «Аллоҳуммағфирлий ва лаҳу ва аъкибний минҳу ьукба ҳасана» (Аллоҳим, мени ва уни мағфират қил ҳамда менга ундан яхшисини қолдир), деб айт», дедилар. Мен шу дуони айтган эдим, Аллоҳ таоло менга эримдан ҳам афзал Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни берди» (Имом Муслим ривоят қилган).

Яъни у зот Умму Салама розияллоҳу анҳони ўз никоҳларига олдилар.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ ﷺ تَقُولُ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «مَا مِنْ عَبْدٍ تُصِيبُهُ مُصِيبَةٌ، فَيَقُولُ: إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ، اَللّٰهُمَّ اجْرِنِيْ فِيْ مُصِيبَتِيْ، وَاخْلَفْ لِيْ خَيْرًا مِنْهَا، إِلَّا اَجْرَهُ اَللّٰهُ فِيْ مُصِيبَتِيْ، وَاخْلَفَ لَهُ خَيْرًا مِنْهَا». قَالَتْ: فَلَمَّا تُوِّفِّي

أَبُو سَلَمَةَ قُلْتُ كَمَا أَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، فَأَخْلَفَ اللَّهُ لِي خَيْرًا مِنْهُ، رَسُولَ اللَّهِ ﷺ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: «Қайси бир бандага мусибат етганда «Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун. Аллоҳуммаъжурни фи мусибати вахлуф лии хойром минҳа» (Биз Аллоҳникимиз ва Аллоҳга қайтувчимиз. Эй Раббим, мусибатимда ажр бер ва ундан яхшироғини бер), деса, албатта, Аллоҳ унга ажр беради ва унга бунинг ўрнига яхшироғини беради», дедилар. Абу Салама вафот этганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга амр қилганларидек айтдим. Аллоҳ менга унинг ўрнига ундан яхши зотни – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни берди» (Имом Муслим ривоят қилган).

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِذَا مَاتَ وَلَدُ الْعَبْدِ قَالَ اللَّهُ لِمَلَائِكَتِهِ: قَبِضْتُمْ وَلَدَ عَبْدِي، فَيَقُولُونَ: نَعَمْ، فَيَقُولُ: قَبِضْتُمْ ثَمْرَةَ فُؤَادِهِ، فَيَقُولُونَ: نَعَمْ، فَيَقُولُ: مَاذَا قَالَ عَبْدِي؟ فَيَقُولُونَ: حَمْدَكَ وَاسْتَرْجَعَ، فَيَقُولُ اللَّهُ: ابْنُوا لِعَبْدِي بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ، وَسَمُّوهُ بَيْتَ الْحَمْدِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Қачон бирор банданинг фарзанди вафот

этса, Аллоҳ таоло фаришталарига: «Бандам фарзандининг руҳини олдингларми?» дейди. «Ҳа», деб жавоб беришади улар. «Қалбининг мевасини қабз қилдингларми?» дейди. «Ҳа», деб жавоб беришади яна. Аллоҳ таоло: «Бандам нима деди?» деб сўрайди. Фаришталар: «Сенга ҳамд ва истиржоъ («Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун» деб) айтди», дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам учун жаннатда бир уй қуринглар ва уни «ҳамд уйи» деб атаңглар», дейди» (*Имом Термизий ривоят қилган*).

Беморларни зиёрат қилиш, ҳол-аҳволини сўрашнинг ажр-савоби катта. Шунинг учун беморнинг олдига борганда яхши гапларни айтиб, шифо тилаган ҳолда ҳаққига дуо қилиш лозим. Ҳазрати Саъднинг қизи Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадис бунга далил бўлади. Ҳазрати Саъд розияллоҳу анҳу Маккадан Мадинага биринчилар қаторида ҳижрат қилган саҳобалардан эди. Кунларнинг бирида бир иш билан Маккага келганида бетоб бўлиб ётиб қолди. У вақтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали Мадинага ҳижрат қилмаган эдилар.

Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Маккада бемор бўлиб қолдим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мени кўргани келдилар. Бас, у зот қўлларини пешонамга қўйдилар, сўнгра қўллари билан юзимни ва қорнимни силадилар. Кейин эса:

«Аллоҳим! Саъдга шифо бергин. Унинг ҳижратини бағамом қилгин», дедилар. Ҳозиргача унинг жигаримдаги совуғини хаёлимда сезиб тураман» (*Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилганлар*).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари баракотидан Саъд соғайиб, яна Мадинага ҳижрат қил-

ди ва у ерда узоқ йил умр кўриб, кексайган чоғида вафот этди. Ушбу ҳадиси шарифдан беморнинг зиёратига борганда албатта унинг ҳаққига дуо қилиш кераклигини билиб оламиз. Бошқа ривоятларда зиёрат қилгани келган киши бемордан ўзининг ҳаққига дуо қилишини сўраши маҳбуб амал деб келтирилган. Бу ҳақда Пайғамбар алай-ҳиссалом: «Агар бемор хузурига борсанг, ҳақингга дуойи хайр қилишини сўра, чунки унинг дуоси фаришталар дуоси каби мустажобдир», дедилар. Албатта, Аллоҳни таниган мусулмон беморнинг дуоси худди фаришталарнинг дуоси каби ижобат бўлар экан.

Динимизда беморни зиёрат қилиш, ҳолидан хабар олиш ва унинг кўнглини кўтариш катта ажр-савобларга сабаб бўлувчи амаллардан экани баён этилган. Имом Бухорий «Ал-адаб ал-муфрад» китобида «Бемор кўргани боришнинг фазли», «Бемор ва уни кўргани борганга ҳадис айтиш», «Беморни кўриш ва унга дуо қилиш», «Беморнинг олдида намоз ўқиган киши», «Беморни кўргани борганнинг унга шифо сўраб дуо қилиши», «Беморнинг дуоси» каби бир қанча боблар ва уларга оид ҳадиси шарифлар келтиради. Улардан қариндош-уруғлар, биродарлар, узоқ-яқин таниш-билишлар бемор бўлиб қолганда уларни зиёрат қилиш қанчалик улуғ ажру савобларга сабаб бўлишини билиб олиш мумкин.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ عَادَ مَرِيضًا، لَمْ يَحْضُرْ أَجَلُهُ فَقَالَ عِنْدَهُ سَبْعَ مَرَّاتٍ: أَسْأَلُ اللَّهَ الْعَظِيمَ رَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ أَنْ يَشْفِيكَ، إِلَّا عَافَاهُ اللَّهُ مِنْ ذَلِكَ الْمَرَضِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким ўлим тўшагида бўлмаган бир беморни кўришга бориб, «Асьялуллоҳа Роббал Аршил азийм ан яшфияка (Улуғ Аршнинг Роббидан сенга шифо беришини сўрайман)», деб етти марта дуо қилса, Аллоҳ унинг дардига шифо беради**», дедилар» (*Абу Довуд ривоят қилган*).

ДУОГА ОЧИЛГАН ҚЎЛ

Динимизда вафот этган ота-оналар ва бошқа яқинларнинг ҳаққига дуо қилиб, уларни яхшилик билан эслаш маъруф амаллардан ҳисобланади. «Дуо» сўзи араб тилида чақириш ва сўраш маъноларини билдиради. Шаръий истилоҳда эса алоҳида ибодат тури бўлиб, барча ибодатларнинг мағзи мана шу номга жо бўлгандир. Дуо қилиб сўраш билан бирор нарсани талаб қилиш ўртасида фарқ бўлиб, уларни ажратиб олишимиз лозим. Дуо фақат лафз билан айтилмайди, дуода ҳис-туйғу ва синиқ қалб ҳозир бўлиши керак. Шунинг учун ҳис-туйғу ва синиқ қалбсиз қўл кўтариб, бир нарсани сўраётган кишини Аллоҳдан сўраяпти, дейиш мумкин, лекин Аллоҳга дуо қилмаяпти, дея олмаймиз. Агар ҳис-туйғу ва қалб синиқлиги бўлмаса, у ҳақиқий дуо бўла олмайди. Яъни Аллоҳдан сўраётганда ўзининг гуноҳларини эслаб, У Зотга ёлвораётган киши бутун вужуди ва ихлос билан сўрайди. Бу тарзда сўраш билан қўлни кўтариб, тилига келган сўзни зикр этиш ўртасида катта фарқ бор. Ҳақиқий дуода кишининг хаёли, қалби, ихлоси ва тилидан чиққан лафзлар бир мақсадга қаратилади. Қуръони Каримда дуо қилиб, Аллоҳдан сўраш ва қандай дуо қилиш тўғрисида ояти карималар ворид бўлган. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ
دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ
يُرْشَدُونَ ﴿١٨٦﴾

«Сиздан (эй Муҳаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Мени (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга имон келтирсинлар, шояд (шунда) тўғри йўлга тушиб кетсалар» (*Бақара сураси, 186-оят*).

Мана шу ояти каримада Аллоҳ таоло Ўзининг дуо-илтижо қилувчиларга яқинлигини билдирмоқда. Кимда-ким сидқидилдан дуо-илтижо қилса, уни ижобат этишини ваъда бермоқда. Аъроф сурасида:

أَدْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يَحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿٥٥﴾

«Раббингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз! Зеро, У (дуода ва бошқада) ҳаддан ошувчиларни ёқтирмагай», дейилган (*55-оят*).

Демак, дуонинг биринчи одоби ва шарти шуки, дуогўй Аллоҳдан кўрккан ҳолда, тазарру билан дуо қилиши керак. Улуғ Яратувчи ҳузурида гуноҳкор банда ҳолида турганини ҳис этиб, махфий ҳолда дуо қилиши лозим. Ҳаддан ошувчиларни Аллоҳ яхши кўрмайди.

عَنْ سَلْمَانَ الْفَارِسِيِّ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لَا يَرُدُّ الْقَضَاءُ إِلَّا الدُّعَاءَ، وَلَا يَزِيدُ فِي الْعُمْرِ إِلَّا الْبِرُّ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қазони дуодан бошқа нарса қайтармайди, умрни яхшиликдан бошқа нарса узайтирмайди»**, дедилар» (*Термизий ривоят қилган*).

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَكُنَّا إِذَا أَشْرَفْنَا عَلَىٰ وَادٍ هَلَلْنَا وَكَبَّرْنَا، ارْتَفَعَتْ أَصْوَاتُنَا، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «يَا أَيُّهَا النَّاسُ، ارْبِعُوا عَلَىٰ أَنْفُسِكُمْ، فَإِنَّكُمْ لَا تَدْعُونَ أَصَمًّا وَلَا غَائِبًا، إِنَّهُ مَعَكُمْ، إِنَّهُ سَمِيعٌ قَرِيبٌ...». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик. Бир водийга келиб, таҳлил (Лаа илааҳа иллаллоҳ) ва такбир (Аллоҳу акбар!) айтаётганимизда овозимиз кўтарилиб кетди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй одамлар! Ўзингизга шафқат қилинг! Чунки сизлар кар ва ғойибга дуо қилмаяпсизлар. Албатта, У сизлар билан биргадир. У энг яхши эшитувчи ва энг яқин Зотдир...»** дедилар» (*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган*).

وَسَمِعَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَغْفَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَلَدَهُ يَقُولُ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْقَصْرَ الْأَبْيَضَ عَنِ يَمِينِ الْجَنَّةِ إِذَا دَخَلْتَهَا فَقَالَ: يَا بُنَيَّ سَلِ اللَّهَ الْجَنَّةَ وَتَعَوَّذْ بِهِ مِنَ النَّارِ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: إِنَّهُ

سَيَكُونُ فِي هَذِهِ الْأُمَّةِ قَوْمٌ يَعْتَدُونَ فِي الطُّهُورِ وَالِدُّعَاءِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳу ўз ўглининг:

«Аллоҳим, қачонки жаннатга кирсам, жаннатнинг ўнг томонидаги оқ қасрни менга беришингни сўрайман», деяётганини эшитиб қолиб:

«Эй болам, Аллоҳдан жаннатни сўра ва Ундан дўзахдан паноҳ сўра! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Келажакда албатта, ушбу умматнинг ичида покликда ва дуода ҳаддидан ошадиган қавмлар бўлажак», деганларини эшитганман», деди» (*Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилганлар*).

Бу ҳадисдан саҳобаи киромларнинг фарзандлар тарбиясига нақадар аҳамият берганларини билиб оламиз. Улар фарзандларининг ибодат ва дуоларни қандай бажаришини кузатиб, бирон нуқсонга йўл қўйса, дарров тузатар эканлар. Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳу ўглининг дуо қилаётганини кўриб, хатосини тузатди, бундай дуо қилиш ҳаддидан ошиш ҳисобланишини айтиб, унга танбеҳ берди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилган даврларида Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ёш йигит бўлган ва у киши саҳобалар ичида энг узок умр кўрган саҳоба ҳисобланган. Абу Ҳанифа ҳам Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу билан кўришган. У киши бир жойда зиёфатда ўтирганида дуо қилишини сўрашибди. У киши дуо қилибди. Бирпас ўтиб, яна Ироқдан келган меҳмонлар кетишаётгани учун ҳақларига дуо қилишини сўрашибди. Анас ибн Моликнинг бироз

жаҳли чиқиб, «Мен сизларга «Роббана атина» деган энг яхши дуони қилиб, дунё ва охиратни сўраб берган бўлсам, бундан ортиқ яна нимани сўраб берай?» деб танбех берган экан. Демак, дуо қилишнинг ўзига хос одоблари ва шартлари бор. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّن يَدْعُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ مَن لَّا يَسْتَجِيبُ لَهُ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَهُمْ عَن دُعَائِهِمْ غَفْلُونَ ﴿٥﴾ وَبَدَأَهُمْ سَيِّئَاتٍ مَا عَمِلُوا وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ

«Аллоҳни қўйиб, қиёмат кунигача ҳам (дуони) мустажоб қила олмайдиганларга илтижо қиладиган кимсадан кўра ким ҳам адашганроқдир?! Ҳолбуки, у (жонсиз бут)лар ўша (мушрик)ларнинг дуоларидан ғофил (бежабар)дирлар. (Қиёмат куни) инсонлар (ҳисобот учун) жам қилинганда, ўша (сохта маъбудалар) уларга (мушрикларга) душман ва уларнинг ибодат қилганларини ҳам инкор этувчи бўлурлар» (Аҳқоф сураси, 5-6-оятлар).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنْتُ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ يَوْمًا، فَقَالَ: «يَا غُلَامُ، إِنِّي أُعَلِّمُكَ كَلِمَاتٍ، احْفَظْ اللَّهُ يَحْفَظْكَ، احْفَظْ اللَّهُ تَجِدْهُ تُجَاهَكَ، إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ، وَإِذَا اسْتَعَنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ، وَاعْلَمْ أَنَّ الْأُمَّةَ لَوِ اجْتَمَعَتْ عَلَى أَنْ يَنْفَعُوكَ بِشَيْءٍ لَّمْ يَنْفَعُوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ لَكَ، وَلَوْ

اجْتَمَعُوا عَلَيَّ أَنْ يَضْرُوكَ بَشِيءٌ لَمْ يَضْرُوكَ إِلَّا بِشِيءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ، رُفِعَتِ الْأَقْلَامُ وَجَفَّتِ الصُّحُفُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир куни Набий алайҳиссаломнинг ортларида эдим. У зот: «Эй ғулом! Мен сенга калималарни ўргатаман. Аллоҳни (амрини) муҳофаза қилгин, У Зот сени муҳофаза қилади. Аллоҳни муҳофаза қилгин, У Зотни ўз рўпарангда топасан. Қачон сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Қачон кўмак истасанг, Аллоҳдан кўмак иста. Ва билки, агар бутун уммат сенга бирор нарсада манфаат бериш учун жамланса ҳам, Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқа манфаатни бера олмаслар. Агар уларнинг ҳаммаси сенга бирор нарсада зарар етказиш учун жамланса ҳам, Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқа зарарни етказа олмаслар. Қаламлар кўтарилди ва саҳифалар қуриди», дедилар»» (Термизий ривоят қилган).

Аллоҳдан сўраш – У Зотга дуо қилиш ва рағбат билдиришдир. Аллоҳ таоло Закариё ва унинг аҳли байтини мактаб шундай дейди:

وَزَكَرِيَّا إِذْ نَادَى رَبَّهُ، رَبِّ لَا تَذَرْنِي فَرْدًا وَأَنْتَ خَيْرُ الْوَارِثِينَ ﴿٨٩﴾ فَاسْتَجَبْنَا لَهُ، وَوَهَبْنَا لَهُ، يَحْيَىٰ وَأَصْلَحْنَا لَهُ، زَوْجَهُ، إِنَّهُمْ كَانُوا يُسْرِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَنَا رَغَبًا وَرَهَبًا وَكَانُوا لَنَا خَشِيعِينَ ﴿٩٠﴾

«Закариёнинг: «Эй Раббим! Мени ёлғиз ташлаб қўйма (меросхўр фарзанд ато эт!) Сен (Ўзинг) ворис-

ларнинг яхшироғидирсан», деб нидо қилган пайти-ни (эсланг). Бас, Биз уни (дуосини) ижобат қилдик ва унга Яхёни ато этдик ҳамда жуфти (ҳалоли)ни ўнглаб (туғадиган қилиб) қўйдик. Дарҳақиқат, улар (мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва кўрқув билан дуо қилар эдилар ҳамда Бизга (барча буйруқларимизга) итоат этувчи эдилар» (*Анбиё сураси, 89-90-оятлар*).

Дуога қўл очган киши албатта, дуо-илтижоси бесамар кетишини хоҳламайди. Бунинг учун у гуноҳ қилмаслиги, қариндош-уруғлари билан борди-келдини узмаслиги шарт. Демак, дуонинг ўзига яраша одоблари бўлиб, уларга риоя қилинмаса, бундай дуо ижобат бўлмайди, унинг маддоҳнинг мадҳиясидан фарқи бўлмайди. Баъзилар бир нарса ундириш, кўнглига йўл топиш, яхши кўриниш, ўзини кўрсатиш ёки обрў-эътиборга эришиш учун дуо қилишни ўзига касб қилиб олишади. Бироқ бундай дуодан мақсад ҳосил бўлмайди. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло дуо-илтижоларни қабул қилишини ваъда бериб қўйган. Лекин дуо-илтижо қабул бўлиши учун аввало унинг шартларини бажариш лозим. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ
 يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ ﴿٦٠﴾

«Парвардигорингиз: «Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қилай!» деди. Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳаннамга кирурлар» (*Ғофир сураси, 60-оят*).

Имом Ибн Можа «Сунан» китобида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳдан сўрамаса, У Зот ундан ғазабланади», деганлар.

Аллоҳ таоло Ўзининг олти сифатига далолат қилгани сабабли дуо қилишга амр қилгандир:

Биринчиси – Аллоҳнинг вужуд ва сифати борлиги. Чунки йўққа дуо қилинмайди, йўқдан бирор нарса сўралмайди.

Иккинчиси – Аллоҳ Ғанийдир. Фақирдан бирор нарса сўралмайди.

Учинчиси – Аллоҳ Самеъдир. Кардан бирор нарса сўралмайди.

Тўртинчиси – Аллоҳ Карамлидир. Бахилдан бирор нарса сўралмайди, сахийдан сўралади.

Бешинчиси – Аллоҳ раҳмли Зот. Раҳмсиз ва қаттиқ қалбдан бирор нарса сўралмайди.

Олтинчиси – Аллоҳ Қудратли Зот. Заиф ва ожиздан ҳам сўралмайди. Мана шу сифатлар мавжудлиги туфайли Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан дуо қилиб сўраймиз. Дуони инкор қилувчи ушбу олти сифатни инкор қилувчидир.

Абу Ҳанифа ва имом Ибн Ҳанбалнинг наздида тирикларнинг дуо ва садақаларидан ўлганларга манфаат етади. Аксар жумҳур уламолар ҳам мана шу қавлни тасдиқлашган. Яъни ўзидан олдин ўтган мўминлар ҳаққида дуо қилувчиларни Аллоҳ таоло Қуръонда мактайди. Шунинг ўзи тирикларнинг дуосидан маййитларга савоб етиб туришини билдиради.

عَنْ عُمَانَ بْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا فَرَغَ مِنْ

دَفَنَ الْمَيِّتِ وَقَفَ عَلَيْهِ، فَقَالَ: «اسْتَغْفِرُوا لِأَخِيكُمْ، وَسَلُّوا لَهُ بِالتَّيِّبِ، فَإِنَّهُ الْآنَ يُسْأَلُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам маййит дафн қилиб бўлинганидан сўнг қабр тепасида туриб, «(Эй мўминлар), бу биродарингиз ҳаққига истиғфор айтинглар, унга сабот сўранглар, ҳозир у сўроқ қилинади», деганлар» (Абу Довуд ривоят қилган).

Демак, дафн қилинган киши ҳаққига истиғфор айтишга тарғиб қилинишидан истиғфор ва дуодан маййитга манфаат етиши маълум бўлади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَتَانِي جَبْرِيلُ فَقَالَ: إِنَّ رَبَّكَ يَا مُرَّكُ أَنْ تَأْتِيَ أَهْلَ الْبَيْعِ فَتَسْتَغْفِرَ لَهُمْ»، قَالَتْ: قُلْتُ: كَيْفَ أَقُولُ لَهُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «قُولِي: السَّلَامُ عَلَيَّ أَهْلَ الدِّيَارِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ، وَيَرْحَمُ اللَّهُ الْمُسْتَقْدِمِينَ مِنَّا وَالْمُسْتَأْخِرِينَ، وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لِلْآحِقُونَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Оиша розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Менга Жаброил келиб, «Роббинг сени аҳли Бақийъга келиб, истиғфор айтишингга амр қилади», деб айтди», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен (қабристонга борсам,) уларга нима дейман?» дедим. У зот: «Мўмин-мусулмонлар диёри аҳлига салом бўлсин! Аллоҳ ав-

валгиларимизгаю кейингиларимизга раҳм қилсин! Иншааллоҳ, албатта, биз ҳам сизларга етишувчимиз», дегин», дедилар» (*Муслим ривоят қилган*).

Яна уламолар иттифоқига кўра, жаноза намозида: «Аллоҳуммағфирлий ҳаййина ва маййитна», яъни «Аллоҳим, бизни, тирикларимизни ва ўликларимизни мағфират қилгин», деб дуо қилинади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир аёл келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, онам вафот этди, зиммаларида рўзаси бор эди, тутиб берайми?» деди. Шунда у зот: «**Зиммасидаги рўзасини валийсини тутиб берсин**», дедилар. Жухайна қабиласидан бир аёл: «Онам вафот этди, ҳажни ният қилиб қўйган эди, шуни адо қилайми, эй Аллоҳнинг Расули?» деган эди, у зот: «**Онанинг қарзи бўлса, адо қилармидинг?**» дедилар. «Ҳа, адо қилар эдим», деди. «**Онанинг номидан ҳаж қил**», дедилар. Уламолар маййитнинг ҳаққига қилинган дуонинг манфаати унга етиб боришига маййитга унинг номидан қилинган ҳаж ва рўзанинг савоби етиб боришини далил қилиб келтирадилар.

Бир киши вафот этса-ю, унинг зиммасида қарзи бўлса, бегона одам уни тўлаб қўйса, маййит зиммасидан қарз кўтарилади. Абу Қатода розияллоҳу анҳу бир бегона кишининг икки динор қарзини бўйнига олган. Маййит дафн этилганидан сўнг уни ҳақдорга берганида Пайғамбар алайҳиссалом: «**Ана энди териси совуди**», деганлар.

Демак, бегона киши маййитнинг қарзини бўйнига олса, ҳақдорга бериши билан маййит зиммасидан қарз кўтарилади.

Худди шунга ўхшаш, ҳаж, рўза ва дуо каби ибодатлар бирон ҳақ талаб қилмасдан адо этилса, албатта маййитга ажр-савоби етади. Лекин тирикларнинг амалидан маййитларга манфаат етар экан, демак, фарзандлар ёки

яқинларимиз бизнинг ҳаққимизга дуо қилишса, охиратда мақомимиз кўтарилар экан-да, деган хулосага бориб қолмаслик керак. Чунки бу каби ишлар асл амалга ёрдамчи бўлади. Агар ўзининг қилган амаллари жаннатга киришига кифоя этмаса, тириклар ҳар қанча дуо қилсалар ҳам фойда бермайди. Халқимизда «Отангнинг руҳини чиркиратма», «Отангни безовта қилма», деган гаплар гуноҳ ишларни қилиб юрган фарзандларга нисбатан айтилади. Фарзанд гўдаклигиданоқ ота-онасига шундай ришта билан боғланадики, бу боғланиш охиратда ҳам давом этади. Фарзанднинг амали солиҳ бўлса, ота-онанинг руҳи ундан манфаат олиб туради. Фарзанднинг амали ёмон бўлса, ота-онанинг руҳига мазкур амалдан изтироб етиб туради. Шунинг учун ҳаётда яхши амалларни қилиб яшасак, ундан нафақат ўзимизга, балки маййитларга ҳам манфаат етади, ота-онанинг руҳи шод бўлади. Ўтганлар руҳини шод қилишда айниқса намоз алоҳида аҳамиятга эгадир. Намоз ўқиган одам ундан аввало ўзи манфаат олади. Шу билан бирга, у ўзининг бу амали билан ота-онасининг вафотидан кейин уларнинг руҳини шод этади. Баъзилар ота-онасининг жаноза ва бошқа маросимларини қойилмақом тарзда ўтказиш, бир йилда бир марта худойи қилиб қўйиш билан фарзандлик бурчимни адо этдим, уларнинг руҳларини шод қилдим, деб ўйлашади. Аслида бу тўғри эмас.

Иброҳим Адҳам ҳузурига Басра аҳли дуолари ижобат бўлмаётганидан шикоят қилиб келишганда у зот шундай деган экан: «Эй Басра аҳли, қалбингиз ўнта нарса туфайли ўлиб бўлган. Биринчиси – Аллоҳни танийсиз, лекин ҳаққини адо этмайсизлар. Иккинчиси – Аллоҳнинг Китобини ўқийсиз, лекин унга амал қилмайсизлар. Учинчиси – Аллоҳнинг Расулини яхши кўришни даъво

киласизлар, лекин суннатини тарк этасизлар. Тўртинчиси – шайтонга душманликни даъво қиласизлар, лекин унга рози бўласизлар. Бешинчиси – жаннатни яхши кўрамиз, дейсизлар, лекин унинг учун амал қилмайсизлар. Олтинчиси – дўзахдан кўркामиз, дейсизлар, лекин уни деб жонингизни гаровга кўясизлар. Еттинчиси – ўлим ҳақ, деб айтасизлар, лекин унга ҳозирлик кўрмайсизлар. Саккизинчиси – биродарингизнинг айблари билан машғул бўлиб, ўз айбларингизни унутасизлар. Тўққизинчиси – Роббингиз неъматларидан баҳраманд бўласизлар, лекин шукрини адо этмайсизлар. Ўнинчиси – ўлганларни дафн этасизлар, лекин ибрат олмайсизлар».

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَا مِنْ عَبْدٍ مُسْلِمٍ يَدْعُو لِأَخِيهِ بِظَهْرِ الْغَيْبِ، إِلَّا قَالَ الْمَلَكُ: وَلَكَ بِمِثْلٍ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирон бир мусулмон банда ғойибдан биродарига дуо қиладиган бўлса, фаришта: «Сенга ҳам ўшанинг мисли бўлсин!» дейди», дедилар»** (Имом Муслим ривоят қилган).

وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «دَعْوَةُ الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ لِأَخِيهِ بِظَهْرِ الْغَيْبِ مُسْتَجَابَةٌ، عِنْدَ رَأْسِهِ مَلَكٌ مُوَكَّلٌ كُلَّمَا دَعَا لِأَخِيهِ بِخَيْرٍ، قَالَ الْمَلَكُ الْمُوَكَّلُ بِهِ: آمِينَ وَلَكَ بِمِثْلٍ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмоннинг ўз биродарига ғойибдан қилган дуоси мус-**

тажобдир. Унинг бошида бир муваккал фаришта туради. У ўз биродарига ҳар сафар яхшилик тилаб дуо қилганда муваккал фаришта «Омийн! Сенга ҳам ўшандоқ бўлсин!» дейди», дер эдилар» (*Имом Муслим ривоят қилган*).

عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ صُنِعَ إِلَيْهِ مَعْرُوفٌ فَقَالَ لِفَاعِلِهِ: جَزَاكَ اللَّهُ خَيْرًا، فَقَدْ أْبْلَغَ فِي الشَّنَاءِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кимга яхшилик қилинса, қилувчи кишига «Жазокаллоҳу хойрон»,** (яъни «Аллоҳ сизни яхшиликлар билан мукофотласин»), **деб айтса, ҳақиқатда мақтовнинг энг етугини қилибди»,** дедилар» (*Имом Термизий ривоят қилган*).

Роббимиз субҳанаҳу ва таоло барча мўмин-мусулмонларни мағфират қилсин, аждодларнинг руҳини хотирлар эканмиз, бир кун келиб ўзимиз ҳам улар қаторида бўлишимизни унутмайлик.

УМР, МОЛ-ДАВЛАТ ВА ИЛМ ИСРОФИ

Инсонга умр ва вақт неъмат шунчаки бериб қўйилган эмас. Ҳаётда яхши яшаш учун мол-давлат ва илм ҳам бериладики, кўпчилик инсонлар бунинг қадрига етмайди. Ватандошимиз Имом Термизий ривоят қилган қуйидаги ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ أَبِي بَرْزَةَ الْأَسْلَمِيِّ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لَا تَزُولُ قَدَمَا عَبْدٍ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ عُمْرِهِ فِيمَا أَفْنَاهُ، وَعَنْ عِلْمِهِ فِيمَا فَعَلَ، وَعَنْ مَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ وَفِيمَا أَنْفَقَهُ، وَعَنْ جِسْمِهِ فِيمَا أَبْلَاهُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Барза Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Банда қиёмат куни умрини нима билан ўтказгани, илмини нимага йўналтиргани, молини қаердан топиб, қаерга инфоқ қилгани ва жисмини нимага сарфлагани ҳақида ҳисоб-китоб қилинмагунча, қадамлари жилмайди», дедилар».

Мазкур ҳадиси шарифда қиёмат куни ҳали ҳисоб-китоб бошланмай туриб, Одам боласининг қадами ердан узилмасдан, мана шулар ҳақида сўралиши, яъни сўрокка тутилиши ҳақида огоҳлантирилмоқда. Инсонга берилган умр, фарзандлар, мол-дунё, илм – ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг омонат ва неъматларидир. Уларнинг қадрига етиш, ўз ўрнида фойдаланиш ва истифода этиш бандалик бурчи ва вазифасидир.

Уларни нотўғри сарфлаш ёки зое кетказиш асло мумкин эмас. Куръони Каримда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шундай марҳамат қилади:

۱) هَلْ كُنْتُمْ التَّكَاثُرُ ۱) حَتَّى زُرْتُمُ الْمَقَابِرَ ۲) كَلَّا سَوْفَ
 تَعْلَمُونَ ۳) ثُمَّ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ ۴) كَلَّا لَوْ تَعْلَمُونَ عِلْمَ
 الْيَقِينِ ۵) لَتَرَوُنَّ الْجَحِيمَ ۶) ثُمَّ لَتَرَوُنَّهَا عَيْنَ
 الْيَقِينِ ۷) ثُمَّ لَتَسْتَلُنَّ يَوْمَئِذٍ عَنِ النَّعِيمِ ۸)

«(Эй инсонлар!) Сизларни (мол-дунё) кўпайтириш (Аллоҳга ибодат қилишдан) машғул қилди. Ҳатто, макбараларингиз (кўплиги билан фахрланиш) гача бордингиз. Йўқ! Яқинда (бунинг оқибатини) билурсиз. Яна бир бор йўқ! Яқинда билурсиз! Йўқ! Агар (дунёпарастлик оқибатини) аниқ илм билан билганингизда эди (уни дўст тутмас эдингиз). Қасамки, албатта, сизлар дўзахни кўрасиз! Яна бир бор қасамки, сизлар уни айни ишонч билан кўрасиз! Сўнгра ана ўша кунда (қиёматда), албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсиз!» (Тақосур сураси, 1–8-оятлар).

Мазкур оятларда қиёмат куни содир бўладиган савол-жавоб ҳақида сўз бориб, ҳар бир банда бу жараёни бошидан кечириши айтилмоқда. Неъматларни зое кетказиш ва ўз ўрнига сарфламаслик исроф ҳисобланади. Мазкур ояти карималарнинг маъносини ҳар биримиз яхшилаб билиб олишимиз лозим.

Инсон бир нарсани қасд қилиб, ундан ўтказиб юборса ёки муътадилликдан ошиб кетса, мана шу исроф дейилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, вақт,

мол ва илмни ноўрин жойга сафрлаш ҳам исрофдир. Юқоридаги ҳадиси шарифда мол-давлатни бекорга сарфлаган киши охиратда ҳисоб бериши айтилди. Мол-дунё Аллоҳ таолонинг бемисл неъматларидан биридир. Ҳаётда ҳамма ҳам мол-дунёга эга бўлавермайди. Аллоҳ таоло лозим кўрган кишигина бой-бадавлат бўлади. Шунини унутмаслик керакки, ана шу мол-дунёни ўз ўрнига сарфламай, исрофга йўл қўйилса, бунинг учун ҳам охиратда жавоб берилади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَإِذَا مَسَّ الْإِنْسَانَ الضُّرُّ دَعَانَا لِجَنبِهِ أَوْ قَاعِدًا أَوْ قَائِمًا
 فَلَمَّا كَشَفْنَا عَنْهُ ضُرَّهُ مَرَّ كَأَن لَّمْ يَدْعُنَا إِلَىٰ ضُرِّ مَسَّهُ
 كَذَلِكَ زَيْنَ الْمُسْرِفِينَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

«Инсонга зарар етганда, етган ҳолда ё ўтириб ёки тик туриб ҳам Бизга илтижо қилади. Ундан зарарини кетказганимизда эса, гўё етган зараридан Бизга дуо қилмагандек кетаверади. Мана шу тарзда исрофчи (тажовузкор)ларга ўз қилмишлари зийнатли (чиройли) қилиб қўйилди» (Юнус сураси, 12-оят).

Мусулмон киши умрни ва илмни зое қилмасликка, исрофга йўл қўймасликка буюрилган. Ҳар бир ишда иқтисод ва тежамкорлик бўлиши керак. Ҳатто ибодат, тоат ва мубоҳ амалларда ҳам иқтисод қилиш мавжуд. Умр – бу вақт деганидир. Халқимизда «Вақтинг кетди – бахтинг кетди» деган мақол бежиз айтилмаган. Аммо кўпчилик кишилар вақт ўзига бериб қўйилган Аллоҳ таолонинг улуғ неъматларидан бири эканини эсидан чиқариб қўяди. Тайфур ал-Бастомий деган зот: «Кеча

ва кундуз мўмин молининг бошидир. Унинг фойдаси жаннат, зарари эса дўзахдир», деган экан. Нақадар улуғ эслатма ва насиҳат. Ўтиб кетаётган кунларимиз, соатдақиқаларимиз шунчаки эрмак ёки ҳавойи нафс хоҳишини адо этиш учун берилмаган. Ҳаётимизга яхшилаб назар ташлайлик. Ўзининг қимматли ва бебаҳо вақтини арзон-гаров ишларга, на бу дунё ва на охиратда фойда бермайдиган нарсаларга сарфлаб юбораётганларни кўрганда ачинмасдан иложингиз йўқ. Булар исрофдан бошқа нарса эмаслигини теран ақл эгаси яхши англайди. Ёшлиқни олтин давр дейишади. Бу давр ота-она бағрида беғам-беташвиш яшаб, вақтни зое қиладиган палла эмас, бу келажак учун захира, замин ва сармоя ҳозирлайдиган даврдир. Ҳар бир киши комил инсон бўлиш учун айнан ёшлиқ давридан бошлаб илм, яхши хулқ ва касб-ҳунар эгаллашга даъват этилади. Шунинг учун фарзандининг яхши инсон бўлишини истаган ота-она шу вақтдан бошлаб унинг таълим-тарбиясига етарли аҳамият бериши лозим. Донишмандлар фарзанд тарбияси ҳақида у ҳали дунёга келмасидан олдин қайғуриш кераклигини маслаҳат берадилар. Ота-онанинг фарзандига оила муҳотида керакли тарбия ва одоб бериши келажакда катта самара беради. Бунга эрталаб туриш, юз-қўлни ювишдан тортиб, дастурхонга таом қўйилганда уни «бисмиллаҳ» билан бошлаш кабилар ҳам киради. Фарзанд то вояга етгунича ота-она қарамоғида ва назоратида бўлади. Ана шу давр фарзанднинг хулқи, онги ва феъл-атвори шаклланишида катта аҳамият касб этади. Ёш болаларнинг зехни ўткир ва тоза бўлади. Ўғил ва қиз бола ўн ёшга тўлгандан бошлаб ётоқхоналари алоҳида қилинади. Ёш болага ибодат, илм ва касб-ҳунар ўргатишни кечиктирилмайди. Баъзи болаларга

суяги котиб, ёши улғайганидан кейин маслаҳат кор қилмайди. Шунинг учун қиз болага онаси, ўғил болага отаси ёшлигидан керакли маслаҳатларни бериб, ўз вақтида тарбия бериб борса, балоғатга етгандан кейин шаръий масалаларда қийналиб қолмайди.

Биз диний таълим-тарбия деганда кўпроқ ўтган асрдаги шўро тузумининг ёшларни динга қарши қилиб ўстириши, шу руҳда таълим-тарбия беришини тушуниб қолганмиз. Масалан, исломий таълим-тарбияда «Бола етти ёшга кирса, намозга буюринглар. Ўн ёшида ҳам ўқимаса, уринглар», дейилган бўлса, уни тепкилаш, муштлашни тушунмаслик керак. Тарбия, одоб беришда ота-она фарзандига нисбатан қаттиқ туриши, ортиқча эркалатиб юбормаслиги лозим. Масалан, «Ёш бола қандай қилиб жиноят кўчасига кириб қолади?» деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Бу ўз вақтида етарли таълим-тарбия берилмагани, ота-онанинг лоқайд ва бепарволиги оқибатидир. Бола бирон ишни қилганда ё мақталиши, ёки танбеҳ олиши керак. Ота-она фарзандининг хатти-ҳаракатларига ҳар доим кўз-қулоқ бўлиб туриши, унинг биронта хатти-ҳаракатини кўздан қочирмаслиги ва доимий назорат остида ушлаши лозим.

عَنْ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ قَالَ: كُنْتُ غُلَامًا فِي حَجْرِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، وَكَانَتْ يَدِي تَطِيشُ فِي الصَّحْفَةِ، فَقَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «يَا غُلَامُ سَمَّ اللَّهُ، وَكُلَّ يَمِينِكَ، وَكُلَّ مِمَّا يَلِيكَ». فَمَا زَالَتْ تِلْكَ طِعْمَتِي بَعْدُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Умар ибн Абу Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарамоғларидаги бола эдим. Қўлим товоқда изғиётган эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Хой бола! Аллоҳнинг исмини айт, ўнг қўлинг билан егин ва олдингдан егин!»** дедилар. Шундан буён ана шундай таомланаман» *(Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).*

Ёш бола – Умар ибн Абу Салама розияллоҳу анҳуга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг берган танбехлари бир умр ёдида муҳрланиб қолибди ва ногўғри одатини бошқа такрорламабди. Бу биз мўмин-мусулмонларга катта ибрат бўлмоғи лозим. Афсуски, кўпчилик ота-оналар «Ҳали ёш, аста-секин билиб олади», деб, фарзандларини ортиқча эркалатишади, ўз вақтида танбех беришмайди. Бу эса келажақда салбий оқибатини кўрсатмай қолмайди. Ёш бола кўчадан бирорта яхшими, ёмонми, одат ёки қилиқ ўрганиб келса, ота-она яхши ёки ёмон деб, ўз муносабатини билдириши лозим.

Яна шуни унутмаслик керакки, ота-онанинг яхши дуоси билан фарзанднинг ёмон тақдири яхши, ёмон дуоси билан яхши тақдири ёмон бўлиши мумкин. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Ким бир кунини шу куннинг ҳаққига амал қилмасдан, фарз амалларни бажармасдан, бирон муваффақиятга эришмасдан, бирор мақтовга сазовор бўлмасдан, яхшилик қилмасдан, илм олмасдан ўтказса, шу кунда ўзига зулм ва зарар қилибди», дейди. Ҳа, ҳақиқатда ҳам шундай. У зотлар ҳар бир кун қадрини яхши англаб, унинг ҳаққини адо этиш йўлини тутган эдилар. У зотлар «вақтим етмаяпти» деган сўзни ҳеч қачон айтмаганлар. Балки вақтдан унумли фойдаланиб қолиш пайида бўлиб, кўпроқ яхши амалларни қилиб қолишни ўйлаганлар. Бугун кўпчилик одамлар «Вақтим

йўқ», «Вақт етмаяпти», «Вақтнинг баракаси йўқ», деб нолишади. Бу тўғри эмас. Агар улар вақтларини нимага сарфлаётганига аҳамият беришса, қимматли вақтларини бўлар-бўлмас нарсаларга сарфлашдан қизганишса, «вақтнинг баракаси йўқлиги»дан нолишмас эди.

Динимиз мол-мулкка муносабатда ҳам исрофга йўл қўймасликни ўргатади. Молни ноўрин жойга сарфлашдан қайтариб, зарур ўринга, яъни ажр-савоб олиб келадиган жойга сарфлаш лозимлигини уқтиради.

عَنْ أَنَسٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لَيَجِيَنَّ أَقْوَامٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَأَعْمَاهُمْ كَجِبَالِ تِهَامَةَ، فَيُؤْمَرُ بِهِمُ النَّارَ»، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مُصَلِّينَ؟ قَالَ: «نَعَمْ، كَانُوا يُصَلُّونَ، وَيَصُومُونَ، وَيَأْخُذُونَ هَنَةً مِنَ اللَّيْلِ، فَإِذَا عَرَضَ لَهُمْ شَيْءٌ مِنَ الدُّنْيَا وَتَبُّوا عَلَيْهِ».

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат куни амаллари Тихома тоғидек бўлган қавмлар келади ва улар дўзахга буюрилади», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, улар намоз ўқишармиди?» деб сўрашди. У зот: «Ҳа, шундай, улар намоз ўқиб, рўза тутишарди, кечаларни ибодат билан ўтказишарди. Бироқ дунёдан бирор нарсага дуч келиб қолишса, унга ружуъ қўйишарди», дедилар».

Инсон нафс ва шайтон кутқуси остида ўзлигини унутади. Мол-дунё уни алдаб, ажр-савобни кўпайтирадиган амалларни қилишдан буриб қўяди. Бу эса охиरोқибатда катта зарар ва зиёнга айланиб, ўзига қайтади. Қуръони Каримда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шундай марҳамат қилади:

وَأَتِ ذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا
 بُدْرَ تَبْذِيرًا ﴿٢٦﴾ إِنَّ الْمُبْدِرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيْطَانِ وَكَانَ
 الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا ﴿٢٧﴾ مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْعَاجِلَةَ عَجَلْنَا لَهُ
 فِيهَا مَا نَشَاءُ لِمَنْ نُرِيدُ ثُمَّ جَعَلْنَا

«Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди. Агар Сиз Раббингиз (томони)дан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда улардан (қариндош, мискин ва йўловчилардан) юз ўгирадиган (ёрдам бермайдиган) бўлсангиз, у ҳолда уларга юмшоқ сўз айтинг!» (Исро сураси, 26–28-оятлар).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло бандаларини инфоқ қилишга буюриб, исрофдан қайтармоқда, исроф қилувчиларни яхши кўрмаслигини билдирмоқда. Уларни очиқдан-очиқ «шайтоннинг биродарлари» деб атамоқда. Мол-дунё исрофидан ташқари, оддий еб-ичишда ҳам исроф борлигини кўпчилик билмайди, билган тақдирда ҳам, унга етарли аҳамият беришмайди. Еб-ичишда исрофга йўл қўйиш оқибатида кўплаб касалликлар келиб чиқар экан. Ҳорун ар-Рошиднинг бир нарсоний ҳозик табиби бўлиб, у: «Бир куни сизларнинг динларингизда тиб ҳақида ҳеч нарса дейилмаган», деб қолибди. Имом Кисой: «Тибни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бир оятнинг ярмида айтиб қўйибди», деб, қуйидаги оятни ўқиб берган экан:

«Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмагай» (*Аъроф сураси, 31-оят*).

Дарҳақиқат, ҳар қандай касалликнинг бош сабаби еб-ичишга бориб тақалади. Баъзи таомлар жуда лаззатли бўлганидан нафсга кулоқ солиб, кўпроқ еб қўйилади. Натижада ошқозон зўриқиб, турли касалликлар келиб чиқади. Ошқозон дард манбаидир. Ҳаётда кўпчилик одамлар топган мол-дунёсини дастлаб еб-ичишга сарфлайди. Оддийроқ таомлар билан қаноатланмасдан, турли-туман ва анвойи таомларни еб-ичишдан молини ҳам, вақтини ҳам аямайди. Динимизда эҳтиёж даражасида еб-ичиш вожиб, ҳожатдан ортиқчани исроф қилмай еб-ичиш мубоҳ ва қорин тўйгунича исроф қилган ҳолда еб-ичиш ҳаром, деб ҳукм қилинган. Демак, еб-ичишни ҳаддан ошириш ҳам исрофга киради. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бошқа бир ояти каримада яна шундай марҳамат қилади:

وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ
فَتَقْعَدَ مَلُومًا مَّحْسُورًا ﴿٢٩﴾

«(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз» (*Исро сураси, 29-оят*)

Ўта бахиллик ҳам, ҳаддан ташқари сахийлик ҳам тўғри эмас, шариат биз бандаларидан ўртача йўл тутишни талаб қилади. Нафақа ёки хайр-эҳсон борасида ҳам исрофга йўл қўймасликка буюради.

Халқимиз нонни ниҳоятда эъзозлайди, ҳатто бу муболага даражасига етиб борган, десак ҳам нотўғри бўлмайди.

Аллоҳ таоло бу неъматини бизга асосий озуқа сифатида бериб қўйибди. Лекин неъматни эъзозлаш Мунъим – неъмат берувчини эъзозлаш, деганидир. Мўмин кишининг бу борада жоҳилона иш тутишга ҳаққи йўқ. Яъни нон билан қасам ичиш, кечаси уйқусида босинқираб чиқадиған киши ёстиғининг остига нон қўйиб ётиши, бешиқдаги боланинг бошига нон осиб қўйилса, ҳар хил балолардан сақлайди, деган эътиқодда бўлиш билан ширк амали келиб чиқади. Нон мисолида ҳамма озуқа тушунилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам камида 2,75 литр сув билан, кўпи билан 3,440 литр сув ёрдамида ғусл қилганлар ва ярим соъ, яъни 0,688 литр сув билан таҳорат қилганлар. У зот сув неъматини қадрлаб, беҳуда исроф қилишдан қайтарганлар. Халқимиз ҳар бир ишни дастурхон билан боғлаб қилишни яхши кўради. Тўй-маърака ва турли маросимларда бўлаётган исрофларнинг олдини олиб, бу нарсага чек қўйиш лозим. Бир тўйни ўтказиш учун қанча вақт, қанча мол-дунё сарф бўлади. Бундай хурсандчилик кун ҳаётда бир марта бўлади, деган орзу-ҳавас билан боримизни сарфлаймиз. Аммо сарфлаётганимизнинг асосий қисми исроф экани хаёлимизга ҳам келмайди.

عَنْ مَقْدَامِ بْنِ مَعْدِيكَرَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا مَلَأَ
 آدَمِيَّ وَعَاءَ شَرًّا مِنْ بَطْنِهِ، بِحَسْبِ ابْنِ آدَمَ أَكْلَاتُ يُقْمَنُ صُلْبَهُ،
 فَإِنْ كَانَ لَا مَحَالَةَ فَثُلُثُ لَطْعَامِهِ وَثُلُثُ لَشْرَابِهِ وَثُلُثُ لِنَفْسِهِ».
 رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Миқдом ибн Маъдийкариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам бола-си тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони кориндир. Одам боласига қаддини тутадиган (даражадаги) емаклар кифоядир. Агар жуда лозим бўлса, таоми учун учдан бир, шароби учун учдан бир ва нафаси учун учдан бир», дедилар» (Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло берган неъматлардан тўғри фойдаланиш ва бу борада ўртача йўл тутиш қиёматда ҳисобимиз осон бўлишини кафолатлайди.

Хулоса ўрнида яна шуни айтамикки, бу дунёдаги ҳаётимизда қилган амалларимизнинг самарасига охи-ратда эришишимиз учун бизга берилган умр, мол-дунё ва илмни қадрлаб, улардан ўз ҳаққимизни олар экан-миз, ўзгаларнинг ҳаққини ҳам беришимиз лозим. Шундай қилсак, умримизга барака кириб, келгуси авлодлар ҳам бировнинг ҳаққидан кўрқадиган бўлади, фақат бу дунёнинг роҳат-фароғати, орзу-ҳаваси учун яшаб ўтган бўлмаймикки. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан аҳлимиз ва зурриётларимиз бизнинг кўз қувончимиз бўлишини, барчамизни такводорлардан қилишини сўраймикки.

РИЗҚ-НАСИБА ВА УНИ ТАНИШ

Аллоҳ таоло одамзодни яратиб, унга кўплаб неъматларни ато этди. Шунинг учун ҳар бир инсон дастлаб Аллоҳ таолони таниши, нима учун яратилганини яхши англаб, тафаккур қилиши лозим. Бутун борлиқ ва олам инсон хизматида бўлишини бир ўйлаб кўрайлик. Парвардигори олам уларни инсонга хизмат қилиши, инсонни эса Ўзига ибодат қилиши учун яратди. Бунинг учун инсонга ризқ-насибасини мунтазам ва пайдар-пай етказиб турадики, бу билан Қодир ва Раззоқ Зотнинг хази-

наси ҳеч қачон бўшаб қолмайди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ
السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ
أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٢﴾

«У сизлар учун Ерни «пойандоз», осмонни «бино» қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, у сабабли сизларга ризқ сифатида мевалар (мевали дарахтлар) ни ундирди. Бас, билиб туриб, Аллоҳга (ибодатда) бошқаларни (сохта маъбудаларни) тенглаштирмангиз!» (Бақара сураси, 22-оят)

Мазкур ояти каримада дастлаб инсонга хитоб қилиниб, улуғ ва буюк мавжудотлар ҳақида фикр юритишга ундалган. Дарҳақиқат, кўз олдида намоён бўлиб турган мавжудотлар ҳақида фикр-мушоҳада юритган киши ризқ-насибани инсон зотига ким беришини билиб олиши қийин эмас. Биргина осмондан ёмғир ёғмасдан, иқлимнинг куруқ келиши бутун ҳайвонот ва набототнинг ҳолини танг қилиб қўяди. Чунки шу ёмғир туфайли ер юзи гуллаб-яшнайти, одамзод ва барча жонзотлар учун озуқа ўт-ўлан шаклида униб чиқади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَوَضَّلْنَا عَلَيْكُمُ الْغَمَامَ وَأَنْزَلْنَا عَلَيْكُمُ الْمَنَّاءَ وَالسَّلْوَىٰ
كُلُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَمَا ظَلَمُونَا وَلَكِنْ كَانُوا أَنْفُسَهُمْ
يَظْلِمُونَ ﴿٥٧﴾

«Шунингдек, устингизга булутларни соябон қилдик, самовий ноз-неъматлар ва (пиширилган) беданалар нозил этиб, «Сизларга ризқ сифатида берилган пок нарсаларни энглар» (дедик). Улар (Исроил авлоди итоатсизликлари билан) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларигагина зулм қилдилар» (Бақара сураси, 57-оят).

Мазкур ояти каримада Бану Исроилга Аллоҳ таоло тарафидан берилган улуғ неъматлар зикр этилмоқда. Бироқ улар ўзларига ато этилган пок ризқларни олишда исён ва туғёнга тушдилар. Бу эса Аллоҳ таолонинг қаҳрини келтирди. Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинишча, Авф ибн Молик ал-Ашжаъий розияллоҳу анҳу камбағал ва серфарзанд киши эди. Бир куни у Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, ўғлим душман кўлига асир тушибди, бундан онаси безовта. Нимага буюрасиз?» деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **«Сен ва аёлинг «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ»ни кўп айтиб, сабр қилинглар»,** дедилар. Эрхотин икковлари ана шу калимани кўп айтиб, сабр қилишди. Орадан кўп ўтмай, асир тушган ўғил душман ғафлатдалигидан фойдаланиб, бир тўда қўйларни олиб қочиб, отасининг ҳузурига келди. Отаси бунини Набий алайҳиссаломга етказди. Шу вақт Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Талоқ сурасидаги оятларни нозил қилди: **«Яна уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур. Кимки Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга кифоя қилар. Албатта, Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига етувчидир. Аллоҳ барча нарса учун миқдор (меъёр ва муддатни тайин) қилиб қўйгандир» (3-оят).**

Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг буюрганини қилиб, қайтарганидан қайтган кишига У Зот дунё машаққати

ва оғирлигидан халос бўлиш йўлини кўрсатади. Яна унга ўзи ўйламаган томондан ризқ еткази. Одатда, аксарият кишилар ризқ-рўзи кўпайиши учун тақводан воз кечиб, турли йўллар билан мол-мулк тўплашга ҳаракат қилади. Ушбу ояти кариманинг маъносидан келиб чиқиб айта оламизки, тақводорлик қийинчиликларнинг бартараф бўлиши ва ризқнинг ўйланмаган тарафдан келишига сабаб бўлади. Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби уламоларининг таърифига кўра, Аллоҳ таоло одамларга ва ҳайвонларга берадиган, манфаат олинадиган дунёвий ва ухровий ҳар бир нарса ризқдир. У Зот ҳеч бир каттаю кичик жонзотни ризқ-насибадан маҳрум этмайди. Ризқ икки қисмга бўлинади: ҳалол ризқ ва ҳаром ризқ. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَاشْكُرُوا
 لِلّٰهِ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴿١٧٢﴾ إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ
 وَالْدَّمَ وَلَحْمَ الْخِنْزِيرِ وَمَا أُهْلَ بِهِ، لغيرِ اللّٰهِ فَمَنِ اضْطَرََّ غَيْرَ بَاغٍ
 وَلَا عَادٍ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ إِنَّ اللّٰهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٧٣﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан еб, Унга шукр қилингиз! У сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларни (истеъмол қилишни қатъий) ҳаром қилди. Аммо зулмкор ва тажовузкор бўлмаган ҳолда, заруратан, мажбур бўлса (очлик танглиги юзасидан тановул қилса), унга гуноҳ йўқдир» (Бақара сураси, 172-173-ятлар).

Мазкур ояти карималарда бандалар ҳалол ризқдан ейишга, ҳаром нарсадан тийилишга буюрилган.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «نَفَثَ رُوحَ الْقُدْسِ فِي رَوْعِي أَنْ نَفْسًا لَنْ تَخْرُجَ مِنَ الدُّنْيَا حَتَّى تَسْتَكْمَلَ أَجْلَهَا وَتَسْتَوْعَبَ رِزْقَهَا، فَأَجْمَلُوا فِي الطَّلَبِ وَلَا يَحْمِلَنَّكُمْ اسْتِبْطَاءُ الرِّزْقِ أَنْ تَطْلُبُوهُ بِمَعْصِيَةِ اللَّهِ، فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُنَالُ مَا عِنْدَهُ إِلَّا بِطَاعَتِهِ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Муқаддас рух (фаришта) менинг қалбимга етказдики, албатта, ҳеч бир жон ўз ризқини муқаммал олмай туриб, ўлмас. Аллоҳга тақво қилинглр ва талаби ризқни гўзал қилинглр! Ризқни исташда ҳаддан ошманглр, ризқнинг кеч қолиши сизни Аллоҳдан маъсият ила талаб қилишга олиб бормасин. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурндаги нарсага фақат У Зотга тоат қилиш ила эришилади», дедилар» *(Табароний ривоят қилган).*

Бу ҳадиси шариф бизга ҳар бир жон ўз ризқини тўлиқ олиши муқаррар экани, ризқни тақво асосида ҳалол йўл билан талаб этиш зарурлигини ҳамда ризқ кечикса, ҳаромга қўл уриш мумкин эмаслигини уқтиради. Имом Бухорий Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, ризқ бандани худди ажали уни қувгандек қувиб юради», дедилар. Мазкур ҳадисдан ҳар бир банданинг тақдирида битилган ризқ йўл-йўлакай адашиб, бошқа бир кишига ўтиб кетмаслигини билиб оламиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَيُّهَا النَّاسُ، إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ لَا يَقْبَلُ إِلَّا طَيِّبًا، وَإِنَّ اللَّهَ أَمَرَ الْمُؤْمِنِينَ بِمَا أَمَرَ بِهِ الْمُرْسَلِينَ، فَقَالَ: ﴿يَتَأْتِيهَا الرُّسُلُ كُلُّوا مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَاعْمَلُوا صَالِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾ ...». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй одамлар! Албатта, Аллоҳ покдир ва покдан бошқани ҳеч қабул қилмас. Албатта, Аллоҳ мўминларга Расулларга қилган амрни қилган. Бас, У Зот: «Эй пайғамбарлар, пок нарсалардан енглар ва солиҳ амаллар қилинглар, албатта мен нима қилаётганингизни ўта билувчиман», деган», дедилар» (Имом Муслим ривоят қилган).

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби ризқни пок ва нопокка ажратиб, Аллоҳ таоло фақат ҳалол ва пок ризқнигина қабул қилишини таъкидлайди. Ажру савоб ҳам шунга қараб берилади. Ҳаром ва нопок ризқ учун азоб берилиши тайин, у туфайли бандани жазолайди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

﴿وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقَرَّهَا وَمُسْتَوْدَعَهَا كُلٌّ فِي كِتَابٍ مُبِينٍ﴾

«Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб (Лавҳул-маҳфуз)да (ёзилган) дир» (Ҳуд сураси, 6-оят).

«Ер юзида ўрмалаган нарса» деганда одамзод, ҳайвонот, ҳашарот, курт-қумурска ва бошқа жонзотлар тушунилиб, буларнинг ҳаммасига Аллоҳ таоло ризк беради. Бу махлуқотлар орасидан мўмин киши Аллоҳнинг амрига биноан доимо фақат пок нарсани ейди. Бу илохий амрдир.

عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ الرَّجُلَ لَيُحْرَمُ الرِّزْقَ بِالذَّنْبِ يُصِيبُهُ، وَلَا يَرُدُّ الْقَدَرَ إِلَّا الدُّعَاءُ، وَلَا يَزِيدُ فِي الْعُمُرِ إِلَّا الْبِرُّ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالتَّنَسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ.

Имом Аҳмад, Имом Насоий ва Ибн Можа Савбон ризияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда: «Албатта, банда қилган гуноҳи туфайли ризкидан маҳрум бўлади. Қадарни дуогина ўзгартиради, умрни эса яхшилик узайтиради», дейилган.

Ризқни ҳалол касб орқали талаб қилиш. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Жумъа сурасида мўмин-мусулмонларни намозни адо этгач, ер юзига тарқалиб, ҳалол йўл билан ризқ топишга тарғиб қилади ва бу ишни Аллоҳ таолонинг фазлидан талаб қилиш деб билдиради. Аллоҳ таоло шундай амр қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَى ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١﴾ فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ وَاذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٠﴾

«Эй имон келтирганлар! Қачонки, жумъа кунидаги намозга (азон) чақирилса, дарҳол Аллоҳнинг зикри сари (имом хутбасини тинглаш учун) ҳаракатга тушингиз ва савдо-сотикни тарк қилингиз! Агар биладиган бўлсангиз, мана шу (иш) ўзларингиз учун яхшидир. Бас, қачонки, намоз (жума намози) адо қилингач, ер юзи бўйлаб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз ва Аллоҳни кўп ёд этингиз, шояд (шунда) нажот топсангиз» (*Жумъа сураси, 9–10-оятлар*).

Намоздан кейин кимдир савдосига, кимдир касал кўришга, кимдир илм олишга йўл олади. Чунки ер юзи бўйлаб тарқалиш буйруғи мажбурий эмас. Лекин баъзи кишиларнинг бу амрга жиддий эътибор беришларини Ибн Абу Ҳотимдан ривоят қилинган ривоятдан билиб олиш мумкин: «Ирок ибн Молик розияллоҳу анҳу жума намозидан сўнг масжид эшигидан чиқа туриб, «Аллоҳим, мен даъватингга жавоб қилдим, фарз намозингни ўқидим, айтганингдек, ер юзига тарқалдим, менга Ўз фазлингдан ризқ бер, Сен энг яхши ризқ берувчисан», дер экан.

Қуръони Каримда ушбу маънодаги бошқа оятлар ҳам бор:

وَأَسْرُوا قَوْلَكُمْ أَوِ اجْهَرُوا بِهِ ۗ إِنَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿١٣﴾
 أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ ﴿١٤﴾ هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ
 الْأَرْضَ ذَلُولًا فَامْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهَا ۗ وَإِلَيْهِ النُّشُورُ ﴿١٥﴾

«(Эй инсонлар! Гапираётган) сўзингизни яширингиз ёки ошкора қилингиз, (барибир) У диллардаги сирларни ҳам билувчидир. (Ахир) яратган зот (Ўзи яратган нарсаларини) билмайдими?! У Латиф (лутф-

ли) ва **Хабир** (хабардор зот)дир. **У** (Аллоҳ) **сизларга Ерни хоксор** (бўйсунувчи) **қилиб қўйган зотдир. Бас, унинг ҳар томонида** (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) **юраверингиз ва** (Аллоҳнинг берган) **ризқидан тановул қилингиз!** (Қиёмат куни) **тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир!»** (*Мулк сураси, 13–15-оятлар*).

Яъни «Аллоҳ сизларга ерни хокисор ва бўйсунувчи қилиб қўйган Зотдир. Ернинг ҳар томонида саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб юраверинглар ва Аллоҳнинг берган ризқидан енглар, тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир». Уламолар ушбу ояти каримани Исломда меҳнатга чорлов ҳамда ризқ териш мақсадида ер юзининг турли жойларида ҳаракат қилиш жоизлигига далил қилиб келтиришган. Бу оятдаги «юринг» деган хитоб мусулмонларни касб-корни эгаллаб, доимо ризқ топиш ҳаракатида бўлишга ундаган ва дангасалик, бекорчиликдан четланишга чақирган. Шу билан бирга, ризқ Аллоҳ таолодан бўлишини унутмаслик зарурлигини эслатиб турган. Яъни мусулмон одам ер юзида ризқ талабида юриши ва ҳалол йўл билан касб қилиши лозим. Аллоҳ таолонинг Набаъ сурасида қиёмат тўғрисида баҳслашган Макка мушрикларига аниқ-тиниқ жавоблар берилади. Яна унда Аллоҳ Ўз қудрати билан яратган борлиқ, коинот ва мавжудотлар, қиёмат кунининг шиддати, жаннатдаги роҳат-фароғат, иймонсиз ўтганларнинг қиёмат куни пушаймон бўлиб, ҳатто тупроққа айланиб, йўқ бўлиб кетишни орзу қилишлари каби маълумотлар баён этилган:

أَلَمْ نَجْعَلِ الْأَرْضَ مِهْدًا ﴿٦﴾ وَالْجِبَالَ أَوْتَادًا ﴿٧﴾ وَخَلَقْنَاكُمْ
 أَزْوَاجًا ﴿٨﴾ وَجَعَلْنَا نَوْمَكُمْ سُبَاتًا ﴿٩﴾ وَجَعَلْنَا اللَّيْلَ لِبَاسًا ﴿١٠﴾

وَجَعَلْنَا النَّهَارَ مَعَاشًا ﴿١١﴾ وَبَيْنَنَا فَوْقَكُمْ سَبْعًا شِدَادًا ﴿١٢﴾
 وَجَعَلْنَا سِرَاجًا وَهَاجًا ﴿١٣﴾ وَأَنْزَلْنَا مِنَ الْمُعْصِرَاتِ مَاءً ثَجَّاجًا ﴿١٤﴾
 لِنُخْرِجَ بِهِ حَبًّا وَنَبَاتًا ﴿١٥﴾

«Биз Ерни тўшак қилиб қўймадикми?! Тоғларни эса (Ерни тутиб турувчи) қозиклар қилиб қўймадикми?! Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик. Уй-қуларингизни (бадан ва асабларингиз учун) ором қилдик. Кечани (барча нарсани яшириб турадиган) либос қилдик. Кундузни эса, тирикчилик вақти қилдик. Тепангизда етти (қават) мустаҳкам (осмонни) бино қилдик. Яна чарақлаб турувчи чирокни (куёшни пайдо) қилдик. Яна Биз сиқиб чиқарувчи (булут) лардан дув-дув сув (ёмғир) ёғдирдик. Токи, у сабабли дон ва наботот (ундириб) чиқарурмиз» (*Набаъ су-раси, 6–15-оятлар*).

Ақли бор, эс-хуши жойида бўлган киши учун мана шу ҳужжат-далиллар етарлидир. Мазкур сурада айтиб ўтилганидек, кундуз кунлари ҳар бир инсон тирикчилик ва ризқ-рўз топиш ниятида уйдан чиқади. Чунки Аллоҳ таоло уни шунга буюрган. Бироқ у ҳалол ризқ ўрнига ҳаром ризқ топишни хаёлига ҳам келтирмаслиги керак. Уламолар мақсадни ҳосил қилиш учун ҳаракат этиш ва унга сабаб бўладиган нарсаларни ишга солишни касб, деб таърифлашган. Шунингдек, дунё ва охират ишларида фойдани жалб қилиш ҳамда зарарни даф этишда Аллоҳ таолога сидқидилдан эътимод қилиниши таваккул дейилади. Аҳли сунна вал жамоа мазҳабида таваккул қалбга ва касб аъзоларига боғлиқ иш бўлиб, сабабларни ишга солмагунча таваккул ҳосил

қилинмайди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَكَأَيِّن مِّن دَابَّةٍ لَّا تَحْمِلُ رِزْقَهَا اللَّهُ يَرْزُقُهَا وَإِيَّاكُمْ
 وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

«Ўз ризқини кўтара (топа) олмайдиган қанчалаб жонзотлар бор. Аллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам (ўз хазинасидан турли йўллар билан) ризқ берур. У Эшитувчи ва Билувчидир» (Анкабут сураси, 60-оят).

Ҳотамул Асом деган зот шундай дейди: «Таваккул тўрт хил бўлади: махлуқларга таваккул, мол-давлатга таваккул, нафсга таваккул ва Роббил оламинга таваккул. Махлуқларга таваккул қилувчи: «Фалончи бўлса, менинг ғам-ташвишим йўқ», деб ўйлайди. Мол-давлатга таваккул қилувчи: «Мол-дунёим кўп бўлса, менга ҳеч нарса зарар қилмайди», дейди. Нафсига таваккул қилувчи: «Модомики тўрт мучам соғ-саломат экан, мендан ҳеч нарса кетмайди», дейди. Бу жоҳиллар таваккулидир. Аллоҳга таваккул қилувчи: «Бой ёки камбағал ҳолимда тонг оттираманми, фарқи йўқ, чунки мен билан Роббим бор, қандай хоҳласа, мени шундай ризклантиради», дейди».

Буюк ватандошимиз Ҳаким Термизий Муовия ибн Куррадан ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бир гуруҳ одамларга йўлиқиб, улардан: «Сизлар кимсизлар?» деб сўради. Улар: «Таваккул қилувчилармиз», дейишди. Шунда Умар розияллоҳу анҳу: «Йўқ, сизлар текинхўрларсиз, таваккул қилувчи аввал донни ерга сепиб қўйиб, кейин Аллоҳга таваккул қилади», деди».

Бу ўринда таваккул қилиш билан бирга сабабларни ҳам пухта бажариш кераклиги баён қилинмоқда.

عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَوْ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَوَكَّلُونَ عَلَى اللَّهِ حَقَّ تَوَكُّلِهِ لَرَزَقْتُمْ كَمَا يُرْزَقُ الطَّيْرُ تَغْدُو خِمَاصًا وَتَرُوحُ بِطَانًا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилсангиз, у зот оч кетиб, тўк қайтадиган қушларни ризқлантиргандек, сизларни ризқлантиради», дедилар» *(Термизий, Аҳмад ва Ҳокимлар ривоят қилишган).*

Бу ҳадиси шарифда агар бандалар Аллоҳ таолога ҳақиқий таваккул қилиб, Унга суюнсалар, ҳеч қандай захирага эга бўлмаган қушларга керак бўлган пайтда ризқ берган Раззоқ Зот уларга ҳам ризқ бериши аниқлиги ҳақида сўз кетмоқда. Фақат қуш уясидан чиқиб, ризқ топишга ҳаракат қилганидек, бандалар ҳам керакли ҳаракатни қилишлари лозим.

Ҳаром касбнинг ёмон оқибати. Тўғри келган нарсани суриштирмай ўзиники қилиб олиш ва ундан фойдаланиш ҳайвонларга хосдир. Инсон ҳалол-ҳаромни ажратиш билан ҳайвондан фарқ қилади, мусулмон киши ҳаромдан ҳазар қилишда ниҳоятда масъулиятли бўлиши лозим. Акс ҳолда уни дунёда ҳам, охиратда ҳам ёмон оқибат кутади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يَأْتِي عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ، لَا يُبَالِي الْمَرْءُ مَا أَخَذَ مِنْهُ، أَمِنَ الْحَلَالِ أَمْ مِنَ الْحَرَامِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Одамларга бир замон келадики, унда киши молни қандай топганига, ҳалолдан ё ҳаромдан олганига эътибор қилмайди**», дедилар» (*Бухорий ва Насоийлар ривоят қилишган*).

Одамлар диндан узоқлашиб кетиши натижасида ҳалол билан ҳаромни ажратиш иккинчи даражага тушиб қолди. Айрим кишилар мол-дунё тўплаш, яхши ҳаётга эришиш йўлида ҳаром-хариш йўл билан топилган молни бемалол ишлатаверадиган, ҳаром лукмадан ҳазар қилмайдиган, турли гуноҳ ишлардан, пасткашликлардан қайтмайдиган бўлиб қолишди. Ҳатто ҳалол яшашга ўрганган кишиларнинг устидан кулиш, уларни камситиш оддий ҳолга айланди. Оилани бокиш вазифамиз, деб кўчадан топганларини, у ҳалолми, ҳаромми, суриштирмасдан олиб келиб, фарзандларига едирадиган ота-оналар кўпайди. Ноҳақ йўллар билан ризқ топишга ҳаракат қилиш оммалашиб кетса, хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар баъзи инсонлар томонидан ўйлаб топилган эмас. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ وَتُدْلُوا بِهَا إِلَى
الْحُكَّامِ لِتَأْكُلُوا فَرِيقًا مِّنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنتُمْ
تَعْلَمُونَ



«Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан ейиш (ўзлаштириш) мақсадида уни хо-

кимларга ҳавола этмангиз, мол-мулкларингизни ўрталарингизда ботил йўл билан емангиз» (*Бақара сураси, 188-оят*)

Яъни «Бир-бирингизнинг ҳаққингизга хиёнат қилманг». Имом Куртубий раҳимаҳуллоҳ: «Оятдаги ботил йўл билан емасликка буюрилган нарсаларга ҳаромнинг барча турлари – қимор, алдамчилик, ҳаром нарсаларни сотиб, ҳаром касб қилиб мол топиш ва бошқалар киради», деган. Ушбу оят тафсирида Ибн Аббос розияллоҳу анху: «Аллоҳ таоло кишини ноҳақлик ва ёлғон қасам билан биродарининг молини ўзиники қилиб олишдан қайтарди», дейди. Бировнинг ҳақини ейиш бир неча хил бўлади: зулм орқали тортиб олиш, хиёнат, ўғрилиқ, ҳазил-хузул, ўйин, қимор ва бошқа шунга ўхшаш бекорчи эрмаклар. Ҳаром ейиш, яъни Аллоҳ ман қилган нарсаларни олиш дунёнинг ўзида ҳам, охирада ҳам ёмон оқибатларга олиб келади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: ... ثُمَّ ذَكَرَ الرَّجُلَ يُطِيلُ السَّفَرَ أَشْعَثَ
أَغْبَرَ، يُمِدُّ يَدَيْهِ إِلَى السَّمَاءِ، «يَا رَبِّ، يَا رَبِّ، وَمَطْعَمُهُ حَرَامٌ،
وَمَشْرَبُهُ حَرَامٌ، وَمَلْبَسُهُ حَرَامٌ، وَغُذِيَ بِالْحَرَامِ، فَأَنَّى يُسْتَجَابَ
لِذَلِكَ؟» رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«...Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам узоқ сафар қилиб, сочлари тўзиб, чанг тўзонга беланиб кетган кишини зикр қилиб, шундай дедилар: «У: «Эй Роббим! Эй Роббим!» деб қўлларини осмонга чўзди, холбуки, унинг егани ҳаром, ичгани ҳаром, кий-

гани ҳаром ва ҳаром билан озиқланган. Энди унга қаёқдан ижобат бўлсин?!» (Муслим ривоят қилган).

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، اجْعَلْنِي مُسْتَجَابَ الدَّعْوَةِ، قَالَ: «يَا أَنَسُ، أَطْبَ كَسْبِكَ تُسْتَجَبُ دَعْوَتُكَ». أَخْرَجَهُ الدَّيْلَمِيُّ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мени дуоסי ижобат бўладиган қилиб қўйинг», дедим. У зот: «Эй Анас, ҳалол касб қил, дуонинг қабул қилинади», дедилар» (Дайлабий ривоят қилган).

Дуо қабул бўлиши учун лукма ҳалол бўлиши шарт. Ушбу ҳадислардан англашилиб турибди, ҳаром ейишнинг дунё ва охират учун энг биринчи ёмон оқибати дуонинг қабул бўлмаслигидир. Дуонинг қабул бўлмаслигида ибодат ва бошқа яхши амалларнинг қабул бўлмаслик хавфи ҳам йўқ эмас.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ اللَّهَ قَسَمَ بَيْنَكُمْ أَخْلَاقَكُمْ كَمَا قَسَمَ بَيْنَكُمْ أَرْزَاقَكُمْ، وَإِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يُعْطِي الدُّنْيَا مَنْ يُحِبُّ وَمَنْ لَا يُحِبُّ، وَلَا يُعْطِي الدِّينَ إِلَّا لِمَنْ أَحَبَّ، فَمَنْ أَعْطَاهُ اللَّهُ الدِّينَ فَقَدْ أَحَبَّهُ، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا يُسَلِّمُ عَبْدٌ حَتَّى يَسَلِّمَ قَلْبَهُ وَلِسَانَهُ، وَلَا يُؤْمِنُ حَتَّى يَأْمَنَ جَارَهُ بَوَائِقَهُ»، قَالُوا: وَمَا بَوَائِقُهُ؟ يَا نَبِيَّ اللَّهِ، قَالَ: «غَشْمُهُ وَظُلْمُهُ، وَلَا

يَكْسِبُ عَبْدٌ مَالًا مِنْ حَرَامٍ فَيُنْفِقَ مِنْهُ فَيُبَارِكَ لَهُ فِيهِ، وَلَا يَتَصَدَّقُ
 بِهِ فَيَقْبَلَ مِنْهُ، وَلَا يَتْرُكُ خَلْفَ ظَهْرِهِ إِلَّا كَانَ زَادَهُ إِلَى النَّارِ،
 إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ لَا يَمْحُو السَّيِّئَ بِالسَّيِّئِ، وَلَكِنْ يَمْحُو السَّيِّئَ
 بِالْحَسَنِ، إِنَّ الْحَيِّثَ لَا يَمْحُو الْحَيِّثَ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Албатта, Аллоҳ ўрталарингизда ризкни тақсимлагандек, хулқларингизни ҳам тақсимлагандир. Албатта, Аллоҳ азза ва жалла дунёни яхши кўрган ва яхши кўрмаган бандаларига бераверади, динни эса фақат яхши кўрган бандасига беради. Аллоҳ кимга динни ато этган бўлса, ҳақиқатда уни яхши кўрибди. Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, дили ва тили мусулмон бўлмагунича, ҳеч бир банда мусулмон бўлмайди, то кўшниси «бавоик»идан омонда бўлмагунича иймонли бўлмайди». (Саҳобалар) «Эй Аллоҳнинг Набийси, «бавоик» нима?» деб сўрашди. У зот: «Алдов ва зулмдир. Қайси бир банда ҳаромдан мол топиб, ундан инфоқ-эҳсон қилса, баракаси бўлмайди, садақа қилса, қабул қилинмайди, ўзидан кейинга қолдирса, дўзах учун ҳозирлаган озуқаси бўлади. Аллоҳ ёмонликни ёмонлик билан ўчирмайди. Балки ёмонликни яхшилик билан ўчиради, шубҳасиз, нопок нопокни ўчирмайди», дедилар» (*Имом Аҳмад ва бошқалар ривоят қилишган*).

Мазкур ҳадисдан ҳаром еювчи кишидан садақаси қабул бўлмаслигини, ўзидан кейин қолдирса, дўзах

учун ҳозирлаган озуқаси бўлишини билиб оламиз. Ҳаром билан озиқланиш фарзанд тарбиясини ҳам бузади.

Булар ҳаром ейишнинг дунёдаги ёмон оқибатларидир. Бу амал ўз эгасини охиратда ҳам азоб-укубатларга дучор этади.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَا كَعْبُ بْنُ عُجْرَةَ إِنَّهُ لَنْ يَدْخُلَ الْجَنَّةَ لَحْمٌ نَبَتَ مِنْ سُحْتٍ». رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ.

Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Каъб ибн Ужра, ноҳақ ҳаромдан ўсган гўшт (яъни жисм) жаннатга кирмайди», дедилар (Доримий ривоят қилган).

عَنْ أَنَسٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَيَجِيَنَّ أَقْوَامٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَأَعْمَاهُمْ كَجِبَالِ تِهَامَةَ، فَيُؤْمَرُ بِهِمُ النَّارَ»، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مُصَلِّينَ؟ قَالَ: «نَعَمْ، كَانُوا يُصَلُّونَ، وَيَصُومُونَ، وَيَأْخُذُونَ هَنَةً مِنَ اللَّيْلِ، فَإِذَا عَرَضَ لَهُمْ شَيْءٌ مِنَ الدُّنْيَا وَثَبُوا عَلَيْهِ».

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат кунни амаллари Тихома тоғидек бўлган қавмлар келади ва улар дўзахга буюрилади», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, улар намоз ўқишармиди?» деб сўрашди. У зот: «Ҳа, шундай, улар намоз ўқиб, рўза тутишарди, кечаларни ибодат билан ўтказишарди. Бироқ дунёдан бирор нарсага дуч келиб қолишса, унга ружу қўйишарди», дедилар».

Демак, ҳаром еювчи кишининг амаллари беҳуда кетиб, охиратда қаттиқ азобга гирифтор бўлишдан кўра ёмон оқибат бўлмаса керак. Бу ўринда машҳур саҳобий Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳунинг такволарини мисол келтириш мумкин.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ لِأَبِي بَكْرٍ غُلَامٌ يُخْرَجُ لَهُ الْخَرَاجَ، وَكَانَ أَبُو بَكْرٍ يَأْكُلُ مِنْ خَرَاجِهِ، فَجَاءَ يَوْمًا بِشَيْءٍ فَأَكَلَ مِنْهُ أَبُو بَكْرٍ، فَقَالَ لَهُ الْغُلَامُ: أَتَدْرِي مَا هَذَا؟ فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ: وَمَا هُوَ؟ قَالَ: كُنْتُ تَكَهَّنتُ لِإِنْسَانٍ فِي الْجَاهِلِيَّةِ، وَمَا أَحْسَنُ الْكَهَانَةَ، إِلَّا أَنِّي خَدَعْتُهُ، فَلَقَيْتَنِي فَأَعْطَانِي بِذَلِكَ، فَهَذَا الَّذِي أَكَلْتُ مِنْهُ، فَأَدْخَلَ أَبُو بَكْرٍ يَدَهُ، فَقَاءَ كُلَّ شَيْءٍ فِي بَطْنِهِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Абу Бакрнинг бир ғуломи бўлиб, у кишига хароҷ чиқариб турарди. Абу Бакр унинг хароҷидан ер эди. Бир куни у нимадир олиб келган эди, Абу Бакр ундан еди. Шунда ғулом у кишига: «Бунинг нималигини биласизми?» деди. Абу Бакр: «Нима экан бу?» деди. У: «Мен жоҳилият даврида бир инсонга қоҳинлик қилган эдим. Қоҳинликни яхши қила олмас эдим, уни алдаган эдим, холос. У мени учратиб қолиб, ўшанинг эвазига нарса берди. Еганингиз ўшандан», деди. Шунда Абу Бакр (оғзига) қўлини тикиб, қорнидаги ҳамма нарсани қайт қилиб ташлади» *(Имом Бухорий ривоят қилган).*

Мўмин-мусулмон одам у зотлардек такводор бўлишни истаса, энг аввал ман қилинган нарсаларни ва уларни ман этган Зотни яхшилаб таниб олиши лозим. Уламоларнинг

фатвосига кўра хоин, алдовчи, ўғри, баттол, каззоб, ри-
бохўр, судхўр, етимнинг молини ноҳақ еювчи, ёлғон гу-
воҳлик берувчи, қарзга бир нарса олиб, олганидан тонув-
чи, порахўр, ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи, молининг
айбини яшириб сотувчи, қиморбоз, сеҳргар, мунажжим,
фоҳиша, хўжакўрсинга дод солиб йиғловчи, сотувчидан
сўрамай, ҳаққини олиб қолувчи даллол ва ҳур одамни со-
тиб, пулини еювчи кимсалар бошқаларнинг ҳаққини но-
ҳақдан еювчилар сирасига қиради. Уларнинг топган моли,
оила аъзолари ва фарзандларига едирган ризқи ҳаромдир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса
шуки, инсонда яшаш ва мол тўплаш ҳуқуқи бўлгани-
дек, луқмасини ҳаромдан сақлаш масъулияти ҳам бор.
Луқма поклигини кўз қорачиғини сақлагандек сақлаш
лозим. Аллоҳ таолодан ҳаромдан паноҳ тилаб, афв ва
мағфират сўраймиз, зеро, У афвни яхши кўрадиган ва
афв этадиган Зотдир.

ЭҲСОН – ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

Аллоҳ таоло муҳсин – эҳсон қилувчи, адолатли, ин-
софли, тақводор, сабрли, покланувчи ва таваккул қи-
лувчи бандаларини яхши кўради. Бу хислатлар кишини
Аллоҳнинг муҳаббатига ноил қилади. Лекин афсуски,
кўпчилик «эҳсон» сўзини жуда тор маънода тушунади.
Кимгадир моддий ёрдам беришнигина эҳсон деб ўйлай-
ди. Аслида, эҳсон биз ўйлагандан кўра кенгроқ маъно-
ларни ўз ичига олади.

۲- عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَيْنَمَا نَحْنُ عِنْدَ رَسُولِ
اللَّهِ ﷺ ذَاتَ يَوْمٍ إِذْ طَلَعَ عَلَيْنَا رَجُلٌ شَدِيدُ بَيَاضِ الثِّيَابِ شَدِيدُ

سَوَادِ الشَّعْرِ، لَا يُرَى عَلَيْهِ أَثَرُ السَّفَرِ وَلَا يَعْرِفُهُ مِنَّا أَحَدٌ حَتَّى جَلَسَ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَأَسْنَدَ رُكْبَتَيْهِ إِلَى رُكْبَتَيْهِ وَوَضَعَ كَفَيْهِ عَلَى فَخْذَيْهِ وَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ أَخْبِرْنِي عَنِ الْإِسْلَامِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: الْإِسْلَامُ أَنْ تَشْهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَتَقِيمَ الصَّلَاةَ وَتُؤْتِيَ الزَّكَاةَ وَتَصُومَ رَمَضَانَ وَتُحَجَّ الْبَيْتَ إِنْ اسْتَطَعْتَ إِلَيْهِ سَبِيلًا. قَالَ: صَدَقْتَ قَالَ: فَعَجِبْنَا لَهُ يَسْأَلُهُ وَيُصَدِّقُهُ قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِيمَانِ قَالَ: أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ قَالَ: صَدَقْتَ، قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِحْسَانِ قَالَ: أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ السَّاعَةِ قَالَ: مَا الْمَسْئُولُ عَنْهَا بِأَعْلَمَ مِنَ السَّائِلِ قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنْ أَمَارَاتِهَا قَالَ: أَنْ تَلِدَ الْأُمَّةُ رَبَّتَهَا وَأَنْ تَرَى الْحِفَاةَ الْعُرَاةَ الْعَالَةَ رِعَاءَ الشَّيْءِ يَتَطَاوَلُونَ فِي الْبُنْيَانِ، قَالَ: ثُمَّ انْطَلَقَ فَلَبِثْتُ مَلِيًّا ثُمَّ قَالَ لِي: يَا عُمَرُ أَتَدْرِي مِنَ السَّائِلِ؟ قُلْتُ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: فَإِنَّهُ جَبْرِيلُ أَتَاكُمْ يُعَلِّمُكُمْ دِينَكُمْ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ وَزَيْدٌ فِي رِوَايَةٍ: فِي خَمْسٍ لَا يَعْلَمُهُنَّ إِلَّا اللَّهُ، ثُمَّ تَلَا النَّبِيُّ ﷺ ﴿إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ عِلْمُ السَّاعَةِ﴾ ﴿الآيَةَ﴾ ثُمَّ أَدْبَرَ فَقَالَ: رُدُّوهُ فَلَمْ يَرَوْا شَيْئًا، فَقَالَ: هَذَا جَبْرِيلُ جَاءَ يُعَلِّمُ النَّاسَ دِينَهُمْ.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бирдан оппоқ кийимли, сочлари қоп-қора одам пайдо бўлди. Унда сафарнинг асари кўринмас эди. Уни бирортамиз танимас ҳам эдик. У келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўғриларига ўтирди. Икки тиззасини у зотнинг икки тиззаларига тиради. Икки кафтини тиззалари устига қўйиб, «Эй Муҳаммад, менга Ислом нималигини айтиб бер», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ислом – «Лаа илааҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» деб шаҳодат келтирмоғинг, намозни тўкис адо қилмоғинг, закот бермоғинг, Рамазон рўзасини тутмоғинг, агар йўлга қодир бўлсанг, Байтни ҳаж қилмоғинг», дедилар. «Тўғри айтдинг», деди у. Биз бундан ажабландик – ўзи сўраб, яна ўзи тасдиқлайди.

Кейин у: «Менга иймон нималигини айтиб бер», деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг, қадарнинг яхшию ёмон бўлишига иймон келтирмоғинг», дедилар.

У яна «Тўғри айтдинг», деб, «Менга эҳсон нималигини айтиб бер», деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг», дедилар.

Сўнг у: «Менга (қиёмат) соати нималигини айтиб бер», деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу борада сўралган одам сўровчидан билимлироқ эмас», дедилар.

У: «Унинг аломатларини айтиб бер», деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Чўри ўз хожасини туғиши; ялангоёқ, яланғоч, камбағал чўпонларнинг бино қуришда бир-бирларидан ўзишга уринишларини кўришинг», дедилар.

Кейин у қайтиб кетди. Мен бироз вақт у ерда бўлмадим. Сўнгра у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Умар, сўровчи кимлигини билдингми?»** дедилар. **«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчирок»**, дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«У Жаброил эди. Сизларга динларингизни ўргатгани келибди»**, дедилар».

Яна бир ривоятда:

«У (яъни қиёмат соати) Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган беш нарсанинг ичидадир», дедилар ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам **«(Қиёмат) соатининг илми (қачонлиги) Аллоҳнинг ҳузурдадир»** оятини тиловат қилдилар. Сўнгра у қайтиб кетди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уни қайтаринглар»**, дедилар. Одамлар чиқишса, ҳеч ким йўқ экан. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бу Жаброил эди. Одамларга динларини ўргатгани келибди»**, дедилар» (*Муслим ривоят қилган*).

Биз яхши биламизки, Жаброил алайҳиссалом – улуғ фаришта. У мусофир киши суратида келиб, Набий алайҳиссалом билан савол-жавоб қилганлари ҳақидаги мазкур узун, машҳур ҳадисни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ривоят қилган. Ўшанда Жаброил савол бериб, Пайғамбар алайҳиссалом жавоб берганлар. Жаброил алайҳиссалом: **«Менга эҳсон ҳақида хабар бер»**, дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳсон ҳақида биз ўйлаганимиздан кўра бошқача жавоб бердилар: **«Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг»**, дедилар. Мана эҳсоннинг таърифи. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай хайрли амални, ибодатларни қилаётган банда **«Роббим мени кўриб**

турибди», деган тасаввур билан қилиши ва У Зотнинг кўриб турганига иймон келтириб, буни ҳис этишга ҳаракат қилиши керак.

Афсуски, ҳаётда эҳсон деганда бирон кишининг вафотидан сўнг етти, йигирма, қирк ёки йил каби маърака қилиб, одамларга дастурхон ёзиш ва таом тортишни тушуниб қолганмиз. Аслида, ҳар бир ибодатни, хайрли амални Аллоҳ кўриб тургандек, яъни ихлос билан бажариш эҳсон дейилади. Масалан, сабр қилишда ҳам эҳсон бор. Бизга энг яқин кишимизнинг вафоти ҳақидаги хабар етганда, бу хабарни илк ондаёқ сабр-тоқат билан кутиб олсак, мана шу ҳақиқий сабр – эҳсон бўлади. Мўмин-муслмон кишидек ота-онасини кўп эслайдиган, уларнинг ҳақларига дуо қиладиган киши йўқ. Чунки у ҳар намозининг охирида ота-онаси ҳақкига дуо қилиб, уларни яхшилик билан эслайди, Аллоҳ таолодан гуноҳларини мағфират этишини сўрайди. У фақат элга дастурхон ёзиб, эҳсон қилиш билангина ота-онасининг ҳаққини адо этдим, деб ўйламайди, шу билангина кифояланиб қолмайди. Аллоҳ субҳанаху ва таоло шундай марҳамат қилади:

وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِّنْ نَّفَقَةٍ أَوْ نَذَرْتُمْ مِّنْ نَّذْرٍ فَإِنَّ
 اللَّهَ يَعْلَمُهُ، وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ ﴿٢٧٠﴾ إِنْ تَبَدُّوا
 الصَّدَقَاتِ فَنِعِمَّا هِيَ وَإِنْ تُخْفُوهَا وَتُوتُوهَا الْفُقَرَاءَ فَهُوَ
 خَيْرٌ لَّكُمْ وَيُكَفِّرُ عَنْكُمْ مِّنْ سَيِّئَاتِكُمْ وَاللَّهُ بِمَا
 تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٧١﴾ لَيْسَ عَلَيْكَ هُدَاهُمْ وَلَٰكِنَّ اللَّهَ
 يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَلِأَنْفُسِكُمْ

وَمَا تُنْفِقُوا إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ اللَّهِ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ
يُوقَ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَظْلَمُونَ ﴿٢٧٢﴾ لِلْفُقَرَاءِ الَّذِينَ
أُحْصِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا يَسْتَطِيعُونَ ضَرْبًا
فِي الْأَرْضِ يَحْسَبُهُمُ الْجَاهِلُ أَغْنِيَاءَ مِنَ
التَّعَفُّفِ تَعْرِفُهُمْ بِسِيمَاهُمْ لَا يَسْأَلُونَ النَّاسَ
إِلْحَاقًا وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَاِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ ﴿٢٧٣﴾

«Эҳсон қилган ҳар бир нафақангиз (садақангиз) ёки атаган назрингизни, албатта, Аллоҳ билади. (Хайр-эҳсон қилмай ўзига) зулм қилувчиларга эса, ёрдам берувчилар йўқдир. Садақаларингизни агар ошқора берсангиз, жуда яхши. Борди-ю, камбағалларга пинҳона берсангиз – ўзингиз учун янада яхшироқдир ва (У) гуноҳларингиздан ўтар. Аллоҳ қилаётган (барча) ишларингиздан хабардордир. Уларнинг хидояти Сизнинг зиммангизда эмас (эй Мухаммад), балки Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кишиларни хидоятга йўллагай. Неки қилган хайр-эҳсонларингиз бўлса, у ўзларингиз учундир. Фақат Аллоҳнинг «юзи» учунгина эҳсон қилгайсиз. Қилган ҳар бир хайр-эҳсонингиз (савоби) сизларга адолатсизлик қилинмаган ҳолда мукаммал қайтарилур. (Садақа ва эҳсонлар) Аллоҳ йўлида (жанг билан) банд бўлиб, (тижорат учун) сафарга чиқа олмайдиган, иффатлари (тортинчокликлари) сабабли билмаган одам бой деб гумон қиладиган фақирлар учундир. Уларнинг (фақир эканликларини) сиймоларидан (ташқи кўринишдаги белгиларидан) билиб оласиз. (Улар) одамлардан

қаттиқ туриб олиб тиланмайдилар. Қилган хайр-эҳсонингизни Аллоҳ билиб турувчидир» (*Бақара сура-си, 270–273-оятлар*).

Мазкур узун ояти карималарнинг мазмунидан ҳам «эҳсон» сўзи нақадар кенг маъноларга эгалигини билиб олиш қийин эмас. Лекин ҳар қандай яхшилик ва эҳсондан Аллоҳ таолонинг «юзи», яъни розилигини ният қилиш керак. Агар шундай ният қилинмаса, ҳар қандай эҳсон қабул бўлмай қолиши эҳтимоли бордир. Юқорида айтилган эҳсон тури ҳам шундай. Ота-онанинг вафотидан кейин элга ош беришда ҳам ният холис ва унгарийе аралашмаган бўлиши лозим. Бугунги кунда жуда кўп амалларимизга риё аралашиб қолмоқда. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

مَا أَصَابَكَ مِنْ حَسَنَةٍ فَمِنَ اللَّهِ وَمَا أَصَابَكَ مِنْ سَيِّئَةٍ فَمِنَ نَفْسِكَ
وَأَرْسَلْنَاكَ لِلنَّاسِ رَسُولًا وَكَفَى بِاللَّهِ شَهِيدًا

«Сизга қандай яхшилик етса, у Аллоҳдандир. Сизга қандай нохушлик етса, у ўзингиздандир. Сизни одамларга пайғамбар қилиб юборганмиз. Гувоҳликка (эса) Аллоҳ (Ўзи) етарлидир» (*Нисо сура-си, 79-оят*).

Эҳсон қилган одамнинг ўзи бу қилган амали билан бирор яхшиликка эришадими? Албатта эришади. Аввало, кишиларга яхшилик қилиб юрадиган одам калбида бошқалар ҳис этмайдиган бир туйғуни ҳис этади. Бу табиий ҳолатдир. Иккинчидан, яхшилик қилинган кишининг яхшилик қилувчига нисбатан ҳурмат-эҳтироми ошади, уни дуо қилади, яхшилик билан эсга олади. Булар эса эҳсон қилувчи эришадиган яхшиликдир. Учинчидан, яхшилик қилишни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло

Ўзига қилинадиган ихлос билан баробар ўринга кўйди. Юзини эҳсон қилувчи ҳолда Аллоҳга таслим қилган ва Иброҳим алайҳиссаломнинг тўғри динига эргашган кишининг динидан ҳам яхшироқ дин борми?

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ مِثَالِهَا وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ
فَلَا يُجْزَى إِلَّا مِثْلَهَا وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١٦٠﴾ قُلْ إِنِّي هَدَانِي رَبِّي
إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ دِينًا قِيمًا مِثْلَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ
الْمُشْرِكِينَ ﴿١٦١﴾

«Кимки (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур). Кимки (бир) ёмон (гуноҳ иш) қилса, фақат ўша (гуноҳ) миқдорида (бир гуноҳга яраша) жазоланур. Уларга ноҳақлик қилинмагай. Айтинг: «Раббим мени Тўғри йўлга, рост динга, Иброҳимнинг ҳаниф – ҳаққоний динига йўллади. (У) мушриклардан эмас эди» (Анъом сураси, 160-161-оятлар).

Мазкур ояти каримада ҳар бир яхши амал ўн баробар кўпайтирилиб, шунга яраша ажр-савоб ёзилиши ҳақида хабар берилмоқда. Ким бир яхшилик қилса, унга ундан ҳам яхшироқ нарса бўлиб, қиёмат кунининг даҳшатидан омонда бўлади. Бирор ёмон иш қилган одамни афв қилиб, унинг айбини кечиб юбориш, кишилардан етадиган азиятга сабр қилиш ҳам эҳсондир. Албатта, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло яхшилик қилувчиларни яхши кўради. Бу ҳақда бир нечта ояти карималар нозил бўлган. Қуйидаги ҳадиси шарифда ҳам мўмин кишининг гўзал сифати – сабр улуғланган.

عَنْ صُهَيْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ، إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ خَيْرٌ، وَلَيْسَ ذَاكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ، إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَّاءٌ شَكَرَ، فَكَانَ خَيْرًا لَهُ، وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَّاءٌ، صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўминнинг иши ажойиб ва ҳайратлидир. Ҳамма иши унга яхшилик келтираверади. Бу мўминларга хос бўлиб, улардан бошқаларда ундай эмас. Агар унга хурсанд қилувчи нарса етса, шукр қилади. Бу унинг учун яхшидир. Агар зарар берувчи нарса етса, сабр қилади. Бу ҳам унинг учун яхши бўлади», дедилар» (Имом Муслим ривоят қилган).

Аллоҳ субҳонаху ва таоло яхшилик қилувчиларнинг ажр-савобини зое кетказмаслиги аниқ. Муслмонларнинг ўзаро муносабат ва муомалада бир-бирларига ширин сўзли бўлиши ҳам яхшиликдир. Масалан, одамларга фақат яхши гапни гапириб, ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш мўмин-муслмон кишиларнинг одатига айланиши лозим.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ، فِيمَا يَرَوِي عَنْ رَبِّهِ عَزَّ وَجَلَّ قَالَ: قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ الْحَسَنَاتِ وَالسَّيِّئَاتِ ثُمَّ بَيَّنَ ذَلِكَ، فَمَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ لَهُ عِنْدَهُ حَسَنَةً كَامِلَةً، فَإِنْ هُوَ هَمَّ بِهَا فَعَمِلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ لَهُ عِنْدَهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ

إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضَعْفَ إِلَى أَضْعَافٍ كَثِيرَةٍ، وَمَنْ هَمَّ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ لَهُ عِنْدَهُ حَسَنَةً كَامِلَةً، فَإِنْ هُوَ هَمَّ بِهَا فَعَمِلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ لَهُ سَيِّئَةً وَاحِدَةً». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Робблари азда ва жалладан (ҳадиси қудсий) ривоят қилиб, шундай дедилар: «Албатта, Аллоҳ таоло яхши ва ёмон амалларни ёзиб, уни қуйидагича баён қилди: «Кимки бир яхши амални қасд қилса-ю, адо эта олмаса, Аллоҳ таоло унинг учун Ўз ҳузурда комил бир яхшилик қилди, деб ёзиб қўяди. Агар қасд қилса-ю адо этса, Аллоҳ таоло унга ўн яхшиликдан етти юз ёки ундан ҳам зиёдагача яхшилик берур. Агар бирор ёмон амални қасд қилса-ю, уни бажармаса, Аллоҳ таоло Ўз ҳузурда комил бир яхшилик қилди, деб ёзади. Агар ёмонликни қасд қилса-ю бажарса, Аллоҳ таоло унга битта ёмонлик ёзади» (*Муттафақун алайҳ*).

Киши энг аввал кимга яхшилик қилиши кераклиги динимизда аниқ баён қилинган. Роббини яхши кўриб, фақат Ўзигагина ибодат қиладиган банда биринчи навбатда бу дунёга келтирган ота-онасига яхшилик қилишга буюрилган. Аллоҳни яхши кўрган банда Унинг буюрганларини қилиб, буюрмаган ишларидан ўзини тортиши шубҳасиз. Ота-онага яхшилик қилиш фарзандлик вазифаси ва бурчи экан, қандай қилиб ота-онага яхшилик қилмаслик мумкин?! Қуйидаги ояти каримада ота-онага яхшилик қилиш Роббининг ибодатидан кейинги ўринда зикр қилинади. Шунинг ўзи ақли расо киши учун етарли панд-насихат бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا
 إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا
 أُفٍّ وَلَا لَنْهَرَهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَأَخْفِضْ
 لَهُمَا جَنَاحَ الذُّلِّ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ أَرْحَمُهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي
 صَغِيرًا ﴿٢٤﴾ رَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا فِي نُفُوسِكُمْ إِن تَكُونُوا صَالِحِينَ
 فَإِنَّهُ كَانَ لِلأَوَّابِينَ غَفُورًا ﴿٢٥﴾ وَءَاتِ ذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ
 وَالْمَسْكِينِ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا بُدْرٌ تَبْذِيرًا ﴿٢٦﴾

«Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишин-
 гизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди.
 (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳу-
 зурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!. . »
 дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли
 сўз айт! Уларга меҳрибонлик билан хорлик қаноти-
 ни паст тут ва (дуода) айт: «Эй Раббим! Мени (улар)
 гўдақлик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам
 уларга раҳм қилгин! (Эй инсонлар!) Раббингиз дил-
 ларингиздаги нарса (сир)ларингизни яхши билувчи-
 дир. Агар сизлар солиҳ бўлсангиз, албатта, У тавба
 қилувчиларни мағфират этувчидир. Қариндошга,
 мискин ва йўловчига (хайр-эхсон қилиш билан) ҳақ-
 ларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл
 қўйманг!» (Исро сураси, 23–26-оятлар)

Ота-онага яхши муомалада бўлиб, яхши кўриш ин-
 сон фитратига жойланган ажойиб туйғудир. Ота-онани
 менсимаслик, қўпол муомалада бўлиш, арзимас айбла-
 рини кўриб, жеркиш ва бошқа ҳолатларда ҳурмат-эҳти-

ром кўрсатмаслик мўмин-мусулмон кишининг табиатига ётдир. Абу Бақр Қаффол Шоший раҳматуллоҳи алайҳ ота-онага мурожаат қилганда «Ота» ёки «Она», деб эмас, «Отажон», «Онажон», деб эркалаб муомала қилиш кераклигини тавсия этади. Аллома таъкидлаган ширин муомала ояти каримадаги **«Уларга меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут»** деган илоҳий хитоб ва амрга мувофиқ тушади. Ота-она ҳузурида ўзини камтар тутиш, ҳақларига дуо қилиш ва истиғфор айтиш фарзандлар вазифасига киради.

Аллоҳ таоло Куръони Карим шундай марҳамат қилади:

يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ خَيْرٍ
فَلِلْوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا
تَفَعَّلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ

«Сиздан (эй Мухаммад) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: «Ниманики хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингиз! Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билиб турувчидир» (*Бақара сураси, 215-оят*).

Эндиги ояти каримада ота-онадан кейин яхшилик, яъни эҳсон қилинадиган кишилар бирин-кетин маълум қилинмоқда. Қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофир кишиларга қилинадиган яхшиликнинг ажр-савоби жуда катта. Айниқса, агар улар ҳаётда моддий жиҳатдан қийналиб қолган бўлса, ҳеч бир савоб уларга қилинган яхшиликнинг ўрнини боса олмайди. Аллоҳ

таолонинг уларни айнан таъкидлаб келтириши кишини уларга яхшилик қилишга лоқайд қарамасликка ундайди. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا﴾

«Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшнию бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди» (*Нисо сураси, 36-оят*).

Аллоҳга ибодат қилиш, У Зотга ҳеч нарсани шерик қилмаслик Ислом динининг асосидир. Тавҳид калимасини билиб, Аллоҳни танигандан кейин ота-онага, яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшнига, ён қўшнига, ёндаги соҳибга, йўқсил йўлчига ва қўлида мулк бўлганларга яхшилик қилиш буюрилганидан биламизки, яхшилик ва эҳсон динимизда алоҳида ўрин тутади. Агар теранроқ назар солсак, буларнинг ҳаммаси жамиятни ислоҳ қилишга қаратилган. Ота-онамиз билан ҳар доим биргамиз. Ҳар бир ота-она ўзига хос табиат ва феъл-атворга эга. Баъзиларида фарзандларга ёқ-

майдиган хулқ-атвор, одатлар бўлиши мумкин. Фарзанд ота-онасининг бундай одатларини йўқотиш учун уларни жеркиши, уларга ақл ўргатиб, мулзам қилиши, дилини оғритиши динимиз кўрсатмаларига зид ишлардир. Чунки фарзанднинг насихат қилиши ота-онага ёкмайди. Буни тушунадиган ота-она бор, тушунмайдигани бор.

Ота-онадан кейин ака-ука, опа-сингиллар, тоғалар, аммалар, амакилар, холалар ва бошқа қариндошларга яхшилик қилиш жамият ислоҳида катта аҳамият касб этади. Уларга яхшилик қиладиган бўлсак, оиламиз тинч ва қариндошлик риштаси мустаҳкам бўлади.

Айниқса, ота-онадан айрилган ва қаровсиз қолган етимларга қилинган яхшиликнинг катта аҳамияти бор. Кўпинча қаровсиз қолиб, тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган етим болалар тошбағир ва бешафқат бўлиб вояга етишади. Яхшилаб эътибор берадиган бўлсак, жиноят кўчасига кирган болаларнинг кўпчилигини бетарбия, меҳр-шафқатдан мосуво бўлган болалар ташкил этишига гувоҳ бўламиз.

Кўни-қўшнилар ҳам яхшилик қилишимизга ҳақдор кишилардандир. Ҳар доим ёнма-ён яшайдиган кўни-қўшнилар билан яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш буюрилган. Чунки қариндошларни бир ойда бир кўрсак, қўшнимизни ҳар куни кўрамыз. Кўни-қўшниси билан яхши муомалада бўлиб, меҳр-оқибат кўрсатиб яшайдиган кишилар бахтли кишилардир. Ҳаётда ҳамма бири-бирига муҳтож бўлиб яшайди. Бири бой-бадавлат бўлса, яна бири фақир. Бири раҳбар бўлса, бири ходим. Аллоҳ таоло бир кишига мартаба-мансаб ато этиб, унга кимларнидир муҳтож қилиб қўйган бўлса, бундан ғурурга кетмаслиги керак. Бунинг учун Яратган Зотга шукр айтиб, қўл остидагиларга яхши муомалада бўлса,

бундай бошлиқ ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади, ходимлари томонидан иззат-икром қилинади, уни ҳамма яхшилик билан эслайди.

Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَلَا تَسْتَوِي الْحَسَنَةُ وَلَا السَّيِّئَةُ ادْفَعِ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ
فَإِذَا الَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ عَدَاوَةٌ كَأَنَّهُ وَلِيٌّ حَمِيمٌ



«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Яхши бўлган нарса ила даф қил. Қарабсанки, сен билан орасида адовати бор кимса худди кадрдон дўстдек бўлур» (*Фуссилат сураси, 34-оят*).

Ислом динида ёмонлик қилган одамдан худди ўзига ўхшаб қасос ва ўч олиш бор. Лекин унинг ортидан афв этишга ҳам тарғиб қилинади. Насронийлик динида «Агар юзингга тарсаки уришса, иккинчи юзингни унга тутиб бергин, сенга душманлар ғазаб қилса, сен ғазаб қилма», деган қараш мавжуд. Ислом динида бу нарса йўқ. Бирор киши азият етказса, ундан худди шу тарика қасос олишга рухсат берилади. Шундай қилинмаса, одамлар ўртасида ноҳақлик кўпайиб кетади. Мазлумлар зулм қилувчилардан ҳеч қачон ўз ҳақларини талаб қилмай кўядилар. Бу эса жамиятда адолатсизликни келтириб чиқаради. Лекин бундай ҳолатларда қасос олиш жабр кўрувчининг ҳукмига ҳавола қилиниб, кечериши ўзига яхшироқ экани маълум қилинади. Яъни икки ишдан бирини – ё ўч олиш, ё кечеришни танлашга ихтиёр берилади. Ушбу ояти каримада агар бир ёмонлик етса, сен уни яхшилик билан даф қилсанг, ўртада дўстлик ҳосил бўлади, дейилмоқда.

Аллоҳ таоло яна шундай марҳамат қилади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ

«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»
(Ҳужжурот сураси, 10-оят).

Ҳеч бир мўмин-мусулмон ўз биродарига зулм ёки ёмонлик қилмайди. Агар ёмонлик қилса ҳам, дарҳол кечирим сўраб, жабр кўрган биродарини рози қилишга ҳаракат қилади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَبَاغَضُوا، وَلَا تَحَاسَدُوا، وَلَا تَدَابَرُوا، وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا، وَلَا يَحِلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Бир-бирингизни ёмон кўрманг. Бир-бирингизга ҳасад қилманг. Бир-бирингизга орқа ўгириб кетманг. Эй Аллоҳнинг бандалари, ўзаро биродар бўлинглар. Мусулмон киши бошқа бир мусулмон билан уч кун гаплашмасдан аразлашиб юриши ҳалол эмас», дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Мазкур ҳадиси шарифда мўмин кишининг яна бир мўмин кишига қандай муомалада бўлиши аниқ кўрсатиб берилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «تُفْتَحُ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ يَوْمَ الْاِثْنَيْنِ وَيَوْمَ الْخَمِيسِ، فَيُغْفَرُ لِكُلِّ عَبْدٍ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ

شَيْئًا، إِلَّا رَجُلًا كَانَتْ بَيْنَهُ وَبَيْنَ أَخِيهِ شَحْنَاءٌ، فَيُقَالُ: أَنْظَرُوا هَذَيْنِ حَتَّى يَصْطَلِحَا، أَنْظَرُوا هَذَيْنِ حَتَّى يَصْطَلِحَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Душанба ва пайшанба кунлари жаннат эшиклари очилади. Ҳамда Аллоҳ таолога бирор нарсани шерик қилмаган бандаларнинг гуноҳлари кечирилади. Лекин бир киши билан биродари ўрта-сида адоват бўлса, гуноҳлари кечирилмайди ва «Бу иккови ярашгунча муҳлат бериб туринглар! Бу иккови ярашгунча муҳлат бериб туринглар! Бу иккови ярашгунча муҳлат бериб туринглар!» деб айтилади» (Имом Муслим ривоят қилган).

Мазкур ҳадиси шарифда одамзод бошқаларга яхшилик қилиб, ўзига ажр-савоб йиғиши учун Ислом дини унга нақадар кенг йўл очиб берганига шоҳид бўламиз. Инсон кўлидаги нарсани садақа қилиб, савоб олиши мумкин. Агар ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам, яхшилик қилишга йўл бор. Бир одамга яхши сўз айтиб, кўнглини шод қилиб ҳам, катта ажр-савоб қозониш мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Биродарингнинг юзига жилмайиб боқишинг ҳам садақадир**», деганлар.

Бошқа бир ҳадиси шарифда: «**Одамлар ўтадиган йўлдан халақит берадиган нарсани олиб ташлаш ҳам садақадир**», дейилган. Йўлда ётган тош ёки бошқа халақит берадиган нарсани олиб ташлаш билан ҳам ажр-савоб топиш мумкин экан. Имом Ғаззолий раҳма-туллоҳи алайҳ: «Аллоҳ таоло инсонга мол ва жон неъ-

матини берган, бадан ибодатлари ўша жон неъматининг шукронасидир», дейди.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам жуда саховатли эдилар. Ҳеч бир инсон бу борада у зотга тенг кела олмасди».

Садақа, эҳсон ва нафақа ана шу саховатнинг омиллари ҳисобланади. Биз садақа, нафақа ва эҳсонни алоҳида нарсалар деб тушунамиз ва уларнинг бир-бирига алоқаси йўқ, деб ўйлаймиз. Аслида бу учта истилоҳнинг маъноси бир-биридан фарқ қилмайди. Жамиятда одамлар ўртасини боғлаб, меҳр-муҳаббатини сақлаб турадиган омилларнинг энг асосийси эҳсон, садақа ва нафақадир. Биз бандалар бу нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тақводорларни оғир, шиддатли кунларда ҳам, яхши кунларда ҳам эҳсон қиладиганлар, деб таърифлайди. Тақводор киши ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳсон қилишни, хайрли ишлар қилишни асло ёддан чиқармайди. Чунки ҳар бир кун ва ҳар бир иш Аллоҳ таолонинг изни-ихтиёрида. Аллоҳ таоло «Бўл», деса, амалга ошади, «Бўл», демаса, амалга ошмайди. Амалга ошмаса, тақводор киши сиқилмайди, ишим юришмаяпти, деб ўксинмайди. Яхши тақдир ҳам, ёмон тақдир ҳам Аллоҳдан, деб иймон келтирганмиз. Шу боис яхшилик етиб, ҳамма томондан иши юришиб, омади чопса ҳам, мўмин-мусулмон киши ҳаддан ошмайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизни дунёга келтириб, имтиҳон қилаётган экан, сусткашлик қилмайлик, эҳсон ва хайрли ишларда бардавом бўлайлик. Бизнинг мақсадимиз охират ажр-савобини қозониш экан, қўлимиздан келганича яхшилик қилишга ҳаракат қилайлик.

ШУКР ВА НОШУКРЛИК

Юртимиз истиқлолга эришмасидан олдинги давр халқ ҳаётини ҳозиргисига мутлақо солиштириб бўлмайди. Буни диний кадрият ва маросимларга муносабат борасида ҳам кўриш мумкин. Даҳрийлик асосига қурилган тузум даврида халқимиз диний эркинликдан маҳрум этилиб, ибодатларни эмин-эркин бажара олмаган. Алҳамдулиллаҳ, бугунги кунда обод ва озода масжидларимиз иймон нуридан чароғон. Бундан ташқари, масжидларда яратилган қулайлик ва шарт-шароитларга юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ҳам ҳавас билан қарашмоқда. Демак, динимиз ва диний кадриятларимиз равнақида истиқлолнинг ўрни бениҳоя катта. Бунинг учун қанча шукрона айтсак ҳам камлик қилади. Аллоҳнинг улуғ ва гўзал исмларидан бири Шакурдир. «Шакур» сўзи араб тилида яхшиликларни билиш, илоҳий неъматларни эътироф этиш, макташ ва улуғлаш деган маъноларни англатади. Бизнинг аجدодларимиз Аллоҳнинг улуғ неъматларидан бири – оддий сув ва нонни эъзозлаб, улуғлаб келгани, умуман, Аллоҳ таолонинг ҳар бир куни, ҳар бир неъматига шукр қилишни биладиган халқ бўлгани тарихдан маълум. Зотан, Аллоҳ таоло бандаларини Ўзини ёд этиб, шукр қилиб яшашга буюради:

فَاذْكُرُونِي أَذْكَرْتُكُمْ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ ﴿١٥٢﴾

«Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман. Менга шукр қилингиз, ношукрчилик қилмангиз!» (Бақара сураси, 152-оят).

Оддий неъматлар қадрига етган халқ улуғ неъматларни ҳам қадрлашига шак-шубҳа йўқ. Кексаларимиз ёшларга «Ҳар бир нарсанинг уволи бор», «Уволидан кўрк», дея такрор-такрор уқтирадилар. Чунки ўтган асрнинг очарчилик йилларида яшаган халқимиз очликдан жон сақлаб қолиш учун қимматбаҳо буюмларни бир парча нонга алмашилганига гувоҳ бўлган. Ўша йилларнинг тирик гувоҳи бўлган кексаларимизнинг айтишича, ейишга нон топа олмаганидан кунжара еб, кўча-кўйда қорни шишиб жон берган одамлар ҳам бўлган. Қаҳатчиликни бошидан кечирган кексаларимиз ҳозирги тўкинчилик замонида ҳам ҳатто ерга тушиб қолган нон ушоғини ҳам юз-кўзларига суртиб, олиб қўйишади. Шундай вақтлар бўлдики, нонни бу қадар эъзозлашни қоралаб, буни ширк дейдиганлар ҳам чиқди. Нонни эъзозлаб, кўзга суртиб олиб қўйиш қандай қилиб ширк бўлиши мумкин? Бир ҳукми айтиш учун етарли асос ва ҳужжат-далил бўлиши керак. Бизнинг ота-боболаримиз Аллоҳ яккаю ягона Зот, деган эътиқодда яшаб келишган, нонни эъзозлаш эса ана шу ягона Зот – Аллоҳ берган неъматни қадрлаш ва ҳурматлаш маъносида бўлган. Улар нон бўлмаса, ҳаётим тамом бўлади, очдан ўлиб кетаман, деган акийдада бўлишмаган, шунчаки оддий нонни ҳам Аллоҳнинг улуғ неъматидан даражасида кўришган. Аллоҳ таоло Ўзининг улуғ неъматлари тўғрисида Қуръони Каримда шундай хабар берган:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا أَنْ أَخْرِجْ
 قَوْمَكَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَذَكِّرْهُمْ بِآيَاتِنَا
 إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ

وَيَقُولُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَسْتَ مُرْسَلًا ۗ قُلْ كَفَىٰ بِاللَّهِ
 شَهِيدًا بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ وَمَنْ عِنْدَهُ عِلْمُ الْكِتَابِ ﴿٤٣﴾
 الرَّكَّتُ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى
 النُّورِ بِإِذْنِ رَبِّهِمْ إِلَى صِرَاطٍ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ ﴿١﴾ اللَّهُ
 الَّذِي لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ

«Дарҳақиқат, Биз Мусони (Бани Исроил қавмига) мўъжизаларимиз билан юбориб (унга дедик): «Қавмингни зулматлар(куфр)дан нур(имон)га олиб чиққин ва уларга Аллоҳнинг кунларини (ўтмиш воқеаларини ёки неъматларини) эслатгин! Албатта, бунда ҳар бир сабрли ва шукр қилувчи киши учун аломатлар бордир». Ўшанда Мусо қавмига айтди: «Аллоҳнинг сизларга берган неъматини – сизларни оғир азоблар билан қийнаётган, ўғилларингизни сўйиб, қизларингизни тирик қолдираётган Фиръавн зодагонларидан қутқарганимизни эслангиз. Ана ўша (иш)ларда Парвардигорингиз томонидан улкан синов бордир». Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: «Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир» (Иброҳим сураси, 5–7-оятлар).

Мазкур ояти карималарда Аллоҳ таоло Ўзининг улуғ неъматларини бирма-бир зикр қилиб ўтмоқда. Бир қавмининг зулматдан нурга чиқиши улуғ неъматлардан биридир. Мусо алайҳиссалом ўз қавмини Фиръавн зулмидан ёруғликка, мустақилликка олиб чиққанларидан кейин қавмлари яна туғёнга кетиб, ҳаддидан ошди. Ана шуни

эслатиб қўйиш учун мазкур оятлар нозил бўлди ва Аллоҳ таоло уларга ўтган қора кунларини эслаб, ношукрчилик қилмасликни Ўз Пайғамбари орқали етказди. Бизлар ҳам мустақиллик неъматини қадрлаб, ҳақсизлик, очарчилик, эркисизлик ва даҳрий тузумнинг турли тазйиқ ва таҳқирларидан озодликка олиб чиққан Роббимизга ҳар қанча шукроналар айтсак, кам. Фиръавн шу қадар ҳаддан ошиб, туғёнга кетган эдики, Бану Исроилда ўғил бола туғилса, ўша заҳоти сўйиб ўлдирар, қизларини тирик қолдириб, хорлар эди. Биз мазкур ишларда улуғ Роббимизнинг улкан синов-имтиҳони борлигини унутмаслигимиз керак. Бану Исроил ношукрчилик йўлини тутганида Аллоҳ таоло уларга улуғ неъматларини эслатиб қўйди:

«У сизни Оли Фиръавндан қутқарди. Улар сизга бардавом ёмон азоб берардилар».

Бу каби ҳолат бизнинг халқимиз бошига ҳам тушди. Кечагина аждодлари аллома ва мутафаккир ўтган халқ ёппасига саводсиз ва қолоқ, деб таҳқирланди. Аждодлари Ислом дини неъматидан баҳраманд бўлиб, дунё халқларига улкан илмий кашфиётлари билан танилган халққа таҳқирона назар билан қарайдиган бўлишди. Аллоҳ таолога ҳамду саноларимиз бўлсинки, У Зот бизларни ана шундай зулматдан ёруғликка олиб чиқди. Шунинг ўзи бизларга улкан сабоқ эмасми? Шуларнинг ўзи ҳар қанча шукроналар айтишимизга арзимайдими?

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَأَتَاكُمْ مِنْ كُلِّ مَا سَأَلْتُمُوهُ وَإِنْ تَعُدُّوا نِعْمَتَ اللَّهِ لَا تَحْصُوهَا إِنْ الْإِنْسَانَ لَظَلُومٌ كَفَّارٌ ﴿٣٤﴾

«Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)-ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз. Ҳақиқатан, инсон (ўзига) ўта золим ва (Раббига) жуда ношукр-дир» (Иброҳим сураси, 34-оят).

Ақл эгалари учун ушбу оят етарли ибратдир. Бу дунёда бизга ато этилган неъматларни бирма-бир санаб, рўйхат қиладиган бўлсак, жилд-жилд китоб бўлади. Аллоҳ таоло инсонни золим ва ношукр, деб атамоқда. Ношукрлик эса неъматларни нафақат кетказди, балки кишини Аллоҳнинг шиддатли азобига йўликтиради. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿وَإِذِ اسْتَسْقَىٰ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ فَقُلْنَا اضْرِبْ بِعَصَاكَ الْحَجَرَ فَانفَجَرَتْ مِنْهُ اثْنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا قَدْ عَلِمَ كُلُّ أُنَاسٍ مَّشْرِبَهُمْ كَلُوا وَاشْرَبُوا مِنْ رِزْقِ اللَّهِ وَلَا تَعْتُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿٦٠﴾ وَإِذْ قُلْتُمْ يَا مُوسَىٰ لَنْ نَصْبِرَ عَلَىٰ طَعَامٍ وَاحِدٍ فَادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُخْرِجْ لَنَا مِمَّا تُنْبِتُ الْأَرْضُ مِنْ بَقْلِهَا وَقِثَّائِهَا وَفُومِهَا وَعَدَسِيهَا وَبَصِلَهَا ۗ قَالَ أَتَسْتَبْدِلُونَ الَّذِي هُوَ أَدْنَىٰ بِالَّذِي هُوَ خَيْرٌ ۗ اهْبِطُوا مِصْرًا فَإِنَّ لَكُمْ مِمَّا سَأَلْتُمْ وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الذَّلِيلَةُ وَالْمَسْكَانَةُ وَبَاءُوا بِغَضَبٍ مِنَ اللَّهِ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا يَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ النَّبِيِّنَ بِغَيْرِ الْحَقِّ ذَٰلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ ﴿٦١﴾﴾

«Эсланг, (эй Исроил авлоди!) Мусо ўз қавми учун сув сўраганида, «Асойингни тошга ур!» дедик. Бас, ундан (тошдан) ўн икки чашма отилиб чиқди. (Ўн икки уруғдан) ҳар бир гуруҳ ўз сувини билиб (таксимлаб) олди. Яна «Аллоҳнинг ризқидан еб-ичингиз, Ер юзида бузғунчилик қилмангиз! (дедик)». Яна эсланг, «Эй Мусо, биз бир (хил) таом (ейиш)га сабр қила олмаёпмиз. Раббингдан дуо қилиб сўра, бизга Ер (ўзидан) ундириб чиқарадиган бодринг, саримсоқ, мошловия, пиёз каби сабзавотлардан етиштириб берсин», деганингизда, у: «Яхши нарсани паст нарсага алмаштирмоқчимисизлар, (бирор) шаҳарга тушингиз, (у ерда) сизлар учун сўраган нарсангиз бор», деган эди. Уларга (бу ношукрликлари туфайли) хорлик ва мискинлик битиб қўйилди ҳамда Аллоҳнинг ғазабига учрадилар. Бунга уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилганлари ва пайғамбарларни ноҳақ қатл этганлари сабаб бўлди. Яна бошқа сабаби эса уларнинг итоатсизликлари ва тажовузкорликларидир» (Бақара сураси, 60-61-оятлар).

Мазкур оятда Мусо алайҳиссаломга неъматларга ношукрчилик қилиб, уларни инкор этган қавмдан Аллоҳ таолонинг беҳожатлиги, У Зот бандаларининг шукрига ҳам, ношукрлигига ҳам муҳтож эмаслиги, шукрдан фақат банданинг ўзи фойда кўриши, ношукрликдан ҳам фақат ўзи зарар кўриши айтилади. Бу ҳақда Имом Муслимининг «Саҳиҳ»ида қуйидаги ҳадиси қудсий келтирилган:

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فِيمَا رَوَى عَنِ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى أَنَّهُ قَالَ: «... يَا عِبَادِي لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَأَخْرِكُمْ وَإِنْسَكُمْ

وَجَنَّتُمْ كَانُوا عَلَىٰ أَتَقَىٰ قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ مِنْكُمْ، مَا زَادَ ذَلِكَ فِي
مُلْكِي شَيْئًا...». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ табарока ва таолодан ривоят қиладилар: «У Зот: «Эй бандаларим, сизларнинг аввалингиз, охиригиз, инсингиз, жинларингиз – ҳаммаси бир тақводор одамнинг қалбига эга бўлса ҳам, Менинг мулкимда бирон-бир нарса зиёда бўлмайди», деди».

Ҳа, шундай! Бутун олам ва борликдаги кучлар тўпланса ҳам, Аллоҳнинг мулк-давлатидан заррача нарсани камайтира олмайди. Мўмин кишининг ишини ана шундай ажойиб қилиб қўйгани учун Аллоҳга чексиз ҳамду санолар айтишимиз лозим.

عَنْ صُهَيْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ، إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ خَيْرٌ، وَلَيْسَ ذَاكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ، إِنَّ أَصَابَتُهُ سَرَّاءُ شَكَرٍ، فَكَانَ خَيْرًا لَهُ، وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَاءُ صَبْرٍ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўминнинг иши ажойиб ва ҳайратлидир. Ҳамма иши унга яхшилик келтираверади. Бу мўминларга хос бўлиб, улардан бошқаларда ундай эмас. Агар унга хурсанд қилувчи нарса етса, шукр қилади. Бу унинг учун ях-

шидир. Агар зарар берувчи нарса етса, сабр қилади. Бу ҳам унинг учун яхши бўлади», дедилар» (Имом Муслим ривоят қилган).

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَالضُّحَىٰ ۝١ وَاللَّيْلِ إِذَا سَجَىٰ ۝٢ مَا وَدَّعَكَ رَبُّكَ وَمَا قَلَىٰ ۝٣
 وَالْآخِرَةُ خَيْرٌ لَّكَ مِنَ الْأُولَىٰ ۝٤ وَسَوْفَ يُعْطِيكَ رَبُّكَ فَتَرْضَىٰ ۝٥
 أَلَمْ يَجِدْكَ يَتِيمًا فَآوَىٰ ۝٦ وَوَجَدَكَ ضَالًّا فَهَدَىٰ ۝٧
 وَوَجَدَكَ عَائِلًا فَأَغْنَىٰ ۝٨ فَأَمَّا الْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ ۝٩ وَأَمَّا السَّائِلَ
 فَلَا تَنْهَرْ ۝١٠ وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ ۝١١

«Қасамёд этурман чошгоҳ вақти билан ва (ўз зулмати билан атрофни) қоплаб турган тун биланки, (эй Муҳаммад!) Раббингиз Сиздан воз кечгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ! Албатта, Сиз учун охираг (саодати) дунё (фароғати)дан яхшироқдир. Яқинда Раббингиз Сизга (шундай неъматларни) ато этурки, Сиз, албатта, (ундан) рози бўлурсиз. (Эй Муҳаммад! Раббингиз) Сизни етим ҳолда топиб, бошпана бермадимми?! Яна Сизни хайрон ҳолда топиб, (тўғри йўлга) ҳидоят қилиб қўймадимми?! Сизни камбағал ҳолда топиб, (Хадичага уйланишингиз туфайли) бой қилиб қўймадимми?! Бас, энди Сиз (ҳам) етимга қаҳр қилманг! Соил (гадо)ни эса (малол олиб) жеркиманг! Раббингизнинг (Сизга ато этган барча) неъматини ҳақида эса (одамларга) сўзланг!» (Зуҳо сураси, 1–11-оятлар).

Мазкур ояти каримада Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ато этган улуғ неъматларини бирма-бир

зикр этиб ўтган. Бу у зотнинг умматларига ҳам ибрат олишлари учун етарли насихатдир. Ҳаётда мухтож ва ночор ҳолга тушиб қолган киши сабр-қаноат ва иймон-ихлос билан амал қилиб борса, Аллоҳ таоло унга мухтожликдан чиқиш йўлини кўрсатади. Ҳатто ўзи ҳам бунга муъжиза каби қарайди. Чунки қийналиб, боши қотган, нима қилишни, кимдан нажот сўрашни билмаган вақтда Аллоҳ таолони ёдга олади ва бутун вужуди билан Унга ёлворади. Ана шу вақтда Аллоҳ таоло унга ёрдам беради. Бу кўпчиликда рўй берадиган ҳолат. Фақат ношукр инсон бунини унутиб, ҳамма ишни ўз ақлим билан қилдим, ҳамма ютуққа ўз куч-иродам билан етишдим, деб адашади. Қуйидаги ояти карима бу сўзимизни янада тасдиқлайди:

هُوَ الَّذِي يُسَيِّرُكُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ حَتَّىٰ إِذَا كُنْتُمْ فِي الْفُلِكِ
وَجَرَيْنَ بِهِم بِرِيحٍ طَيِّبَةٍ وَفَرِحُوا بِهَا جَاءَتْهَا رِيحٌ عَاصِفٌ
وَجَاءَهُمُ الْمَوْجُ مِنْ كُلِّ مَكَانٍ وَظَنُّوا أَنَّهُمْ أُحِيطَ بِهِمْ دَعَوُا
اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ لَئِنِ أَنْجَيْتَنَا مِنْ هَذِهِ لَنَكُونَنَّ مِنَ
الشَّاكِرِينَ



«У сизларни куруқлик ва денгизда сайр қилди-
рур. Сизлар кемаларда бўлган пайтингизда ва улар
майин шамол билан уларни (сизларни) олиб кетаёт-
ганида ва улар бундан шодланиб турганларида, қат-
тиқ шамол ҳамда ҳар томондан тўлқин келганда,
улар қуршовда қолганларини билиб, «Агар шундан
бизни халос қилсанг, албатта, шукр қилувчилардан
бўлурмиз!» деб ихлос билан Аллоҳга илтижо қилур-
лар» (Юнус сураси, 22-оят).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ لَا يَشْكُرُ اللَّهَ لَا يَشْكُرُ النَّاسَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَلَفْظُهُ: «مَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللَّهَ».

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Жим Аллоҳга шукр қилмаса, одамларга ҳам ташаккур қилмайди**», дедилар» (Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган).

Термизийнинг лафзида: «**Одамларга ташаккур қилмаган Аллоҳга шукр қилмайди**», дейилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, шукр фақат «Алҳамдулиллаҳ», дейиш билан бўлмайди. Шукр хиссий туйғу орқали тилда зоҳир бўлиб, амалда кўринадиган ибодат ва хислат саналади. Шукр туйғу ва ҳисдан холи бўлса, у мукамал ҳисобланмайди. Миннатдорлик туйғуси аввал қалбда рўй бериши лозим. Қалб хиссидан шукр қилиш хисси уйғонади, ундан кейин тилда «Алҳамдулиллаҳ», дейилиб, амалларда намоён бўлади.

Неъматлар икки турга бўлинади: моддий ва маънавий.

Имом Ғаззолий раҳимахуллоҳ: «Аллоҳ субҳанаху ва таоло инсонга жон ва мол неъматини берган. Бадан ибодатлари жон неъматининг шукридир, молиявий ибодатлар мол неъматининг шукридир», деган. Ҳасан ибн Али бу борада шундай деган: «Аллоҳнинг неъматлари шукр қилиб, адоғига етиб бўлмайдиган даражада кўп. Лекин банда Аллоҳ қодир қилганича шукр қила олади. Одам фарзандининг гуноҳи кечириб бўлмайдиган даражада кўп. Лекин Аллоҳ уларни кечиб юборади».

Баъзи бир неъматлар шукри «Алҳамдулиллаҳ» дейиш билан адо этилса, баъзи неъматлар шукрини бажо

келтиришга инсон умри камлик қилади. Масалан, оладиган ҳар бир нафасимиз битта неъмат. Олинган нафасни ташқарига чиқаришимиз ҳам яна бир неъмат ҳисобланади. Демак, умримиз давомида олиб, чиқарадиган нафасимизда Аллоҳни зикр қилсаккина, унинг шукрини адо қиламиз. Лекин буни ҳеч ким уддалай олмайди. Бутун умрини Аллоҳга ҳамд айтиш билан ўтказишга ҳеч ким қодир эмас. Шунинг учун жон неъматининг шукри бадан ибодатлари – намоз, рўза ва ҳоказолар, мол неъматининг шукри молиявий ибодатлар – закот, садақот, каффорат, фидя, нафақа ва ҳоказолар билан амалга оширилади. Мана шулар неъматларнинг шукрини адо этишдир. Ибн Абу Шайба ривоят қилган ҳадисда айтилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Такосур сурасини ўқидилар. Биздан баъзилар: «Эй Аллоҳнинг Расули, қайси неъмат ҳақида сўраламиз? Ҳолбуки, бизнинг хурмо билан сувдан бошқа нарсамиз йўқ, душман қиличини яланғочлаб келиб турибди. Қайси неъмат ҳақида сўраламиз?» деб ношукрчилик қилишди. Набий алайҳиссалом: «Бу нарса (яъни ҳисоб-китоб) албатта бўлади», дедилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «نِعْمَتَانِ مَغْبُورٌ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ: الصَّحَّةُ وَالْفَرَاغُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кўп одамлар бебаҳра бўлган икки неъмат бор: соғлик ва бўш вақт**», дедилар» (*Имом Бухорий, Имом Термизий, Насоий ва Ибн Можжа ривоят қилишган*).

Кўпчилик кишилар ана шу икки неъматнинг қадрига етмайди. Бу неъматларни кўлдан бой берган вақтда афсус-надомат қилиб қолишади. Агар соғлиқ бўлмаса, инсонга бошқа ҳеч қандай неъмат татимайди. Жон ҳалқумга келганда ёки қариб-қартайиб, кўлидан бирон иш келмай қолганида вақтнинг қадри билинади.

Савдогарнинг молини ўз нархидан анча арзонга сотиб, ютқизиб кўйиши «ғобн» дейилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам соғлиқ ва вақтнинг қадрига етмасликни шунга ўхшатган эканлар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحْصِنٍ، عَنْ أَبِيهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمْ آمِنًا فِي سِرْبِهِ، مُعَافَى فِي جَسَدِهِ، عِنْدَهُ قُوَّةٌ يَوْمِهِ، فَكَأَنَّمَا حِيزَتْ لَهُ الدُّنْيَا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Убайдуллоҳ ибн Муҳсандан, у отаси розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким тонгда уйқудан хотиржам ва тинч уйғонса, тана соғ бўлса ва бир кунлик озуқаси бўлса, унда дунёнинг ҳамма неъматлари жамулжам бўлибди»**, дедилар» *(Термизий ривоят қилган).*

Бу неъматларга эса тинимсиз шукр қилиши керак. Машҳур мутасаввиф уламолардан бири ҳазрати Шақиқ ибн Иброҳим: «Агар мўмин банданинг ҳаёти тинч ва хотиржам бўлса, дунё ва охиратнинг энг катта неъматлари унда жам бўлибди», дейди. Дунёнинг улуғ неъматлари тинчлик ва хотиржамлик бўлса, охиратнинг энг катта неъматлари Ислом неъматидир. Нолиш, арз-шиқоят қилиш билан яхшиликка эришиб бўлмайди. Мўмин-мусулмоннинг

юзи нурли бўлади. Дунёнинг ҳар бир арзимас ташвиши учун сиқилиш, атрофдагиларга нисбатан нафрат билан қараш, ҳар кимдан норози бўлавериш эса бу нурни кетказиб қўяди. Мўмин-мусулмон кишининг яшаётган ҳаётидан розилиги юзи, сўзи ва амалида билиниб туради. Ҳаётдан рози бўлиб яшаш Аллоҳнинг неъматларини зиёда қилади. Неъматларга шукр қилиш билан Аллоҳнинг розилигини топамиз. У Зот қиёмат куни Ўзининг берган неъматлари ҳақида ҳар битта бандасидан – мўминдан ҳам, кофирдан ҳам сўрайди. Ҳеч бир зот сўралмай қолиши мумкин эмас. Неъматлар эса беҳисоб, унинг адоғига етиш душвор. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барчамизни шукр неъматини адо этишга муваффақ айласин.

АСРАБ ОЛИНГАН ЕТИМНИ УРИШ МУМКИНМИ?

Баркамол авлод тарбияси, фарзанд одоби, етим-есирларга раҳм-шафқат кўрсатиш жамиятимизнинг долзарб муаммоларидин биридир. Халқимиз болани жуда яхши кўради. «Бола ширин, одоби ундан ширин» деган мақол бежиз айтилмаган. Ҳар бир ота-она ўзи емаса емас, ўзи киймаса киймас, лекин фарзандларини оч-наҳор қўйишга кўзи қиймайди, кўнгли ўксимасдан вояга етсин деб, бор-йўғини фарзанди учун сарфлайди. Тарбияли, одоб-ахлоқли бўлиб вояга етган фарзанд ота-онасига олқиш олиб беради. Агар бетарбия, беодоб бўлиб улғайса, ундан ёмони йўқ – ота-она кўчада бошини кўтара олмай қолади. Динимизда фарзанд тарбиясига жиддий қаралади. Ўз фарзандларини қаровсиз қолдиришга ҳеч бир ота-онанинг ҳаққи йўқ. Лекин ҳаётда рўй берадиган турли вазият, фалокат ёки мусибат туфайли баъзи норасида болаларнинг ота-онасидан етим қолиш ҳолатлари учраб туради. Бу фарзанд учун, оила учун энг катта

фожиадир. Чунки ёш бола ҳали ўзини эплай олмайди, озиқ-овқат, кийим-кечакка эга бўлиш учун катталарнинг кўмагига муҳтож бўлади. Агар қарамоғига олган одам инсофли, диёнатли бўлса, етимнинг кўнглини ўқситмайди, уни ўз фарзандлари қаторида кўради. Агар бунинг акси бўлса, етимни ўқситиши, қалбига озор бериши ва ҳатто еб-ичишдан ҳам қисиб қўйиши мумкин.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам етимлик жабр-ситамини тотганлар. Аммо у зотга Аллоҳ таолонинг Ўзи меҳрибонлик кўрсатиб, яқинларининг меҳр-муҳаббатини дариг тутмади. У Зот Зуҳо сурасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ана шу меҳрибонлигини эслатиб, шундай марҳамат қилади:

وَوَجَدَكَ ضَالًّا فَهَدَىٰ ﴿٧﴾ وَوَجَدَكَ عَائِلًا فَأَغْنَىٰ ﴿٨﴾ فَأَمَّا
 الْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ ﴿٩﴾ وَأَمَّا السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ ﴿١٠﴾ وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ
 فَحَدِّثْ ﴿١١﴾

«Яна Сизни гумроҳ (ғофил) ҳолда топиб, (тўғри йўлга) ҳидоят қилиб қўймадимми?! Сизни камбағал ҳолда топиб, (Хадичага уйланишингиз туфайли) бой қилиб қўймадимми?! Бас, энди Сиз (ҳам) етимга қаҳр қилманг! Соил (гадо)ни эса (малол олиб) жеркиманг! Раббингизнинг (Сизга ато этган барча) неъматини ҳақида эса (одамларга) сўзланг!» (7–11-оятлар).

Бағрикенглик асосидаги динимиз ота-онадан эрта айрилиб, етим қолган болаларга ғамхўрлик қилиш катта савоб эканини маълум қилди ва уларнинг ҳақларига хиёнат қилмаслик масаласига жиддий эътибор берди. Ота-онадан эрта айрилган болаларни энг аввал ўз яқинлари

қарамоғига олишга ҳақли. Агар яқин қариндошлари бўлмаса, узоқроқ қариндош ёки савобталаб бегона кишилар ҳам қарамоғларига олишлари мумкин. Улуғ Китобимиз Куръони Каримда етимлар ҳаққи ва жавобгарлиги алоҳида таъкидлаб келтирилади. Вояга етмай туриб каровсиз қолган, яъни отасидан айрилган бола етим дейилади. «Етим» сўзи арабча «ятим» сўзидан олинган бўлиб, етим қиз бола ятима дейилади. Агар бола онасидан ҳам ажраб қолса, у латим дейилади. Бундай болалар вояга етгач, уларга етим деб қаралмайди. Динимиз кишиларни етимпарвар бўлишга, етимлар бошини сийлашга буюради. Етим болани вояга етказиб, жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам беришнинг савоби жуда катта. Динимизда бола асраб олиш табанний дейилади. Шунини яхши билишимиз керакки, бола асраб олишда мақсад уни бутунлай ўзиники қилиб олиш эмас, балки ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишига кўмаклашиш ва шу сабабли ажр-савоб топиш бўлиши лозим. Агар боқиб олинган бола асл ота-онаси бошқалигини аниқ билмаса, асраб олганлар уни ўз номларига ўтказиб, бу менинг болам, дейишга шаръан ҳақлари йўқ. Ота-онасидан етим қолган болани боқиб олаётган одам унга ўз номини бериши мумкин, лекин бундан мақсади болани ўзиники қилиб олиб, ота-онаси бошқа эканини ундан яшириш бўлмаслиги, балки уни соғ-саломат вояга етказиш орқали ажр-савобга эришишни қасд қилиши лозим.

Одатда, асосан фарзанд кўрмаган оилалар етим болаларни асраб олишади. Лекин шариатимизда етим асраш учун фарзандсиз бўлиш шарт қилинмаган. Бефарзанд кишилар ҳам етимни ўз қарамоғига олишлари жоиздир. Аллоҳ субҳанаху ва таоло шундай марҳамат қилади:

❁ لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُولُوا وَجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ
 الْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِاللّٰهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ
 وَالنَّبِيِّنَ وَءَاتَى الْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهِ ذَوِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ
 وَالْمَسْكِينِ وَأَبْنَ السَّبِيلِ وَالسَّائِلِينَ فِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ
 الصَّلَاةَ وَءَاتَى الزَّكَاةَ وَالْمُؤْتُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا
 وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ أُولَئِكَ الَّذِينَ
 صَدَقُوا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ ﴿١٧٧﴾

«Юзларингизни Машрик ва Мағриб томонлари-
 га буришингиз (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) ях-
 шилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фариш-
 таларга, китобларга, пайғамбарларга имон келтир-
 ган, ўзи яхши кўрган молидан қариндошларига,
 етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга
 ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни
 тўқис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва ке-
 лишилган аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек,
 оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилув-
 чилар яхшилик (аҳли)дир. Айнан ўшалар (имонла-
 рида) содиқдирлар ва айнан ўшалар тақводордир-
 лар» (Бақара сураси, 177-оят).

Мазкур ояти каримада Аллоҳга, қиёмат кунига, фа-
 ришталарга, китобларга ва пайғамбарларга иймон кел-
 тириш яхшиликларнинг энг улуғлари экани билдирил-
 моқда. Шунингдек, ўзи яхши кўрган молидан қарин-
 дошларга, етимларга, мискинларга, кийналиб турган
 мусулмонларга, хайр-эҳсон сўровчиларга, озод бўлиш-

ни истаган кулларга берган кишиларни Аллоҳ таоло содиқлар ва тақводорлар деб атамоқда. Лекин яхшилик деганда фақат моддий ёрдам, нафақа, эҳсон, закот беришнигина эмас, балки намоз ўқиш, аҳд берганда аҳдида туриш, қийинчилик вақтида сабр қилиш кабиларни ҳам тушунишимиз лозим. Мазкур ояти каримада яхшиликнинг бош омилларидан бири маълум тоифаларга моддий ёрдам кўрсатиш эканлиги зикр қилинар экан, энг аввал қариндошлар ва ундан кейин етимлар зикр қилинмоқда. Мазкур илоҳий кўрсатмаларни яхши билган мусулмон халқимиз етимларни ҳеч қачон ўз ҳолига қаровсиз ҳолда ташлаб қўймаган ва етимнинг молини ейишдан кўркқан, уларга ўз молидан едиришни энг савобли амаллардан деб билган.

Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الَّتِي مَنَىٰ قُلُوبُ اِصْلَاحٌ لَهُمْ خَيْرٌ وَّ اِنْ تَخَالَطُوهُمْ فَاِخْوَانُكُمْ وَاَللّٰهُ يَعْلَمُ الْمُفْسِدَ مِنَ الْمَصْلِحِ وَلَوْ شَاءَ اَللّٰهُ لَا اَعْنَتَكُمْ اِنَّ اَللّٰهَ عَزِيزٌ حَكِيْمٌ

۲۲۰

«Сиздан, шунингдек, етимлар тўғрисида сўрамоқдалар. Айтинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар (молларингизга) уларнинг молларини қўшиб юборсангиз (зарари йўқ), зеро, улар (бамисоли) ўз биродарларингиздир. Аллоҳ бузғунчи билан ислоҳ этувчини (фарқини) билади. Агар Аллоҳ хоҳласа, сизларни қийинчиликка солиб қўйган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Бақара сураси, 220-оят).

Мазкур ояти карима етим болани асраб олган кишига унинг ота-онасидан қолган молга қандай муносабатда бўлиш лозимлигини баён қилиб бермоқда. Етим болани бокиб олган одам унинг молини ўзиникига қўшиб юборишининг зарари йўқ. Лекин бунда уни бутунлай ўзлаштириб, етим болани ундан маҳрум этиш нияти бўлмаслиги керак.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху айтишларича, бу икки оят нозил бўлганидан сўнг, етимларни ўз кафолатига олган кишилар, етимларнинг ҳаққини еб қўймайлик, деб, уларнинг овқатларини ҳам, ичимликларини ҳам алоҳида қилиб қўйишган экан. Ҳатто етимдан бирор овқат ортиб қолса, ўзи емаса, бузилиб кетса ҳам, биров емайдиган бўлибди. Бундай қийин ҳолни Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга зикр қилишганида, Аллоҳ таоло «Сендан етимлар ҳақида сўрарлар» оятини нозил қилган экан.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Нисо ва Анъом сурасидаги баъзи оятларда ҳам етимлар ва уларга муомала масаласига алоҳида эътибор қаратади. Нисо сурасида шундай марҳамат қилади:

وَلَا تُؤْتُوا السُّفَهَاءَ أَمْوَالَكُمُ الَّتِي جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ قِيَمًا وَارْزُقُوهُمْ فِيهَا وَاكْسُوهُمْ وَقُولُوا لَهُمْ قَوْلًا مَعْرُوفًا ﴿٥﴾ وَأَبْلُوا إِلَيْنِمَى حَتَّى إِذَا بَلَغُوا النِّكَاحَ فَإِنْ آنَسْتُمْ مِنْهُمْ رُشْدًا فَادْفَعُوا إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ وَلَا تَأْكُلُوهَا إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَنْ يَكْبَرُوا وَمَنْ كَانَ غَنِيًّا فَلْيَسْعَفْ^ط وَمَنْ كَانَ فَقِيرًا فَلْيَأْكُلْ بِالْمَعْرُوفِ^ع فَإِذَا دَفَعْتُمْ إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ فَأَشْهِدُوا عَلَيْهِمْ^ع وَكَفَى بِاللَّهِ حَسِيبًا ﴿٦﴾

«(Қарамоғингиздаги) ақли норасоларга Аллоҳ сизларга (ҳаёт) туруми қилиб қўйган молларингиз (етимларнинг омонат моллари)ни бериб қўймангиз, балки ўша (моллар)дан едиринг, кийдиринг ҳамда уларга яхши гапиринг! Етимларни, то балоғат ёшига етгунларига қадар назорат қилиб (вояга етиш вақтини кузатиб) турингиз: вояга етганларини сезсангиз, (қўлингиздаги омонат) мол-мулкларини ўзларига топширингиз! Уларни исроф қилиб ва (улғайиб қолмасинлар деб) шошқалоқлик билан еб юбормангиз! Ким бой бўлса, (етимнинг мулкидан ейишдан) сақлансин. Агар камбағал бўлса, яхшиликча (меъёрида олиб) есин. Мол-мулкларини ўзларига қайтарганингизда, уларга гувоҳ чакирингиз. Аллоҳ ҳисоб-китобда кифоя қилувчи зотдир» (*Нисо сураси, 5-6-оятлар*).

Анъом сурасида шундай дейилади:

وَلَا تَقْرَبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُ
وَأَوْفُوا بِالْكَيْلِ وَالْمِيزَانَ بِالْقِسْطِ لَا تَكْلَفُ نَفْسًا إِلَّا
وُسْعَهَا وَإِذَا قُلْتُمْ فَاعْدُوا وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰ ۗ وَبِعَهْدِ اللَّهِ
أَوْفُوا ذَٰلِكُمْ وَصَّانِكُمْ بِهِ ۗ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿١٥٢﴾

«То вояга етгунича етимнинг молига яқинлашмангиз, магар чиройли йўл билан (яқинлашишингиз мумкин). Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла адо этингиз! Ҳеч бир жонни тоқатидан ташқарисига таклиф (амр) қилмаймиз. Гапирганингизда (гувоҳ сифатида) гарчи қариндошингиз бўлса ҳам, адолатли бўлинг! Аллоҳнинг (олган) аҳдига эса вафо қилинг.

Эслатма олишингиз учун (Аллоҳ) қилган ҳукм(лар) и мана шу (лар)дир» (152-оят).

Ояти қаримада айтилишича, етим бола вояга етгунича унинг мол-мулкига яқинлашмаслик керак. Бироқ етимни ўз қарамоғига олган кишининг ўзи камбағал ва ночор бўлса, етимнинг мол-мулкани тасарруф этиб, ундан исрофга йўл қўймаган ҳолда фойдаланиши мумкин.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا ﴿١٠﴾

«Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахда куйгайлар» (*Нисо сураси, 10-оят*).

Мазкур оятда етимнинг молини зулм билан ва ноҳақ ейиш қораланмоқда. Бундай ишни қилган одам жаҳаннам ўтида куйиши аниқ. Етимларга яхшилик қилиб, уларни ўз қарамоғига олишнинг ажр-савоби жуда катта. Лекин уларнинг мол-мулкига эгалик қилиш мақсадида қарамоғига олиб, мол-мулкани совуришнинг охиратдаги ҳисоби жуда оғирдир.

عَنِ الْحَسَنِ: أَنَّ يَتِيمًا كَانَ يَحْضُرُ طَعَامَ ابْنِ عُمَرَ، فَدَعَا بِطَعَامِ ذَاتِ يَوْمٍ، فَطَلَبَ يَتِيمَهُ فَلَمْ يَجِدْهُ، فَجَاءَ بَعْدَ مَا فَرَغَ ابْنُ عُمَرَ، فَدَعَا لَهُ ابْنُ عُمَرَ بِطَعَامٍ، لَمْ يَكُنْ عِنْدَهُمْ، فَجَاءَ بِسَوِيْقٍ وَعَسَلٍ، فَقَالَ: دُونَكَ هَذَا، فَوَاللَّهِ، مَا غُبِنْتَ.

يَقُولُ الْحَسَنُ: وَأَبْنُ عُمَرَ وَاللَّهِ! مَا غَبِنَ.

Ҳасандан ривоят қилинади:

«Ибн Умарнинг таомига ҳар доим бир етим ҳозир бўларди. Бир куни Ибн Умар таом келтиришни буюрди. Етимни қидириб, топа олмади. Ибн Умар еб бўлгач, у келди.

Ибн Умар унга ҳам таом келтиришни буюрди. Овқат қолмаган эди. Толқон билан асал келтиришди. Шунда у (Ибн Умар розияллоху анҳу):

«Мана булардан ол, Аллоҳга қасамки, кам бўлмадинг», деди.

Ҳасан: «Аллоҳга қасамки, Ибн Умар ҳам кам бўлмади», деди».

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ келтирган мазкур ривоятда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумонинг қанчалар етимпарвар бўлганларини кўришимиз мумкин.

Етимнинг бошини силаган, раҳмдил, етимпарвар инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Аммо етимнинг дилини оғритиб бўлмайди деб, баъзан ортиқча эркалатиб юбориш унинг безори ва жиноятчи шахс бўлиб етишишига сабаб бўлиб қолади. Халқимизда «Етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон бўлар, етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой бўлар», деган мақол бежиз айтилмаган. Ҳазрати Оиша розияллоху анҳо онамиз Пайғамбар алайҳиссаломдан: «Етимнинг таомидан еса ва одоб бериш учун урса бўладими?» деб сўраганларида у зот соллаллоху алайҳи васаллам: «Фарзандингни урадиган даражада урса бўлади», деганлар. Демак, етимга одоб бериш учун бундан ошириб урмаслик керак экан.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ عَالَ جَارِيَتَيْنِ حَتَّى تَبْلُغَا، جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَنَا وَهُوَ» وَضَمَّ أَصَابِعَهُ.
رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кимки икки кизни балоғатга етгунларига қадар вояга етказиб тарбияласа, қиёмат куни мен ва у мана бу иккисига ўхшаб келади**», деб бармоқларини бир-бирига қўшиб кўрсатдилар» *(Имом Муслим ривоят қилган).*

Юртимизда етимларга алоҳида эътибор берилиши қувонарли ҳолдир. Улар учун давлатимиз томонидан нафақалар тайинланиб, моддий ёрдам кўрсатиб келинади. Айниқса, меҳрибонлик уйларида ота-онасиз, қаровсиз қолган болалар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Ҳар йили етим болалар таълими, таъминоти ва бошқа харажатлари учун катта пул маблағлари ажратилиши давлатимизнинг нақадар етимпарвар эканини билдиради. Парвардигори олам, мўмин-мусулмонларнинг хайрли, савобли ишларида Ўзинг кўмакчи, мададкор бўл!

УЙ-ЖОЙ ВА МАСКАН ҲУРМАТИ

Одамзод яшаш тарзи ва ўзига хос ҳаёти билан ҳайвонлардан фарқ қилади. Бу дунёга келган ҳар бир инсон ўзининг туғилиб, вояга етган гўшасини қадрли ва азиз деб билади. Уй-жой инсон ҳаётида муҳим ўрин тутгани боис динимизда уй-жой ва бегоналарнинг унга дахлсизлиги масаласига жиддий қаралади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ҳар кишининг ўз уйи

бўлиши унинг саодатидир» деган мазмундаги ҳадиси шарифларидан кишининг тинч-хотиржам яшайдиган бошпанаси бўлиши улуғ неъматлардан бири эканини билиб олиш қийин эмас. Ҳатто Куръони Карим оятларида мусулмон банданинг уй-жойга бўлган муносабати кандай бўлиши кераклиги, бировнинг хонадонига борганда риоя қилинадиган одоблар ҳақида батафсил сўз боради:

يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ
 حَتَّى تَسْتَأْنِسُوا وَتُسَلِّمُوا عَلَىٰ أَهْلِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ
 تَذَكَّرُونَ ﴿٢٧﴾ يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّبِعُوا خُطُوبَ الشَّيْطَانِ
 ۚ وَمَنْ يَتَّبِعْ خُطُوبَ الشَّيْطَانِ فَإِنَّهُ يَأْمُرُ بِالْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَلَوْلَا
 فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ مَا زَكَا مِنكُمْ

«Эй имон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангиз. Бас, агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасангиз, унда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз! Агар сизларга «қайтингиз!» дейилса, қайтиб кетаверингиз! Шу сизлар учун энг тоза (йўлдир). Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчидир» (*Нур сураси, 27-28-оятлар*).

Мадинада ансорий аёллардан бири Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, мен уйда холи қолганимда кийимларимни ечиб ўтиришни яхши кўраман, лекин ўз аҳлимдан бўлган эркаклар рухсат сўрамасдан уйга кириб келишаверади. Менга бу жуда ноқулай бўляпти, нима

килсам бўлади?» деб сўради. Ана шунда мазкур ояти карима нозил бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур оятга амал қилиб, ажойиб намуна кўрсатдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бировнинг уйига борганда рухсат сўраш ва салом беришни бирданига бажариш кераклигини уқтирганлар. Жумхур уламолар эса «Олдин салом бериб, сўнгра рухсат сўраш керак», деганлар. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: **«Уч марта рухсат сўралади, агар рухсат берилса, киргин, агар рухсат бермаса, ортингга қайт»**, деганлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда эса: «Изн сўраш уч марта бўлади. Биринчиси сўралганда ичкаридагилар кулоқ солишади, иккинчисида эса ўзларини ўнглаб олишади ва учинчисида изн беришади ёки рад қилишади. Изн берса кириш керак, рад қилишса қайтиш керак», дейилган. Ибн Ҳанбал Килда розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Набий алайҳиссаломнинг хузурларига келиб, салом бермасдан кирган эдим, у зот: **«Ортингга қайт. «Ассалому алайкум, кирсам майлими?»** деб сўра», дедилар. Шунинг учун баъзи уламолар: «Бир одамникига борганда уй эгаларидан бирортаси кўринса, аввал салом бериб, сўнгра киришга рухсат сўраш керак. Агар бирон киши кўринмаса, олдин киришга изн сўрайди», дейишган. Шариатимизда бировнинг уйига борганда рухсат сўраб кириш нима учун жорий қилинган?» деган саволга: «Уйларга изн сўраб кириш ноқулай ҳолатларга кўз тушиб қолмаслиги учун жорий қилинган», деб жавоб беришади уламоларимиз. Яъни очилган аврат ёки бошқа ҳолатларга кўз тушиб қолиб, иккала томон ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолишининг

олдини олиш учун бировнинг уйига борганда дастлаб рухсат сўраш вожиб қилинди. Мусулмонлардан бошқа халқларда бундай одоб йўқ. Бировнинг уй-жойи дахлсизлиги масаласига риоя қилинмайди. Мусулмонларга берилган энг катта ҳақлардан бири уй-жой дахлсизлигидир. Шунга биноан, уй эгасидан рухсат сўрамасдан бирорта уйга кириш жоиз эмас. Бунга фақатгина истисно ҳолатларда рухсат берилган. Масалан, бировнинг уй-жойига ўт кетса ёки уй эгалари бошқа бир фалокатга учраган бўлса, рухсат сўрамасдан кириб, уларни кутқариш лозим. Лекин бошқа вақтда уй эгасидан рухсат сўрамасдан ичкарига кириш жоиз эмас. Чунки инсон ўзининг уйида дам олишга ёки бемалол ором олишга тўлиқ ҳаққи бор. Бу ҳақни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бериб қўйди, рухсат сўрашнинг барча одобларини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр қилдилар.

Имом Абу Довуд Амр ибн Маъд ас-Сақафийдан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилган:

«Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун изн сўрамоқчи бўлиб, «Кираверайми, кираверайми?!» деди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Равза исмли хизматчи аёлга:

«Анавининг олдига чиқиб, ўргатгин, у изн сўрашни билмас экан. Унга айт, «Ассалому алайкум. Кираверайми?» десин», дедилар».

Бир куни саҳобалардан бирлари эшикка тўғри қараб туриб, «Кирсам майлими, эй Аллоҳнинг Расули?» деди. Шунда у зотнинг ўзлари чиқиб, бировнинг эшиги олдига борганда чақириш, ичкарига кириш билан боғлиқ одобларни ўргатдилар.

Динимизда нафақат бировнинг ҳовлисига рухсат сўраб кириш, балки ҳовлисига, уйнинг ичига қарашдан кўзни тийиш каби одоблар ҳам жорий қилинган. Бировнинг ҳовлисига эгасининг рухсатисиз кириш жоиз бўлмаганидек, унга назар ташлаш ҳам мумкин эмас.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ اطَّلَعَ فِي بَيْتِ قَوْمٍ بِغَيْرِ إِذْنِهِمْ، فَقَدْ حَلَّ لَهُمْ أَنْ يَفْقُتُوا عَيْنَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Ким бировнинг ҳовлисига эгаларидан берухсат кўз ташласа, уларга унинг кўзини ўйиб олиш ҳалол бўлади**», дедилар».

Имом Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Бу ҳукм имом Шофеъий ва имом Аҳмад мазҳабида қаттиқ тутилган. Лекин ҳанафий ва моликий мазҳабида бегона ҳовлига берухсат қараган кишининг кўзини хонадон эгалари ўйиб олса, у ҳолда уларга қасос лозим бўлади.

Бугунги кунда шаҳар-кишлоқларда эшик ва дарвозаси йўқ уй деярли қолмади. Бировнинг уйига борган одам кўнғирокни босиб ёки дарвозани тақиллатиб, уй эгасининг чиқишини кутиб туради. Лекин баъзи кишлоқларда дарвозаси ҳам, девори ҳам йўқ уйлар ҳозир ҳам топилади. Бундай жойларда одамлар бир-бирлариникига рухсат сўрамай кириб бораверади. Дарвозаси бор бўлса ҳам, тақиллатиш ёки ташқарида туриб чақириш бундай жойларда яшовчи кишиларга ёт ҳолатдир. Ҳовлида хотин-халаж, келинлар, бўйи етган қизлар борлигига, улар ҳар хил ҳолатда бўлиши мумкинлигига эътибор беришмайди.

Меҳмонхона, дорихона, бошқа савдо дўконлари каби жамоат жойларига кираётган ҳар бири мижоз алоҳида рухсат сўрайвериши шарт эмас. Эшик очиқ бўлиши кифоя қилади. Ҳар қандай одам кириб, ўзига керакли нарсани харид қилади, юмушларини ҳал этади.

Жамиятда фаҳш-фасод ишлар тарқалмаслиги учун одамлар бир-бирларининг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилишга чақирилади. Илгари уйларнинг дарвозаларига темир ҳалқа илиб қўйилган. Бу ҳалқа кўнғироқ вазифасини бажарган. Уни бир-икки урганда уй эгаси чиқмаса, келган одам ортига қайтган.

عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ سَأَلَهُ رَجُلٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَسْتَأْذِنُ عَلَىٰ أُمِّي؟ فَقَالَ: «نَعَمْ»، قَالَ الرَّجُلُ: إِنِّي مَعَهَا فِي الْبَيْتِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «اسْتَأْذِنْ عَلَيْهَا»، فَقَالَ الرَّجُلُ: إِنِّي خَادِمُهَا، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «اسْتَأْذِنْ عَلَيْهَا، أَحَبُّ أَنْ تَرَاهَا غُرْبَانَةً؟». رَوَاهُ مَالِكٌ.

Ато ибн Ясор розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен онамнинг олдиларига киришга ҳам изн сўрашим керакми?» деб сўради. У зот: «Ҳа», дедилар. У: «Мен онам билан бир уйданман-ку?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Унинг ҳузурига рухсат сўраб кир», дедилар. У: «Мен хизматидаман-ку?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унинг ҳузурига рухсат сўраб кир. Сен онангни яланғоч ҳолда кўриб қолишни хоҳлайсанми?» дедилар» *(Имом Молик ривоят қилган).*

Ибн Жарир, Табарий ва Байҳақийлар Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда у киши: «Онларингиз ва опа-сингилларингизнинг ҳузурига рухсат сўраб киришингиз лозимдир», деган.

Уқорида зикр қилинган одоблар бировнинг уйига борган меҳмонга тегишли эди. Динимизда ҳар бир хонадон эгасига тегишли кўплаб одоблар ҳам баён қилинган. Ана шундай одоблардан бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида баён этилган. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уйларингизни қабрга айланторманглар**», дедилар. Бу ҳадиси шарифда мўмин-мусулмонлар нафл намозларни уйда ўқишга тарғиб этилмоқда. Яъни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уйларингизда ҳам намоз ўқиб туринг, жамоат билан ўқилмайдиган ва ёлғиз ўқиладиган ихтиёрий намозларни уйда ўқиганингиз афзал. Уйингизда намоз ўқимасдан, уни қабристонга ўхшатиб қўйманг», деган маънода гапирдилар. Намоз ўқилмаган уй қабристон ҳукмини олар экан. Албатта, мусулмон кишининг уйида намоз ўқилмаслиги мумкин эмас. Уйни покиза тутиб, унда намоз ўқиб туриш файз-барака олиб келади.

Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу бир уйга кириб, унинг бурчагида ис кўриб қолдилар ва: «Мана бу уйдаги баракани ўчиради, буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман», дедилар. Ҳозирги кунда ҳам баъзи уйларда шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Инсон яшайдиган уйда бундай ноҳуш ҳолатнинг бўлиши уй соҳибининг тозалик ва покизаликка беъътибор эканига далолат қилади. Уйларда турли зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайиб кетиши ҳам тозаликка эътибор йўқлиги оқибатидир.

Уйларга тегишли одоблардан яна бири – деворга одамларнинг суратларини осиб қўймаслик ва ножоиз нарсаларни олиб кирмасликдир. Уйларимизни жинлар эмас, фаришталар макон тутиши учун ушбу одобга риоя этишимиз лозим. Инсонлар ва жониворларнинг сурати бор уйга фаришталар кирмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз.

عَنْ سَالِمٍ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: وَعَدَ النَّبِيُّ ﷺ جَبْرِيْلُ فَرَاثَ عَلَيْهِ حَتَّى اشْتَدَّ عَلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَخَرَجَ النَّبِيُّ ﷺ فَلَقِيَهُ، فَشَكَاَ إِلَيْهِ مَا وَجَدَ، فَقَالَ لَهُ: «إِنَّا لَا نَدْخُلُ بَيْتًا فِيهِ صُورَةٌ وَلَا كَلْبٌ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Солим отасидан ривоят қилади:

«Жаброил Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ваъда қилди-ю, кейин ҳаяллаб қолди. Бу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга оғир келди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ташқарига чиққан эдилар, уни учратиб қолдилар. Унга бу ҳолатдан шикоят қилдилар. Шунда у: «Биз сурат ва ит бор уйга кирмаймиз», деди» (*Бухорий ривоят қилган*).

Хонадонда ит боқиш ёки суратлар осиб қўйиш мўмин-мусулмонга хос бўлмаган одатлардандир. Бундай жойга жинлар макон қуради, жинлар макон қурган жойда инсон ором ва осойиш топа олмайди. Ҳар биримиз учун уйимиз кичик бир ватандир. Ватанимизнинг шаъни ва обрўсини сақлаш бизнинг бурчимиз ҳисобланади.

ИСТИҒФОР САРИ ЮЗЛАНАЙЛИК

«Истиғфор» сўзи гуноҳларнинг кечирилишини сўраш деган маънони англатади. Гуноҳ ишлардан тўлик қайтиш тавба, уларни кечиришини Аллоҳдан сўраш эса истиғфордир. Истиғфор айтиш учун банда гуноҳ иш қилиши шарт эмас. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам гуноҳлардан маъсум ва пок бўлганлари ҳолда, ҳар кун етмиштадан истиғфор айтганлари нақл қилинган. Бу эса ҳар бир мўмин банда ҳар доим истиғфор айтиб юриши лозимлигини англатади. Нима учун истиғфор айтилади ва унинг қандай фойдалари бор?

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرِ الْجُهَنِيِّ؛ أَنَّ رَجُلًا أَتَى رَسُولَ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَحَدُنَا يُذْنِبُ؟ قَالَ: «يُكْتَبُ عَلَيْهِ»، قَالَ: ثُمَّ يَسْتَغْفِرُ مِنْهُ وَيَتُوبُ؟ قَالَ: «يُغْفَرُ لَهُ وَيَتَابُ عَلَيْهِ»، قَالَ: فَيَعُودُ وَيُذْنِبُ؟ قَالَ: «يُكْتَبُ عَلَيْهِ»، قَالَ: ثُمَّ يَسْتَغْفِرُ مِنْهُ وَيَتُوبُ؟ قَالَ: «يُغْفَرُ لَهُ وَيَتَابُ عَلَيْهِ»، قَالَ: فَيَعُودُ وَيُذْنِبُ؟ قَالَ: «يُكْتَبُ عَلَيْهِ»، قَالَ: ثُمَّ يَسْتَغْفِرُ مِنْهُ وَيَتُوبُ؟ قَالَ: «يُغْفَرُ لَهُ وَيَتَابُ عَلَيْهِ»، وَلَا يَمَلُ اللَّهُ حَتَّى تَمْلُؤُوا». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ.

Уқба ибн Омир Жуҳаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, бир киши гуноҳ қилиб қўйса (нима бўлади)?» деб сўради. У зот: «(Гуноҳи) бўйнига ёзилади», дедилар. Ҳалиги

одам: «Кейин истиғфор айтиб, тавба қилса-чи?» деди. У зот: «(Гуноҳи) кечирилади, тавбаси қабул бўлади», дедилар. «Сўнг яна қайтадан гуноҳ қилса-чи?» деди. У зот: «Бўйнига ёзилади», дедилар. Ҳалиги киши: «Кейин истиғфор айтиб, тавба қилса-чи?» деди. У зот: «(Гуноҳи) кечирилади, тавбаси қабул бўлади», дедилар. Яна: «Сўнг яна қайтадан гуноҳ қилса-чи?» деди. У зот: «Бўйнига ёзилади», дедилар. Ҳалиги киши: «Кейин истиғфор айтиб, тавба қилса-чи?» деди. Шунда у зот: «(Гуноҳи) кечирилади, тавбаси қабул бўлади. Сизлар (истиғфор айтишдан, тавба қилишдан) чарчамасангиз, Аллоҳга (мағфират қилиш) малол келмайди», деб марҳамат қилдилар» (*Байҳақий «Шуъабул иймон»да ривоят қилган*).

Истиғфор Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога маҳбуб бўлиш учун У Зотнинг буюрганларини бажариш, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини адо этиш, ўзини унутмаслик ва гуноҳлардан огоҳ бўлиб туриш учун айтилади. Инсон умри давомида билиб-билмай қилган гуноҳларининг кечирилишини сўраш ёки гуноҳларини буткул ўзидан кетказиш учун истиғфор айтади. Ҳар куни истиғфорни қанда қилмай айтиб юрилса, бу кўплаб гуноҳларнинг мағфират бўлишига сабаб бўлади. Истиғфорни шунчаки тилда айтиб қўймаслик, уни айтганда қалбда хушуъ – кўркув ҳосил бўлиши лозим. Ана шундагина гуноҳ ва маъсият йўллари тўсадиган ҳақиқий истиғфор ҳосил бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ، ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ اللَّهَ يَجِدِ
اللَّهَ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿١١٠﴾ وَمَنْ يَكْسِبْ إِثْمًا فَإِنَّمَا يَكْسِبُهُ عَلَى

نَفْسِهِ، وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١١١﴾ وَمَنْ يَكْسِبْ خَطِيئَةً أَوْ
 إِثْمًا يَرْمِ بِهِ بَرِيئًا فَقَدِ احْتَمَلَ بُهْتَانًا وَإِثْمًا مُبِينًا ﴿١١٢﴾

«Кимда-ким бирор ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан кечирим сўраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирувчан ва раҳмли эканини идрок этади. Ҳар ким гуноҳ (иш) қилса, фақат ўзининг зарарига қилган бўлур. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир. Ҳар ким бирор хатолик ёки гуноҳ ишга қўл урса-ю, сўнгра унда беғуноҳ одамни айбласа, албатта, бўхтон ва аниқ гуноҳни (бўйнида) кўтарган бўлур» (*Нисо сураси, 110–112-оятлар*).

Бир одамнинг қилган гуноҳ ишидан Аллоҳга ҳеч қандай зарар етмаслиги аниқ. Худди банданинг савобидан Аллоҳга фойда етмаганидек, унинг гуноҳидан ҳам зарар етмайди. Кимки бир ёмонлик қилса ёки ўзининг нафсига зулм қилса, сўнгра Аллоҳга истиғфор айтса, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг кечирувчи ва раҳмли Зот эканини топади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Гофур ва Роҳийм деган улуғ исмлари бор. Бу икки исм кечирувчи ва раҳмли Зот деган маънони англатади. Юқоридаги ояти каримада айтилганидек, инсон баъзан билиб-билмасдан хато ва гуноҳ ишларга қўл уриб кўйиши мумкин. Ана шу вақтда тушкунликка тушмасдан, ҳақиқий ихлос билан тавба қилса, Аллоҳ таоло унинг қилган ёмон амалларини кечириб юборади. Аллоҳнинг мағфирати денгиз суви каби чексиздир:

أَوَلَمْ يَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٢﴾ قُلْ يَعْبادِي الَّذِينَ أَسْرَفُوا

عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ
 جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿٥٣﴾ وَأَنِيبُوا إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَأَسْلِمُوا
 لَهُ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ الْعَذَابُ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ ﴿٥٤﴾

«Ахир, улар Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишининг ризки-ни кенг қилишини ва (Ўзи хоҳлаган кишининг ризки-ни) танг қилишини билмадиларми?! Албатта, бунда имон келтирадиган кишилар учун аломатлар бордир. (Эй Муҳаммад!) Ўз жонларига (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи Мағфиратли ва Раҳмлидир. Сизларга азоб келиб, сўнгра ёрдам берилмай қолишидан илгари Раббингизга қайтингиз ва Унга бўйин сунингиз!» (Зумар сураси, 52–54-оятлар).

Бу мўмин банда учун энг умидбахш оятдир. Банда Аллоҳ гуноҳларни кечирмайди, деб ноумид бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ субҳанаху ва таоло банданинг жони халқумига келгунича тавба эшигини очиб қўяди. Ҳамон банданинг руҳи жасадини тарк этмас экан, иблис сўнгги сонияларгача уни васваса қилиб, иймонидан айиришга ҳаракат қилади. Банда истиғфор айтиб, тавба қилар экан, Аллоҳ таоло унинг гуноҳини кечираверади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «وَاللَّهِ إِنِّي لَأَسْتَغْفِرُ اللَّهَ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ فِي الْيَوْمِ أَكْثَرَ مِنْ سَبْعِينَ مَرَّةً». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳга қасамки, мен бир кунда етмиш мартадан кўп Аллоҳ таолога истиғфор айтиб, Унга тавба қиламан», деганларини эшитдим» (*Имом Бухорий ривоят қилган*).

Гуноҳлар икки хил бўлади: банда билан банда ўртасидаги гуноҳ, банда ва Робби ўртасидаги гуноҳ.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَوْ لَمْ تُذْنِبُوا لَذَهَبَ اللَّهُ بِكُمْ، وَجَاءَ بِقَوْمٍ يُذْنِبُونَ، فَيَسْتَغْفِرُونَ اللَّهَ، فَيَغْفِرُ لَهُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, агар сизлар гуноҳ қилмасангиз, Аллоҳ сизларни кетказиб, (ўрнингизга бошқа) гуноҳ қиладиган қавми олиб келади. Бас, улар (гуноҳлари учун) Аллоҳга истиғфор айтишади, Аллоҳ эса уларнинг гуноҳларини кечиради», дедилар» (*Имом Муслим ривоят қилган*).

Бу дунё ва одамзод беҳикмат яратилмаган. Ҳар бир ишнинг ўз ҳикмати бор. Бирор гуноҳ ишни қилган банда ноумид бўлиб яшаши, қолган ҳаётини ҳам беҳуда ишлар билан ўтказиши тўғри эмас. Банданинг ожизлигига, Яратган Зотни эслаб, ёд олишига ҳам унинг гуноҳлари ва тавбаси сабаб бўлади. Ер юзида биронта гуноҳ қилмайдиган банданинг қолмаслиги ҳам илоҳий ҳикматга тўғри келмайди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қиладди:

وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا

اللَّهُ فَاسْتَغْفِرُوا لِذُنُوبِهِمْ وَمَنْ يَغْفِرِ الذُّنُوبَ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ
يُصِرُّوا عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ

135

«Улар бирор фахш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб, истиғфор айтадилар. Ваҳоланки, гуноҳларни фақат Аллоҳгина мағфират этар. Яна, улар била туриб, қилмишларида давом этмайдиган кишилардир» (Оли Имрон сураси, 135-оят).

Аллоҳнинг ҳаққига қилинган зулмни Аллоҳ таоло кечиб юбориши мумкин, аммо банда билан банда ўртасида бундай ҳолат содир бўлса, зулм кўрган банда кечмагунча, уни Аллоҳ таоло асло кечирмайди. Бундай гуноҳни содир этишдан ҳар бир мусулмон сақланиши лозим.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ:
«قَالَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: يَا ابْنَ آدَمَ، إِنَّكَ مَا دَعَوْتَنِي وَرَجَوْتَنِي
غَفَرْتُ لَكَ عَلَىٰ مَا كَانَ فِيكَ، وَلَا أَبَالِي، يَا ابْنَ آدَمَ، لَوْ بَلَغَتْ
ذُنُوبُكَ عَنَانَ السَّمَاءِ ثُمَّ اسْتَغْفَرْتَنِي غَفَرْتُ لَكَ، وَلَا أَبَالِي، يَا ابْنَ
آدَمَ، إِنَّكَ لَوْ أَتَيْتَنِي بِقُرَابِ الْأَرْضِ خَطَايَا ثُمَّ لَقَيْتَنِي لَا تَشْرِكُ بِي
شَيْئًا لِأَتَيْتَكَ بِقُرَابِهَا مَغْفِرَةً». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: «Аллоҳ таборака ва таоло айтади: «Эй Одам боласи! Агар Менга дуо қилсанг, (раҳматимга) кўз тиксанг, ҳамма гуноҳларингни кеч-

чириб юбораман. (Гуноҳинг қанча бўлса ҳам) эътибор бермайман. Эй Одам боласи! Агар гуноҳларинг осмонни тўлдириб юборадиган даражада (кўп) бўлса-ю, кейин Менга истиғфор айтсанг, кечириб юбораман, (уларнинг кўплигига) парво қилмайман. Эй Одам боласи! Агар ҳузуримга – Менга бирон нарсани шерик қилмаган ҳолда – ер юзини тўлдириб юборадиган даражада (кўп) гуноҳлар билан келсанг ҳам, ер юзини тўлдирадиган даражада мағфират билан қарши оламан» *(Термизий ривоят қилган).*

Шунинг учун бирон гуноҳ ишни қилиб қўйган банда истиғфор айтмасдан, яна бошқасини қилиши ва «Бир кун айтарман», деб истиғфорни орқага суриши асло мумкин эмас. Калта ўйли, нодон киши «Ҳа, бир гап бўлар» қабилада иш тутиб, ҳаром ишларда бардавом бўлиб, нафсига кул бўлиб яшайди. Бу билан у ўз нафсига зулм қилишидан ташқари, бошқа бир кишига ҳам зулм қилиб, ҳаққини поймол этади. Ҳар қанча панд-насихат қилинмасин, унга қор қилмайди. «Гуноҳларга жазо берилишини ким бориб кўриб келибди?!» деб, тавба қилишни ортга суради. Бу эса Аллоҳ таолонинг мағфиратига ишонмаслик ёки уни тан олмасликдир. Инсон ўз мартаба ва даражасидан ҳайвоннинг мартабасига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиши керак. Чунки ҳайвон фақат нафсини қондириш учун ҳаракат қилади. Нафсини қондирган заҳоти дам олади, бошқа ҳаракат қилишни ўйламайди. Инсоннинг нафси эса бундай эмас. У ҳар қанча лаззат ва роҳатга эришмасин, яна истайверади.

عَنْ أَبِي ذَرِّ الْغَفَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «اتَّقِ اللَّهَ حَيْثُمَا كُنْتَ، وَاتَّبِعِ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمَحُّهَا، وَخَالِقِ النَّاسَ بِخُلُقٍ حَسَنٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга такво қил. Ёмонлик ортидан яхшилик қил, у уни ўчиради. Одамларга хусни хулқ ила муомала қил», дедилар» (Термизий ривоят қилган).

عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ فِي لِسَانِي ذَرْبٌ عَلَى أَهْلِي، لَمْ أَعُدَّهُ إِلَى غَيْرِهِ، فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ ﷺ، قَالَ: أَيْنَ أَنْتَ مِنْ الْإِسْتِغْفَارِ يَا حُذَيْفَةُ؟! إِنِّي لَأَسْتَغْفِرُ اللَّهَ كُلَّ يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен аёлимга оғирроқ гапириб қўяр эдим. Бошқаларга ундай қилмасдим. Бунини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган эдим, у зот: «Эй Ҳузайфа, сен истиғфор айтмайсанми? Мен ҳар куни юз марта истиғфор айтаман», дедилар» (Имом Аҳмад ривоят қилган).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: «مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ، إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ، فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْفِقًا خَلْفًا، وَيَقُولُ الْآخَرُ: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُمْسِكًا تَلْفًا». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Банда тонг орттирадиган кун борки, иккита фаришта нозил бўлади. Тонгда бири: «Аллоҳим, инфоқ-эҳсон қилувчига ўрнини зиёдаси билан тўлдириб бергин», деб дуо қилади. Иккинчиси эса: «Аллоҳим, бахилга талафотини бергин», деб дуо қилади», дедилар» (*Бухорий, Муслим ва Насоий ривоят қилишган*).

Ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом қасам ичиб, садақа туфайли банданинг моли нуксонга учрамаслигини хабар бермоқдалар. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

فَقُلْتُ اسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا ﴿١٠﴾ فَلَا أُقِيمُ رَبِّ
 الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ إِنَّا لَقَدِرُونَ ﴿٤٠﴾ عَلَىٰ أَنْ يُبَدِّلَ خَيْرًا مِنْهُمْ وَمَا نَحْنُ

«Бас, дедимки: «Раббингиздан мағфират сўрангиз! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир. (Шунда, яъни истиғфор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдирур, Сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (барпо) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур» (*Нух сураси, 10–12-оятлар*).

Кўриниб турибдики, истиғфор айтиш билан мол-дунё камайиб қолмайди. Истиғфор айтган бандани Аллоҳ таоло қўллаб-қувватлаб, мол-дунё, фарзандлар, боғу роғлар ва анҳорлар билан унга мадад беради.

Қуръонда Юнус алайҳиссалом ҳақида шундай мухтасар қисса келтирилган. Аллоҳ таоло айтади:

وَذَا النُّونِ إِذْ ذَهَبَ مُغْضِبًا فَظَنَّ أَنْ لَنْ نَقْدِرَ عَلَيْهِ

فَكَادَى فِي الظُّلْمَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي
 كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٨٧﴾ فَاسْتَجَبْنَا لَهُ، وَنَجَّيْنَاهُ مِنَ
 الْغَمِّ وَكَذَلِكَ نُصَيِّحُ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٨٨﴾

«Зуннун – Юнуснинг (ўз қавмидан) ғазабланган ҳолда (кишлоғидан чиқиб) кетиб, Бизни унинг зиёнига ҳукм қилмайди, деб ўйлаган пайтини, (уни балиқ қорнига ташлаганимиздан) кейин қоронғи зулматлар ичра: «Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен айб-нуқсонлардан поксан. Ҳақиқатан, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим», деб нидо қилган (пайтини эсланг). Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик, уни ғамдан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берамиз» (Анбиё сураси, 87-88-оятлар).

Ояти каримада Юнус алайҳиссалом бошидан кечирган улкан воқеа ҳақида сўз бормоқда. У зот Аллоҳ таоло томонидан катта синовга учраган эдилар. Балиқнинг қорнига тушиб, бу ёруғ дунёга чиқиш эҳтимоли йўқолган вақтда вақтни бой бермасдан, Аллоҳ таолога истиғфор айтиб, Ундан мадад сўрадилар. Ҳар бир бандасининг ҳолидан ва қалбида кечаётган кечинмадан хабардор Зот у зотнинг чин дилдан айтаётган истиғфорларини эшитди ва ёрдам берди, қилган дуоларини ижобат этди.

Қанчадан-қанча инсонлар гуноҳни қилиб қўйиб, Аллоҳ таолодан умидларини узадилар, қимматли вақтларини бой бериб, истиғфор айтишни кечиктирадилар. Эртага нима бўлишини билмаган банданинг бундай йўл тутиши дуруст эмас. Биз бандалар ҳеч қачон Аллоҳнинг раҳматидан, мағфиратидан умид узмаслигимиз, У Зот ширкдан бошқа ҳар қандай гуноҳни, агар тавба қилиб,

бошқа унга қайтмаса, албатта кечеришига ишончимиз комил бўлиши лозим.

Истиғфор айтиш кераклигини билган банда қандай истиғфор айтишни ҳам яхши билиши керак.

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ: «سَيِّدُ الْاسْتِغْفَارِ أَنْ تَقُولَ: اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ، وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ، أَبُوؤُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَأَبُوؤُ لَكَ بِذَنْبِي فَاعْفُرْ لِي، فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ»، قَالَ: «وَمَنْ قَالَهَا مِنَ النَّهَارِ مُوقِنًا بِهَا، فَمَاتَ مِنْ يَوْمِهِ قَبْلَ أَنْ يُمْسِيَ، فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ، وَمَنْ قَالَهَا مِنَ اللَّيْلِ وَهُوَ مُوقِنٌ بِهَا، فَمَاتَ قَبْلَ أَنْ يُصْبِحَ، فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Шаддод ибн Авс розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Истиғфорнинг саййиди «Аллоҳумма анта Роббии, лаа илааҳа иллаа анта, холақтани и ва ана ʼабдук ва ана ʼалаа ʼаҳдика ва ваʼдика мастатоъту, аъузу бика мин шарри маа сонаъту, абууʼу лака би ниъматика ʼалаййа ва абууʼу бизанбии, иғфир лии фаʼиннахуу лаа йағфируззунууба иллаа анта», дейишингдир. Ким буни кундузи чин дилдан айтса ва шу куни кеч кирмасдан вафот этса, жаннат аҳлидандир. Ким буни кечаси чин дилдан айтса ва тонг отмай туриб вафот этса, жаннат аҳлидандир» (Имом Бухорий ривоят қилган).

Истиғфор дуосининг маъноси: «Аллоҳим! Роббим Ўзингсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Мени Сен яратгансан

ва мен Сенинг кулингман. Мен қурбим етганича Сенинг аҳду паймонинг ва ваъдангда турибман. Қилмишларимнинг ёмонлигидан Ўзингнинг паноҳингга қочаман. Менга берган неъматларингни ҳам тан оламан, гуноҳларимни ҳам тан оламан. Мени мағфират қилгин, чунки Сенгина гуноҳларни мағфират қиласан».

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

قُلْ أُوْنَيْتُكُمْ بِخَيْرٍ مِّنْ ذَٰلِكُمْ ۖ لِلَّذِينَ اتَّقَوْا عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَأَزْوَاجٌ مُّطَهَّرَةٌ وَرِضْوَانٌ مِّنَ اللَّهِ ۗ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ ﴿١٥﴾
 إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَنْ تُغْنِيَ عَنْهُمْ أَمْوَالُهُمْ وَلَا أَوْلَادُهُمْ
 مِّنَ اللَّهِ شَيْئًا وَأُولَٰئِكَ هُمُ وَقُودُ النَّارِ ﴿١٥﴾ كَذَّابٍ

«Айтинг (эй Муҳаммад!): «Сизларга булардан ҳам яхшироқ нарса ҳақида хабар берайми? Такводор кишилар учун Парвардигорлари хузурида остидан анҳорлар окиб турадиган, абадий яшаладиган боғлар (жаннат боғлари), пок хотинлар ва Аллоҳ тарафидан ризолик (мўминлар учун улуғ неъмат-ризвон) бор. Аллоҳ бандаларни кўриб (кузатиб) турувчидир». (Улар дунёда): «Эй Раббимиз, бизлар Сенга имон келтирганмиз. Бас, бизнинг гуноҳларимизни кечир ва бизни дўзах азобидан асра!» деб (Аллоҳга илтижо қилар) эдилар. (Улар) сабрли, садокатли, итоатли, саховатли ва саҳар чоғларида (Аллоҳдан) мағфират сўрайдиган кишилар эди» (Оли Имрон сураси, 15–17-оятлар).

Шулардан маълум бўладики, истиғфор айтган кишининг ҳар қанча гуноҳлари бўлса ҳам, мағфират қилинмай қолиши мумкин эмас. Буни яхши билган банда истиғфорни ўз вақтидан кечиктириб, гуноҳлари кечирилмай қолишини истамайди. Инсонга берилган умр ниҳоятда қисқадир. Истиғфор айтиш муддати ҳар лаҳзада сизу бизларни тарк этиб, қисқариб боради. Бу муддатлардан унумли фойдаланган киши Аллоҳ таолонинг хузурида улкан гуноҳлар билан мунғайиб турмаслиги шубҳасиз. Аллоҳ таоло барчамизни гуноҳларимиз учун истиғфор айтишга муяссар айлаган бўлсин.

ҚАРИНДОШЛИК ВА СИЛАИ РАҲМ

Инсон зоти борки, узоқ умр кўргиси келади, бунинг учун барча имкониятларни ишга солади. Инсон зоти борки, ризқи кенг, мўл-кўл бўлишини истайди. Шуни деб эртаю кеч тер тўкади. Фақирлик ҳолатига тушиб қолмаслик учун биров тижорат қилади, биров касб-хунар эгаллайди, биров таълим берса, бошқаси таълим олади. Ҳатто ўғри ҳам, порахўр ҳам ризқим кўп бўлсин деб, ана шу разил ишга қўл уради. Инсон зоти борки, кишилар муҳаббатини қозонгиси келади, бошқалар ўзини ҳурмат қилиб, борлигида ҳам, йўқлигида ҳам ёки ўтиб кетганидан кейин ҳам яхшилик билан эслаб юрса, деб ҳаракат қилади. Албатта, бу ишларни у ризқи кенг, умри узоқ бўлиши, аҳлига ва одамларга яхши кўриниш учун қилади. Шунга ўхшаш солиҳ ва эзгу амаллар ичида қариндошлик ришталарини боғлаш муҳим ўрин тутаяди. Бу силаи раҳм дейилади. «Силаи раҳм» сўзи араб тилида қўшиш, жамлаш, пайванд қилиш деган маъноларни англатади. Аёлнинг қорнидаги бачадон раҳм дейилади. Халқимизда «Бир қориндан талашиб тушган» деган

ибора айна шу маънода айтилган, яъни бир ота-онадан дунёга келган қариндош-уруғлар раҳмдошлардир.

Қариндошлар икки хил бўлади: бир қориндан дунёга келган қариндошлар ҳамда амаки, хола, тоға, жиян, жияннинг болалари каби раҳмдошлик алоқаси бор кишилар. Ҳанафий, моликий ва ҳанбалий мазҳабларида силаи раҳмнинг ҳукми вожиб, фарз ҳисобланади. Ҳанафий, моликий, ҳанбалий ва шофеъий мазҳабларида фақат ота-онага яхшилик қилиш вожиб, улардан бошқаларга яхшилик қилиш суннат ҳисобланади. Уламоларимизнинг силаи раҳми фарз ва вожиб дейишларига қуйидаги оят ҳужжат-далилдир:

يَأْتِيهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا
 زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً ۗ وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ
 وَالْأَرْحَامَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴿١﴾

«Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда икки-сидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан қўрқингиз! Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш) дан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир» (*Нисо сураси, 1-оят*).

Қариндош-уруғлар билан борди-келдини йўлга қўймаган ва алоқани узиб, бегонадек бўлиб кетган киши Аллоҳнинг фарзини бажармагани, унга хилоф қилгани учун гуноҳкор бўлади. Ким бўлишимиздан қатъи назар, барчамизнинг наслимиз Ҳазрати Одамга бориб тақалади. Ҳозиргача ер юзида яшаб ўтган ва

бундан кейин ҳам яшаб ўтадиган инсонларнинг барчаси Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалган бўлиб, барча инсонлар ўзаро қариндош саналадилар. Минг афсуслар бўлсинки, бугун қариндош деганда фақат узоқлашиб кетган хола, амма ёки уларнинг фарзандлари тушуниладиган бўлиб қолган. Кишилар яхши ҳаёт кечиришлари, меҳр-муҳаббат, унсу улфат бардавом бўлиши учун Аллоҳ таоло қариндошликни жорий қилди. У Зот жорий қилган қариндошлик алоқасини узишга банданинг ҳаққи йўқ. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани кўриб, билиб туради. Ер юзида рўй бераётган бузғунчилик ва қотилликлар ана шу қариндошлик ришталарини узишга қаратилгани учун одамзод бундай ишларни қилишдан қайтарилган ва бунинг охираатдаги жазоси оғир бўлишидан огоҳлантирилган. Сила насабдош қариндошларга ҳамда қуда-андаларга яхшилик қилишдан иборатдир. Ҳатто улардан биронталари ёмонлик қилсалар ҳам, лутф кўрсатиш, меҳрибонлик қилиш ва ҳолларидан хабар олишни тарк этмаслик керак. Чунки силаи раҳм деганда қариндошлар ва қуда-андалар билан қариндошлик алоқасини боғлашни тушунамиз. Насабдошлардан ташқари, қариндош бўладиган тоифа қудалар бўлиб, эр-хотин ўртасидаги никоҳдан кейин қудалар ҳам қариндошга айланади. Буни ҳар биримиз яхши билиб олишимиз лозим. Демак, қудаларга ёт томондек муносабатда бўлиш дуруст эмас. Никоҳ ақди туфайли ўзаро душман бўлганлар ҳам қариндош-уруққа айланади. Бунга тарих гувоҳлик беради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир қабила билан урушганларида енгилган қабила бошлиғининг қизига уйланганлари бунга яққол мисол бўлади. Аллоҳ таоло Муҳаммад сурасида шундай марҳамат қилади:

فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطَّعُوا
 أَرْحَامَكُمْ ﴿٢٢﴾ أُولَئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعَمَّى
 أَبْصَرَهُمْ ﴿٢٣﴾ أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَقْفَالُهَا
 ﴿٢٤﴾ إِنَّ الَّذِينَ ارْتَدُّوا عَلَىٰ أَدْبَارِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا بُيِّنَ لَهُمُ
 الْهُدَىٰ الشَّيْطَانُ سَوَّلَ لَهُمْ وَأَمَلَىٰ لَهُمْ ﴿٢٥﴾

«Агар (имондан) бош тортсангиз, аниқки, сизлар ерда бузғунчилик қиларсизлар ва қариндошларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узасиз, албатта. Ундай кимсаларни Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (қулоқларини) «кар», кўзларини «кўр» қилиб қўйгандир. Ахир, улар Қуръон (оятлари) ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларда «қулфлари» бордир?! Ҳақиқатан, ўзларига ҳидоят (йўли) равшан бўлганидан кейин яна ортларига (куфрга) қайтиб кетган кимсаларга (бу ишларни) шайтон чиройли қилиб кўрсатди ва улар учун (пуч орзуларни) узайтириб қўйди» (22–25-оятлар).

Оятда иймондан юз ўгириш туфайли ер юзидда бузғунчилик келиб чиқиши ва қариндошлик ришталари узилиши таъкидланмоқда. Бундай кишиларни Аллоҳ таоло лаънатлайди. Узоқ қариндошлар у ёқда турсин, ота-боланинг гаплашмай юриши, ака-уканинг бири-биридан юз ўгириши, арзимас сабаблар билан опасингилларнинг юзкўрмас бўлиб кетиши Аллоҳ таолонинг ҳукмига очикдан-очик қарши чиқишдир. У Зот бандаларини силаи раҳмга буюрди ва силаи раҳм қилувчи кишини мақтади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ يَصِلُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ
وَيَخَافُونَ سُوءَ الْحِسَابِ ﴿٢١﴾

«Улар Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни (яъни қариндош-уруғлар билан алоқани) боғлайдилар. Парвардигорларидан кўрқадилар ва оғир ҳисоб-китобга дучор бўлишдан кўрқиб доим чиройли амаллар қилишга интиладилар» (*Раъд сураси, 21-оят*).

Муфассирлар ушбу оятни тафсир қилиб, «Аллоҳ таоло буюрган нарса силаи раҳмдир ва уни узишга Роббларидан ва шуни деб ёмон ҳисоб-китоб бўлишидан кўрқадилар», деганлар.

Абдурахмон ибн Авфдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ азза ва жалла: «Мен Раҳмонман, у силаи раҳмдир. Унинг исмини исмимдан чиқардим. Ким уни боғласа, у билан боғланаман ва ким уни узса, Мен ҳам ундан узиламан», дейди».

Ривоятга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Силаи раҳм наслнинг, авлоднинг кўпайиши, мол-дунё беҳисоб бўлиши, оилада меҳр-муҳаббатга ва келажақда савобга эришишга сабабдир», дедилар.

Донишмандлардан бири айтади: «Қариндошларингиз ҳақларини адо этинглар ва кўполлик қилиб, бегоналашманглар».

Адиблардан бири дейди: «Кимки ўз оиласи билан яхши бўлмаса, сен билан ҳам яхши эмас ва кимки оиласини ҳимоя қилмаса, сени ҳам ҳимоя қилувчи эмас».

Фусаҳолардан бири айтади: «Кимки қариндошлик риштасини боғласа, силаи раҳм қилса, Аллоҳ таоло у

билан боғланади ва унга раҳм қилади. Кимки бир қўш-
нисига ёрдам берса, Аллоҳ унга ёрдам беради ва уни
ҳимоя қилади».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ لِي قَرَابَةً
أَصْلُهُمْ وَيَقْطَعُونِي، وَأُحْسِنُ إِلَيْهِمْ وَيُسِيئُونَ إِلَيَّ، وَأَحْلُمُ عَنْهُمْ وَيَجْهَلُونَ
عَلَيَّ، فَقَالَ: «لَئِنْ كُنْتَ كَمَا قُلْتَ، فَكَأَنَّمَا تُسْفَهُمُ الْمَلَّ، وَلَا يَزَالُ
مَعَكَ مِنَ اللَّهِ ظَهِيرٌ عَلَيْهِمْ مَا دُمْتَ عَلَى ذَلِكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг қарин-
дошларим бор. Уларга силаи раҳм қилсам ҳам, алоқани
узаверишади. Уларга яхшилик қилсам ҳам, ёмонлик қила-
веришади. Уларга ҳалимлик қилсам ҳам, жоҳиллик қила-
веришади», деди. У зот: «Агар айтганинг каби бўласанг,
уларнинг оғизларига иссиқ кулни солган бўласан.
Модомики, мана шу ҳолатда бўлар экансан, Аллоҳ
томонидан бир мададкор уларнинг зиддига сен билан
бирга бўлади», дедилар» *(Имом Муслим ривоят қилган).*

Бу ердаги «иссиқ кулни оғизларига солган бўласан»
сўзининг маъноси – иссиқ кулни оғзига солган киши
қанчалик азият чекса, уларга ҳам шунчалик азоб бўла-
ди, деганидир.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ:
«مَنْ سَرَّهُ أَنْ يُبْسَطَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ، أَوْ يُنْسَأَ فِي آثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحْمَهُ».
مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг
 «**Кимни ризқининг кенг қилиб берилиши ёки ажа-
 ли кечга сурилиши хурсанд қилса, силаи раҳм қил-
 син**», деяётганларини эшитдим» (*Муттафақун алайҳ*).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ أَبُو طَلْحَةَ أَكْثَرَ الْأَنْصَارِ
 بِالْمَدِينَةِ مَالًا مِنْ نَخْلٍ، وَكَانَ أَحَبَّ أَمْوَالِهِ إِلَيْهِ بَيْرُحَاءَ، وَكَانَتْ
 مُسْتَقْبَلَةَ الْمَسْجِدِ، وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَدْخُلُهَا وَيَشْرَبُ مِنْ مَاءٍ
 فِيهَا طَيِّبٍ، قَالَ أَنَسٌ: فَلَمَّا أُنزِلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ ﴿لَنْ نَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّى
 تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ﴾،
 قَامَ أَبُو طَلْحَةَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ اللَّهَ تَبَارَكَ
 وَتَعَالَى يَقُولُ: ﴿لَنْ نَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّى تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ﴾، وَإِنَّ
 أَحَبَّ أَمْوَالِي إِلَيَّ بَيْرُحَاءَ، وَإِنَّهَا صَدَقَةٌ لِلَّهِ أَرْجُو بَرَّهَا وَذُخْرَهَا
 عِنْدَ اللَّهِ، فَضَعَهَا يَا رَسُولَ اللَّهِ حَيْثُ أَرَاكَ اللَّهُ. قَالَ: فَقَالَ رَسُولُ
 اللَّهِ ﷺ: «بِخٌ، ذَلِكَ مَالٌ رَابِحٌ، ذَلِكَ مَالٌ رَابِحٌ، وَقَدْ سَمِعْتُ مَا
 قُلْتَ، وَإِنِّي أَرَى أَنْ جَعَلَهَا فِي الْأَقْرَبِينَ». فَقَالَ أَبُو طَلْحَةَ: أَفَعَلُ
 يَا رَسُولَ اللَّهِ. فَفَسَحَهَا أَبُو طَلْحَةَ فِي أَقَارِيهِ وَبَنِي عَمِّهِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
 «Абу Талха Мадинада хурмозори энг кўп ансорий
 эди. Унга мулкларининг энг суюқлиси масжид тўғри-
 сидаги Байруҳо эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-

саллам унга кирар, ундаги ширин сувдан ичар эдилар. «Ўзингиз суйган нарасадан нафақа қилмагунигизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз» нозил бўлганида Абу Талҳа туриб, «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ «Ўзингиз суйган нарасадан инфоқ қилмагунигизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз» демокда, мен учун мулкларимнинг энг суюқлиси Байруҳодир. У Аллоҳ учун садақа бўлсин! Аллоҳнинг ҳузурида унинг яхшилигидан ва захира бўлишидан умидворман. Эй Аллоҳнинг Расули, уни Аллоҳ кўрсатган жойга ишлатинг», деди. Шунда у зот: **«Воҳ! Бу фойда келтирувчи молдир! Бу фойда келтирувчи молдир! Айтганларингни эшитдим. Менга қолса, уни қариндошларингга (садақа) қил»**, дедилар. Абу Талҳа: «Шундай қиламан, эй Аллоҳнинг Расули», деди ва уни қариндошлари ҳамда амакисининг болаларига тақсимлаб берди» (*Муттафақун алайҳ*).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَقْبَلَ رَجُلٌ إِلَى نَبِيِّ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: أَبَايُكَ عَلَى الْهَجْرَةِ وَالْجِهَادِ، أَبْتَغِي الْأَجْرَ مِنَ اللَّهِ، قَالَ: «فَهَلْ مِنْ وَالِدَيْكَ أَحَدٌ حَيٌّ؟» قَالَ: نَعَمْ، بَلْ كِلَاهُمَا، قَالَ: «فَتَبْتَغِي الْأَجْرَ مِنَ اللَّهِ؟» قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: «فَارْجِعْ إِلَى وَالِدَيْكَ فَأَحْسِنْ صُحْبَتَهُمَا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир киши Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламга юзланиб, «Мен хижрат ва жиҳод қилиш учун сизга байъат қиламан. Бунинг савобини эса Аллоҳ таолодан талаб этаман», деди. У зот: **«Ота-онангдан**

бирорталари тирикми?» дедилар. У киши: «Ҳа, икковлари ҳам тирик», деди. У зот: **«Савобини Аллоҳдан талаб қиласанми?»** дедилар. У киши: «Ҳа», деди. Шунда у зот: **«Унда ота-онангнинг ҳузурларига бориб, уларга чиройли муомалада бўл ва хизматларини қилгин»**, дедилар» (*Муттафақун алайҳ*).

Бу ҳадисдаги лафз имом Муслимникидир. Мазкур икки муҳаддиснинг бошқа ривоятларида:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَاسْتَأْذَنَهُ فِي الْجِهَادِ، فَقَالَ: «أَحْيِي وَالِدَاكَ؟» قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: «فَفِيهِمَا فَجَاهِدْ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, жиҳод учун изн сўради. Шунда у зот: **«Ота-онанг тирикми?»** дедилар. У киши: «Ҳа», деди. У зот: **«Улар(га яхшилик қилиш) билан жиҳод қил»**, дедилар» (*Муттафақун алайҳ*).

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَيْسَ الْوَأَصِلُ بِالْمُكَافِي، وَلَكِنَّ الْوَأَصِلُ الَّذِي إِذَا قُطِعَتْ رَحْمُهُ وَصَلَّهَا». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Силаи раҳм қилувчи – бу мукофотловчи эмас! Балки қариндошчилик узиб қўйилганда уни боғлаган киши ҳақиқий силаи раҳм қилувчидир!»** дедилар» (*Имом Бухорий ривоят қилган*).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «الرَّحِمُ مُعَلَّقَةٌ بِالْعَرْشِ تَقُولُ مَنْ وَصَلَنِي وَصَلَهُ اللَّهُ، وَمَنْ قَطَعَنِي قَطَعَهُ اللَّهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қариндошлик риштаси Аршга осилган ҳолда туради ва у: «Ким менга етишса, Аллоҳ ҳам унга етишсин. Ким мендан алоқани узса, Аллоҳ ҳам ундан алоқани узсин», деб айтади», дедилар» (Имом Муслим ривоят қилган).

عَنْ مَيْمُونَةَ بِنْتِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا؛ أَنَّهَا أَعْتَقَتْ وَلِيدَةً وَلَمْ تَسْتَأْذِنِ النَّبِيَّ ﷺ، فَلَمَّا كَانَ يَوْمَهَا الَّذِي يَدُورُ عَلَيْهَا فِيهِ، قَالَتْ: أَشَعَرْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنِّي أَعْتَقْتُ وَلِيدَتِي، قَالَ: «أَوْفَعَلْتُ؟» قَالَتْ: نَعَمْ، قَالَ: «أَمَّا إِنَّكَ لَوْ أَعْطَيْتَهَا أَخْوَالَكَ كَانَتْ أَعْظَمَ لِأَجْرِكَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Мўминлар онаси Маймуна бинти Ҳорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан изн сўрамай, бир чўрини озод қилиб юборди. Унинг куни келганда у зотга: «Билдингизми, эй Аллоҳнинг Расули, мен чўримни озод қилдим?» деди. У зот: «Шундай қилдингми?» дедилар. У: «Ҳа», деди. У зот: «Уни тоғаларингга берганингга эди, ажринг янада улуг бўларди», дедилар» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَسْمَاءَ قَالَتْ: قَدِمْتُ أُمَّيْ وَهِيَ مُشْرِكَةٌ فِي عَهْدِ قُرَيْشٍ وَمُدَّةَهُمْ، إِذْ عَاهَدُوا النَّبِيَّ ﷺ مَعَ أَبِيهَا، فَاسْتَفْتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ فَقُلْتُ: إِنَّ أُمَّيْ قَدِمَتْ وَهِيَ رَاعِبَةٌ أَفَأَصِلُهَا؟ قَالَ: «نَعَمْ، صِلِي أُمَّكَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Асмо розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Қурайшнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан аҳдлашган муддати пайтида онам мушрика ҳолида отаси билан бирга олдимга келди. Шунда мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фатво сўраб, «Эй Аллоҳнинг Расули, онам олдимга рағбат қилиб келибди, унга силаи раҳм қилайми?» дедим. У зот: «**Ҳа, онанга силаи раҳм қил**», дедилар» (*Муттафақун алайҳ*).

عَنْ زَيْنَبَ، امْرَأَةِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «تَصَدَّقْنَ، يَا مَعْشَرَ النِّسَاءِ، وَلَوْ مِنْ حُلِيِّكُنَّ»، قَالَتْ: فَرَجَعْتُ إِلَى عَبْدِ اللَّهِ فَقُلْتُ: إِنَّكَ رَجُلٌ خَفِيفُ ذَاتِ الْيَدِ، وَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَدْ أَمَرَنَا بِالصَّدَقَةِ، فَأَتَهُ فَاسْأَلْهُ، فَإِنْ كَانَ ذَلِكَ يَجْزِي عَنِّي وَإِلَّا صَرَفْتُهَا إِلَى غَيْرِكُمْ، قَالَتْ: فَقَالَ لِي عَبْدُ اللَّهِ: بَلِ اثْتِيهِ أَنْتِ، قَالَتْ: فَانْطَلَقْتُ، فَإِذَا امْرَأَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ بِيَابِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ حَاجَتِي حَاجَتُهَا، قَالَتْ: وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ قَدْ أُلْقِيَ عَلَيْهِ الْمَهَابَةُ، قَالَتْ: فَخَرَجَ عَلَيْنَا بِلَالٌ فَقُلْنَا لَهُ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ، فَأَخْبَرَهُ أَنَّ

امْرَأَتَيْنِ بِالْبَابِ تَسْأَلَانِكَ: أُجْزِي الصَّدَقَةَ عَنْهُمَا عَلَى أَزْوَاجِهِمَا، وَعَلَى آيَاتِمَا فِي حُجُورِهِمَا؟ وَلَا تُخْبِرُهُ مَنْ نَحْنُ، قَالَتْ: فَدَخَلَ بِلَالٌ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَسَأَلَهُ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ هُمَا؟» فَقَالَ: امْرَأَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ وَزَيْنَبُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَيُّ الزَّيْنَبِ؟» قَالَ: امْرَأَةُ عَبْدِ اللَّهِ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لَهُمَا أَجْرَانِ: أَجْرُ الْقَرَابَةِ، وَأَجْرُ الصَّدَقَةِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг завжаси Зайнаб розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй аёллар жамоаси, тақинчоқларингиздан бўлса ҳам садақа қилинглр», деганларида, мен эрим Абдуллоҳ ибн Масъуднинг хузурига келиб, «Сиз камбағал ва қўли калта кишисиз. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса бизга садақа қилишни буюрдилар. Сиз у зотнинг хузурларига бориб сўранг-чи, агар сизга садақа беришим жоиз бўлса, уни берайин. Агар жоиз бўлмаса, бошқа кишига берай», дедим. Шунда эрим Абдуллоҳ: «Ўзингиз борақолинг», деди. У зотнинг хузурларига жўнадим. Борсам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дарвозалари олдида бир ансория аёл ҳам турган экан. Унинг ҳожати ҳам менинг ҳожатим каби экан. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳайбат берилган эди. Шу пайт Билал чиқиб қолди. Биз унга: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига бориб, икки хотин масала сўраш учун келганининг хабарини бер. Яъни ўз эрларига ва қарамоғидаги етимларга моллари-

дан садақа беришлари жоизми? Шунни айтгин-да, аммо бизларнинг ким эканимизни билдирма», дедик. Билол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига кириб, бу ҳақда сўраган эди, у зот: «**У иккови ким?**» деб сўрабдилар. Билол: «Ансория бир аёл ва Зайнаб», дебди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Зайнабларнинг қайсиниси?**» дебдилар. Билол: «Абдуллоҳнинг хотини», деган экан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уларга икки ажр берилади. Бир – қариндошлик ажри, иккинчиси – садақа ажри**», деб айтибдилар» (*Имом Муслим ривоят қилган*).

عَنْ أَبِي سُفْيَانَ بْنِ حَرْبٍ قَالَ فِي قِصَّةِ طَوِيلَةٍ مَعَ هِرْقَلٍ قَالَ لَهُ هِرْقَلُ: مَاذَا يَأْمُرُكُمْ؟ قُلْتُ: يَقُولُ: اعْبُدُوا اللَّهَ وَحْدَهُ وَلَا تَشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا، وَأَتْرَكُوا مَا يَقُولُ آبَاؤُكُمْ، وَيَأْمُرُنَا بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ وَالصَّدَقِ وَالْعَفَافِ وَالصَّلَةِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Суфён ибн Ҳарб розияллоҳу анҳу Ҳирақл ҳақидаги узун ҳадисда шундай дейди:

«У (яъни янги Пайғамбар) нималарга буюрмоқда?» деб сўради. Мен: «Якка Аллоҳга ибодат қилишга, Унга бирор нарсани шерик қилмасликка, оталарингиз айтган нарсани тарк қилишга, намоз ўқишга, ростгўй бўлишга, иффатлили бўлишга, силаи раҳмга буюрмоқда», дедим» (*Муттафақун алайҳ*).

ТАҚВО ЗИЙНАТИ

Бутун оламларнинг Роббига ҳамду санолар, Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламга, у зотнинг аҳли байтлари ва асҳобларига салавоту дурудлар бўлсин. «Тақво» «виқоя» сўзидан олинган бўлиб, ҳимояланиш, ўзини тийиш каби маъноларни ифода этади. Истилоҳда эса Аллоҳ субҳанаху ва таоло ман қилган ҳаром нарсалардан ўзини сақлашга тақво дейилади.

Абу Хурайра розияллоху анхудан: «Тақво нима?» деб сўрашди. У зот улардан бирига: «Тиканли ерда юрганми-сан?» деб савол бердилар. У киши: «Ҳа», деб жавоб берди. Абу Хурайра розияллоху анху: «Қандай қилиб юргансан?» дедилар. У киши: «Эҳтиёт бўлиб юрганман», деб жавоб берди. Абу Хурайра розияллоху анху: «Хато (гуноҳ)лардан ҳам шундай эҳтиёт бўлгин», дедилар.

Тақво – бу Аллоҳдан кўрқиш, Унинг айтганларини қилиш, қайтарганларидан қайтишдир. Сиртдан қараганда кўпчилик тақводордек кўринади. Аммо ҳақиқий тақво қалбда бўлгани учун бирон кишининг қай даражада тақводор эканини билиб бўлмайди. Биз тақводор деб ўйлаб юрган одамимиз дунёнинг арзимас матоҳини деб ўз «сири»ни фош қилиб қўйиши мумкин. Шу боис бир кишини мақташга ҳам, ёмонлашга ҳам шошилмаслик керак. Бугунги кунда кишиларнинг тақвоси уларнинг кийим-бошига, юриш-туришига қараб бегиладиган бўлиб кетган. Тўғри, тозалик, хушбичим кийиниш керак. Аммо бу ҳолат тақво даражасини белгилаб бермайди. Оддийгина кийиниб, у қадар кўзга ташланмайдиган киши ҳам ниҳоятда тақводор бўлиши мумкин. Аслида тақво кўз-кўз қилинмайди. Ўтган улуғ зотлар ажр-савобдан ажаралиб қолишдан кўрқиб, тақволарини сир тутишга ҳаракат қилганлар.

Инсон фақат тақво билан нажотга эришади. Тақво Куръони Каримнинг бош мавзуси, мўминларнинг асосий сифатидир. Тақво сифатининг Куръони Каримдаги бир нечта оятларда зикр қилиниши, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тақво борасидаги кўплаб ҳадислари унинг нақадар муҳим сифатлардан эканини билдиради. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

❖ وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا
السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ ﴿١٣٣﴾ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي
السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكَبِيرِ وَالضَّرَّاءِ وَالْعَافِينَ عَنِ
النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٣٤﴾

«Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз! Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар» (Оли Имрон сураси, 133-134-оятлар).

Ояти каримада тақводорлар ҳақида сўз бориб, уларнинг бир қанча сифатлари айтилмоқда. Демак, тақводорларни ана шу сифатларидан таниб олиш мумкин экан. Борида ҳам, йўғида ҳам хайр-садақани улашиб, ғазабларини ичига ютадиган, одамларда бир айб-камчиликни кўрса, уларни кечирадиган зотлар ҳақиқий тақводорлар экан. Бундай сифатга эга бўлиш ҳамма-

нинг ҳам қўлидан келмайди. Шундай сифатларни ўзида шакллантира олган кишиларни тақводорлар қаторига қўшсак, хато бўлмайди.

Ҳаётда одамларнинг ўзаро дўстлашиб, яқинлашишларининг сабаблари жуда кўп. Баъзилар одамларнинг мол-мулкига қараб дўст тутинади, яна биров обрўсига қараб дўстлашади, яна бошқаси динига қараб биродарлашади. Охиратда давом этадиган дўстлик эса тақво устига қурилган дўстликдир. Шундан бошқаси учун дунёда ўзаро дўст бўлганлар охиратда ўзаро душман бўладилар.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло қайтарганларидан қайтган, буюрганларини адо этган мўмин-мусулмон чинакам тақводор ҳисобланади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ أَنَّهُ قَالَ وَهُوَ عَلَى الْمَنْبَرِ: «ارْحَمُوا تُرْحَمُوا، وَاغْفِرُوا يَغْفِرَ اللَّهُ لَكُمْ، وَئِلَّ لِأَقْمَاعِ الْقَوْلِ، وَئِلَّ لِلْمُصْرَبِينَ الَّذِينَ يُصِرُّونَ عَلَى مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ».
رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда туриб шундай дедилар: **«Раҳм қилинглар, раҳм қилинасизлар. Мағфират қилинглар, Аллоҳ сизларни мағфират қилади. Гапнинг ёмонини гапирадиганларга вайл (дўзах) бўлсин! Бир ишнинг ёмонлигини билиб туриб, уни такрор-такрор қилаверадиганларга вайл бўлсин!»** (Бухорий «Адабул муфрад»да ҳамда Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилишган).

Аллоҳ таоло Талоқ сурасида шундай марҳамат қилади:

وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا ﴿٢﴾ وَيَرْزُقْهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ ۗ إِنَّ اللَّهَ بَلِغُ أَمْرِهِ ۗ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا ﴿٣﴾

«Кимки Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилур. Яна уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур. Кимки Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга кифоя қилар. Албатта, Аллоҳ ўзи (хоҳлаган) ишига етувчидир. Аллоҳ барча нарса учун миқдор (меъёр ва муддатни тайин) қилиб қўйгандир» (Талоқ сураси, 2-3-оятлар).

Кўпчилик наздида тақво билан яшаш жуда кийин. Чунки атроф инсон қалбини ром этадиган хою ҳаваслар билан тўлиб-тошган. Уларга мойил бўлмасдан яшаш жуда кийин. Лекин ҳақиқий такводор киши улардан нафсини тийиш учун сабр-тоқат қувватига эга бўлади.

عَنْ أَبِي أَمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَخُطُبُ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ فَقَالَ: «اتَّقُوا اللَّهَ رَبُّكُمْ، وَصَلُّوا خَمْسَكُمْ، وَصُومُوا شَهْرَكُمْ، وَأَدُّوا زَكَاةَ أَمْوَالِكُمْ، وَأَطِيعُوا ذَا أَمْرِكُمْ تَدْخُلُوا جَنَّةَ رَبِّكُمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Умома розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг Ҳажжатул Вадоъда шундай хутба қилганларини эшитдим: «Аллоҳдан тақво қилинглар. Беш вақт намозни адо

этинглар. Рўза ойининг рўзасини тутинглар. Молларингизнинг закотини беринглар. Амирларингизга итоат қилинглар. Шунда Роббингизнинг жаннатига кирасизлар!» (Термизий ривоят қилган)

Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَتَّقُوا اللَّهَ يَجْعَلْ لَكُمْ فُرْقَانًا
وَيُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ
الْعَظِيمِ ﴿٢٩﴾

«Эй имон келтирганлар! Агар Аллоҳдан қўрқсангиз, сизлар учун (ҳақ билан ноҳақликни) ажрим этувчи (ёрдам)ни берур ва гуноҳларингиздан ўтиб, сизларни мағфират қилур. Аллоҳ улкан фазл соҳибидир» (Анфол сураси, 29-оят).

وَسَيُجَنَّبُهَا الْأَتْقَى ﴿١٧﴾ الَّذِي يُؤْتِي مَالَهُ يَتَزَكَّى ﴿١٨﴾ وَمَا لِأَحَدٍ
عِنْدَهُ مِنْ نِعْمَةٍ تُجْزَى ﴿١٩﴾ إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الْأَعْلَى ﴿٢٠﴾ وَلَسَوْفَ يَرْضَى ﴿٢١﴾

«Ўзи покдомон бўлиб, мол-давлатини (яхшилик йўлида) сарф қиладиган такводор ўт (дўзах)дан йироқ қилинур. У (такводор зот) ҳузурида-зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир. У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг юзини-ризолигини истаб (мол-давлатини сарф қилур). Ва яқинда (Парвардигори унга ато этадиган мукофот-жаннат неъматларидан) рози бўлур» (Лайл сураси, 17–21-оятлар).

Такводдорларни охиратда катта ажр-савоблар ва жаннат кутади. Шунинг учун улуғ кишилар такво йўлида ўзларига етадиган кўп машаққат ва синовларга бардош берганлар, жабр-ситамни мардонавор енгиб ўтганлар.

عَنْ عَطِيَّةَ السَّعْدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لَا يَبْلُغُ الْعَبْدُ أَنْ يَكُونَ مِنَ الْمُتَّقِينَ حَتَّى يَدَعَ مَا لَا بَأْسَ بِهِ حَذْرًا لِمَا بِهِ الْبَأْسُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Атиййа ас-Саъдий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Банда шубҳали нарсаларга йўлиқиб қолмай деб, шубҳасиз нарсаларни ҳам қилмаса, ўшанда такводорлар даражасига етишади», дедилар» (Имом Термизий ривоят қилган).

Такводор бўлиш учун одамлардан ажралиб, бир ўзи ёлғиз яшаш шарт эмас. Одамлар билан бирга ҳаёт кечириб, мол-дунё ва ризқ топишда дуч келадиган шубҳали нарсалардан тийилиш билан такводорлик даражасига эришиш мумкин. Ҳеч бир замонда такводор бўлиш осон бўлмаган. Кўпчилик фақат тоза ва ҳалол озиқ-овқатларни тановул қилишни такводорлик деб тушунади. Аслида, ғийбатдан, турли миш-мишлардан тилини тия олиш ҳам такводир. Такводор бўлиш ва охиратда жаннатга эришишни кўпчилик хоҳласа-да, аммо рия этиш ва парҳезкор бўлишдаги машаққат ва қийинчиликларга кўпчилик дош бера олмайди. Аллоҳ таоло қилган хайрли амалларимизни мақбул айлаган бўлсин ва охиратда барчамизни такводорларга бериладиган ажр-савоблар билан мукофотласин.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ҚАДРИ

Соғлик инсон учун энг зарур неъматлардан ҳисобланади. Динимиз инсонни ўз сиҳат-саломатлиги учун қайғуришга, соғлиғини сақлашга, имкон қадар касалликка чалинмаслик учун ҳаракат қилишга, мабодо эҳтиёт чоралари кўрилгандан кейин бирор касалликка чалиниб қолса, сабр қилишга буюради. Соғлик ҳам, беморлик ҳам ёлғиз Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг ишидир. Мўмин-мусулмон киши яхши ва ёмон тақдир Аллоҳдан эканига ҳеч иккиланмасдан иймон келтиради.

عَنْ الْعَبَّاسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، عَلَّمَنِي شَيْئًا أَسْأَلُهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ، قَالَ: «سَلِ اللَّهَ الْعَافِيَةَ»، فَمَكَثْتُ أَيَّامًا ثُمَّ سَأَلْتُهُ ثَانِيًا، فَقَالَ لِي: «يَا عَبَّاسُ يَا عَمَّ رَسُولِ اللَّهِ، سَلُوا اللَّهَ الْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ».

Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Менга Аллоҳ азза ва жалладан сўрайдиган нарсани ўргатинг», дедим. У зот менга: «Аллоҳдан офият сўра», дедилар.

Бир неча кун турдим, сўнгра у зотдан шу нарсани яна бир бор сўрадим. У зот менга: «Эй Аббос! Эй Расулulloҳнинг амакиси! Аллоҳдан бу дунё ва охиратдаги офиятни сўра», дедилар».

وَسَأَلَ رَجُلٌ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ: أَيُّ الدُّعَاءِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: «سَلِ رَبَّكَ الْعَافِيَةَ وَالْمُعَافَاةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ»، ثُمَّ سَأَلَهُ فِي الْيَوْمِ

الثَّانِي، فَقَالَ مِثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ سَأَلَهُ فِي الْيَوْمِ الثَّلَاثِ، فَقَالَ مِثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ قَالَ: «إِذَا أُعْطِيتِ الْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَأُعْطِيتَهَا فِي الْآخِرَةِ فَقَدْ أَفْلَحْتَ». رَوَاهُمَا التِّرْمِذِيُّ.

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қайси дуо афзал?» деб сўради.

«Роббингдан бу дунё ва охиратдаги офиятни сўра», дедилар.

Сўнгра иккинчи куни ҳам сўради. У зот ўшани айтдилар. Сўнгра учинчи куни ҳам сўради. У зот яна ўшани айтдилар. Кейин эса: «Сенга бу дунёда офият берилса ва у сенга охиратда ҳам берилса, ҳақиқатда нажот топибсан», дедилар» (*Иккисини Термизий ривоят қилган*).

Ҳадиси шарифлардан кўриниб турибдики, офият катта неъмат экан. Буни ҳар биримиз ҳаётда ҳис қилганмиз. Агар бирон жойимиз оғриб турса, ҳатто фарз ибодатларни адо этиш ҳам оғир туюлиб кетади. Ана шу дарддан кутулмагунимизча дунё кўзимизга қоронғи бўлиб туради. Шундай экан, инсон сиҳат-саломатлик Аллоҳ таоло ато этган катта неъматлардан эканини асло ёдидан чиқармаслиги лозим.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан беморлик, унга сабр қилиш, беморни зиёрат қилиш каби мавзуларда кўплаб ҳадиси шарифлар ворид бўлган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَنْزِلُ الْمَرِيضَ تَسْبِيحًا، وَصِيَاحَهُ تَهْلِيلًا، وَنَفْسَهُ صَدَقَةً، وَنَوْمَهُ عَلَى الْفِرَاشِ عِبَادَةً، وَتَقَلُّبُهُ مِنْ جَنْبٍ إِلَى جَنْبٍ كَأَنَّمَا يُقَاتِلُ الْعَدُوَّ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، يَقُولُ اللَّهُ

سُبْحَانَهُ لِمَلَأْتَكْتَهُ: اَكْتُبُوا لِعَبْدِي أَحْسَنَ مَا كَانَ يَعْمَلُ فِي صِحَّتِهِ،
فَإِذَا قَامَ ثُمَّ مَشَى كَانَ كَمَنْ لَا ذَنْبَ لَهُ». رَوَاهُ الْخَطِيبُ وَالِدَيْلَمِيُّ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Беморнинг инграши – тасбех, охи – таҳлил, нафаси – садақа, уйқуси – ибодат, бир томондан иккинчи томонга ағдарилиши – Аллоҳ йўлида жидду жаҳддир. Унга соғлик вақтидаги амалидан яхшироқ амал ёзилади**», дедилар» (*Хатиб ва Дайлабий ривоят қилишган*).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ:
«مَنْ عَادَ مَرِيضًا فَكَأَنَّمَا صَامَ يَوْمًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَالْيَوْمُ بِسَبْعِمِائَةِ
يَوْمٍ». رَوَاهُ ابْنُ النَّجَّارِ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким беморни зиёрат қилса, гўёки Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутгандекдир. Бир куни етти юз кунга тенг**», дедилар» (*Ибн Нажжор ривоят қилган*).

Бемор одам ибодат амалларини бажара олмаслиги, бажарса ҳам қийналиб адо этиши бор ҳақиқат. Лекин динимизда бемор кишига агар касалига сабр қилса, унга ибодат учун бериладиган савоблар битилиши ваъда қилинган. Бундай савобга эришиш учун банда тақдирдан нолимаслиги, Аллоҳ берган дардга сабр қилиб, шифосини ҳам беришини умид қилиб яшаши лозим. Ажаб эмаски, Аллоҳ унга ғайбидан шифо ва офият ато этса. Дардидан шикоят қиладиган, кўринганга тақдирдан

нолийдиган, Аллоҳ берган касалликка сабр килмайдиган кишининг номаи аъмолига ажр-савоб ёзилмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида шифони ҳам, касалликни ҳам Аллоҳ таоло яратганини таъкидлаганлар.

عَنْ أُسَامَةَ بْنِ شَرِيكٍ قَالَ: قَالَتِ الْأَعْرَابُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلَا نَتَدَاوَى؟ قَالَ: «نَعَمْ، يَا عِبَادَ اللَّهِ تَدَاوَوْا، فَإِنَّ اللَّهَ لَمْ يَضَعْ دَاءً إِلَّا وَضَعَ لَهُ شِفَاءً، أَوْ قَالَ: دَوَاءً إِلَّا دَاءً وَاحِدًا»، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا هُوَ؟ قَالَ: «الْهَرَمُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Усома ибн Шарик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аъробийлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, даволансак бўладими?» деб сўрашди. У зот: «**Ҳа, эй Аллоҳнинг бандалари! Даволанинглар! Чунки Аллоҳ таоло қандай дардни яратган бўлса, албатта, унинг шифосини ҳам яратган. Лекин битта дарднинг давоси йўқ**», дедилар. Саҳобийлар: «У қайси дард?» деб сўрашди. У зот: «**Қарилик**», дедилар» *(Термизий ривоят қилган).*

Ҳаётда тез-тез дардга чалинадиган айрим кишиларнинг узоқ умр кўришини кузатамиз. Аллоҳ таоло бир бандасига узоқ умр берса ва у ҳаёти давомида тез-тез дард чекса, буни мусибат деб билмаслигимиз керак. Бу Аллоҳ таолонинг мазкур бандасига кўрсатган марҳаматидир. Банданинг узоқ умр кўришини хайрли ишларни кўпроқ бажариши, кўпроқ ибодат қилиши учун берилган имкон деб билишимиз лозим. Бу банданинг тез-тез касалликка чалиниши эса билиб-билмай қилган гуноҳлари худди дарахт баргидек тўкилиши учун яна бир имкониятдир. Ин-

сонга етган барча касалликларнинг шифоси ҳам битиб қўйилган. Фақат инсон ақл-заковати уларнинг ҳаммасини аниқламаган бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда илгари шифоси йўқ, деб ташхис қўйилган кўплаб касалликларнинг шифоси борлиги аниқланмоқда. Юқоридаги ҳадиси шарифдаги Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг сўзларига кўра биргина дард – қариликнинг шифоси йўқ экан.

Тарихга назар соладиган бўлсак, Ислом дини инсон соғлиғи учун қайғурадиган, касалликнинг олдини олиш ва унга шифо излашни ибодат даражасига кўтарган ягона дин эканлигига гувоҳ бўламиз. Қуръони Каримдаги оятларда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида тиб илмига оид кўплаб маълумотлар баён қилинган.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رضي الله عنه قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ الدَّاءَ وَالِدَوَاءَ، وَجَعَلَ لِكُلِّ دَاءٍ دَوَاءً، فَتَدَاوَوْا وَلَا تَدَاوَوْا بِحَرَامٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ дардни ва давони туширган. Ва ҳар бир дардга даво қилиб қўйган. Бас, даволанинглар. Фақат ҳаром ила даволанманглар», дедилар» (Абу Довуд ривоят қилган).

«Саҳиҳи Бухорий»да келган ривоятда Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Аллоҳ таоло ҳаром қилинган нарсаларда сизлар учун шифо яратмаган», деган.

«Сунан» китобларида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан шундай ҳадис ривоят қилинган: «Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам хавfli (жирканч) даводан қайтарганлар».

Суннат муҳаддислар истилоҳида шундай таърифланади: «**Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрир, халқий** (тана тузилиши), **ахлоқий сифатлар ва таржимаи ҳолга тегишли маълумотлар «Суннат» дейилади.**».

Гап. Бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг турли ҳолат ва муносабатларда айтган гаплари киради.

Иш. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган иш-амаллари. Мисол учун, таҳорат қилишлари, намоз ўқишлари ва ҳоказо.

Тақрир. Бу сўз бир нарсага иқроп бўлиш, унинг тўғрилигини тасдиқлаш – маъқуллаш каби маъноларни англатади. Суннатдаги тақрир эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи киромлар томонидан содир бўлган баъзи нарсаларни маъқуллашларидан иборат.

Халқий сифат. Яъни тана тузилишидаги сифатлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган кишилар у зотнинг бўй-бастлари, тана тузилишлари, сочлари, кўзлари ва бошқа аъзоларини батафсил васф қилиб берганлар.

Хулқий-ахлоқий сифатлар. Саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сабрлари, ҳиллари, шижоатлари, саҳийликлари каби барча ахлоқий фазилатларини ҳам ривоят қилиб қолдирганлар.

Таржимаи ҳол. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётлари, у зотнинг таваллуд топганларидан бошлаб, то вафотларигача бўлган таржимаи ҳоллари ўта аниқлик ва бутун тафсилотлари би-

лан ривоят қилинган. Ушбу бобга тегишли ривоятлар тўплами «Сийрат» дейилади.

Бу суннатларнинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи тури Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига хос. Буларни бажариш мусулмонларга мажбурий эмас. Масалан, «Пайғамбар алайҳиссалом мана бундай юрган эканлар, мен ҳам шундай юришим суннат», дейиш мумкин эмас. Лекин бу борада ҳам таъкидлаб қўйилган амаллар борки, уларни ҳар бир мўмин-мусулмон адо этиши лозим. Мисол учун, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таомни ўнг қўл билан еганлар, мен ҳам ўнг қўл билан ейман, бу суннат», дейиш тўғри. «Пайғамбар алайҳиссалом ўнг қўл билан ейишни буюрган бўлсалар, мен хоҳлаган қўлим билан еявераман», дейиш эса суннатга қарши боришдир. Суннатнинг биринчи, иккинчи, учинчи турлари динимиз аҳкомларини баён қилиб берувчи ва эргашишимиз керак бўлган суннатлар ҳисобланади.

Тиб илми суннатнинг барча турларида ўз аксини топади. Лекин суннатнинг биринчи, иккинчи, учинчи турларида келган тиб илмига оид кўрсатмаларни шарият буюрган даволаниш турлари деб қабул қилишимиз лозим.

Динимизнинг тибга муносабати покликка даъват этишида ҳам кўзга ташланади. Фикҳ китобларининг илк боби «Таҳорат китоби» билан бошланиши бежиз эмас. Инсон соғ-саломат яшашининг асосий шарти тозалikka эътибордир. Пайғамбар алайҳиссалом покликни иймоннинг ярми, дедилар. Масалан, банда бир кунда беш вақт намозни фақат таҳоратли ҳолда ўқишга, жунуб бўлганда ғусл қилишга буюрилган. Тишларимизни тозалаш учун мисвок ишлатиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир. Бугунги кунга келиб си-

хат-саломатликни сақлашда бу нарсалар катта аҳамиятга эгаллиги, уларнинг инсон соғлиғи учун фойдаси кўплиги илм-фан томонидан исбот қилинмоқда. Динимизда жорий қилинган покликни сақлаш борасидаги жуда кўп тадбирлар инсон жисми, руҳи ва зехнига катта таъсир кўрсагишини ҳам замонавий тиб илми тасдиқлади. Инсонга етадиган аксарият касалликлар оғиз бўшлиғини тоза тутмаслик, тишлар орасида қолиб кетган микроблар натижасида вужудга келар экан. Овқат қолдиғи милқдан қонга сўрилиб, ўз-ўзидан бутун танага тарқайди. Бир кунда бир неча марта мисвок ёрдамида тишларни тозалаш мана шу муаммонинг олдини оладиган гўзал суннатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳатто жонлари Рафиқул аълога кўтарилиши асносида ҳам мисвокни тарк этмадилар. У зот мисвокка қарадилар. Оиша онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламининг муборак бошларини қучоқлаб, «Эй Аллоҳнинг Расули, мисвок олиб берайми?» дедилар. У зот «Ҳа», дегандек ишора қилдилар. Мисвок қаттиклик қилганини кўриб, Оиша онамиз: «Эй Аллоҳнинг Расули, уни юмшатиб берайми?» деган эдилар, яна ишора қилдилар. Оиша розияллоҳу анҳо уни юмшатиб, у зотнинг оғизларини мисвок қилдилар. Шундан кейин қўлларини юқорига қилиб, Рафиқул аълога интиқол қилдилар.

Имом Бухорий, Имом Насоий, Имом Шофеъийлар Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мисвок оғизни тозаловчи ва Роббни рози қилувчидир», деганлар. Мисвок тозалик ва соғлиқни сақлашнинг асосий гарови эканига ишонган саҳобалар ҳам бу суннатга қаттиқ риоя қилганлар. Оддий бир дарахт новдасидан иборат нарса уларнинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган.

عَنْ عَامِرِ بْنِ رَبِيعَةَ، قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ يَسْتَاكُ وَهُوَ صَائِمٌ
مَا لَا أَحْصِي أَوْ أَعُدُّ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي التَّغْلِيْقِ وَأَبُو دَاوُدَ.

Омир ибн Робиъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рўздор ҳолларида мисвок қилаётганларини санаб, саноғига, ҳисоблаб, ҳисобига ета олмайдиган даражада кўп кўрганман» (Бухорий «Таълиқ»да ва Абу Довуд ривоят қилишган).

Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаи мутоҳҳаралари бадантарбияга алоҳида эътибор берганлари, саҳобаларнинг тарғиботлари динимизда бу нарсага қанчалик аҳамият берилганини тасдиқлайди. Биргина бомдод намози учун инсон уйқудан туриб, уни ўқигунча қанча жисмоний ҳаракатлар қилади. Динимиз аҳкомларининг аксариятини адо этиш учун муайян ҳаракат ва амаллар талаб этилади. Шунинг ўзи кишида Ислом – саъй-ҳаракат дини деган тасаввурни уйғотади.

Ҳадиси шарифда Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан мусобақалашган эдилар, мен у зотдан ўзиб кетдим. Бир муддатдан сўнг менинг гўштим оғирлашганда яна мен билан мусобақалашиб, мендан ўзиб кетдилар ва «Ҳалиги билан биру бир», дедилар». Бу югуриш мусобақаларининг биринчисида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари эллик учдан ўтган эди. Кейинги, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиздан ўзиб кетган югуриш мусобақасида эса у зотнинг ёшлари ундан ҳам катта бўлган. Саҳобалардан Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Биз йўлда юриб борар эдик. Ансорийлардан мусобақада ҳеч енгилмаган бир киши:

«Мадинагача мусобақалашувчи борми? Қани, ким мусобақа қила олади?» дея бошлади.

«Ҳурматли кишининг ҳурматини, шарафлининг шарафини риоя қилмайсанми?» дедим.

«Фақатгина Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни», деди.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ота-онам сизга фидо бўлсин! Қўйиб беринг, шу одам билан мусобақалашай», дедим.

«Хоҳишинг бўлса, майли», дедилар у зот.

Мадинага ундан аввал етиб бордим» (*Имом Муслим ва имом Аҳмадлар ривоят қилишган*).

Мана Исломда спортга, бадантарбияга бўлган муносабат, тарғибот!

Соғлом бўлишни истаган киши овқатланиш тартибига ҳам қатъий риоя қилиши лозим. Сўнгги пайтларда нотўғри овқатланиш инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида замонавий тиббиёт илми ходимлари кўп гапирадиган бўлиб қолди. Мутахассислар томонидан «Тўғри овқатланиш» дастурлари ишлаб чиқилиб, турли семинарлар ташкил этилмоқда, юртимизнинг турли бурчакларида амалий курслар очилиб, фаолият юритмоқда. Аслида бундан ўн беш аср муқаддам нозил бўлган Китоб – Қуръони Каримда бу нарса қисқа лафзлар билан қайд этиб қўйилган:

يٰۤاَيُّهَا اٰدَمُ خُذُوْا زِيْنَتَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَكُلُوْا وَاشْرَبُوْا وَلَا تُسْرِفُوْا اِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِيْنَ



«Эй Одам авлоди! Ҳар бир масжид (намоз) олди-дан зийнатларингиз (пок кийимларингиз)ни (кийиб)

олингиз! Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмагай» (*Аъроф сураси, 31-оят*).

Қадимда яхудийлардан бири хулафодан бирига: «Сизларнинг Куръонингизнинг ярим оятига бутун тиб илми жойлашган», деб, мана шу ояти каримани ўқиган экан. Ҳақиқатдан ҳам, ҳаддан ортиқ еб-ичиш инсон жисмига фойда эмас, зарар келтиради. Кўпчилигимиз исроф деганда таомнинг еганимиздан ортигини тўкиб ташлашни тушунамиз. Аслида тўйгандан кейин ҳам ейишда давом этиш исроф эканини ўйлаб кўрмаймиз. Шунингдек, уйку ҳам меъёрда бўлиши лозим. Бир суткада етти соатдан ортиқ ухлаш кўплик қилади. Ҳаддан ташқари кўп таом ейиш ва кўп ухлаш оқибатида организмда турли касалликлар келиб чиқади. Динимиз бу амаллардан қайтариб, ўртача ҳолатни тавсия этади.

عَنْ أَبِي جَمْرَةَ الضُّبَيْيِّ، قَالَ: كُنْتُ أُجَالِسُ ابْنَ عَبَّاسٍ بِمَكَّةَ فَأَخَذَتْنِي الْحُمَّى، فَقَالَ: أَبْرِدْهَا عَنْكَ بِمَاءٍ زَمَزَمَ، فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «الْحُمَّى مِنْ فَيْحِ جَهَنَّمَ، فَأَبْرِدُوهَا بِالْمَاءِ - أَوْ قَالَ بِمَاءِ زَمَزَمَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Жамра Зубаъийдан ривоят қилинади:

«Мақкада Ибн Аббос билан ўтирган эдим. Бирдан мени иситма тутди. Шунда (Ибн Аббос): «Уни замзам суви билан совутиб, ўзингдан кетказ, чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Иситма жаҳаннам тафтидандир. Шу боис уни сув билан [Ҳаммам: «Ёки «Замзам суви билан», деганлар» деб иккиланган] совутинглар», деганлар», деди»** (*Бухорий ривоят қилган*).

Абу Нуъайм ва бошқа уламолар Анас розияллоху анхудан ривоят қилинган куйидаги ҳадисни келтирадилар: «Агар бирортангиз иситмаласа, уч кун сахар вақтида ўзига совуқ сув сепсин». Ибн Можанинг «Сунан» китобида Абу Ҳурайра розияллоху анхудан шундай ҳадис ривоят қилинган: «Иситма дўзах учқунларидандир. Уни совуқ сув сепиш билан ўзингиздан узоқлаштиринглар». «Сунан» ва бошқа китобларда Сумра розияллоху анхудан куйидаги ҳадис ривоят қилинган: «Иситма дўзах оловининг бир бўлагидир. Уни совуқ сув билан совутинглар». Салгина кўтарилган иситма ҳам кишига озор беради. Лекин динимизда ана шу иситманинг тафтини тушириш чора-тадбирлари қайд этилиб, банда унга сабр қилишга чақирилган. Киши каттаю кичик, оғиру енгил дардга сабр-тоқат қилиш билан улкан ажр-савобларни қўлга киритади. Аллоҳ берган дардга сабр-тоқат қилиш билан жаннатий бўлишдек улуғ бахтга ноил бўлган кишилар ҳақида бир нечта ҳадиси шарифлар ривоят қилинган.

حَدَّثَنِي عَطَاءُ بْنُ أَبِي رِيَّاحٍ قَالَ: قَالَ لِي ابْنُ عَبَّاسٍ: أَلَا أُرِيكَ امْرَأَةً مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ؟ قُلْتُ: بَلَى. قَالَ هَذِهِ الْمَرْأَةُ السَّوْدَاءُ أَتَتْ النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَتْ: إِنِّي أَضْرَعُ، وَإِنِّي أَتَكَشَّفُ فَادْعُ اللَّهَ لِي. قَالَ: «إِنْ شِئْتَ صَبَرْتِ وَلَكَ الْجَنَّةُ، وَإِنْ شِئْتَ دَعَوْتُ اللَّهَ أَنْ يُعَافِيكَ». فَقَالَتْ: أَصْبِرُ. فَقَالَتْ: إِنِّي أَتَكَشَّفُ فَادْعُ اللَّهَ أَنْ لَا أَتَكَشَّفَ، فَدَعَا لَهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Ато ибн Абу Рабоҳ сўзлаб берди:

«Ибн Аббос менга: «Сенга жаннат аҳлидан бўлган бир аёлни кўрсатайми?» деди. «Ҳа, албатта», дедим. У шундай деди: «Манави қора хотин. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Мени тутқаноқ тутади, шунда у ёқ-бу ёғим очилиб кетади, Аллоҳга менинг ҳақимда дуо қилинг», деди. У зот: **«Агар хоҳласанг, сабр қиласан ва сенга жаннат бўлади. Хоҳласанг, сенга офият беришини сўраб Аллоҳга дуо қиламан»**, дедилар. Шунда у: «Сабр қиламан. Лекин у ёқ-бу ёғим очилиб кетади-да. Бўлмаса Аллоҳга дуо қилинг, у ёқ-бу ёғим очилиб кетмасин», деди. Шунда у зот унинг ҳақкига дуо қилдилар» (*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган*).

Мазкур аёл ўзига етган дарддан фориф бўлиш ҳақида эмас, тутқаноқ тутган вақтда аврати очилиб қолишидан кўркиши унинг тақводорлиги белгисидир.

Сўнгги пайтларда касалликнинг турлари жуда кўпайган. Ҳатто ҳали туғилиб улгурмаган ёш гўдакларда турли касаллик белгилари аниқланмоқда. Албатта, бунинг бир қанча сабаблари бор. Лекин энг катта сабаблардан бири соғлиққа эътиборсизликдир. Инсон ўзига дард ва касаллик етмай туриб, унинг олдини олиши, Аллоҳ берган неъматнинг – сиҳат-саломатликнинг қадрига етиши, уни бой бермасликка ҳаракат қилиши лозим.

ОИЛА – БАХТ ҚЎРҒОНИ

Оила тинчлигини сақлаш ва уни ислоҳ қилиш динимизда йирик мавзулардан бири саналади. Оилани тинч ва осуда қўрғонга қиёслаш мумкин. Ҳа, оила ўз аҳли учун бахт қўрғони бўлиши лозим. Ҳар бир оила қўрғони мустаҳкам бўлса, унда осойишталик ҳукм сурса, унинг аҳли ҳам тинч ва хотиржам ҳаёт кечиради. Мабодо бу қўрғон-

нинг баъзи аъзолари ўртасида низо-жанжал юзага келса, оиланинг ҳеч бир аҳли ҳаётдан лаззат топа олмайди.

Инсоният тарихида оиланинг илк тамал тошини ҳазрати Одам Ато ва Момо Ҳаво қўйганлар. Шундан буён ер юзида оила қуриб яшаш давом этмоқда. Оилалар кўпайиб, бора-бора катта бир жамият қурилишига пойдевор вазифасини бажарди. Демак, жамиятнинг равнақи, гуллаб-яшнаши уни ташкил этувчи оилаларнинг тинчлиги ва фаровонлиги билан боғлиқ экан. Шу боис давлатимиз ҳам оила ва унинг фаровонлиги масаласига алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Муҳаммад Амин ибн Обидин: «Ҳазрати Одамдан бошлаб қиёматгача давом этиб, қиёматда ҳам давом этадиган икки ибодат бор, бу иймон ва никоҳ», деган. Иймон ва никоҳ ҳар бир жамият ислоҳида катта ўрин тутади. Шу иккисига футур этадиган бўлса, жамият ҳаётида ҳам таназзул ва инкироз пайдо бўлади. Аллоҳ таоло одамзодни эркак ва аёл қилиб яратди. Эркак ва аёлдан ташкил топган жуфтлик ҳалол никоҳ орқали бирга оила қуриб яшайди, фарзандларни дунёга келтиради. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَجَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا
 لِيَسْكُنَ إِلَيْهَا فَلَمَّا تَغَشَّاهَا حَمَلَتْ حَمَلًا خَفِيًّا فَمَرَّتْ
 بِهِ فَلَمَّا أَثْقَلتْ دَعَا اللَّهَ رَبِّهَمَا لِينِ ءَاتَيْنَا صَلِحًا لَنَكُونَنَّ مِنَ
 الشَّاكِرِينَ



«У (Аллоҳ) сизларни бир жондан яратиб, ундан унинг жуфтини унга (уйланиб) таскин топиши

учун пайдо қилган зотдир. Унга яқинлик қилгач, у (Ҳавво) енгил ҳомилали бўлди ва у билан (бир муддат) юрди. (Юки) оғирлашганда, ҳар иккиси (Одам ва Ҳавво) Раббилари (бўлмиш) Аллоҳга дуо қилиб, «Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр қилувчилардан бўлажакмиз» (дедилар)» (*Аъроф сураси, 189-оят*).

Бу инсоният тарихининг ибтидосидир. Одамзод пайдо бўлганидан бошлаб оила қуришга, Аллоҳнинг берган неъматини – фарзандга шукр келтириб яшашга буюрилди. Бу оилани ўзаро муҳаббат ва меҳр-шафқат ришталари тутиб туради. Ана шу ришта қай даражада мустаҳкам ва пишиқ бўлса, оила кўрғони ҳам шу қадар мустаҳкам ва дарз кетмайдиган бўлади. Сўнгги пайтларда оила қуриш ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга лоқайд қараладиган бўлиб қолди. Йигит-қиз бири-бирига озгина маъқул келмай қолса, дарҳол ажрашиб, бошқаси билан яшаш ҳақида ўйлайди. Улар бу билан бахт кўрғонини тиклаб бўлмаслигини ўйлаб кўрмайдилар. Юқорида келтирилган оятда бандалар жуфт-жуфт бўлиб яшашга буюрилди. Бу жуфтлик эр ва хотиндан иборатдир. Охири вақтда баъзи ғарб мамлакатларида бир жинс вакилларининг оила қуришига рухсат берилиши, ҳатто бу нарса қонун билан белгилаб қўйилаётгани ҳақиқий залолатдир, Аллоҳга куфр келтиришдир. Бу жирканч ишни ўйлаб топганлар, уни ҳаётга татбиқ этаётганлар, бошқаларни ҳам бу ишга тарғиб этаётганлар Аллоҳнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлишдан кўрқишлари керак. Аллоҳ таоло инсониятга жуфт-жуфт, яъни эркак-аёл бўлиб яшашини жорий этар экан, бундан уларнинг ер юзида кўпайиб-тарқалишларини назарда тутган. Бундан бошқа мақсад йўқ.

У Зот Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

أُحِلَّ لَكُمْ لَيْلَةَ الصِّيَامِ الرَّفَثُ إِلَىٰ نِسَائِكُمْ هُنَّ لِبَاسٌ لَّكُمْ وَأَنْتُمْ لِبَاسٌ لَهُنَّ عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَخْتَانُونَ أَنْفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا عَنْكُمْ فَالْآنَ بَشِّرُوهُنَّ وَابْتَغُوا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّىٰ يَبَيِّنَ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ ثُمَّ أَتُمُوا الصِّيَامَ إِلَىٰ الْآيِلِ وَلَا تَبَشِّرُوهُنَّ وَأَنْتُمْ عَاكِفُونَ فِي الْمَسَاجِدِ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَقْرُبُوهَا كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لِّلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ

«Сизларга рўза кечасида хотинларингиз билан қовушиш ҳалол қилинди. Улар сизлар учун либос, сизлар улар учун либосдирсиз. Сизларнинг ўзингизга хиёнат қилаётганингизни Аллоҳ билди ва тавбангизни қабул қилиб, сизларни афв этди. Энди, улар билан (рўза кечаларида бемалол) қовушиб, сизлар учун Аллоҳ ёзган (тақдир этган) нарсани (фарзандни) умид этаверингиз. Шунингдек, тонггача, яъни ок ишнинг қора ипдан (тонгнинг тундан) ажраладиган вақтигача еб-ичаверингиз. Сўнгра, рўзани кечгача (қуёш ботгунча) мукамал тутингиз! Масжидларда эътиқофда бўлган пайтларингизда (кечалари ҳам) улар (хотинлар) билан қўшилмангиз! Булар (айтилган ҳукмлар) Аллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашмангиз! Одамлар (ман этилган ишлардан)

сақланишлари учун Аллоҳ ўз оятларини мана шундай аниқ баён қилади» (Бақара сураси, 187-оят).

Инсон танаси ва аврат жойларини беркитиш учун либос кияди. Агар аврати очилиб қолса, бу айб ва шармандалик ҳисобланади. Либос авратни беркитиш учун лозим. Эр хотинга либос бўлганидек, хотин ҳам ўз эрига либос вазифасини бажариши керак.

Исломиё таълимот асосида курилган оила бахтли оиладир. Чунки эр-хотин бир-бирини тушуниб, бир-бирига либос бўлиб яшашга ҳаракат қилиб яшайди. Шунинг учун Исломда шаръий никоҳга алоҳида эътибор берилади. Шаръий никоҳсиз яшаш катта гуноҳ саналади. Эр ёки хотин ўртадаги сирни ташқарига ёйиши ман этилади. Бироқ ўртадаги муносабат салгина бузилса, устиларидаги либосни олиб ташлашга, жуфтнинг айб ва нуқсонларини бошқаларга фош этишга жазм қиладиган эр-хотинлар жуда кўп. Улар шаръий никоҳдан ўтиб, бирга яшаб келаётган бўлсалар ҳам, жаҳл келганда ақл қочади, деганларидек, ўртада кичик бир низо чиқса, бир-биридаги ҳақни унутиб қўядилар. Айниқса муносабатлар ажрашиш ҳолатига етиб борса, бир-бирини айблаш, ёмонотлиқ қилиш авж олади, қарши тарафга туҳматлар ёғилади, унс-улфат, ҳурмат пардаси кўтарилади, ўртадан шарм-ҳаё кўтарилади.

Инсон кийимни зийнат учун кияди. Демак, эр-хотин бир-бирларига либос, яъни зийнат бўлишлари лозим. Бу дунёда беайб, бенуқсон инсоннинг ўзи йўқ. Ҳаммада ўзига яраша айб ва нуқсон мавжуд. Бироқ бир неча йил бир ёстиққа бош қўйиб яшаганлар ичида ҳам бошқалар олдида ўз жуфти ҳалолани ёмонотлиқ қиладиган, уларни ҳақорат қилиб элга шарманда қиладиганлар йўқ эмас. Буларнинг ҳаммаси оила деб аталмиш сирли

қўрғон эшигини шайтонга очиб беришдир. Шайтон бу қўрғонга кириб олганидан кейин, у ёғига бу қўрғонни ҳимоя қилиш осон бўлмай қолади.

Оила қўрғонини мустаҳкам сақлаш учун эр-хотин бир-бирининг ҳақларига риоя этишлари лозим бўлади. Бу борада Пайғамбаримиз алайҳиссалом бизларга жуда кўп ибратли амалларни суннат қилиб қолдириб кетганлар. У зот ҳеч қачон аёлларини урмаганлар. Уларга нисбатан ҳар доим самимий ва хушмуомалада бўлиб, ҳақларини адо этиш пайида бўлганлар. Муроса учун аёлларининг баъзи бир инжиқлик ва озорларини кўтарганлари кўплаб ривоятларда ворид бўлган. Бир уйда яшаётган эр-хотин аразлашиб қолса, қандай вазият юзга келишини бир тасаввур қилиб кўринг. Мусулмонлар орасида йиллаб гаплашмай юрадиган эр-хотинлар борлигига нима дейсиз?!

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنِّي لَأَعْلَمُ إِذَا كُنْتُ عَنِّي رَاضِيَةً، وَإِذَا كُنْتُ عَلَيَّ غَضَبِي». قَالَتْ: فَقُلْتُ: مَنْ أَيْنَ تَعْرِفُ ذَلِكَ؟ فَقَالَ: «أَمَّا إِذَا كُنْتُ عَنِّي رَاضِيَةً فَإِنَّكَ تَقُولِينَ: لَا وَرَبِّ مُحَمَّدٍ، وَإِذَا كُنْتُ غَضَبِي قُلْتُ: لَا وَرَبِّ إِبْرَاهِيمَ». قَالَتْ: قُلْتُ: أَجَلٌ وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَا أَهْجُرُ إِلَّا اسْمَكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Мендан рози бўлган пайтингни ҳам, мендан ғазабланганингни ҳам биламан»**, дедилар. «Буни қаердан

биласиз?» дедим. «Мендан рози бўлганинда «Муҳаммаднинг Робби билан қасамки, йўқ!» дейсан. Ғабланганинда эса «Иброҳимнинг Робби билан қасамки, йўқ!» дейсан», дедилар». Мен: «Тўғри. Аллоҳга қасамки, эй Аллоҳнинг Расули, мен исмингизнигина хижрон қиламан», дедим» (*Бухорий ривоят қилган*).

Бу ҳадиси шарифни Пайғамбаримизнинг ўзлари айтмаганлар, уни Оиша онамиз ривоят қилиб қолдирганлар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам оилани қандай бошқариш, қандай оила бошлиғи бўлиш лозимлигини ўз сийратлари орқали кўрсатиб кетдилар, бу борада барчага намуна, ибрат бўлдилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

يٰۤاَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا
 زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً ۗ وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ
 وَالْأَرْحَامَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴿١﴾

«Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда икки-сидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан қўрқингиз! Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир» (*Нисо сураси, 1-оят*).

Аллоҳ таоло яна шундай марҳамат қилади:

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ

عَلَى بَعْضٍ وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ فَأَلْصَقَتْ
 قَنِينَتُ حَافِظَتُ لِلْغَيْبِ بِمَا حَفِظَ اللَّهُ وَاللَّيِّ نَخَافُونَ
 نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ وَأَهْجُرُوهُنَّ فِي الْمَضَاجِعِ
 وَأَضْرِبُوهُنَّ فَإِنْ أَطَعْنَكُمْ فَلَا تَبْغُوا عَلَيْهِنَّ سَبِيلًا إِنَّ
 اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا كَبِيرًا ﴿٣٤﴾ وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا
 فَأَبْعَثُوا حَكَمًا مِّنْ أَهْلِهِ وَحَكَمًا مِّنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَا
 إِصْلَاحًا يُوَفِّقِ اللَّهُ بَيْنَهُمَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا خَبِيرًا ﴿٣٥﴾

«Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир. (Аёллар ичида) солихалари – бу (Аллоҳга ва эрига) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир. Хотинларнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга насиҳат қилингиз, сўнгра (бу таъсир қилмаса,) уларни ўринларда (алоқасиз) тарк этингиз, сўнгра (бу ҳам қор қилмаса) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқача) йўл ахтармангиз. Албатта, Аллоҳ олий ва улуғ зотдир. Агар улар (эр-хотин)нинг оралари бузилиб кетишидан кўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборингиз. Агар (эр-хотин) ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини муво-

фиқлаштиргай. Албатта, Аллоҳ билимдон ва хабардор зотдир» (*Нисо сураси, 34-35-оятлар*).

Оила тинч-осуда бўлишининг яна бир шарти аёлнинг солиҳа бўлишидир. Шунинг учун оятда солиҳа аёлларнинг сифатлари баён этилмоқда. Солиҳа аёл оиланинг сирини сақлайди, уни ташқарига ёймайди.

Аллоҳ субҳанаху ва таоло ҳар икки томондан ҳакам белгиланишини буюриб, ўртага кариндошлардан биттадан ҳакам аралашшига рухсат берапти. Агар улар хоҳлашса, яраштиришади, агар хоҳлашмаса, ажратиб қўйишади. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани кўриб-билиб турувчи ва ҳамма нарсадан хабардор Зотдир. У Зот шундай марҳамат қилади:

وَإِنَّ أُمَّرَأَةً خَافَتْ مِنْ بَعْلِهَا نُشُوزًا أَوْ إِعْرَاضًا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يُصْلِحَا بَيْنَهُمَا صُلْحًا وَالصُّلْحُ خَيْرٌ وَأُحْضِرَتِ الْأَنفُسُ الشُّحَّ وَإِنْ تُحْسِنُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا



«Қайси бир хотин эридан (унга нисбатан) кўнгилсиз бўлиши ёки унинг воз кечишидан кўркса, ўрталарини ислоҳ қилиб олишларида уларга гуноҳ йўқдир. Сулҳ (ажралишдан) яхшироқдир. Нафсларга бахиллик (қизғанчиқлик) битилган. Агар (хотинларингизга) яхшилик (чиройли муомала) қилсангиз ва тақволи бўлсангиз, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир (яъни ажрини берур)» (*Нисо сураси, 128-оят*).

Демак, оила аҳлининг тинч ва хотиржам ҳаёт кечириши эр-хотиннинг бахтли ва осуда ҳаёт кечиришлари-

га боғлиқ экан. Юкорида келтирилган ояти карималарда айнан мана шу масала, яъни оиланинг ислоҳи, тинчлик-хотиржам ҳаёт кечиришнинг йўллари баён этилган.

Каъбул Аҳбор: «Қиёмат куни хотиндан сўраладиган биринчи нарса намоз бўлса, ундан кейингиси эрининг ҳақидир», деган. Ҳар бир аёл биринчисини тўлиқ ва қанда қилмасдан бажариб юриши мумкин, аммо эрининг ҳақига келганда тўлиқ адо этолмаслиги мумкин. Шунинг учун аёллар бу нарсага жиддий аҳамият беришлари лозим. Кўпчилик аёллар эрининг топиш-тутиши яхши эмаслигини айтиб нолиб қолишади. Эрининг топиш-тутиши яхши бўлмагани учун уни писанд қилмайдиган аёллар жуда кўплиги афсусланарли ҳолдир. Бу нарса аёлнинг хатти-ҳаракатида, эрнинг ҳақларини адо этмаслигида очиқ-ойдин кўриниб туради. Яъни топиш-тутиши яхши бўлмаган эр маломат остида яшайди. Бундай аёл гуноҳкор бўлади, охиратда Аллоҳнинг ғазабига учрайди. Мўмина, муслима аёл бу нарсага алоҳида эътибор бериши, ўз қарашларини, эрига муносабатини тузатиши лозим.

Донишмандлардан бири: «Эркак зоти аёлига эҳтиром назари билан қарамаяптими, билингки, бундай муомалани биринчи бўлиб аёл бошлаган», дейди. Бир араб мақолида: «Оқила аёл эрининг камчиликларига бир кўзини ёпиб, иккинчи кўзи билан унга қараб яшайди», дейилган. Оила кўрғонини ҳимоя қилишга эр ҳам, хотин ҳам масъулдир. Эр билан хотин оиласи учун биргаликда жон куйдирса, ўртада нифоқ ва низоларга ўрин қолмайди. Бугунги кунда кўпгина ёш оилаларда мана шундай ҳамжихатлик етишмайди. Бобо-момоларимиз қандай оғир кунларни бошдан кечирганларини, ҳар қандай вазиятда ҳам оилаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилганларини, қийин шароитларга қарамай, фарзандларига гўзал тарбия

берганларини бир ўйлаб кўрайлик. Уларнинг ҳаётида муаммо ва ташвишлар бўлмаган, дейсизми? Уларда ҳеч бир камчилик, айб, нуқсон бўлмаган, дейсизми? Албатта, бўлган. Бироқ улар бир-бирларини аяб, бир-бирларига суяниб, бир-бирларини ҳурмат қилиб ҳаёт кечирганлар. Уйларида бир бурда нон топилмай қолган кунларда ҳам эртанги кунга умид билан қараб, сабр-тоқат қилиб яшаганлар. Улардан ибрат олиб яшаётган оилалар ҳозир ҳам йўқ эмас. Аллоҳ таоло барчамизнинг оилаларимиз ва оила аҳлларимизни Ўз ҳифзу ҳимоясига олиб, турли бало-қазолардан йироқ қилган бўлсин.

ХУЛОСА

Иймон инсоннинг ўз мақоми ва даражасида туришини, балки комилликка эришишини таъминлайди. Иймон Аллоҳ таоло тарафидан инсон зотига ато этилган энг катта неъматдир. Агар иймон-эътиқод бўлмаса, инсон ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Агар инсон иймон неъматини бой берса, унинг қалбини нафс ва шайтон эгаллаб олиб, ўз измига юритади ва Аллоҳдан узоклаштиради.

Иймон – бебаҳо ва тенги йўқ гавҳар. Улуғ саҳобий Абу Дардо розияллоху анҳу: «Иймоннинг юксак даражаси Аллоҳнинг ҳукмига сабр қилиш ва тақдирга рози бўлишдир», деганлар. Бундай юксак даражага фақат мўмин киши ҳақли бўлиб, у ўз ибодати ва амаллари билан шундай мақомни забт этишга интилиб яшайди. Шу боис айтиш мумкинки, иймон инсон учун ҳаёт-мамот масаласидир. Бир донишманд: «Иймонсиз киши яланғоч одамга ўхшайди», деганида ҳақ сўзни айтгани шубҳасиз. Ўхшатиш жоиз бўлса, иймон мўмин кишининг зирҳли кийими, нафс ва шайтонга қарши курашадиган ажойиб қуролидир. Бу дунё барча инсонлар учун синов

ва имтиҳон майдонидир. Мўмин киши шу синов майдонида иймони билан синалади, шу иймони туфайли ўзига зарар ва зиён бўладиган амаллардан сақланади.

Киши ҳаёти давомида яхши амалларни кўпайтириб, ёмон амаллардан воз кечиб боради. Шундай қила олса, оқибатда қалби покланиб, мўмин деган номга сазовор бўлади. Салмон Форсий шундай деган экан: «Мўмин киши худди шифокори ёнида юрган беморга ўхшайди. Беморнинг ёнида юрган табиб унга дориларини бериб, кўнгли бирор нарсани тусаганида, «Зинҳор буни ея кўрма, мабодо есанг, сени ўлимга олиб боради», дея огоҳлантириб турганидек, мўмин кишининг кўнгли ҳам баъзи нарсаларни истаб қолганида Яратган уни зарарлардан қайтаради ва жонини олгач, жаннатга боргунига қадар назоратида тутиб туради».

Мўмин киши бир умр ана шундай Улуғ табиб назоратида яшайди, Унинг амр ва кўрсатмаларига биноан иш кўради ва оқибатда ўзидаги касалликни тузатади. Шунинг ўзи мўмин киши учун катта бахтдир.

Мўмин кишига бу синов дунёсида тақво ҳамроҳ бўлиб, унинг кўплаб иллат ва бузилишлардан сақланишига ёрдам беради. Зеро, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Энг яхши озуқа тақводир, энг ёмон кўрлик қалб кўрлигидир ва хатоларнинг каттаси ёлғондир», дейди. Мўмин кишининг қалби ва руҳи тақво билан озиқлангани учун тўғри йўлдан юришда қийналмайди, йўл машаққати унга заррача таъсир қилмайди. Мўмин кишининг қалби соғлом ва пок бўлгани учун ҳақ ва ноҳақни ажрата олади. Бу эса тўғри йўлдан қийналмай юришида катта ёрдам беради. Мўмин киши ҳеч қачон ёлғонни тилга олмайди. Бу иллат унинг қалби ва тилига йўл топа олмайди.

Мазкур китобимизни «Мўмин киши – мукаррам зот» деб атаганимизнинг ўзига яраша сабаби бор. Кўпчилик мўминлик улуғ мақом эканини эсдан чиқариб қўйган, буни билганлар эса лоқайд ва бепарводек. Мазкур китобимизни чоп этиш баҳонасида инсонларга мўминлик мақоми ва даражасини эслатиб қўйишни ва унга лоқайд муносабатда бўлмасликни ният қилдик. Ҳаётда ўзини мўмин-мусулмон ҳисоблаб, лекин бу мақомга зид ишларни қилиб юрган кишини кўрганда ачиниб, раҳмингиз келади. «Нега у ўзини алдаш билан овора? Нега у мўминлик мақомига бу қадар менсимай қарайди?» Шу каби саволлар бот-бот хаёлда айланади.

Шу маънода мўминлик улуғ мақом ва мартаба эканини ҳис қилдириб, шунга яраша ҳаёт кечиришни йўлга қўядиган бўлсак, ҳаётимизда ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғулари шаклланади. Ўзини мўминман, деб юрган киши ҳам айрим ножўя хатти-ҳаракатларини ислоҳ қилиб, тuzатади. Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Бу ҳаётни уни берган Зотнинг хоҳиш-иродасига биноан яшаб ўтиш ҳар кимнинг ўз қўлида. Аллоҳ таоло барчамизни Ўз динида собитқадам бўлишга муваффақ айлаган бўлсин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т. : «Тошкент ислом университети», 2016. – 624 б.
2. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. «Ал-жомеъ ас-саҳих». «ЎзМЭ», Т, 2008 й.
3. Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. 1-жилд. «Шарқ», Т, 2010 й.
4. Ал-Фақиҳ Абу Лайс Самаркандий. Танбеҳул ғофилин. «Мовароуннаҳр». Т, 2013 й.
5. Усмонхон Алимов. Жума ўғитлари. «Мовароуннаҳр» нашр. Т, 2010 й.
6. Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. «Мовароуннаҳр». Т, 2014 й.
7. Абдулҳамид Таҳмоз. Оиша розияллоху анҳо. «Шарқ» нашр. Т, 2014 й.
8. Имом Аҳмад ибн Қудома Мақдисий. Минҳож ул-қосидийн. «Тошкент ислом университети». Т, 2009 й.
9. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. Ихёу улумиддин. «Тошкент ислом университети». Т, 2014 й.
10. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. Дунёни англаш китоби. «Шарқ». Т, 2014 й.
11. Имом Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. «Мовароуннаҳр». Т, 2014 й.
12. Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий. Риёзус солихийн. «Солиҳлар гулшани», «Шарқ». Т, 2015 й.
13. Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий. Ал-Азкор. Дуолар ва зикрлар. «Тошкент ислом университети». Т, 2015 й.
14. Абул Ҳасан Мовардий. Дунё ва дин одоби. «Тошкент ислом университети». Т, 2012 й.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Муқаддима..... | 3 |
| Улуғ хулқлар соҳиби..... | 8 |
| Муъминлик мақоми..... | 23 |
| Меҳр-оқибат ва мунофиқлик..... | 42 |
| Хатокор ва тавба қилувчи инсон..... | 62 |
| Салом – Аллоҳнинг гўзал ва муборак исми..... | 75 |
| Ростгўйлик, аҳдга вафо ва омонатдорлик..... | 89 |
| Таҳорат – ибодат, поклик ва нурдир..... | 102 |
| Ҳаром ва ҳалолни фарқлаш..... | 112 |
| Исломиё тарбияда тановул одоблари..... | 122 |
| Илм ва иқтидор қадри..... | 138 |
| Илм ва илмсизлик баробар эмас..... | 144 |
| Дунё ва охираат бахти..... | 151 |
| Ўзимизни ва аҳлимизни сақлайлик..... | 163 |
| Беморлар зиёрати. Мусибатга сабр қилиш..... | 171 |
| Дуога очилган қўл..... | 182 |
| Умр, мол-давлат ва илм исрофи..... | 195 |
| Ризқ-насиба ва уни таниш..... | 205 |
| Эҳсон – гўзал фазилят..... | 223 |
| Шукр ва ношукрлик..... | 241 |
| Асраб олинган етимни уриш мумкинми?..... | 253 |
| Уй-жой ва маскан ҳурмати..... | 262 |
| Истиғфор сари юзланайлик..... | 270 |
| Қариндошлик ва силаи раҳм..... | 282 |
| Тақво зийнати..... | 295 |
| Сихат-саломатлик қадри..... | 301 |
| Оила – бахт кўрғони..... | 313 |
| Хулоса..... | 323 |
| Фойдаланилган адабиётлар..... | 326 |

Саййид Раҳматуллоҳ Термизий

МҶМИН КИШИ МУКАРРАМ ЗОТ

3 - КИТОБ



Ношир: *Исмоил Муҳаммад Содиқ*

Муҳаррир: *Барно Саидраҳмон*

Арабча матн мусахҳиҳи:

Муҳаммад Алий Муҳаммад Юсуф

Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*

Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*

Мукова дизайнери: *Уйғун Солиҳов*

Мусахҳиҳ: *Ғиёсиддин Болиев*

Нашр лицензияси № АІ 235, 13.02.2013 йил.

Босишга рухсат этилди 27.06.2018. Бичими 84x108 ¹/₃₂.
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табағи 20,5.
Шартли босма табағи 16,88. Адади 5000 нусха.
Буюртма № 58. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Hilol-Nashr» нашриёт босмаҳонаси
100185, Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478
<http://hilolnashr.uz> e-mail: info@hilolnashr.uz